

Мутеулло НАЖМИДДИНОВ



(1927-2001) й.

ТОГЛАРДА ЯНГРАГАН КҮШИК

(ҚИССА)

«Наманган» нашриёти
2013 йил.

УДК: 821.512.133-3

ББК: 84 (5 Тож)

Н - 17

Ушбу китоб таникли ёзувчи, мохир журналист
сермаҳсул таржимон Мутсулло Нажмиддинов-
нинг порлок хотирасига бағишиланади.

Тожикчадан
Омонбай Жуманов
таржимаси

Масъул муҳаррир: Мансур ИНЬОМ,
Ўзбекистон Журналистлар
ижодий уюшмаси аъзоси,
адиб.

1086-3414-0-1574600
НГ---1086-3414-0-1574600---2012
1087 - (12,0) - (11)

ISBN-978-9943-4052-9-5

2013/45

A39/16

номидаги

© «Наманган» пашриёти-2013 йил.

Бу қисса мен чўпонлар саломатлигини ҳимоя қилиш ниятида тоғ яйловига келиб, Чорбоғда чайла ўрнатган биринчи кундан бошланган эди. Мен, албатта, бошимга бирор савдо тушиб, кўнгилсиз ҳодисалар рўй бериб, бу ердаги ҳаётим ташвишу надоматлар шиддати ичидаги ўтишини асло истамасдим. Ақлимни таниганимдан ва олийгоҳни тутатиб қасамёд қилганимдан бўён бугун умр бўйи кишилар саломатлиги йўлида хизмат қилиш бирдан-бир орзуим эди. Мен ҳамма одамлар қаторида ўзимга ҳам тансиҳатлик, хотиржамлик тилардим, ўзгаларга қиласан яхшиликларим эвазига улардан ҳам яхшиликлар қайтишини жуда-жуда истардим. Маълумки, духтур касалларни даволаёттандагина дұхтур, бошқа вактларда эса у ҳам оддий одам - унинг ҳам тани-жони, аъзолари оғрийди, азоб чекади, унинг ҳам хаёллари паришон бўлади. Шунинг учун менимча ва бошқа ҳар бир оқил ва одил кишилар фикрича дунёда хотиржамликдан ортиқроқ неъмат, бойлик йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, ахир донишманлар саломатлик туман бойлик деб бечиз айтмаганлар-ку!

Тану-жонимиз сиҳат бўлгандагина дунё неъматлари биз учун тотли, ширин туюлади, акс ҳолда ёруғ дунё биз учун қоронғу, зулмат. Чорбоғакка чайла ўрнатарканман, ёзнинг илк кунларидан кузнинг биринчи ярмигача бу ерда роҳат қилиб ишлайман, унинг бағридан отилиб чиққан зилол чашмаларининг дилларга ором ва таскин берувчи ширин сувларидан қониб-қониб ичаман, тоза, соф ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас оламан, тоғ этакларидағи ястаниб ётган яшил, баҳмал майсазорларда ён бошлаб, нуроний, оппоқ, чўққиларни завқ билан томоша қилиб, сайру саёҳат қилиб мириқиб, яхшигина дам олиб қайтаман, деб ўйлагандим.

Аммо минг афсуслар бўлсинким, ҳаёт воқеалари ҳамма ваqt ҳам сиз билан биз истагандай бўлавермайди, уйнинг гани кўчага тўғри келмайди. Етти ухлаб тушишга кирмаган шундай ажойиб-гаройиб ҳодисалар рўй берадики, киши баъзан унинг шиддатли гирдобида қолиб, калавасининг учини йўқотади ва уни топа олмасдан гаранг бўлади. Чорбовакка қелгач, менинг ҳаётимда ҳам ана шундай ҳодисалар рўй бериши мумкинлигини ҳис қила бошладим.

Чорбовакнинг қандай жой эканлиги, унинг одамлари ҳақида икки оғизигина ҳикоя қиласай: Уни истасангиз қишлоқ десиг, хато қилмайсиз, исми-жисмига мос бори-йўғи тўрттағина боғи бор ва у ерда уч оила яшайди: ўтилизлардан ошган Сангак, юзлари сутта чайиб олингандек оппок, ҳали йигирма бешта ҳам қадам қўймаган хотини Ширмоҳ, ва саккиз яшар ўили Хуррам, Зардак-касалванд хотини, қайнонаси ва ўрилу қизчаси билан. Айтгандай Сангак билан Зардак-ота биру эна бошқа ака-ука. Зардак Сангакдан бир икки ёш каттароқ, Мурод бобо ва хотини Гавҳар хола. Чолу кампирнинг ўили-жойли ўрилу, бир қизлари бўлиб, улар ўз оиласлари билан Вахш водийсига муҳожир қилингани. Вақти-вақти билан келишиб чолу-кампирни хабар олиб туришади. бу ерда яна бир вайронга боғча бўлиб, унинг эгаси ҳам водийга кўчган, бинонинг деворлари эса нураб, бир неча тул олмурут дарахти ва уйдан нишона бўлиб унинг пойдеворигина қолган холос.

Биз Мадали ака иккаламиз маслаҳатлашиб Сангакнинг боғчасидан етмиш-саксон метр нарироққа, кенг ва хушманзара майдончага, илгарилари ҳам яйлов чўпонлари хизматига келган духтурлар чайла ўрцаттан ерга хайма ўтказа бошладик.

Ўша чайла ўринатган кунимиз, Мадали ака мени Чорбогнинг эркак зотлари билан уларнинг йўқлигига юйибона ва кечқурун ўзлари келгандаридан ҳар бири билан алоҳида-алоҳида таништириди. Шомда, ҳаммадан кейин Сангак келди. У ўрта бўйли, жуссоли киши бўлиб, соқоли олинмаган, мўйловчали, ияги ингичка, юзи чўзик, ингичка ва ёқимсиз овози хўрознинг қичқиришини эслатарди.

- Чайлангизни Миснадеҳга ўрнаттасынгизда яхшироқ бўларди. У ер гавжум, серодам, бу ерда зерикиб қоласиз, - леди у хўроз сингари чақириб, гўё менинг бу ерда пайдо бўлганим унга ёқмагандай. Албатта, унинг нега бундай дейишини мен ўшанда тушуниб етмагандим.

«Менинг бу ерга чайла ўрнатишими шима учун бу одамга ёқмади экан?» - шугина гап кўнглимга келди, холос. Аммо унга бу ернинг кенглиги, зарурат туғилганда беморларни олиб кетиш учун шашардан вертолёт чақирилганида бемалол қўниш жойи борлигини айтмадим. Қоланерса, чорраҳанинг боили ҳар томондан чўпонлар келиб - кетиб туришади, уларнииг агар лозим бўлса бир-икки кеча тунаб кетишлари учун қулай, бундан ташқари анану эгасиз, вайронга уйни чўпонлар бир наф таъмирлашиб омборхонага айлантириб, у ерда ун ва туз сақлашади, вақти-вақти билан ун, туз учун келган чўпонлар менда ишлари бўлса, шу ернинг ўзида осонгина битириб ҳам олишади.

Мадали ака ҳам шу ерга чайла ўрнатишими маъқуллами ва ўзи ҳам бу ишга бошу қош бўлди.

«Менинг нимам сизга ёқмади? Нега бундай дингиз?» - деб ундан сўрашни истамадим.

- Мендан аввал келганлар ҳам шу ерга чайла ўрнатишаркан, - фақат шунигина айта олдим. Сангак лом-лим демай уйи томон кетди, аммо гўё бу ерда юрагимни зиқ бўлишини олдиндан билгаидай таъбимни хира қилиб, ўйлантириб кетди. Шундай бўлса-да, ҳар каллада бир хаёл деб яна ўзимга тасалли бериш билан қоникдим.

Олиб келган асбобу анжомларни чайлага жойлаштиридик. Юқори томонга рация, икки томонга икки сафар каравоти қўйдик. Биттаси Мадали акага, иккинчиси менга. Битта кичкинагина ёзуи столи, иккита курси, керосинка, иккита тунука коса, тунука чойнак, чинни чойнак, кичкина ошпазлик қозони, икки пиёла, капгир, қошиқчалар, дам олиш пайтлари майсанзорга тўшаб чўзилиш учун шолча ва иккита кўрпача, қўл радиоси, шахмат-чайламиздаги бутун бойлигимиз ана шулардан иборат эди.

Энди мен, азиз дўстим, Сизни Чорбоғак кишила-
рининг машғулотлари билан таништирай: Шир-
моҳнинг эри - ўрмончи. Бу ерларда ёнғоқ дарахти,
хусусан қари ёнғоқ дарахтлари жуда кўп. У ёнғоқ
дарахтларини одамлар кесиб кетишмасин, тасоди-
фан ёнғин чиқиб улар нобуд бўлмасин деб назорат
қилиб турди, ёнғоқ пишганда эса уларни териб,
куритиб керакли бир қисмини маҳсулот тайёrlаш
пункти вакилига топшираркан. Аммо ёнғоқлар-
нинг назорат қилинишига қарамасдан, одамлар
қандайдир қулай вақт топишиб, теварак-атрофдан
келиб пайт пойлаб яширин ҳолда кекса ёнғоқ
дарахтларини кесиб кетишлари мени таажжубга
соларди. Ёнғоқзорнинг ҳар - ҳар ерида кўзга таш-
ланиб, сўппайиб турган тўнкаларни кўриб ич-
ичимдан эзилар ва нобуд қилинган дарахтлар ўр-
нига бирор туп ҳам янги ниҳол экilmaganлиги
кўнглимни янада ғаш қилар ва менда жонажон она
табиатимиз кўксига тиф ураётган ва арпа солаётган
бағри тош кимсаларга нисбатан нафрат ҳисси
найдо бўларди.

Ҳозир ёзнинг боши, ҳали ёнғоқ пишишига анча
вақт бор. Сангакнинг ўтай акаси Зардак эса яйлов-
нинг чорвалар ўтадиган таҳта кўприклари қорову-
ли. Унинг яхшигина, киши ҳавас қилса арзийдиган,
албатта, шахсий оти бор. У ана шу отга миниб чорва
подалари ўтадиган кўприклардан хабар олар, бу-
зилган бўлса кишиларни ишга солиб, таъмирлар
экан. Мадали аканинг айтишича, агар кўприклар-
ни баҳор ва ёз бошлиридаги сел ёмғирлари юниб
кетган бўлса, чўпонларга ва совхоз раҳбарларига
уларни қайта тиклаш учун тезлик билан усталар
юборишни хабар қилади. У баҳорда, айниқса,
ёзнинг дастлабки ойида, тез-тез яшин чақиб, момо-
қалдироқлар бўлиб турадиган кезларда, жуда сер-
ташвиш бўлади. Мурод бобо яқин вақтларгача
ўрмончилик қиларкану, икки йил бурун унинг
ўрнига Сангак тайинлангач Чормағзакондан Чор-
боғакка кўчиб келиби. У ота-боболари, авлодлари
бир умр яшаб, меҳр қўйиб, маскан тутган бу
муқаддас жойни ташлаб водийга, фарзандлари
ёнига кўчиб кетишни истамаган эмиш. «Мен би-

лан кампирим ошимизни ошаб, ёшимизни яшаб бўлдик, кўпи кетиб ози қолди, вақти соати етиб оламдан кўз юмсак, киндик қонимиз тўкилган шу ерга кўмишларинг керак деб дилидаги гапини айтибди у ён - атрофдаги қишлоқларда қолган кишиларга».

Мен сизга айтсан, азиз дўстим, ҳар ерга хоҳ мұваққатан, хоҳ доимий манзил қурдингми, илоҳо баҳтинг ва ишинг барор олсин-у қўни-қўшила-ринг ва ўртоқларинг яхши кишилар бўлишисин! Сен уларни тушуниб етгину, улар сени тушунишсин. Бир-бировини тушунмасликдан турли хил келишмовчиликлар келиб чиқади. Кишилар бир-бирларини тушунгган ерда ҳаёт ҳам тотли, лаззатли, сермазмун бўлаверади.

Сангак бизнинг энг яқин қўшнимиз. Мурод бо-бонинг уйи биз ўрнашган ердан бироз қўйироқда. Зардак йўлнинг баландроқ томонида, биздан узоқроқда довоннинг пастида яшайди. Уйлари узоқлиги боис Мурод бобо ва Зардак билан қўшничилик қила олмаймиз. Мен билан Мадали aka ҳар куни бир марта иссиқ ошу таомни ўзимиз, гоҳо у киши, гоҳо мен пишираман. Биз учун сабзи, пиёз, картошка ва бошқа керакли сабзавотларни ҳафтада ёки ҳар ўн кунда бир бор совхоз марказидан яйловга келган одамлардан юборишади. Гўштни эса чўпонлар яйловдан ўzlари учун эчки-ю қўй сўйганларида юбориб туришади. Қозон-товоқ, коса-ю пиёла, шунингдек кийим-кечак, сочиқу рўмолчаларни ювиш менинг зиммамди. Менимча одам қандай шароитга тушмасин, албатта, ўзига хос, покиза ва озода яшаши керак. Бу ер яйлов, шу сабабдан баъзида кўйлагимизни дазмол қилмасдан кийсак ҳам бўлаверади, гарчи бизни чўпонлардан бошқа ҳеч ким кўрмаса да тоза кийиш шарт. Аммо нонимизни бирор аёл пишириб берарди, турмуши-миз ташвишлардан холи, ўз маромида мўътадил ўтарди. Нон магазини биздан юз километр пастда, Коратегин ноҳияси марказида. Биз турган ердан ноҳия марказига ҳар куни ҳам машина қатнайвермайди. Нонни ҳам Мадали aka гоҳ-гоҳ куёви чайла ўрнатган баланд бир тоғ этагидан олиб келарди.

Аммо Мадали ака у ерга ҳар куни бориб кела олмайды, икки-уч кунда бир бориб уч-түртта нон олиб қайтади. Бирок у нонлар ҳам чайламизга қўниб ўтувчилар кўплигидан тез тугаб қолади. Мен ва Мадали акага иши тушиб келувчилар ақлларини ишлатиб лоақал ўзлари учун ейдиган нонларини белларига боғлаб келишмайди. Хайриятки, баҳти-мизга замонамиз очлик замони эмас. Нону ун ҳамма ерда етарли, сероб. Мен сурпа бошига ўтириб хамир қориб қозонда чапати пиширишни удалай олмайман. Бу ишни ҳаргиз қилган эмасман.

- Энди нима қиламиз? Нонуштага нон йўқ-ку, - дедим Мадали акага. Ноннинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайды, на гўшту, на қанд. Оқшом нонимиз камлиги учун тўйиб гўшт еган эдик, менда энди гўшт ейишга иштаҳа қолмаганди-кўнглимга текканди. Дилим бир бурдагина, юмшоққина нон тиларди. Нон! Ҳа, лоладек қип-қизил пишган юзларингдан ўргилиб кетай. Нон! Барча емишларнинг подшоси-султони, жаннат неъмати нон!

- Менимча, Сангақдан илтимос қилсагу хотини Ширмоҳ бაъзи-баъзида бизга нон пишириб бериб турса. Унимиз етарли. Аммо у рози бўлармикан йўқми, бу ёри қоронғу. Сенга ростини айтсан, Мирзо, бундайин аёл қўлидан нон ейишнинг ўзи ҳам савоб, - деди Мадали ака негадир менинг синчковлик ҳиссимни ўйботиб.

- Яхшилик қилу, дарёга ташла, балиқ билар, балиқ билмаса холиқ билар, - дейишган. Яхшилик қилса, унугмасмиз, бир куни эмас бир куни биз ҳам қайтарармиз, қарздор бўлиб қолмасмиз, ахир, - дедим унга. Аммо шуни яхши билинг ва эсда тутингки, инсон кўнгли ҳамиша танимаганни танишни, кўрмаганни, кўришни, билмаганни билишни истайди. Ширмоҳ деган ажойиб жарангдор номни Мадали акадан эшитдиму, ўша лаҳзадан бошлаб кўнглимда уни кўриш, бир зум бўлса ҳам у билан ширин сухбат қуриш иштиёқи пайдо бўлиб, тинчимни буза бошлади.

- Кошки шундай бўлсайди, - деди Мадали ака ва

кейин бу халқ мақолининг қайси пайтда айтилғанни сүради. Аммо мен унинг бу саволига жавоб қайтара олмадим. Шунда у: «Бу мақол ҳақида ажойиб бир ҳикоя бор, мавриди келса, албатта айтиб бераман» - деди.

Сиз, азиз дўстим, ҳаммадан ҳам болаларнинг зийраклигини яхши биласиз, улар ҳар бир янги нарсани дарҳол илғаб олишади. Бу, албатта ҳаммага аён. Биз юкларимизни машинадан тушириб, ерга темир қозиқлар қоқиб, чайла ўрнатишга киришган чогдаёқ Сангакнинг ўрли ҳаммадан аввал чопиб келиб ўзини таништирган эди ва ҳар доим келиб бизга бирор ишда ёрдамлашишга ҳаракат қиласади. Менга бу боланинг дўстлик феъли, яъни бошқалар хизматига доим тайёр туриши, ҳамма билан тил топиб, дўстлашиб кетиши ёқиб қолган ва бу ерга келган биринчи кунимдаёқ у билан ошно бўлиб қолганидим. Мен унга биринчи кўришимданоқ «жўра» деб мурожаат қила бошладим ва менинг бундай муомалам болага ҳам маъқул туғганини сезиб турадим. Мадали ака билан шахмат ўйнаган пайтларимиз у бизнинг ёнимизда ўтириб ўйинни томоша қиласади, оқ ва қора доналарни ўзича кўриша устига териб уриштиради. Баъзида Зардакнинг ўслини ҳам бошлаб келасади. Чайламизда одам бўлмаган вақтларда ҳам мен ҳеч зерикмасдан, бу икки бола билан ҳар тўғрида гурунглашиб ва уларга шахмат ўйнашни ўргатардим. Улар ҳам ўзлари билган ҳамма нарсаларни ҳатто, ота-оналарининг зарарларига бўлишини ҳам тушумай бу ҳақда ўйлаб ҳам кўришмай менга очиқ айтаверишади. Масалан, Зардакнинг ўғлидан эштишишмча, у хотинига «ўладиган бўлсанг, тезроқ ўл, мен сендан кутулай, дер экан. Бир неча йил умид билан бир ёстиқقا бош қўйган, бутунги кунда касалликка чалинган хотинининг юзига тафт тортмай бундай дейиш, албатта, бағри тошдан ҳам қаттиқроқ бўлган кишинингина иши бўлиши мумкин. Накадар андишасизлик, бағритошлиқ нишонаси-бу. «Онантнинг қандай касали бор?» - деб сўраганимда бола мунгли овоз билан «жигари оғрийди» деган эди.

«Дўхтирга бормадими?» Бу саволга «дўхтурга борди-ю, аммо тузалмади» деб жавоб берганди маъюслик билан. Шундан кейин отаси дұхтурдан қайтариб олиб келибди.

«Зардак раҳмисиз одам экан, бундай кишилар қўлидан ҳар иш келади», - дедим ўзимга ўзим бола айтган сўзларни эслаб.

Хуррам эса онаси Ширмоҳнинг отасини ёмон кўришини айтарди. Чунки отаси онасининг қишлоққа бирор марта ҳам оёқ босишини истамас экан. Сангак Ширмоҳни бу ердан ҳам олисроққа, тоғнинг одамсиз бирор қабатига, одам боласининг оёғи етмаган ва етмайдиган жойга кўчириб олиб кетиши ниятида эмиш. Болаларнинг бу гапларидан менинг таажжуб ва ҳайратим тобора ошиб борарди. Мен Сангакнинг ўз хотинини нега тириклар зиндонига олиб бориш истагида эканлиги сабабини билишни истардим. Ёки аёл бирор қаттиқ, кечирилмас гуноҳ содир эттан бўлса шу йўл билан уни ёлғиз қолдириб, зикликка маҳкум этиб, юрагини зардобга тўлдириб ундан абадул-абад кутулмоқчими? Эркак кишининг юраги тош бўлса у хотинига ҳар йўл: яъни уриш, сўкиш, дилозорлик қилиш, тўрт девор орасида тутиши билан жазо бера олади-мен бу сирларнинг тагига етишни хоҳлардим. Одам ўз оиласидаги камчилик, бору-йўқликларга у қадар аҳамият бермайди, бепарво бўлади. Аммо ўзгаларнинг оиласи ҳаётига бор вужудини қулоқ қилиб зеҳн солади. Эҳтимол, мен ҳам ҳозир ана шундай ҳолатда эдим. Бу ерга келганимга бир неча кун бўлишига қарамай хали у аёлларни кўрмаганман. Афтидан бу кимсалар билан яхшигини танишимасам тинчмайдиганга ўхшайман. Кўнглим худди ҳозир Ширмоҳнинг уйига бориб ундан иккитагина нон сўраб, шу баҳона билан уни кўришини истарди. Халқ мақолида айтилганидек, элак баҳонаю дийдор ғанимат дердим дилимда. Бундан ташқари Сангакнинг менга: «Чайлангизни бу ердан узоқроққа ўрнаттанингиз менимча яхшироқ бўларди» дейиши сабабини билиш ҳам назаримда очилмаган тутун бўлиб кўринади.

Одатда концерт эшиттирилаёттан вактда қүл радиоси муруватини бурасам, Хуррам қаерда-ки бўлса, хоҳ уйларида, хоҳ боғчада, қўшиқни яқиндан эшитиш учун чопганича етиб келарди. Афтидан, уларда бундайин радио йўқ эди. Зеро, мен келган кунимдан бўён уларнинг уйи томонидан бирор марта ҳам радио овозини эшитмагандим. Хуррам радиодан атрофга таралаёттан қўшиқ садосини эшитиб, чопқиллаганича олдимизга етиб келганида, биз Мадали ака иккаламиз қаердан бир бурда нон топиш борасида бош қотириб ўтирадик.

Хуррам қўшиқни эшитиб бўлгач, мақсадини айтди:

- Онамнинг боши қаттиқ оврияпти, доринг бўлса бер, олиб борай, - деди у.

- Бош оғриқдори бор, аммо дори учун онангнинг ўзи келса яхши бўларди. У юра оладими ёки кўрпатўшак қилиб ётибдими? - сўрадим.

- Юради, - деб дадиллик билан жавоб берди у.

- Бориб айтгин, дорини ўзи келиб олиб кетсин, ҳеч ким ҳозиргача дуҳтурдан тортинмаган, онанг ҳам бемалол тортинмай келавесин. Биз онангни еб қўймаймиз. Яна нонларинг бўлса, бизга иккита олиб келсин. Нонимиз тутаб қолибди, - дедим.

Хуррам орқасига қайтди-ю, бир зумда иккита ўчоқ иснни олиб келди.

- Дуҳтур, доринг бўлса менга беравер, ёки ўзинг олиб бор. Онам сенинг чайлангта келишни истама-япти. «Чайласида аёл йўқ» дейди.

Боланинг бу гапларидан қошлиарим чимирилиб бир қоғоз бош оғриғи дориси қўлимда, менимча, цитрамон бўлса керак, Хуррамга бериб тайинладим: «Онангга айтгин, биттадан ҳар куни уч марта ичсин! Яна онангдан сўрагинчи, агар бош оғриғи қолса, бизга ўз унимиздан нон пишириб берарми-кан ёки йўқ. Биз нонсиз қолдик, жўра.

Минглаб қора шапараклар, ростини айтганда, бунақасини ҳозиргача ҳеч қаерда кўрмаган эдим, шақ-шақ қилиб қулоқни қоматга келтириб мияни гиж қилаёттан олмурут дараҳти тагида ўтириб энди-

гина бир пиёладан чой ҳам ичган эдикки, қарши-
мизда яна Хуррам пайдо бўлди.

- Бош оғриғи қолса онам нон пишириб беришга
рози; «Унлари бўлса олиб кел, бўлмаса ўзимизниңг
уни миздан пишириб бераман» - деди, - хабар
берди у.

Мен Ширмоҳнинг бу жавобидан «боши оғриёт-
ган аёл қандай қилиб бирдан бизга нон пишириб
беришга рози бўлдийкин.

- Хайрият, бу масала Сангакка айтмай ҳам ҳал
бўлар экан», - деган хаёлга келдим.

- Ширмоҳ нон пишириб боришга розилик бил-
дириған бўлса, ташвишдан ҳам кутилдик, - деди
хурсанд бўлиб Мадали ака.

«У ўзи қандай аёл бўлдийкин-а? Бирон балоси
бор. Ёки бегона эркаклар билан танишишни яхши
кўрармикан? Ахир бизнинг замонда ўз эрларини
ҳар хил йўллар билан алдаб, лақиљатиб юрадиган
зотлар камми? Наҳотки, ана шундай узоқ бир
тўшада ҳам енгил оёқ аёл бўлса-ю, эри бунга чираб
юрса. Мени бирдан шундай ёмон шубҳалар ўраб
олди. Ё эҳтимол, исми жисмига муносаб, сутдек
оппоқ юзли бўлиб эрини писанд қилмас. Нега энди
Сангак уни одам боласи оёғи тегмайдиган, инсон
нафаси стмаган олис тоғ қучогига олиб кетмоқчи
екан. Шояд у ҳуру парию бетавфиқ, суюқ эркак-
лар дастидан қочириб шундай қилмоқчиидир. Гўзал
аёлларни йўлдан уриб баҳра олмоқчи бўлган бад-
кор эркаклар йўқ, дейсизми? Бу Сангак, чамаси,
хотиндан куйганга ўхшайди. Албатта, бу аёлда
қандайдир бир сир бор!

Мадали ака болани роса мақтаб, унга ун туғиб
берди. Совхоз омборчиси бу ерда ҳамма вақт ҳам
турга олмайди. Шу боисдан ун ва туз омборининг
калитини Мадали аканинг ўзи олиб юради. Қайси
чўпонига ун ёки туз зарур бўлса, Мадали ака тортиб
бериб, дафтарга чўпоннинг номи ва олган ун ёки
тузининг миқдорини ёзиб қўярди. Кейин ўша одам
билан омборчининг ўзи ҳисоб-китоб қиласеради.

Чошгоҳда Мадали ака ўз вазифасини адо этиш ва
қизидан хабар олиш учун Варзи Болого жўнади.

Чайлада ўзим ёлғыз қолдим. Бирор соат чамаси китоб ўқидиму, ҳафсалам битди, ўтира олмадим. Ёлғизликдан таъбинг гоҳ чөг, гоҳ ночөг бўлади, бу қандай туйку эканлигини англаб етолмасдим. Дарё соҳилига бориб тик турганинча сувга сукланиб боқиб дарё оқимининг шиддатини узоқ томоша қиласдим. Дарё лабида ўтиргину умрнинг ўтишини кўр, дердим ўзимга. Хингобнинг тез оқар суви Сурхоб дарёси билан қўшилиб азим Вахшни ташкил қиласди. Вахш - бу ўша донги етти иқдимга кетган муқаддас дарё. Худди ана шу Вахш Норак ГЭСини ишга солиб ўз шуҳратига шуҳрат қўшган, ўзини бутун дунёга танитган. Бу тенги йўқ нур манбаи туфайли хонадонларимиз, фақат бизнинг уйларимизгина эмас, балки дўсту қадрдонларимиз уйлари ҳам чароғон, турмушимиз фаровон, жумхуриятимиз донги эса ҳатто Америка деб аталмиш буюк мамлакатгача бориб етди. Мен бу улкан дарё қошида ўлтирас эканман, унга тиз чўкким, унга таъзим қиласм келди ва чиндан ҳам унга бош згаман ва ифтихор ила бу тез оқар дарёга ана шу муқаддас ва пок заминимизда пайдо бўлгани учун ташаккур айтаман. Бу бизга яратганинг ўзи ишъом этган ризқимиз, баҳтимиз эканлиги учун қувонаман. Сўнгра дарё лабидан унинг ўнг томонидаги айтарли кенг бўлмаган текислик томон йўл олдим. Уердаги қийғос гуллаган зиразор диққатимни ўзига тортди. Зиранинг гул ва шохлари худди қашничга ўхшайди. Ундан бир нечтасини узиб олиб ҳидлаганинча чайламга қайтдим. Кўнглим күш, кайфиятим чөг, лекин мени қандайдир бир ташвиш, Ширмоҳ билан танишиш безовта қиласди. Пешин вақтида Ҳуррам келиб онаси нонни пишириб қўйганлиги ва ўзи келиб олиб кетсан, деганини айтди. Энди мен Ширмоҳнинг уйига бормогим лозим. Қизиқ.

Менга маълум бўлишича, бу аёл ҳеч қандай бош оғриғига дучор бўлмаган. Мени кўрмай атрофимда ўргимчакдай тўр тўқийди, ё мумкин бирор дарду алами бору давосинию шифосини мендан тилайди: Менга ақл эмас кўнгил раҳнамолик қилиб йўлдан чиқармоқчи бўларди. Ақдим бўлса бу йўлдан қай-

тишга чорлаб бирор балога гирифтор бўлишинг мумкин, деб огоҳлантиради. Ахир Сангақ унинг уйига борганимни билиб қолса кўнглига қандай гаплар келмайди? Мадали ака набиралик одам. Мен ёшман. Менинг хотин, бола-чақам шаҳарда. У аёл ҳали мени кўрмай, танимай уйига таклиф этяпти. Эркак зотининг ажиб бир хислати бор: агар беш юз метрдан бўлса-да, аёл висолининг ҳиди димогига урса ҳавою ҳавас тулпорининг жиловини бўш қўйиб ўша томонга йўргалаб қолади. Сен шаҳарда бўлсанг, азиз дўстим, бу гапни мен ўзимга айтилман, бир кунда юзта аёл билан гаплашасану танишиб оласан, аммо ҳеч кимнинг сен билан иши йўқ. Аммо Чорбоғак ва унга ўхшаш кичик қишлоқларнинг ёзилмаган ўз қонунлари бор. Ана шундай хитобу итоблар хаёлимга келмас, аксинча, ҳой эркак, сени аёл, биласанми аёл чақирияпти, шундай экан унинг ўзига ишончи бор, борақол! Фурсатни бой берма! Ширмоҳнинг таклифидан юз ўтирумай, унинг қандай аёл: чиройими, хунукми, нурлими, нурсизми, ўзига қандай ороишу зеб беради, юриш туриш, сўзлаши нечук, шуларни билиб олиш учун унинг уйи томон йўл олдим. Киши хом сут эмган банда кўп вақт қилаётган ишининг, босаётган қадамнинг охир-оқибатини ўйламайди. Менда ҳам ҳозир ана шундай ҳолат юз берар эди. Уйида ўзидан бошқа ҳеч ким йўқ, ўғли Хуррам эса менинг чайламда, то қайтиб келганимча пойлоқчилик қилиб ўлтириш учун қолганди.

Ширмоҳ, Ширмоҳ, ё тавба, ё тавба, аёл дегани шунчалар дилбар, шу қадар ҳам гўзал бўлар экан-а? Мен неча йилдан буён Душанбеда яшаб, иш юзасидан неча-нечча қишлоқларни кезган бўлсамда бундайин чиройли, фусункор аёлни умримда кўрмагацдим. Юзлари ширмон ноннинг ўзгинаси, гавдаси бошдан оёқ дилкаш, соғлому бардам. Аёл ҳам шунчалар орастга, ҳусн соҳибаси бўларкан-а! Гўёки табиат ўзидағи барча гўзаллигини унга баҳиш этгандай! Бу менинг дастлабки таассуротларим эди.

Гўзал аёллар ҳам Шарқ, ҳам Farb китобларининг

абадий мавзуси бўлиб келган, аммо менинг фикримча, бу тоғлик тожик аёлининг тасвирини шу кунгача на гарб ва на шарқнинг ман-ман деган ёзувчиларининг биронтаси ҳам ўз асарларида акс эттира олмаган. Кўзларим юзига тушиши билан бир лаҳза хушдан кетдим ва аклдан оздим. Ваҳланки, мен ўзимни таъсирчан деб ҳисобламасдим ва бу ҳолатни ҳеч қачон бошдан кечирмагандим. Юрагим негадир тез-тез ура бошлади ва фариштадай гўзал бир малика Сангакка насиб қилганидан шу ондаёқ унга нисбатан кўнглимда рашку ҳасад пайдо бўлди. Қадимги достон ва эртакларда йигит афсонавий гўзал қизни кўриши билан гўё хушдан кетиб йиқилиши ва хушбўй ўсимлик ва гиёхлардан олиб келиб унга ҳидлатишгандан, гулоб сочишгандан кейингина ўзига келганлигини кўп марта ўқигандим. Ҳозир эса бу аёлни кўриб бир лаҳза ўзимни йўқотиб, ҳушим бошимдан учмаганда эди, достон ва эртакларда катта маҳорат, юксак завқ-шавқ билан тасвирланган ўша қаҳрамонлар ҳолатига асло ишонмаган бўлардим. Дард азобини билмоқ истасанг, дардманд ҳузурига бориб бил, табиб олдига эмас, деган эканлар. Зеро беморгина бундай азобни бошдан кечиради. Азиз дўстим, мен тоғлик тожик қизининг ҳуснини тасвир қиляпман. Ҳақиқий рассом топилиб, Ширмоҳнинг розилиги билан лоақал унинг узуклар тақилган кўлларинигина тасвирлаганда ҳам шунинг ўзидангина унинг бутун вужуди гўзаллик тимсоли эканлигини сезиш мумкин эди. Ҳали сиз қаду қомати, кўзи, сочи ва бошқа назарга дастлаб тушадирган аъзоларини бир ёққа қўйиб туринг. Ана шундай бир нозанин, йўқ, йўқ уни нозанин дейиш камлик қиласди, бу аёл сифатини ифодалаш учун бундан бурун ҳеч ким тўғрисида андоқ келишган ва муносиб сўзлар айтилмаган бирор янги ибора топмоқ керак. Шундай бир гўзал ҳусн эгаси Сангакнинг хотини ! Хайф, бу аёл Сангак учун.

Албаттага, Сангак Ширмоҳнинг гўзаллиги сабабидан унинг аждоди ва ўзи туғилган серодамроқ қишлоқдан ҳеч кимсанинг назари тушмайдирган

бир чет, камодам жойга кўчириб келибди ва бу ерда ҳам келиб кетувчилар борлигини сезгач, яна йирокроққа олиб бормоқчи бўлибди. Орзуси унинг ҳуснига ғайриларнинг шигоҳи тушмасин-у, фақат ўзигина баҳраманд бўлиб яшасин.

Сангак бу аёлнинг ўн саккиз ёшлигидан бирга яшаб келган бўлса-да, унинг ҳусну тароватидан бирор зарра кам қила олмабди, гўё Ширмоҳ ҳуснининг тошқин дарёсию зэрралар бухор бўлганидан унчалар зарар топмас. Худонинг даргоҳига минг марта шукр қиласанки, эркаклар учун бунчалик олийжаноб маҳлуқни яратади-ю, аммо бу маҳлуқни муносиб жойга тушмаганилигидан афсусланасан. Шаҳарда, агар йигит ва қизлар кўриб қолсалар томошасидан тўймай, орқасидан қараб юрадилар. Бу хаёллар билан банд бўлиб, лаҳзалардан сўнг ўзимга келиб, қаерда ва кимнинг олдида турганимни англаб ўзимча дедим «Ширмоҳ агар хоҳласа ва шарму ҳаёни йиғиштириб қўйса бир нигоҳ, бир табассум, нозу ишваси билан ҳар қандай манман деган йигитлигина эмас, ҳатто тарки дунё қилган ва дунёвий ишқ баҳридан кечган кишиларнинг ҳам ҳиссиётини қўзғатиб, ўзига асир қилиб олар.

Дилрабо аёл ҳар бир эркак учун бебаҳо сарват ва қайси бир йигит бундай сарватни лоақал вақтинча бўлса ҳам қўлга киритишини ва эгалик қилишни, ҳусну жозибасидан фойдаланишини истамайди, дейсиз. Азиз дўстим; андоқ хаёл қилган бўлсангиз, ўзингиз уни излаб топинг-у, узокроқдан бўлса ҳам бир қараб боқинг, дарҳол дилингизда яшаш учун меҳру ортар ва қанотлари синмоққа яқин келган кўнглинигиз қуши қайтадан баланд учарга омади бўлгай. Ҳақиқий инсоннинг дунёда яшаш учун меҳру муҳаббатини ортирадурган нарса нима, айтингичи?! Зеболик, зебопарастлик эмасми, ахир! Бу зебоиликни ҳар бир хотинда кўриб ва билиш билан унинг қадрига етиш ҳам зарур эмасми? Худони дея ё табиатни бундай сураткашлик қобилиятига қойил қолмасанг бўлмайди.

- Номинг нима, духтур, нега сурат бўлиб тикилиб

қолдинг умрингда хотин зотини кўрмаган ва гаплашмаганмисан? - деди бетимга қараб кулиб. Аммо у қандайин кулги эди. Унинг чеҳрасида ярқираган бу кулги осмон зулматидан кечанинг ярмида чакмоқ чақиб то ергача ёруғлик тарқатгандай бағримга нурлар сочди. Яна овозининг жарангдорлиги кулгусидан ҳам юксакроқ эди. Элнинг айтишича, қадим замонларда оналар уйда, отунбилиар мактабда қизларга таалуқ ва хос назокатни, қандайин табассумлар билан чехрани безатиб ва юмшоқроқ гапиришни маҳсус таълим берар эмисилар, чунки бундай сифатлар қиз нархини-ю, қадрини орттирап экан, токи эркак киши бунақанги тарбия олган аёлларни бир маротаба кўрганидаёқ мафтун бўлиб, ишқида куядиргон бўлса. Афтидан Ширмоҳнинг онаси ҳам қизига кулиш назокатли ва латифлиги санъатидан дарс берганга ўхшаб кўринади кўзимга.

- Мен сендан сўрайпман, духтур хаёлинг қаерда?
- Яна сўради у.

Мен унинг олдида, эндиғина ўзимни тутиб, қўлга олган эдим. Сўзимни уни мақташдан бошладим ва:

- Сенинг номинг Ширмоҳ, менинг исмим Мирзо. Сенинг номинг ўзингга жуда муносиб узукка кўз қўйгандай ярашиб турибди. Сен хийла гўзал, чиройлилардан ҳам чиройлироқ экансан. Қоронку осмонни ой қандай ёритса, кулгинг ҳам чехрангни шунчалар ёритади. Овозларинг жарангдор. Торнинг хушруй қизларини, ахир шоирлар асоссиз бу қадар таърифламаган, - дедим ўзимни унинг сеҳрли, жоду кўзлари жозибасидан қутқармоқчи бўлиб. У ибо қилмасдан мени ўғли воситаси билан даъват қилган бўлса нега мен бундай рост сўзларни унинг юзига айтмайин? Аммо бир дамда унинг ҳолатию авзойи ўзгариб, хурсандлиги маъюслик билан алмашди.

- Гап аёлнинг ҳуснида эмас, мусиқали овозида ҳам. Гап унинг хулқида. Аёлнинг аччик ва ширин сўзларида. Сен буни, албатта, биласан ва билишинг керак. Аёлнинг тили ширину, хулқи ёмон бўлса, бу ҳам яхши эмас, - деди у яна чеҳрасига табассумла

оро бериб. Лекин мен унинг бу кулишлари замирида унинг дарди ва маъюслиги борлигини сезиб турардим. - Сенга номим Ширмоҳ эканлигини ким айтди?

- Номингни кимдан эшитганимни эслай олмайман, - дедим ўғли Хуррамдан эшитганимни яшириб. - Сенда яхшиликнинг тўрт хосиятини кўриб турибман: юзинг, соchlаринг, табассуминг, овозинг. Номинг эса бу яхши хислатлар жамулжамиdir.

- Анча гапдонга ўхшайсан, духтур Мирзо. Сен билан сұхбатлашгим келяпти, - деди кулиб ва кўнглидан ўтган нарсани сир тутмай. - Мендаги яхшиликларнинг тўрт жиҳатини айтганинг дуруст. Мен факаттина бировларнинг айбларини излаб юрадиган кимсаларни ёқтирмайман. Менинч, сен ундейларга ўхшамайсан. Лекин сен ҳали фақат менинг ташқи жиҳатларимнигина кўряпсан. Сен айтган тўрт нарса бу менинг зоҳирий томонларим. Мен сенга гап аёлнинг хулқида эканлигини айтдим. Мен сендан хулқим ёқадими, йўқми деб сўраганим йўқ.

Ширмоҳнинг менинг гапларимга бу қадар эътибор беришидан ҳаяжонга тушдим ва ҳайрон бўлганимча сўрадим:

- Сен қаерда ўқиган, қайси мактабни тутгатгансан, гапиришингдан олий маълумотликка ўхшайсан.

- Ҳа, гапларим маъқул бўлдими? Сен Мирзо, ажаб ғалати одам экансан, нима бирон олий мактабни битирган аёл яхши гапиради-ю, олий мактабда ўқимаганлар бемаъни-ю, фаж гапларни гапиришадими? Сен ғалати одам экансан, - яна ўша гапини такрорлади ва чунон нозу истифно билан кулдики, аёлнинг бунчалик тасвир қилувчи кулгисини асло кўрмагандим.

- Йўқ, йўқ, асло бундай демоқчи эмасман. Олий маълумотлилар орасида ҳам шундай маъниси йўқлар ва аксинча, маълумоти олий бўлмаганлар орасида чунон донолар топиладики, сенга ўхшаб кишilarни қойил қолдиради, -хатомни ислоҳу силоҳ қилиб айтдим. У яна ёқимли кулди. Хотинларнинг

шундай бир тоифаси борки, улар ёшу қарига ҳамиша табассум билан боқиб гапираплар. Бу хислат эҳтимол тарбиядан ва аслини айтсам табиатдан дур. Ҳамиртуриш яхши, сифатли бўлса ион ҳам ширин егулик пишади дерлар. Шундай хотинлар борки, агар ростдан ҳам ёқиб қолсанг, у сенинг юзларингта хушомад билан кулиб қарайди, карашма билан ром қилади, киприклари тифини қалбинга санчади, гар ёқмасанг борми, қошларини чимириб сен билан гаплашишга ҳуши келмай, юзлари худди булатли осмонга ўхшаб кетади. Албатта, бу феъл табиатдан эмас тарбиядин. Ҳушинг келганга яхши қарайсан, ҳушинг келмаганга қовоғингни солиб ўтасан ва одоб ҳам инсонни безашини айтмайсан. Ҳали унинг бу кулишлари менинг унга ёқишимданми ёки унинг табиатида ёшу қарига ҳаммага баробар хандонми ҳали айтолмасдим. Унинг юзларига қарадиму кўнглимдан ўтар эди. «Мирзо, наҳотки сен Ширмоҳга узоқдан бир ва яқиндан икки марта баробар кўринишинг билан ёқиб қолган бўлсанг. Сен ҳам мабода буңдай зотни кўрмаганингдан хурсанд бўлиб ўзингни бой бериб қўйма. Албатта ҳамма Юсуфи гумашта сингари бўлавермас. Аммо, ҳар ҳолда нафснинг гапига кириб ақлни йўқотиб унга кўнгил берма. Хотининг бор, фарзандларинг бор. Бир ўйлаб, ўзинг билан кенгашиб кўр, табиат чиройли, тоғлар, ажойиб чиройли, дарё бўйларининг маиззараси одамни ҳайратда қолдиради, бунинг устига бу Ширмоҳ ақлу ҳушни бошдан кетказди. Бу аёл маккорга ўшар. Сени ўз домига туширмасин. Сен эркакнинг бадбахтлиги, аёлу атфол кунининг қора бўлишида нафси шаҳвоийнинг гапига киришдан бошланишини биласанку.

Ҳавою ҳавас ва ҳам ишқнинг аввали лаззатлик, ниҳояси расволик, ҳушёр бўл. Ўз хотинию, болаларини ташлаб, зору низор қақшатиб, ўзгалар хотининг этагини тутиб кетган, охир-оқибат ёру ағёрлар ўртасида шарманда-ю шармисор бўлган эркаклар жумласидан бўлма! Шундан сўнг унинг оппок, момикдек семиз, бармоқлари калта қўлидан қатик суртиб пиширилгаг, лоладек қип-қизил бўр-

силдоқ нокларни олдиму, олам-олам ҳиссиётлар билан маст бўлганимча чайлага қайтдим. Лекин менда ана шу дақиқалардан бошлаб Ширмоҳ билан ҳамхоб бўлиш, хотинимга хиёнат қилиш фикри пайдо бўлди. Аммо мени бу йўлдан фақат икки нарсагина қайтариб турарди. Биринчидан, худи тилло балчиққа тушгандек шунчалар гўзаллиги билан Ширмоҳ қадрини кетказиб кўнгли истамаган бир кишига хотин бўлибди. Мен Ширмоҳни бағримга босиб иссиқ-иссиқ бўсалар олиб кўнгил муродига етмаган кўзим олдида кўнгли тортмас Сангак пайдо бўларди. Иккинчиси онгимга йигитлик чоғимдан қаттиқ ўрнашиб қолган «Бировлар эшигин қоқмагил, зинхор сенинг эшигингни ҳам қоқувчилар бор», - деган халқ мақоли эсимга келарди. Сен агар бошқалар хотинининг ишқида бегона эшикни қоқиб борсанг, хотиржам бўл, сенинг эшигингни ҳам бирор вақт бирон киши қоқиб кирап деган фикр бошимга келар эди. Ўта даҳшатли фикрлар менинг қалбимни титратар эди. Мен Сангакнинг эшигини қоқсам, наҳотки менинг эшигимни ҳам бирон бегона киши тақиллатиб, инсофли умр йўлдошимга ифлос кўлини чўзса. Менинг миямга, албатта, ўз хотину болаларим баҳридан ўтиб, Ширмоҳ билан бир умрга бирга бўлиш фикри келган эмас, балки фақатгина ҳамхоба бўлиш хаёли келарди, холос. У уйига чақиргани ва мен уни кўрган лаҳзаларимдан бошлаб орому осойишталик мени тарқ этди.

Ҳатто, эшигим қаршисида туриб унинг юриштуриши, гапириши, у ёки бу иш билан машғул бўлаётганлигини ўз кўзларим билан кўргим келарди. Сенинг миянгга бундай вансвасали фикрлар келадиган бўлса, нега энди бошқаларнинг хаёлига ҳам сенинг севгилини билан шундай сухбат қуриш келмасин. Агар сен дунёнинг иши бутун бу аёл билан, эртага у аёл билан айшу ишрат қилиб юришдангйла иборат деб билсанг, ўзингни алдаган бўласан. Ниятинг ўзингни алдаш бўлса, шу оқшом Сангакнинг уйи эшигини қоқиб бор, Ширмоҳни бағрилтга бос, сени ким кўриб ўлтирибди, Худо кўрса, у ўзи ҳам раҳмону, ҳам раҳим.

Инсоний ҳирсу ҳаваслар самандининг бўйини синдириш дунёнинг мушкул ишларидан бири. Бу ҳирсу ҳавас кучи ўша наҳс ниятми ёки баҳтли ниятми дақиқаларидан, яъни кўзим кўзига яқиндан тушгандан бошлаб, мен Ширмоҳнинг ҳар куни олдимга келишини истардим. Во ажаб бир ҳолатни бошдан кечирадим. Бир томонда хотиним ва болаларим хаёли, аммо уларнинг меңдан узоқлигиданми, билмадим, негадир уларнинг жойини ва ўрнини Ширмоҳ эгаллаб банд қилиб оларди. Айтинг, мендан ҳам бошқа, бу иккиёқламалик ҳолату вазиятга тушган одамлар бормикан ва улар бу мушкуллардан бежанжал осонлик билан қуттилганлармикан. Аксарият тунлар Ширмоҳнинг сурати кўз олдимда, ухлагани қўймас, мени ўз орқасидан етаклар, уйига олиб кирадиyo, «қўрқма» деб менга қувват берарди, сертуғён Хингоб дарёси соҳилларига бошларди, тоғ этакларидағи ям-яшил майсазорлар қалбига, қорлар билан қопланган чўққиларга олиб чиқиб яна бирга, ёнма-ён юриб ўз чайламга олиб қайтарди, мени асло ёлғиз қолдирмасди. Ҳаёллар олис воқеалар ўрнини эгаллаб, тотли кайфиятлар бағишиларди. Аммо мен на унинг уйига ва на ўшал гўзал манзаралар оғушига у билан бирга боролмас эдим. Яхиси шулки, Мадали ака қизини кўргани юқори тоғлар яйловига кетганда Ширмоҳни ўз чайламга чақирсан, уйқу ўлим билан тенг дейишади. Сангак бир ёнидан иккинчи ёнига ағдарилгунча Ширмоҳ менинг чайламга келиб кета олади. Аммо мен билан у ширин суҳбатда бўлганимизда Сангак уйғониб қолса, Ширмоҳнинг изларидан келиб бизни бирга кўриб қолса, орамизда суҳбатдан бошқа ҳеч қандай воқеа ўтмаган бўлса ҳам, бошимизга рашк ўтини ёқиб юбориши ҳам мумкин. Аммо менмен деган диёнатсиз эркаклар ҳам борки, хотинининг хиёнатини кўрибу билиб фожиани атрофга ёймаслик, овоза қилмасликка интилиб бўйини этиб нотакрорликка сабру тоқат қилиб юрадилар, яъни ўзлари шу йўлга кириб кетиб, ору номусини йўқотиб тиллари қисқа бўлиб қолганлар. Ҳар ҳолда бу сабабдан аёллик кишининг хонавайрон бўлиши кичик фожиа эмас.

Лекин шаҳвоний ҳаётни қондириш мақсадида бегоналар остонасига қадам қўядиган адабсиз фоҳишалар, Мирзо, сенга ўшаб ўйланишиб ўтиришмайдилар. Уларга ҳозиру ҳузури керак, улар ўз қиммишларининг оқибатларига тупуришган. Сенга ўшаш сода эмаслар. Дунёда нима қолар, фақат яхши кун кечирганларинг дейдилар, уларга дўзах азобидан гапирсанг, ким унинг азобини чекиб келибдур, деб сўрайдилар. Бу гаплар бутунгина эмас, узоқ замонлардан бери бизнинг замонамизгача етиб келган. Аммо сиз азиз ўртоқ, бирор марта оила-аъзоларингиздан узоқда қолиб, ё иш билан банд бўлиб юриб шундай фариштадай рўйи замонинг васвасасига тушиб қолган бўлсангиз, Мирзони айбламайсиз. Кўп кишилар ёмон йўлдан юриб, бедарди миён пул топиб лаззатлик таом ейдилар. Аммо бу таом аслида ҳалолми ё инки ҳаром сўрамайдилар, лаззату маззали таомни фарқ қиммасдан еган инсонлар, юқоридан то пастигча кам эмас. Ширмоҳ ҳам маззалик хотин. Ким ёшлигида биринки бор бегона оғушга бош қўйиб, роҳат қилиб, ўз бошига ташвишу изтироб, каму андуҳ, сотиб олмагали. Кимнинг хобу хаёли бу беоқибат йўлда сочила мағал ва кимнинг боши шаҳват қопқонига тушмай оқарган. Сизниг ёшинигиз қирқу элликдан ошиб, ўзингизни босиб олиб, ақлипгиз жойига келиб эзиди фақат хотину бола-чақаларингизни, келажак баҳт фикри зикрига тушган бўлсангиз, ўз ёшлигинизда қандай ахмоқчиликларга йўл қўйгансиз. Бир эста келтиринту, кейин Мирзони тахқир этинг. Ана ўша Ширмоҳ ҳавасига гирифтор бўлганимдан бери «элак баҳонаю дийдор ғанимат» деганларидек оёғимни ҳам қўлимга олиб, ҳайвонлар сингари худди тўрто-ёқлик бўлиб унинг уйи томон чопаман.

Лекин на Ширмоҳ менга бирор гаш айтади-ю, на ундан бир оғиз сўз сўраб дарду дилини била олман. Негадир биз лоақал худди илк учрашувимизда бўлганидек бир-биримиз билан эркингина гаплашса олмаймиз. Лекин мен ҳам у билан танҳо, юзмайоз ўтириб ҳар тўғрида гапириб ҳасрат қилиши, юрак сирларини очишини ва бу ҳаётда нимадан

порозио, кўнглида қандай армонлари борлигини айтиш истагини ҳис қиласман. Билишимча, ҳар бир инсонда ҳам дарду ҳасратини эшигадиган кишиси бўлиши керак. Ҳар бир инсон бу дунёда бир боргина яшашини, унга бошқа қайтиш, ўлиб қайта тирилиш йўқлигини англайди, шунинг учун яхши одамлар билан юришу ўтириш ва уларга эзгу ниятларини айтишни истайди. Бу дунёга келдингми қалбингни афсусу надоматлар, доро ҳасратларга лиммо-лим тўлдирма, балки ҳақиқий инсон каби яшашга интилган, бу дунёда умрингни азоб билан ўтказиб, у дунёга умид боғласанг яримта нон егандай бўласан. У дунё лаззати дил тасаллоси, агар Худо бу дунёлигинг ва у дунёлигинг берса даргоҳи кенг, кам бўлиб қолмас



Сангак от минганича салом бериб йўлдан ўтарди-ю, аммо чайламизга кирмас, ўзини узоқроқ олиб юрарди. Бугун ҳам у ҳар кунгидек ўз йўлидан иши томон ўтиб кетди. Ширмоҳ боғлари юқорисидан оқиб чиқаётган, суви пастга, Хингоб дарёси томон, равона бўладиган чашма лабига қозон ўрнатиб, сув иситиб кир ювишга ўтирган эди. Совуқ урган чўлон болаларини даволаб, уларга ўзларини иссиқроқ тутиш, иссиқроқ кийиниши, ҳар куни эрталаб сут ва маска истеъмол қилишни кечалари оналари ҳар дам марҳами қўйишни ва иссиққина ўраниб ётишларини маслаҳат берардим. Албатта, ёзги яйловларга келиб болаларнинг рамаларни боқишда отаоналарига ёрдам беришлари яхши, аммо уларнинг асосий вазифалари ўқиши, илм олиш. Ёшлидан ўқиб, билим олишдаги қийинчиликлардан қўрқмай уларни бардош билан енгиб яхши ўқишиша, улгайиб бирор катта иш бошини тутишиша, ҳатто ўз отабоболари касбини эгаллаб чўпон бўлишган тақдирда ҳам яхши ишлайдиган кишилар бўлиб етишувлари ҳақида ўрни билан уларга маслаҳат бериб ҳам турардим. Зоро, мен аксарият болалар отаоналарининг гапларини қулоқларига олишмасдан

бегона кипи уларга ҳаёт ҳақида бирор маслаҳат берса, унга қаттиқ амал қилишиб, қулоқларига олишларини яхши билганиман. Уларга дори бериб тартиб билан, күрсатма асосида истеъмол қилишларини, ёмғирили вактларда, нам ҳавога чиқмасдан чайлада ўтиришларини тайинладим. Улар яйловга таътил кунларида келишган бўлиб ҳаво ҳарорати бирданига ўзгарган, агар қишлоқларда иссиқлик шу кунлардан ўттиз-ўттиз беш даражага етса, ёзги яйловда хусусан, ёмғирили булултлар қиру адирлар устида доимо осилиб турган, нақти-вақти билан ёмғир ёғиб ўтадиган Варзи Болода ҳаво ўн беш-ийигрма даража паст эди. Болалар бу ерга келган биринчи кунларда иқлим ўзгариши таъсирини, албатта, ҳис этардилар. Оталарга болаларни ёмғирили кунлари отар-рамолар кетидан юбормасликларини алоҳида таъкидлардим. Қўлим уларни қабул қилишдан бўшаб, керосинкага чойнак қўйдиму, лиbosларимнинг кир бўлганини эсладим. Тушлик арафасида радио мурувватини бураб концертга қўйдиму сув исиса кирларимни юваман деб турган эдим, шу пайт Хуррам келиб қолди.

- Онам радиосини баландроқ қўйсин, деди кейин кийимларингизни беринг, ювиб, дазмоллаб берар экан, - деди у.

Дарҳол ўрнимдан туриб радиони баландроқ қўйдим. Ажойиб ҳалқ қўшиғи атрофда жаранглади. Ширмоҳнинг киримни ювмоқчи бўлганидан севиниб кетдиму яна ҳаёлга чўмдим. Агар бу аёл хизмати эвазига мендан ҳақ ҳоҳласа, бошқа гап эди. У шулу нарсага муҳтож эмас. Фақат йамхўрлик ҳисси ва менга бўлган майлу рағбати туфайлигина кийимларимни ювиб беришга жазм қилибди. Сўнгра кир ювипи бу жой хотинларни орасида эркак киши иши эмас. Унинг бу ишини эри билиб қолса, унда Ширмоҳ нима деб жавоб бераркин? Ширмоҳ бизларга кўрсатаётган бу яхшиликлари бутунлай бефараз, инсонийлик юзасидан эканлигини тушинтириб исботлай оладими? Агар Ширмоҳ шундай деб тушунтирса, Сангак унинг гапларига ишонармикан? Агар Сангак ундан: - духтур сенга ким бўла-

ди? Нега унинг нонини ёпасан? Кийимларини ювасан? - деб сўраса, Ширмоҳ бу саволларга нима деб жавоб бераркан?

Аёлларни ақли калта дейишади. Афтидан Ширмоҳ ҳам узоқни ўйлаб қадам қўймаяпти. Бу меҳрибонликлари туфайли бошига не-не маломат тошлари ёғилиши мумкинлигини ўйламаяпти? Аммо мен-чи? Нонимизни пишириб, кийимларимни юваб бергани устига яна эридан гап эшитиши эвазига мен Ширмоҳга қандай яхшилик, қандай хизмат қила оламан? Одам ҳеч қачон аёлдан ҳам эркақдан ҳам қарздор бўлиб қолмайдиган тарзда яшаши керак. Гарчи баъзида яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтара олмаса-да, ҳар ҳолда яхши ният билан умр кечириши лозим. Чорбоғакка одамлар саломатигини ҳимоя қилиш ниятида келиб эру хотиннинг аччик бўлган турмушини янада аччик қилиб кетишимиға кўзим етиб турибди. Шу ҳам инсофданми? Ахир, Мирзо, сен учун нон пиширма-са, кийимларингни ювмаса ҳам кунинг ўтарди, ишлайверардинг, ўзинг ўзингни уddyдай олар эдингку!

Нега Хуррамга кетавер, бу ишлар ўз қўлимдан келади, демайсан?!

Мадали ака кийимларини ювдириб келиш учун қизига олиб кетаётганида менга ҳам «уялма, кийимларингни йиғишириб бер», деганди, мен эса «бундай ишлар ўз қўлимдан келади» деб жавоб берган эдим. Рости гап кир уст-бошларимни унинг қизига бериб юборишга иймандим. Энди бўлса, Ширмоҳ юваб бермоқчи бўлганида бу аёлдан ибо қилмай йиғишириб бергим келяпти.

- Онанг биз учун нон пиширдими? - сўрадим Хуррамдан кирларни йиғишириб тутатиб.

- Йўқ, пиширмади, - деди у.

- Нега? - ҳайрон бўлиб сўрадим яна.

- Духтур учун нон пиширма! Агар унинг учун нон пиширадиган бўлсанг, ўчогингни бузиб ташлайман, деди отам, - жавоб берди Хуррам.

«Ё тавба, ё тавба, эри хотиннинг бизга нон пишириб беришини истамайди-ю, лекин хотини

менинг кийимларимни ювиб бермоқчи, қани күрайлики бунинг оқибати нима бўларкан? - деб тутуичани Ҳуррамнинг қўлига тутдим. Хотининг ақли қалта дейсану, аммо уни ўзинг йўлдан қайтармайсан. Агар Ҳуррамнинг гапи рост бўлса, эру хотин ўртасида жанжал бошланибди, бундан кейин у янада кескин тус олади.

Мен ўша куни ўз ишларим билан машинул бўлсамда, аммо баъзи-баъзида у томонга кўз ташлаб қўярдим. Яна айтаманки, хаёлимнинг бир гўшаси фақат унинг фикру ёди билан банд эди. Ширмоҳ кир ювди. Ювилган кийимларни қуритиш учун дараҳтдан дараҳтга тортилган симга ёйди. Ўзининг кийимларини қаторига менинг, ўғли ва Сангакнинг кийимларини ҳам ёйиб қўйган эди. Унинг бу иши жасорат эмас, аксинча хаёсизлик, андишасизлик нишонаси эди. Ахир Сангак келиб қолиб нега ўз либосларинг қаторига бегона эркакнинг кийимини ювиб, ёйиб қўйдинг дейиши мумкин-ку. Унинг бу қилмишидан юрагим хавотирга тупиб тез-тез ура бошлади. Мен ўзимга-ўзим: «Наҳотки Сангакнинг чиркин либосларини ювишга муносиб варзамин шарисининг қўллари уларнинг хизматини қилишга бел боғлаб келган духтурнинг, кийимларини ювишга муносиб эмас!» - деб савол бердим.

Менинг кийимларим қургач, ҳамманикidan аввал йигиттириб уйига киритиб қўйди. Бироздан сўнг дазмолни олиб чиқиб унинг ичига кўмир солди ва дазмол қизисин деб шамол берди. Яна ичкарига кириб кетди-ю, анча вақтгача чиқмади, у менинг ва ўзининг кийимларини дазмол қиляпти деб ўйладим. Аммо бирон марта ҳам эрининг ювилган, дазмоллаб сайқал берилган кўйлак кийганини кўрмагандим Афтидан буни ё Сангак Ширмоҳдан талаб қилмасди, ёки хотини унинг кийимларини дазмол қилишни истамасди.

Қуёш тоғ ортига ёнбошлиб, соат етги бўлди. Аммо шунга қарамай ҳаво ҳали иссик эди. Қуёшнинг ботишига яна озроқ вақт бор. Мен Сангак келиб Ширмоҳ кийимларимни ювганини билиб қолмасин деб хавотирдаман. Ҳуррам эса узок-узоқларда молу

күйларини боқиб юрибди. Мен ҳам унинг уйига боришга журъат қилмадим. Аксига олиб яйловда биронта ишонарли одам ҳам йўқ. Унинг ўзи ҳам кела қолмасди.

Бирдан Ширмоҳнинг қўлида сочиқ билан чиқиб ҳаммом-душга кирганини кўриб қолдим. Ҳаммомни Сангак офтобрўя жойга темир бочкага жумрак ўрнатиб уни устунлар билан кўтарган ва тахталардан ювинадиган жой қилиб, эшик ўрнатиб қўйганди. Бу ердаги ҳовлиларнинг деворлари бўлмаганилиги сабабли хотин-халаж, бола-чақаларнинг бутун ҳаракатлари узоқдан ҳам кўзга ташланиб турарди. Ваҳоланки бизнинг чайла билан Сангакнинг уйи ўртасидаги масофа уч юз метр ҳам келмасди ва Ширмоҳнинг нима билан машғул бўлаёттанини, ҳаммасини кўриб турадим.

Соат саккиз бўлган ҳам эдики, Ширмоҳ кийимларимни тахлаб чайламиз томон кела бошлиди. Унинг бу иши ўта эҳтиётсизлик эди. Бу одамлар гоҳ-гоҳ йўлдан миёнадеҳга ўтиб турадиган бир пайт эди. Шудам ун ва туз омбори орқасидаги борда Сангак кўринди. Ширмоҳ ҳам уни кўриши биланоқ тезда орқасига қайтди. Лекин Сангак аллақачон унинг менинг чайлам томон келаёттанини сезган эди. Сангак отини йўргулатди-ю, кейин отдан тушшиб учи қозиқча боғлаб, Ширмоҳнинг кетидан уйига кирди. Ўша кеча эру хотин қайта ташқарига чиқишимади. Уларнинг Хуррами ҳам чайламизга келмади. Афтидан у амакиси Зардакнинг уйига бориб унинг ўғли билан ўйнаб ўша оқшом уларни-кида қолганди.

-2-

Тонгда Сангак отланиб Зардакнинг уйи томон йўл олди. У кўздан юйиб ҳам бўлган эдики, чайламизга Хуррам кириб келди.

- Онам сени кўрмоқчи, - деди у тўсатдан томдан тараша ташлагандай.

- Ҳа, нима бўлди, яна боши оғриб қолдими? - шошиб сўрадим ундан.

- Боши оғригани йўқ, айт келсин, - деди.

Агар мен ҳозир унинг олдига бормасам, қўрқиб келмади деб ўйлаб ўзи келиши мумкин. Ҳуррамга мен келгунча қимирламай чайлани пойлаб ўтиришни буюрдим. Агар бирон киши келиб сўраса кутгиб туришини айтдим. Бир дамда унинг боғидан ўтиб эшиги рўпарасида журъатсизлик билан ўзими четга тортиб тургандимки Ширмоҳ пешвоз чиқди.

- Кел, кел марҳамат, - дея бу сафар уйига таклиф қилди. - Киравер, бир дам сұхбатлашайлик, бир пиёла чой ич, кейин кетасан. Қўрқма уйга киравер, - деди уй эшигига ишора қилиб.

- Нима гапинг бор? - сўрадим ўзимни орқага тортиб, уйига киришни истамай.

- Қўрқма, сен мунча қўрқоқ эркак экансан! - деди у журъатимни ошириб.

Туфлимни ечмай ичкарига кирдим. Бу менинг биринчи марта остонасидан ичкарига оёқ қўйишим эди. Уйнинг калиш ечадиган жойи йўқ эди. Фақат бурчагига чўян печка ўрнатилган ва юқорига қимматбаҳо гилам тўшалган, деворга ҳам сергул туркман гилами қоқилганди. Бундайин қимматбаҳо гиламлар ҳали менинг уйимда йўқ ва мен пулдор қўшиналарим коммунал ҳовлиларга қимматбаҳо гиламларини олиб чиқиб қоқишганда бирор кун мен ҳам ана шундай гиламлардан сотиб оламан деб ўйлардим. Чиндан ҳам унинг рўзгори бут, бекаму кўст, ҳамма-ҳаммаси жой-жойида эди. Хонанинг тўрида каравот, тахмонда баҳмал кўрпалар, бир жовоонда чойнагу пиёлалар, қадимий идиш косатовоклар жанг йиллари ҳали биз ёш бола бўлган пайтларимиз бундай нарсаларни ота-оналаримиз жон сақлаб қолиш, очдан ўлмаслигимиз учун бир кило ун ёки ғаллага сотиб келишарди. Уйда бирон дона ҳам арzon нарҳдаги нарса кўзга ташланмасди, уй соҳибасининг дидига мос ҳолда жиҳозланган ва бу ҳам менинг таажжуబимни яна бир даража оширади. Узоқ бир кўл етмас тоғ қишлоғида бу қадар жозибали, тоза, озода яшаш уй эгасининг рўзғор тутиш маданиятидан анча хабардор эканлигидан далолат берарди. Зоро мен шу кунгача кўп-

гина тоғ кишиларининг баъзи хонадонларида бў-
либ уйларининг бунчалик ҳавас ва завқ билан
безалганини кўрмагандим. ҳаммасидан ҳам менинг
диққатимни бир нарса ўзига тортганди. Бир токча-
да гавҳарлар билан оро берилган қадимий сандиқ-
ча тепасида бизнинг водийларда усталар ажойиб,
дилкаш пичноқ дасталари ясаб нақшлар соладиган
тоғ эчкисининг буралиб-эшилиб кетган шохлари
илиб қўйилганди. Бундайин шохлар бутунги кунда,
айниқса, анқонинг уруғи бўлиб пичноқчи усталар
уларни «қаердан топсак экан»-деб излаб юришар-
ди. Шохлар ёнида девор михига ов милтиғи ва унинг
ёнида парда ва қулоқлари садафланган рубоб ту-
ради. Сангакнинг овчи эканлиги, кийик ва тоғ
эчкиларини овлаши аён эди. Милтиқ ва рубоб.
Бир-бирига зид бўлган, бири кишиларга баҳт-
саодат, эзгулик баҳш этувчи рубоб, иккинчиси эса
кишилар уйига, қалбига ҳаттоқи ҳайвонот дунёси
бошига қора кунлар келтирувчи милтиқ. Эҳтимол,
эри милтиқ билан жониворларни оёқдан йиқитару,
хотини эса рубобнинг дилбар куйлари билан ки-
шилар ва уларнинг қалбини рақсга солар.

- Милтиқ отадими? Ўқи борми? - сўрадим.
- Ичида доимо битта ўқ тайёр туради,-жавоб берди у.
 - Нега? - сўрадим таажжубим ошиб.
 - Ўзи билади, керак бўлиб қолади, - деди.
 - Сангак овга чиқиб ҳам турадими?
 - Баъзан чиқиб туради.
 - Рубобни сен чаласанми? Кўнгилларни овлай-санми?
 - Буни сенга ким айтди?
 - Ақлим етиб турибди, - дедим.
 - Ақлинг панд берибди, - деди мугомбирлик қилиб.
- Рубоб чалмайдиган бўлсанг, милтиқ отасанми?
Рубобни Сангак чаладими? - Менинг бу саволимга Ширмоҳ бир кулиб қўйдида рубоб чертишини сир тутиб мужмал жавоб берди у.
- Зарур бўлса, раво эрур, деганлар. Керак бўлса,
милтиқ ҳам отаман. Лекин у кунни худо кўрсатма-
син.

- Кел, ҳазиллашмай айта қол, ким рубоб чалади?
- Ҳуррам чалади, - деда жавоб берди у.
- Рубоб билан миљтиқ ҳақидаги гап шу билан тугади-ю, мен ундан сўрадим:
- Ҳуррам бир гап айтди, ростми?
- У бутун жисмини қулоқ қилиб Ҳуррамнинг нима деганини эшитмоқчи бўлди.
- Ҳуррам нима деди?
- Эринг ўчоқни бузиб ташладими? Шу гап тўғри-ми?
- Тўғри, ўчоқни бузиб ташлади. Ўзига қийин, нон емоқчи бўлса яна тузатади.
- Менга нон ёлмасин деб ўчоқни бузибди-ю, яна қийимларимни ювишинг нега лозим бўлди?
- Мен ана шундай акс хотинман. Сен «акс» деган сўзнинг маъносини биласанми? Ҳар гал бир ишни «қилма» деса мен ўшанинг тескарисини қиласман. Хотин ёки бола тескари иш қиласа, акс дейишади. У менинг ўзидан бошқа ҳеч кимга хизмат қилас-лигимни истайди. Мен Чормағзакон мактабидаги кутубхонада ишлардим. Ўқитувчилардан раشك қилиб бу ерга олиб келди. У мени ёлғизликда қийналишимни хоҳлайди. Ўзинг кўриб турибсан, бу ерда мен учун бирор иш, гаплашай десам кўн-гила ёқадиган киши ҳам йўқ. Сен келдинг, мана сен билан танишдим, у сенга ва шеригингга нон пишириб беришимни манъ қилди. Мен аксига олиб сенинг қийимингни ювдим. Бошқаларга фойданг тегмасин деса, мен унинг аксини қиласман.
- Жанжалнинг нима фойдаси бор? Нима деса ўшани қиласвер. У камбағал эмас. Бир қўра қўй, яйловда молларинг ҳам бор экан. Ўзининг даромади ҳам чакки эмас. У ишласин, сен ҳар йили биттадан турғиб ўтиравер. Нега парво қиласан?-дедим мас-хара-ю, киноя-ла гап ковлаштириб юрагида нима-лар япириниб ётганини билиш мақсадида.
- Ганинг потўғри, сен аёлларни фақат еб-ичиш түғиши учун яшашади, деб ўйлайсанми? Қадим замонларда ҳам фозилу донишманд эркаклар аёл-ларнинг иши фақат еб-ичишу түғиши эмаслигини яхши билишарди. Аёл ҳам донишманд бўлиши,

...ларини тарбия қила олиши керак. Сен инг юрагида орзу ҳаваслари йўқ деб ўйлайсан-
л? - деди у норозилик оҳангига ҳаяжон билан.

- Айтчи, қандай орзунг бор эди? - сўрадим.

- Мен ҳам бошқалар сингари бўлишни орзу қиласдим. Лекин йўлимни тўсищди.

- Э қўйсангчи, ўқиш, ўқиш. Ўқиб қаерга ҳам борардинг? Нима ўқиганлар сендан яхши яшаяп-
тими? Ойдан ойга етказолмай қарзга ботиб кути пойлади.

- Ўзинг биласан, маълумоти йўқ кишининг кўп нарсага ақли етмайди. Ўқиш фақат яхши ейишу,
яхши кийинин учун бўлганида эди, одамлар қадим-
дан қорин бандалари бўлиб ўлишарди. Сен бу гапларни яхши биласан-у, аммо масхара қиласан.
Мақсад фақат еб ичишу бола тувиш бўлса, унда алифбе нега керак эди? Одамзод йўлини ўқищдан
тўса олмайсан, у ҳарқанча билимли бўлса, янада кўпроқ билишга интилади. Одам молу дунёни ҳар
йўл билан топади, аммо илмни фақат ёшлиқдан
ўқиш орқали олади. Менда нима бор, на касбу ҳунар. Дўстларим дўстлик билан мени бу нарса-
лардан маҳрум қилишган. Бунинг устига Сангак
ҳам мени чордевор ичидаги сақлаб ҳамма-руҳий
визолардан маҳрум этмоқчи. Мен фақатгина упини
нафсини қондириш учунгина керакман, холос.

Мен, олий маълумотли духтур, азиз дўстим, чин-
дан ҳам унинг олимона фикр юритишини эшитиб
ва кўриб ҳайратда қолардим, у бу сўзлари билан
бугун бадбахтигини кўз олдимга келтириб мени
бир бор эмас, юз бор ҳайратга соларди, моту
маҳбут қилар ва айни пайтда ҳаёт ҳақидаги фикр-
ларимни янада равшанлаштиради. Узоқ бир тоғ
бағрида яшовчи бу аёл бунчалар ақлу заковатни
қаердан олдийкан, наҳотки буларнинг барчаси
туғма бўлса деб ўзимга ўзим савол берардим. Туғма
тавҳар ҳам агар тарбия кўрмаса ўз-ўзидан бу
даражага етмайди. Устози ким бўлса экан? - дердим
ўзимча. Аммо шунга қарамай унинг олдида нодон-
лигимга икрор ва мулзам бўлишни истамай якрав-
лик билан ўз гапимда турмоқчи бўлардим.

- Сенинг гапларинг мумкин тўғридир, қисман,

шояд сен ҳақдирсан. Аммо ўқиши түғрисидаги гаплар эскирган. Улар мутахассислар етишмаган даврларда түғри эди. Аёллар орасыда эса илму ҳунарлилар кам эди. Ҳозир эса етарли, ҳатто ортиқча. Ўқиганларнинг кўпи иш тополмай юрибди.

Ширмоҳ бир лаҳза ўйланиб қолди. Мен уни гапларимга ишонди ва рози бўлди деб ўйладим. Албатта, уни гап билан мот қилиш мен учун забондарозлик бўларди, - деган фикр хаёлимдан ўтиб бораради.

- Бу гапнинг калтабинлигу, қисқа ўйлашлик ёки ўзингнинг гапларинг эмас. Бошқалар гапи ёки сен духтурлик билан банд бўлиб одамлар, атрофингда яшаб турганларнинг турмуши ҳақида кам ўйларкансан. Киши қайси касбни танласа бу ихтиёри. Аммо касбу ҳунарли бўлса, асло хорлик кўрмайди, бошқаларга муҳтожлик сезмайди. Лекин одам фақат ҳунар эгаси бўлса-ю, илмли бўлмаса, бу албатта ҳали етарли эмас. Ҳунар ишлаб ҳаёт кечириш, яшаш учун керак. Гапнинг қисқаси ҳунар бу - нон. Агар ҳунарманд илмли бўлса, нур устига нур, у зарар кўрмайди. Илмсиз киши умр бўйи ўзини камбағал, қашшоқ ҳис этади. Менга қолса майли, Сангак ўрмончи бўлсин, лекин илмли бўлганида бошқа гап эди. Мени тушунарди. Илми йўқлиги учун тушунмайди, тушунишни хоҳдамайди ҳам. Мен Чорбоғақдан нарини кўрмасам, Душанбеда бўлмасам, Тошкенту Москвани эшитсаму кўра олмасам унинг пулу нарсалари менга не керак. Мен унинг молу дунёси учун туғилганманми?

Чорбоғақда қариб-қартайиб ўлгунимча унинг нарсаларига бир умр посбонлик, пойлоқчилик қилиб юрайми? Ахир шуни ҳаёт дейиш мумкинми?

Ширмоҳ бир уҳ торти-ю жим қолди.

Аммо мен унинг яна гапириш истагида эканини ҳис қилиб турардим. Юрагида ҳали айтилмаган гаплари кўп эди.

- Истасанг, ҳар ерга бороласан, Сангак сени қозиққа боғлаб олдингга ўт ташлаб қўйгани йўқку! Зўрлик даври ўтиб кетди, ҳеч кимни куч билан тутиб тура олмайди.

- Қулоқ сол, мен Сағирдаштта холамнинг үйига бормоқчи эдим, - деди у.

Қарасам, Ширмоҳ гапни чўзмоқчи, унинг гапини бўлдим.

- Сангак келиб қолса, яхши бўлмайди. Кийимларимни ювиб, дазмол қилган бўлсанг, олиб бер, кетайин, - дедиму ўрнимдан турмоқчи бўлдим.

- Сангак Тавилдарага кетди. Ҳар бир чўпоннинг қўлида беш-ўнтадан қўйи бор. Қўй сотган эди, пули учун кетди. Бориб келгунча кун кеч бўлади. Сен қўрқма, ўтиравер. Ёки менинг гапларим ёқмаяптими? Ахир кун бўйи ўзим ёлғиз, ўзим билан гаплашаман.

- Яна, анави Зардак келиб қолмасин. Гап ташийди, ундан эҳтиёт бўлиш лозим.

- Агар янгишмасам, у ҳам бирга кетди. Икковлари гармгача бирга боришмоқчи эдилар. Мумкин бирга кетишгандир. Бутун айни хилват кун.

- Майли, гапингни давом эттир. Сен донишман-дона гаплар айтяпсан, инсоният ҳеч қачон илмдан юз ўтиргаган. Сени ўқишидан қандай қилиб қайта-ришди? Битта гапинг менга жуда маъқул туциди. Ҳунармандга ҳам илм керак, дединг. Ростини айтсам, бу гапни энди сендан эшиздим. Ўзим касбимга қалоат қилмасдан ҳар куни бир оз китоб ўқиб тураман. Ўзимга одат юзасидан ўқияпман, деб ўйлардим, сенинг гапингдан тушунишимча ўқиш кераклиги учун ўқирканман. Сен мендан донороқ кўринасан.

Менинг бу гапларимдан Ширмоҳнинг чехраси тулдай очилиб, яшнаб кетди. Бир ҳуснига юз ҳусн қўшилиб гапида давом этди:

- Бу ерда менга йўл-йўриқ кўрсатувчи бирор киши йўқ эди. Холамнинг қизи университетда ўқирди. Мен уни излаб бормоқчи бўлиб, бор бисотимни туғиб тургандим, баҳтимга ўзи келиб қолди. Онам билан акамнинг ҳеч нарсадан хабарлари йўқ эди. Чормағзакдан Хингобнинг темир кўпригигача келиб, Шингоб кончиларининг мошини келиб қолса миниб шаҳарга кетамиз, деб кутиб турдик. Аксига олиб мошина ҳам келавермади. Шу орада акам

стіб келиб олдига солғанича қайтариб уйимизга олиб кетди. Сангакка түрмушта беришмоқчи эди. Түй ҳам бошланды. Мен никоҳ, оқшоми ҳовлидан ташқарига қочиб кетишга құрқиб дараҳт тепасига чиқиб яширипіб олдым. Атрофни эса роса излашди. Менинг ҳовлидан узокқа кетмаганимни билишиб: «Агар ўзини Хингобға ташламаган бұлеа, ҳовлида, ҳеч қаерің кетмаган» деб у ёқ - бу өкни излашарди. Машъала ёқишиб ҳар бир тош, ҳар бир бута тәгини роса ахтариңди. Нихоят, мени дараҳт тепасидан туширишиб Сангакка никоҳ қилишди. Үнга ўн беш күн бүйін бермадим. Кейін нима бұлды, билмайман. Сүнгра мана шу Хуррам туғилди. Ушандан бүён у менға оғир тощдай осилған, мен эса ундан қочғаним қочған.

- Үннинг гуноқи пима? Йўлингни ахир аканғ түсіб, зўрлаб берібди-ку!

- Акам зўрлик билан берган бўлса, Сангак зўрлик билан олди. Зўрлик қилиш гуноҳ эмасми? Ҳуқуқимни куч ишлатиб поймол қилишди.

- Зўрлик билан эмас, балки қалин беріб олғандир.

- Сен буни қаердан биласан?

- Буни мен тахмин айтдим.

- Тахмининг чакки эмас. Лекин Сангак уни ҳеч вақт севмаслигимни яхши билади. Асло севмайман. Севмасамда у мендан қўл тортмайди, кўнгил узолмайди.

- Сен нима құлмоқчисан? Ажралмоқчимисан?

- Агар мен ундан ажралмасам ёлизлиқдан ўламан. У мени бу ордан ҳам узоқроққа күчириб олиб кетиш ниятида. Сен дұхтур бўлсанг, менинг дардим оғирлигини кўриб турибсан, ёрдам бер.

- Сенинг дардингни дори билан даволаб бўлмайди. Танинг сиҳат, раиги рўйинг тоза, лола каби. Аммо ҳаёлинг паришон, қалбинг нотинч...

- Тўври айтасан, бир вақт китобдан ўқиган ёки бирор кишидан бетоб бўлсанг даволаш мумкин, - деб эшиттандым. Аммо хотиржам бўлмасанг, бу оғир дард. Бир подшо ўз нодимидан сўрабди: «Нега кишилар бир-бирларига хотиржамлигу тани си-

ҳатлик тиляшади. Тансиҳатлик биринчими ёки хотиржамлик» Нодим жавоб бериди: «Ҳазрати олийлари, албатта, хотиржамлик биринчида. Касални едириш, аста-секин даволаш мумкин. Аммо у хотиржам бўлмаса бунга на даво бору, на унинг томогридан бирон нарса ўтади».

- Бу фикрингни қандай исботлайсан? - дебди подшо. Шунда Нодим подшодан хизматкорларга қафасга солинган бир бўрини олиб келишни буюришни илтимос қилади. Подшонинг амри билан хизматкорлар бўрини топиб келишади. «Энди битта қўйни олиб келиб бўрининг ёнига боғлашсин», дейди Нодим. Унинг айтганини бажо келтиришади. Қўйнинг охурига ем ташланглар, дея буюради Нодим. Ем келтиришади. Лекин қўй фақат бўрита тикилади-ю, охурдаги емга қайрилиб ҳам қарамайди. Зеро қўй «бўри мени ейди» деб ташвища эди. Шу тарзда орадан бир неча кун ўтди. Энди дебди Нодим хизматкорларга, қўйнинг оёрини синдиринглар - у, думбасидан бир бўлак қирқиб олинглар. Унинг айтганларини бажо келтиришди. Энди бўрини қўйнинг олдидан узоқлаштиринглар, дейди у. Бўрини олиб кетишади. Шу чоқ қўй охурдаги емни ея бошлайди. Гарчандки, оёғи синдирилган, думбаси қирқилган, дарди оғир бўлсада, эзиди у хотиржам эди. Шу сабабли тезда емни сийшга киришди. Хотиржамликнинг афзаллигини Нодим подшога ана шу тарзда исботлаб берганди. Мен ана шу милтиқдан қўрқаман, - деди у деворда осиевлик турган ранги муздек совук милтиққа ишора қилиб, Сангак амакиваччаси гувоҳлигида «агар мен бирор ерга қочиб кетсам, ёки бирон кишига кўнгил берсаму у билан тутиб олса, шу милтиқ билан отишга қасамёд қилган». Мен бу гапни Чормагзак қишлоқ жамоаси раисига айтсам, кулди. «Сени отармишми, шу сени-я?» У ўзини отади, сени эмас, «ҳа-ҳа»лаб бор овози билан кулди. Ҳатто Сангакни чақириб нега бундай қасамёд қилганини бир оғиз

хам сўрамади. Мен қўйман, Сангак бўри. Фарқимиз шундаки, менинг қўлу оёқларим синдирилмаган, - дея кулди. Думбам қирқилмаган деёлмади. Қўй қачон бўри билан дўст бўлган? - қўшиб қўйди охирида у.

- Бу миљтиқни синдириб, Хингобга улоқтири, қўрқма, - дедим уни рухлантириб.

- Йўқ, бефойда гап. Аввало, мен унга хиёнат қилганим йўқ, қолаверса қочиш ниятида ҳам эмасман. Агар сен ҳақиқий дуҳтур бўлиб одамлар дардига шифо топа оладиган бўлсанг, менга ёрдам қил, маслаҳат бер. Сангак ва унинг акаси қўлидан қандай қутилайину, танҳоликдан чириб кетмайин, - яна зораю тавалло қила бошлади Ширмоҳ.

Аёл киши эркакдан ёрдам қўлини чўзиши илтимос қиласаю, аммо аёлга, айниқса бундайин гўзал аёлга ёрдам бера олмаса менинчабу ўта нотавонлик. Ширмоҳ саломат, тани сиҳат, юқорида келтирилган қўй сингари еб ичишдан ҳам қолмаган, лекин хотиржам эмас. Эрини севмаслигидан гўё жаҳаннам азобини чекмоқда. Бундайин аёлни қайси йўл билан ташвишдан қутқарай? Эрини севиши учун мен унга мөхр-муҳаббат бағишлий олмайман. Унинг тола сочига арзимайдиган бундайин тўнкани эслатувчи эркакни севиши ҳам шарт эмас. Аммо қандай бўлмасин эр оила сардори, раҳнамоси. Ўртада тойчоқдай фарзанди бор. Ширмоҳнинг акаси бор экан, агар акасининг юраги синглисига, унинг аҳволига ачинмаса бу аёлга менинг юрагимнинг куйишидан не фойда. Вазифам юзасидан одамларга хизмат қилишим қийин эмас. Аммо бაъзи кипилар ҳатто вазифалари юзасидан ҳам ҳаммага бир хил хизмат қилаверишмайди. Бир кишига таниш-билишлик, ўртокчилик шахсий манфаат юзасидан кўпроқ фойдалари тегади. Бегоналарга агар ўрталарида бундай ҳиссиётлар муносабатлар бўлмаса манфаатлари камроқ етади. Аммо кишиларга ғаразсиз яхшилик қилиш осон иш эмас, у фидойилик талаб қиласди, агар бирор кишига бегараз фойда келтиromoқчи бўлсанг албатта, вазифанг юзасидан бўлса ҳам ўзингнинг роҳату фароғатинг-

дан, тинчлигингдан кечасан. Аммо ҳамма вақт ҳам одамлар дардига даво бўла олмайсан. Мен шундай касалларни кўрганманки, улар ёрдам сўраб сенга кўзларини жовдиратиб, дардан, ажадан нажот бер, қутқар деб илтижо қилишади. Кўзларинг олдида жон бераётганларида мунгли кўзларининг акси кўзларингда ўрнашиб қолади. Тушингда ҳам қўлларини сен томон чўзиб нажот сўрашади, аммо қўлингдан ҳеч нарса келмай тақдирга тан берасан, улар ҳаёт билан видолашади-ю, аммо қўлинг калта, ёрдам бера олмайсан. Бу албатта ўлим олдида дори-ю, дармон ва табибларнинг ожизлигидир. Мен шифокор сифатида ўлим олдида ўзимнинг ожизлигимни билардим. Лекин ҳеч қачон бирон аёлнинг дарду аламидан, яхши кўрмаган эридан қутқар деб менга мурожаат қилганини ва мен нойлож, тилим лол бўлиб қолганлигимни эслай олмайман. Ширмоҳнинг гапларини тинглардиму бошимда ана шундай фикрлар чарх уради. Йисоният жамияти-нинг шундай бедаво дардлари борки, сенда сабртоқат билан уларни ҳазм қилишдан ўзгача чора тадбир қолмайди. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг. Нозу неъматлари бутун инсониятга етадиган бу ер юзида неча миллионлаб одамларнинг ҳуқуқлари бошқа кишилар томонидан поймол қилинмоқда. Жонимиз, юрагимиз ўша муштипар, бадбаҳт кишиларга куяди, уларга ёрдам беришга интиламиз, аммо турли сабабларга кўра уларни қўллаб - қувватлашга ҳамиша ҳам муваффақ бўлавермаймиз, ҳам дардлик билдиришдан бошқа чора-ю иложимиз қолмайди. Мен ҳам ҳозир Ширмоҳни қандай қилиб баҳтли қилиш йўлини топа олмай ҳайронман.

- Биламан, сенинг хотину фарзандларинг, уйжойинг бор, баҳтлисан. Агар бир илож қилиб мени шаҳарга жўнатмасанг, бўлмайди. Чорбоғақда Зардакнинг касалванд хотинидан бошқа аёл йўқ. Буни ўзинг яхши биласан, юрак сиримни кимга айтишни билмай, мана сенга ёрилдим. Сен бу ердан кеттунча мен хизматингдаман: нонингни ёпаман, кийимларингни юваман, бу ишларни қилиш учун Сангакдан қўрқмайман, аммо сен, дұхтур, менинг дардимга даво топсанг бўлди.

- Сен шаҳарда яшаш осон деб ўйлайсанми? У ерда одамлар кун сайин кўпайиб бормоқда. Ҳамма нарсани пулга сотиб оласан. Сенинг эса лоақал бирор хунаринг йўқ. Бундан ташқари, иш топсанг, уй тополмайсан. Бирор идорага ишга кирган чоғингіда ҳам дарров уй беришмайди, йиллаб навбат кутасан. Тўғри, сен гўзал аёлсан, аммо ҳуснингни сотмайсанку. Ҳуснинг учун уй беришмайдику.

- Тўғри, бирор хунарим йўқ, дипломим йўқ, қаерга борма касбу корингни, дипломингни сўрашади, - деди у маъюслик билан.

- Бундан ташқари, - дея гапимни давом эттиридим мен, - сен ёлғиз эмассан, ўтлинг бор. Ўрлингни севасан, унинг келажагини ўйлашинг керак. Менинг уйимда сенга...

- Ҳа, биламан хотингни яхши кўрасан. Сен билан танишдик, агар бирор бор сенинг уйингга борсам, хотингнинг рашкини келади, ундан қўрқасан. Албатта, ҳар бир эркак ўз тинчлигини кўзлайди. Бахтлиниг бахтсиз билан иши йўқ, худди қорни тўқнинг қорни оч билан иши бўлмагандай.

- Гапларинг ўринсиз, мен жону дилим билан сенга ёрдам беришни, сенинг баҳтли бўлишингни истайман. Лекин сен мени бир зум ўйлашга қўймаяпсан. Дарров ваъда беришмни хоҳдайсан. Камроқ ваъда бериб кўпроқ иш қиласанинг яхши, қуруқ ваъда билан иш битмайди. Мен сенинг қўйнингни пуч ёнроқ билан тўлдиролмайман.

- Сен, ҳув анави тепалиқдаги уйни кўряпсанми? Ана шу уй соҳибининг хотини касалванд. Унинг эри Зардак эса менинг ишқимда ёниб, атрофимда гирди капалак «Етти йилдан бўён Сангакнинг хотинисан, бир кечада менинг хотиним бўлсанг, осмон келиб ерга тушмайди», - дейди. Лекин Зардакнинг ҳушомадларидан, бундай гапларидан Сангак бехабар. У менинг Сангакнинг ошкораю Зардакнинг пинҳони хотини бўлишимни истайди. Бир кун эмас, бир кун пайт пойлаб Сангак йўқлигида бошимга келишибор. Мени Сангак қўйлар қўлидан қочириб келтириб бўрининг чангалига ташлади.

- Сенга бирон гап бўлибди, ўзи, ақлингни ебсан

**Ширмоҳ, эрингнинг акасини ўзиніта ўйнаш қилиш-
га уялмайсанми?**

- Ишонгин бу гапларни ҳаддим сияиб фәқат сенға
айтдим. Зеро дардман табобат истаса, дардини
табибдан сир тутграйди. Табиб эса касалнинг дар-
дини сир тутишга назифадор, касал барча айбу
нуксонларни табибга очиб таштайди. Мен ҳам
яшашни истайман. Агар баданимнинг бирор нозик
жойи оғирганида ҳам сенға айтишга мажбурманми
ёки йўқ. Сен табибсан. Сенға дарду дилимни айти-
шимни дин ҳам, тиб қоидалари ҳам инкор этмайди.

- Сен муаллимларнинг кутугубхонага кириб-чи-
қишиларидан рашики келиб, қўйлардан олиб қочиб,
бўри уйига олиб келди, дединг. Аммо ўзинг ғозингга
сув олгандай жимсан. Оғиз очмайсан. Сангакка
айтсанг бўлмайдими, бир адабини бериб, танобини
тортиб кўйса.

- Агар Сангакни сенганимда, айтардим. Мен тут
десам, у тол дейди. Бундан ташқари, ҳозир Зардак-
нинг гапларини унга айтсан, ишонмайди, бунда
менга бирон фойда йўқ. Аксига олиб балога қола-
ман. Бадном бўхтончи бўламан. Мана, ҳатто сен
ҳам менинг гапларимга ишонмаясан. Мен яқин
қариндошлар орасида гинаю адоват уйғота ола-
манми? Шундай қилганимда ҳам нима фойда кўра-
ман. Ҳар ишнинг ўз вақти соати бор. Ё мен улардан
кутиламан, ёки улар меңдан...

- Сен, Ширмоҳ, саккиз йилдан бўён Сангакнинг
хотинисан, бир кеча мен билан бўлсанг, ҳеч еринг
камайиб қолмайди. Осмон келиб ерга тушмайди.
Бир бор сендан баҳра олиб, баҳтли бўлай, - деркан.
Оббо беномусей, укасига хиёнат қилмоқчи эканда,
кўнглимдан ўтказдим.

- Ҳайрон бўлма, мен ҳам унга яраша жавоб
бердим. Ҳудо жонингни олсин, наҳотки миянгта
уқанг хотинига кўз олайтириш келса! «Юзларинг-
ни мен эмас, мурдашуй кўрсинг»-дедим. У менга кўп
شاҳарларда бўлганлигини, олмаю ёнгоқقا уруш-
лик қилганини, аммо у ерларда ҳам мен каби
хусндор аёлни учратмаганини айтди, наҳотки гап-
лари тўғри бўлса? Сен унинг бу гапларига ишона-

санми? Мен эримнинг кўнглимга ўтиришини, уни ёқтиришимни, унга меҳр қўйишимни истардим. Билмадим юрагимга яқин, кўнглим хушилаган эри қачон, қаердан топарканман! Сени бўлса, духтур, лардига дъяво топсин деб менга худо етказди. Ўз оёғинг билан келиб боғчамиздан икки - уч юз метр нарида чайла ўрнатдинг. Мен сени ҳар куни кўришни истайман, китобинг бўлса, Ҳуррамга бер, олиб келсин. Китоб сени бузади, китобхонликдан миянг фиж бўлибди, деб менга китоб ўқишни манъ қиласди. Ишонасанми, бу ерга кўчаётганимизда менинг йўқлигимдан фойдаланиб китобларимни ўтга ташлабди. Гапларимга ишон, шундан кейин чунон зор-зор йигладимки, агар бу жоҳил ўлса кўзларимдан унчалик ёш келмайди.

- Китобларимни ёндириди, дейсанми? - деди юрнидан туриб дазмол қилиниб, сочиққа ўраб қўйиланган кийимларимни олиб келиб олдимга қўйди. Сен, бир ўйлаб кўр. Мен бу китоб душмани билан қандай яшайман? Билимлар хазинасини ёндириб яна уялмай бош кўтариб юрибди, ўлмайди. Майли, мени кечир, кўп гапириб юбордим, айбга буюрмайсан, - деди маъюслик билан ва шу лаҳзада яшиндек табассум юзларини ёритиб юборди.

- Сангак умрида бирор китоб ўқиганми?
- Китоб ўқирдими-а, ғалати савол берасан.
- Менинг кийимларимни ювиб, дазмол қилганингни билмадими, яна сўрадим ўрнимдан туришдан олдин.

- Йўқ кўрмади, эҳтиёт бўлдим - деди у. Чайлага қайтганимда Зардак Мадали ака билан чайламизнинг Ширмоҳ уйи кўринмайдиган томонида шахмат ўйнаб ўтиради. У бошини кўтариб менга бир шубҳали қараб қўйди. Унинг нигоҳлари мендан: Қаердан келдинг, башарти Ширмоҳнинг уйидан эмасми? - деб сўрагандай бўларди. Мен ҳам сир бой бермадим. Ўзимни йўқотмадим ҳам. Фақатгина Ширмоҳнинг тушунмай «Сангак билан Farmga кетди» деган гаплари ёдимга тушди. Хайрият, у Ширмоҳнинг уйида эканлигимда босиб бормади. Зардакнинг юрагида менга нисбатан қандайдир адоват

борлиги сезилиб турарди. Эҳтимол, Ширмоҳнинг уйида эканлигимни билгану, аммо боришни истамаган. Қаерда бўлганлигимни билганингда ҳам қўлингдан нима келарди? Сенинг табиатингни бир оз бўлсада Ширмоҳдан билиб олдим. Сендан яхшилик чиқмайди, - дедим ўзимча.

Мен кийимларимни Зардакка кўрсатмасдан, астагина чайлага олиб кириб қўйдиму, ташқарига чиқдим. У менга ғалатироқ тикилиб турарди. Кўзлари эса худди кўзойнакли илоннинг кўзларини эслатарди. Одамнинг юзларида чопарди. У ўйинни Мадали акага бой бериб Ширмоҳнинг уйи томон равона бўлди. Мен орқасидан қараб турдим. Баланд бўйли, жуссали, қўллари узун, мен унинг биринки муштига дош бера олардим. Мадали акани эса бир мушт билан қулатарди-ю, аммо уни менга нисбатан кўпроқ ҳурмат қиласади. Кейинроқ билишмича Мадали аканинг кўрасида унинг ҳам қўйлари бор экан. Буларнинг можаросига аралашишини худо кўрсатмасин. Ҳозир Ширмоҳга заҳрини сочиб уни қийнар. Лекин Ширмоҳ ҳам бу эркакка бўйин эгадиган аёллардан эмас.

- У бироз ичиб олибди, билмадим қаердан ҳам пайдо бўлди-ю, отини боғлаб ёнимга келди. Қарасам, Ҳуррам чайлани пойлаб ўтирибди. «Мирзо аканг қани?»-деб сўрасам, онамнинг ёнига кетди деди. Зардак келиб у ёқ-бу ёққа алланглаб қаради-ю, Ширмоҳнинг олдига бормоқчи бўлди. Мен уни маҳкам ушлаб шахмат ўйнашга мажбур қилдим. Вақт ўтсин деб қасдан доналарни кечикиб сурардим. Хайриятки, Зардак бу ерга мендан илгари, Ҳуррам шу ердалигада келмабди. У сени сўроқлади. Мурод бобонинг уйига кетди дедим. Биз уч партия шахмат ўйнадик. Икки марта бой берди. Аммо сен ҳам роса лаққиллашдингда. Эҳтиёт бўл. Бу ер тое. Яна сени ҳам, ўзини ҳам беобрў қилмасин. Ҳамма нарсанинг ҳам ҳадди бор, ҳаддингдан ошсанг, худо урди деявер, лекин обрў қўлдан кетса, уни қайтариш қийин, одамларнинг сента нисбатан ишончлари йўқолади. Бу ер шаҳар эмас, - ташвишланиб насиҳат қилди Мадали ака.

Унинг насиҳати ўринли, меҳрибонлик, ғамхўрлик юзасидан бўлсада, аммо менга ёқмади. Менинг ақлу ҳушимни, бутун вужудимни Ширмоҳнинг аҳволи чулагаб олганди. Агар бу қиз ўқиганда эди, одамлар учун фойдали яна бир аёл етишиб чиқсан бўларди. У бирон мактаб юзини кўрмасада шу қадар доно эди. Унинг ўз ҳаётидан рози бўлиши учун қандай ёрдам бериш мумкин?

- Аёл ўз эрини севмайди, хотин ўз эрини севмадими, бу турмуш эмас. Ишқсиз уй-зиндан, - дедим.

- Сенинг ишинг нима? Бошқаларнинг турмуши билан нима ишинг бор? Улар сенинг воситанг билан оила қуришмаган-ку. Ҳар бир оиланинг турмуши ҳар хил. Сенда дардлар учун дори бор, аммо эру хотиннинг бир-бирини севишлари учун дори топа олмайсан. Агар дуохон ёки баҳши бўлганингда Ширмоҳни зрига иситган бўлардинг. Ҳамма дардга даво бор, аммо ишқ, севги бўлмаса унга даво йўқ. Сен зиндандан қаср қура олмайсан.

- Майли, мен энди у томонга асло қадам босмайман, - дедим эҳтиётсизлигимга иқрор бўлиб.

Мен чайлага кириб сафар каровотига чўзилдим, Мадали aka эса қачонлардир уйқуга кетган. Баҳузур нафас оларди. Нафас олиши қулогимга эшитилиб тулади. Мен бугунги воқеалар таассуроти билан банд эдим. Кўз олдимда Ширмоҳ. У мен билан худди энг яқин дўсти билан сұхбатлашгандай, гаплашарди, мен унинг учун ҳам табиб, ҳам акасидан ҳам яқин киши эдим. Унинг гаплари қулоқларим остида жаранглайди. Ҳали ҳам қишлоқлар, шаҳарлардаги ўз ҳуқуқларини топа олмаган қизу жувонларимиз кўп, дарҳақиқат уларга билим керак. Олий мактабларда ўқиши учун қишлоқлардан кўплаб қизлар келишади-ю, билимлари пастлиги учун аксарият ўқишга кира олишмайди. Конкурсдан ўтишмайди. Домлалар бечора отоналардан пул талаб қилишади. Пул топиш ишчи-дехён учун осон иш эмас. Шунинг учун марказий олий мактабларда кам ўқишади. Ихтиёр менда бўлганида эди, аёллар, хотин-қизлар орасидан кўплаб турли касб эгалари етишиб чиқиши кон-

курс шартларини анча енгиллаштириб, кўпроқ қизларни қабул қилган бўлардим.

Кўзларим олдида Ширмоҳ гавдаланиб турсада, тўсатдан унинг ўрнини Мамлакат эгаллади. Уни турмушга чиқаришаётганда қиздан бўлажак куёвни севасанми ёки йўқми деб сўрашмади. Эри эса Мамлакат учун талаб қилинган ҳамма қалинни бера олмади. Буни мен Холамуллодан эшиздим. Холамулло тахминан эллик-эллик беш ёшлардаги оппоқ юзли аёл. У ўн икки бемор учун каравот қўйилган иккинчи палатада операциядан кейин уч ой ётди. Мамлакатнинг каравоти Холамуллонинг каравоти билан ёнма-ён эди. Буни қарангки, Холамуллонинг уйи ҳам Мамлакатларнинг уйига яқин экан. Мен унинг жароҳатига дори қўяёттанимда у: «Мирзохон, менга айтинг, Мамлакатни қачон операция қилишади?»-деб сўраб қолди.

- Шу ҳафтада, - дедим.

Мамлакатнинг жароҳати бир операция билан тузалмаганди. Уни иккинчи марта операция қилиш керак эди. Биринчи операциядан кейин унга бир муддат уйига жавоб беришганди. Ўша кунлари уни операцияга тайёрлашаётган эди. Жароҳатини электр нури билан текширишиб, тузалибди. Энди тиф кесган ерни пайванд қилишлари керак эди, бу эса анча мураккаб иш, - тушунтиридим Холамуллога.

- Уйлари биздан бир дарвоза нарида - деди Холамулло.

- Қўшни бўлсангиз, Мамлакат бошига тушган бу фожиалар қаердан келиб чиққанини билмайсизми? - сўрадим.

- Нега билмайин, биламан. Ҳаммаси ана шу қалиндан бошланди, худо олсин ўша қалинини, - деди ғазабланиб Холамулло.

Унинг гапидан ҳайрон бўлиб яна синчковлик қилдим:

- Қанақа қалин?

- Худо раҳмат қилсин, онаси куёвини ҳамиша: Худоё жувонмарг бўлгин, қалиннинг ярмини уйлаганимдан кейин ишлаб топиб бераман, дердинг. Сенинг гапингга ишондик, энди эшагинг лойдан

ўтди-да, бир йил бўлса ҳам қолган қалинни бермайсан. Мен қизимни сендан айриб олиб, бирон бошқа бойроқ эрга бераман. Ҳозир ҳам сочининг ҳар толасига биттадан қўй берадиган эркак бор деб қарғагани қарраган эди.

Бунинг устига фийбатчи, ифвогар одамлар ҳам күёвга қайнанг тўғри айтади, эҳтимол қизини чиқариб олиб бошқа кишига берар. Холамуллонинг гапларига қараганда күёв рашк қилиб маству хушёргидга ҳам Мамлакатни тез-тез дўппослаб тураркан. Куёв аввалига заводда ишларди, кейин эса автоинспекция шофёри бўлди, аммо ваъда қилинган ҳамма қалинни уза олмасди. Қайнонаси эса даъвою достонини қўймасди. Оқибатда күёв қайнонасининг ҳам, Мамлакатнинг ҳам бошига сув қўйиб, ўзини оғир жиноятга маҳкум этди.

- Бизлар, ҳаммамиз бир миллатмизу, аммо расму русумимиз баъзан ҳар хил жойда ҳар хил. Баъзи жойларда қиз учун қалин олишмайди, ўғил ва қиз туғилган кундан бошлаб ҳар икки томоннинг отаонаси тайёргарлик кўришиб яхши ният билан бўлажак келин-куёв учун уй-жой, рўзгор буюмлари, ўзларини тутиб идора қила оладиган бўлгунларича етадиган миқдорда кийим-кечак таҳт қилиб қўйишади. Бу яхши албатта. Оиланинг ўсишига ўзини тутиб олишига ёрдам беради. Аммо айрим ерларда «Сут ҳақи» олинадики, бу ёмон, номус қиласидиган одат. Агар қиз чиройлироқ бўлса қалинни ниҳоят кўпроқ олишади, - деди Холамулло. - Гапларингиз нотўғри, аммо ҳаяжонланманг, оловланманг, жароҳат тезда тузалмаслиги мумкин, - дейман унга. Ўтган йили Вахш водийсига тўйга борган эдим, - дейди менинг гапларим таъсирида бир дам, нафасини ростлаб олиб, қизу ўғил иккаласи ҳам шимолий тожиклардан, қиз томон күёв томондан сут ҳақи талаб қилибди. Беришибди. Бу расм ораларингдан қаерда пайдо бўлди, - деб сўрайди Холамулло. Колхоз аъзоларининг баъзилари Хойтдаги ер қимирилаш воқеасидан кейин тоғли районлардан муҳожир бўлиб келишган эди, деб жавоб беришибди улар. Шу тарзда улардаги қалин олиш одати

шимолий тожикларга ҳам ўтибди. Натижада бу ёмон одат йўқ бўлиш ўрнига, аксинча томир отиб, авж олибди. Мирзо менинг бир фикрим бор, шуми сизга айтаман. Агар фикрим тўғри бўлса тўғри денг, тўғри бўлмаса нотўғри денг. Жумҳуриятимиз бир неча районлардан иборат. Бундан ташқари тожиклар Ўзбекистонда ва Ўрта Осиёнинг бошқа мамлакатларида ҳам яшашади. Барча тожикларнинг ва шунингдек, ўзбекларнинг одати деярли ҳамма ерда, асосан, бир хил. Аммо ҳар бир районнинг озми кўпми ўзига хос фарқ қилувчи томонлари ҳам бор, албаттга. Мен бутун жумҳуриятимиз тожиклари ўзаро ўтмишдан қолган энг яхши одатлар, расмрусларни тўплаб олишса-ю, бир-бирларига юқиб ўтмаслиги учун ёмонларидан воз кечишса демоқчиман. Ўзингиз биласиз, Мирзо, ер юзи одамлари бир-бирларига жуда яқин бўлиб қолдилар. Улар борди-кели қиласидар, руслар, татарлар, немислар ва бошқа ҳалқлар дейлик тез-тез кўришиб турадилар. Мен ана шу ҳалқларда бўлган барча яхши одатлар танлаб олинса дейман. Ёмонларини чиқариб ташлашсин, уялмасдан бир-бирларидан ўрганишсин, ёмон томонларини танқид қилишсин. Биз ҳаммамиз ҳақиқатан Одам ато ва Момо ҳавонинг фарзандлари бўлсак, агар ҳақиқий дўст, ёру биродар бўлмоқни истасак, бир-бирилизни астрайлик, бир-бирилизга ичимиз ачиб гаплашайлик. Мана шу ароқхўрлик кимга керак? Ичишсин, майли ихтиёрлари, аммо ақлларини йўқотишмай ичишсин. Мен айтмоқчиманки, барча ҳалқлар бирбиридан ибрат олишиб, ақлларини йўқотишмай ичадиган бўлишсинки, бошқа давлатлар ҳалқимизга қойил қолсин. Мана мен сизга нима демоқчиман. Гапим тўғрими ё йўқ? - сўради Холамулло мендан.

- Гапларингиз бутунлай тўғри, - деб жавоб бергандим мен. Холамуллонинг оддий ва ҳайратовур гапларини эшишиб. Энди яна бемор Мамлакатнинг тақдирига қайтайлик. Мамлакат бори-йўғи бешинчи синфни тутатибди, зўрга имзо чека олади. Чунки ёмон ўқиган. Мен шу кунгача ота-оналари

уни нега мактабдан олиб қолишганининг тагига етолмайман. Зеҳни ҳам ёмон эмас, хушёргина, бир марта айтган гапни дарров ўқиб олади. Эҳтимол, уни мактабдан олиб қолиб уй қизи қилиб қалин эвазига зрга беришмоқчи бўлишгандир. Бир куни халқ маслаҳатчиларидан бир аёл bemорхонага келди. У Мамлакатнинг эри томонидан келган экан. Мамлакатнинг жиноятчи эри маслаҳатчига «хотиним мени яхши кўрарди. Эрининг гуноҳидан ўтмаслиги мумкин эмас», деб лоақал гуноҳини бир оз ентилаштиришини истармиш. Бинобарин, мени унинг олдига олиб боринг, дебди. Мамлакат эрининг гуноҳидан ўтмади. Мен унинг дастидан саккиз ойдан бери азоб чекиб ётибман. Суд қонун юзасидан қандай жазони муносиб кўрса, ўша жазони берсин. Мен уни асло кечирмайман». Мамлакат ўша айбордor вакилига ана шундай жавоб берди. Мамлакатнинг ярасига дори қўяётib сўрадим:

«Эринг сени илгарилари ҳам урармиди?»

«Бир куни ишдан келиб, уйнинг ўртасига жой сол» деб булорди. «Куппа кундузи уй ўртасига жой солиб нима қиласман» - деб сўрадим. Ишинг бўлмасин, жой сол дедимми, соловер, деб бир тарсаки туширди. Мен йиқилиб тушдим. «Ўрнингдан туржой сол», деди яна. Мен қўрққанимдан ўрнимдан туриб тахмондан кўрпаларни олиб жой солаётган эдим, яна урди. Мен яна йиқилдим. «Ўрнингдан туркўрпаларни ёй» деди. Мен ўрнимдан туриб ҳамма кўрпаларни солиб жой қиласман. «Рўйжо ҳам сол» деди. Рўйжони солаётган эдим, чунонам урдики, ҳушимдан кетдим. Билмадим, отамга ким хабар берди экан, у келиб мени қўлида кўтариб уйимизга олиб кетди. Бир неча вақтдан сўнг отам эринг билан яшагин деб яна уйимга қайтариб келтириб қўйди. Мен ҳеч қаерда ишламасдим, уйдан ташқарига чиқмасдим. Водопровод ҳовлимиздан ташқарида эди. Сув олишга чиқиб бирор киши билан тўрт оғиз таплашганимни қайнам кўрса, борми ким билади нималар деб гап чақардики, эрим мени тутиб олиб ура бошларди. Турмуш қурганимиздан кейин қарийб бир йил ўтгач, уришини бошлаган ва мен топкидан бошқа ҳеч нарсани кўрмагандим.

Мамлакат турмушининг аччиқ бўлишида қайнонасини айбдор деб биларди. Аммо қалин ҳақида ҳеч нарсани эшитмаган ва эшитган бўлса ҳам улдан бу борада сўрашни ўзимга эб кўрмадим. Чунки бу гапнинг бир чети Мамлакатнинг онасига бориб тақалар ва касалнинг иззат нафсига тегиб унинг кўнгли оғриши мумкин эди. Менинг вазифам, беморни ҳам дори куввати билан, ҳам ноўрин гаплар билан ярасига туз сепмай, балки кўнглини кўтарувчи, таскин берувчи ширин сўзлар билан даволаб тезроқ оёққа туризиш эди.

Яна бир куни шу хусусда гап очилганда у бир гал эрининг кўлидан қочиб шу кунгача бирор марта ҳам эшигига қадам босмаган қўшнисининг уйига кириб жон сақлаганини гапириб берди. Қўшни хотин тандирига нон ёпаётган экан. Мамлакат унинг дарвозасини ичкарисидан беркитиб олиб, отаси хабар топиб келиб қутқариб олиб кетгунча эшик орқасида ўтирибди. Шу-шу Мамлакат эрининг уйига қадам босмабди. Бир неча кундан кейин жоҳил эр қайнотасининг уйига бостириб кириб келади. Мамлакат водопроводдан сув олаётган эди. Эри унга ташланади. Ў эса чеълакни улоқтириб «дод» согланича уйларига қочиб киради. Жоҳил эр эса унинг орқасидан етиб бориб сонига пичоқ урибди. Кўзларига қон тўлган куёв қизининг ахволини кўриб фарёд кўтариб чиқсан қайнотасининг ҳам кўксига пичоқ урди. Шум хабарни эшитиб қаерданdir етиб келган қайнатасига у қўл кўтарди-ю, аммо унинг қонли қўллари ҳавода муаллақ қолди, одамлар унинг кўлидан маҳкам тугиб қолишиди.

Қаттиқ жароҳатланган она-болани икки «тез ёрдам» машинасида бирин-кетин ўша куни мен навбатчилик қилаётган тез жарроҳлик касалхонасига олиб келишди. Икковидан ҳам кўп қон кегибди. Иккови ҳам ҳужсиз. Пичоқ онанинг юрагига етиб борган экан, ўша тун унинг ҳаёт риштаси узилиди. Аммо жарроҳлар Мамлакатнинг баданларини қирқиб, тикиб ётқизишиди, пичоқ теккан жойларини тезлик билан тикишнинг иложи йўқ эди.

Бир куни Мамлакатнинг жароҳатини очиб бола-
ётиб ундан сўрадим:

«Мамлакат, сен уни севармидинг?».

«Мен уни севмасдим. У ҳарбий хизматдан кели-
ши билан мени фотиҳа қилишиб, тўй бошлашди». Фарзанд кўрса, ўрганиб яхши бўлиб кетади, де-
йишарди. Мен шўрлик ғаму андух, тепкию, ҳақо-
ратдан бошқа ҳеч нарсани кўрмадим, деди у ҳўр-
синиб. Бир неча кундан кейин тиббий ҳамшира уни
замбирга ётқизиб коридорга олиб чиқди. Хотинини
не аҳволга согланини ўз кўзи билан кўрсинг деб
унинг эрини ҳам олиб келишганди.

«Сен ўлади, деб ўйлагандинг. Лекин мен ўлма-
дим, соғайиб кетаман, мени даволаган табибларга
минг бор раҳмат. Бутунлай соғайиб кетсан, ўзим
севиб турмуш қураман», - деди Мамлакат қотил
эрига. Бу гапларни эшишиб эрининг кўзларидан
олов чиқиб кетди. У Мамлакатта ташланмоқчи
бўлди, аммо уни олиб келган икки посбон маҳкам
тутиб, бежо харакат қилишига йўл қўйишмади.

Баҳор айёми, дашту адирлар лолалар билан бе-
заниб, дараҳтлар куртак ёзиб, гуллаган ажойиб бир
дилбар пайт. Ана шундай дилкаш, хушҳаво бир
кунда Мамлакат жавоб сўраб уйларига кетди. У
ҳали шу дамгача онасининг пичоқ тифидан ҳалок
бўлганини билмасди. У онасини сўраганида қарин-
дош уруғлар «бошқа касалхонада даволашяпти»,
деб жавоб беришарди. Уйларига келиб онасининг
ӯша заҳотиёқ ҳалок бўлиб, отаси етти нафар ука-
сию, унинг икки нафар ўғилчаси ўн киши билан
яккаю ёлғиз мунғайиб қолганини сезди. Мамла-
катта жавоб бўлиб келгани учун ҳаммалари бирла-
шиб оналари учун ўксиниб-ўксиниб, юм-юм йир-
лашди. Отаси қирқ саккизга кирса-да, у ёшига
нисбатан анча ёшроқ кўринарди. Бошқа уйланиш-
ни хаёлига ҳам келтирмади. Орадан бир ярим йил
ўтгач, Мамлакат мен даволовчи врач бўлиб ишла-
ётган касалхонага келди. Бу гал у бу аҳвода яшаш
оғир эканлигини тушунтириб отаси билан масла-
ҳатлашиб ҳаёти мунтазам равишда давом этиши
учун қирқилган ерларни улаш кераклигини айтиб

иккинчи марта яна жарроҳ пичоги остига ётишга келган эди. Шифокорлар уни иккинчи марта операция қилишиб соғайиб кетиши учун қўлларидан келган барча чораларни ишга солиши. Бир ой давомида ичидан тикилган ерларга яраларининг тузалиши учун найча орқали дори юбориб турдим. Олти ой тиббий ҳамшира ҳар икки кунда операция қилингани ерни очиб, тикилган ерларни ҳам тузалиши учун малҳам қўйиб боғлаб турди. Мамлакат соғайиб, ўрнидан турди. У жавоб бўлиб уйига келаёттанида сўрадим:

«Мана, насиб бўлса бутунлай соғайиб кетдинг, уйингга кетяпсан. Қани менга айтчи, қизча, қалбинга қандай орзуларинг бор?». У касалхонада ўлим билан олишиб ётган кундан буён биринчи бор лабига табассум югуриб деди:

«Қайтадан ўн саккиз ёшта кириб бирон яхши кишини топиб турмушга чиқишини истардим. Дунёда яхши йигитлар кўп. Ўшалардан биттасини танлаб турмуш қурсам дейман. Афсуски, энди бунинг имкони йўқ. Ҳозир шунисига, тирик қолганимга, минг бор шукrona қиласман. Менинг бу умрим иккинчи умрdir. Сиз менинг ҳаётимни сақлаб қолиш учун кўп хизмат қилдишгиз. Илоҳо, барча дардмандлар дардига дармон бўлаверинг, улар соғайишиб сизни иззату икром билан бошларига кўтаришсин».

Мамлакатнинг бу гаплари қулоқларимга қўрғишиндай ўрнашиб қолди. Ҳозир у бирон кишига кўнтил қўйиб турмуш қурдими йўқми, айтолмайман.

Касалларда ажойиб бир хислат бор. Айримлари даволаниб касалхона эшигидан чиққандан кейин даволаган докторларини эсларидан чиқарадилар. Гарчандки, докторларнинг кўпи bemорларнинг тузалиши учун жону жаҳдлари билан ҳаракат қиласдилар. Ҳали Мамлакатнинг кейинти тақдиридан менинг хабарим йўқ. Мамлакатнинг қисмати батъзи жиҳатидан мана шу Ширмоҳга ўхшаб кетади. Мамлакат ўқишини давом эттира олмай, бирон ҳунарни этгallамай яrim йўлда қолган чиройли хусн

соҳибаси, эрининг хизматкори. Аммо фарқи шундаки, Ширмоҳ файратли, қўрқмас, эрига бўйин эгмай жаҳолатдан қутилиш йўлини излайди-ю, дардига шифо топишда мусоғир шифокордан маддад сўрайди ва бу ҳаракати билан менинг ҳаёлимда у тез оқар Хингобда чўкмоқда-ю, соҳилдаги ўтгўланларни, чўпакларни ушлаб қутилишга интилаётган киши сингари менинг этагимдан тутиб сўймаганидан нажот топмоқ умиди бордай кўринарди.

Мадали ака у ёнидан бу ёнига ағдарилади-ю, менинг ўйғоқлигимни қандайдир билиб қолиб ҳазиллашади:

- Ширмоҳни ўйлаб уйқунг келмаяптими, дейман. Сен уйли-жойли кишисан. Исо ҳам ўз йўли билан Мусо ҳам. Унинг ҳаёлини бошингдан чиқариб ташлаб ухлагин, - татькидади ва бир зумда ўзи яна уйқута кетди.

Қуёш ботиши билан Чорбоғакни туннинг қора пардаси қоплади. Керосин чироқ шуъласида Мадали ака билан яна бир соатларча чамаси гурунглашиб ўтиридик.

- Янги келин-куёвни шу атрофдаги ҳаммадан баланд яловга олиб бориб қўйишига қандай кўнглингиз бўлди? У ерда ёшлар кўрқмайдими? - сўрадим Мадали ака қизу куёвидан гап очганида.

- Гап қўрқища бўлса, қўрқишимайди-я... Лекин сенга айтсам, Шокаримни куёв қилмоқчи эмас эдим. Қизим ўнинчини тугатиши билан бухгалтеримизнинг ўғлига фотиҳа қилдик. Бухгалтеримизнинг яхшигина ҳовли-жойи, машинаси, қўйи-ю эчкилари, сти бор, хулласи қалом ҳамма нарсаси ўзига етарли эди. Унинг битта ўғли ва иккита қизи бўлиб, қизлари турмушга чиқиб кетишганди. Бухгалтеримиз истасанг, истамасанг ҳам қизингни ўғлимга берасан деб юрарди. Ростини айтганда у менга қуда бўлишга муносиб киши эди. Хўш, нега энди рози бўлмайин? Ҳозир замона бироз бошқача бўлган. Аввалги вақтларда кишилар бошқача эди. У вақтларда амалдорлар, обрўли кишиларнинг қизлари ҳеч тортинишмай кам таъминланган бўлсада, ишчи деҳқонларнинг ўғилларини танлаб тегиб ке-

таверишарди. Ҳозир-чи, амалдор ўғли ўзига амалдорнинг қизини излайди. Ахир ҳалқ қабутар-қабутар билан парвоз қилур, қуш қўши билан деб бекорга айтмаган, бошқача айтганда тенг-тенги билан, дейишади. Пахтакор - колхозчининг ёки чўпоннинг ўғлини амалдорнинг қизига уйланиши камдан-кам учрайди. Фарзандлар ҳам кўрпалари-га қараб оёқ узатадиган бўлиб қолишган, улар ҳам кўрпадан оёқлари чиқиб кетмаслигини ўйлашади. Мен ҳам қизимни колхоз амалдорларининг ўғлига беришни истардим. Ахир бухгалтерлик ҳам касб, ҳам амал эмасми? Мен ана шундай фикрда эдим. Бухгалтер менинг у билан қуда бўлишга қарши эмаслигимни билиб, нон синдириш учун келди. Ўғли Университетнинг иқтисод факультетида ўқирди. Яхшигина, келишган, куёвинг борми деса дегу-дек, кўрганнинг ҳаваси келадиган йигит эди. Отаси мен билан қуда бўлмоқчи экану ўғли эса шаҳарда бир курсдошини кўз тагига олиб юрар экан. Бу замон ёшларининг кўнглини билиш қийинда.

- Хўш, кейин нима бўлди?

- Кейин билсан, менинг Шарифам ҳам бухгалтернинг ўғлини ёқтирмас экан. Бу куёвим армиядан қизимга хат ёзиб юаркан. Бундан биз бехабар. Армиядан қайтиши биланоқ Шарифа билан гапни битта қилишибди. Аммо мен қизимнинг, бухгалтер ўғлининг гапини олмай тўйга ҳозирлик кўра бошладик. Бу орада Шарифа билан Шокарим ҳам ўз ғамларини еб юришган экан. Бир куни Шокарим ҳарбий хизматдан келганлигини ва яна чўпонлини давом эттиришни, лекин аввал уйланмоқчи эканлигини айтиб, бу масалада директорнинг бош бўлишини унинг ёрдам беришини сўрабди.

«Кимга уйланмоқчисан», - сўрабди директор.

«Ҳа, мен Шарифани, Мадалининг қизини севардим, у билан хат ҳам ёзишиб юардик, - дейди у.

- Уни унаштириб кўйишганку, бундан бехабармисан, - сўрайди директор.

- Фотиҳа қилишганини биламан, лекин тўй қила олишмайди, ҳақлари йўқ. Киз мени дейди, агар

илонмасанғиз идора кишиларидан бирөвни вакил қилиб юборинг, сўраб билишсин, - дейди. Директор ўша куннинг ўзидаёқ хотин-қизлар шўроси раиси билан икки-уч нафар қизларни Шарифанинг олдига юборди. Қизим вакилларга «бекорга овора бўлишмасин, Шокаримдан бошқага турмушта чиқмайман», деб жавоб бериди. Директор мен билан бухгалтерни хузурига чақириб, бу ишни зўрлик билан амалга ошириб бўлмаслигини айтиб насиҳат қилди-ю, кулиб-кулиб менга қаерда ва кимдандир эшитган латифани сўзлаб берди:

Бир Боғодд ҳалифаси қадим замонда надимлари билан сұхбатлашиб ўтирган экан. Шу вақтда унинг олдига бир ўртачаҳол эркак келиби.

- Хўш, нима ҳожатинг бор? - сўрабди ҳалифа.

- Менинг ҳожатим шудирки, онангни менга хотинликка берасан, - дермиш у одам тўсатдан.

- Бу ғалати гап-ку, охир онам жуда қари, оғзида бирорта ҳам тиши йўқ, уни қандай хотин қиласан, - дебди ҳалифа.

- Қари хотин ёш эркакни жуда ҳам яхши кўради, қадрига етади, бўлаверади, - деярмиш у қуриб кеткур.

- Хайр, майли онамдан бориб сўраб кўрайчи, рози бўлармикан. Бу иш зўрлик билан бўлмайди. Зўрлик билан солинган иморат охири вайрон бўлур, - деб у кишини жўнатган экан.

Ёшми, қарими ҳар бир кишининг истагини ҳисобга олиш керак, кўрдингми, бу латифада инсон ихтиёри ўз қўлида эканлиги ва катталарни сабру тоқатли бўлишга чорлаш мазмуни бор, - деди директор.

Ундан сўнг мен билан бўлғуси қудамда ёшларга қулоқ солмаслиқдан бошқа иложимиз қолмаган эди.

Столларни безаб, стулларни қаторлаштириб, эркагу аёллар иштирокида тўйни янгичасига ўтказдик. Қизим билан куёвимнинг турмуш қуриш киссаси мана шундан иборат. Энг муҳими шундаки, икки ёш бир-бирини севади, турмушлари ёмон эмас. Яқин орада неварали бўламиз, тўй қиласиз, - деди Мадали ака хурсандчилик билан.

Ой шом еган эди. Хуфтондан кейин Варзи Боло томонда булуулар орасидан астагина күринди. Атроф бирданига ёришиб кетди. Назаримда Чорбояк худди сутта ғарқ бўлгандай эди. Азиз дўстим, төг оқшомларининг ўшал асло такрорланмас манзараларини сизга қандай тасвиirlаб беришга ҳам ожизман. Қани энди биронта ёшрок ҳамроҳим бўлсаю тунлари кўз юммай Favо дарёчасининг бутун атрофини айланиб чиқсан, баланд-баланд тоғлар бағригача бориб, дарё соҳилларида қадам ташлаб, асабларга ором берувчи гул-гуласига қулоқ солсан. Мадали ака бунақа тоғларда урушдан аввал ҳам, ундан кейин ҳам жуда кўп юрган, бу ерларнинг ҳар бир гўшаси, ҳар бир сўқмоғи унинг учун беш қўлдай аён эди, шу боис шу кишидан бу ишларга энди ҳавас ўти пасайган.

- Мен жуда чарчадим, отда тоғларда кўп юрдим, - деди у. Дарҳақиқат, касал қўйларни унинг олдига олиб келиш мумкин эмас. Мадали аканинг ўзи уларнинг олдига бориши керак. У мол духтури ҳамда чорва мудири. Ҳар куни отга миниб неча километр йўл босади. Менинг касалларим ўзлари ҳузуримга келишади. Башарти дардлари оғир бўлиб юришга мадорлари етмаса гоҳо-гоҳо мен уларнинг чақириғига бораман. Ўша куни Мадали ака Варзаки Болодан қайтган эди. Мен унинг куёвини кўрган бўлсанда, аммо қизини танимасдим. Ўша томонларга бир бориш орзуси ҳам йўқ эмасди менда. У ерда бир чўпоннинг ўғли шол бўлиб ётарди.

- Менинг куёву қизимнинг чайлалари ҳув анави ой қўниб турган тоғ устида, - деди Мадали ака төг чўққисига ва унинг тепасида худди сирғадай осилиб турган ойта ишора қилиб. Сўнгра ётиб дам олиш учун чайлага кириб кетди.

Керосин чироқнинг шуъласи ой ёруғи олдида ип эшолмасди. Бу ерда ҳавонинг бунчалар соғ бўлиши ернинг денгиз сатҳидан анча юқори бўлганлигида эмас. Ой шу қадар ёритиб шуъла сочиб турардики, унинг нурида ҳатто китоб ўқиши, хат ёзиш ҳам мумкин эди. Чироқни ўчириб кўрпача

устида құлтиғим остиға ёстиқ қўйганимча ўтирдим. Ҳаво салқин. Парранда-ю ҳашаротлар овози ва узок-яқынлардан келаётган чўпон итларининг ак-киллашлари орасида тезоқар дарёning садоси қулоққа алоҳида чалиниб туради. Фамгин ўйлар оғушида эдим. Бу танҳоликда, кўнглим тўрт томонни роҳат қилиб айланиши истарди. Кошкি энди бирор ажаб воқеа рўй берсаю, қалбимдаги ғаму андухлардан бутунлай қутилсам дея ўйлардим. Тўсатдан қаерданdir аёлнинг ёқимли, шўх ва дилларни мафтун этувчи дилкаш, қўнғироқдек овози янграй бошлади. Ўша ёқимли овозга дилгир рубоб садоси ҳам жўр бўларди. Бутун жисмимни қулоқ қилиб қўшиқни тингларканман, бу кимнинг овози экан, - дея таажжубланиб ўзимга-ўзим савол берардим. Киши радиодан бирор қўшиқни эшиттанида ким куйляпти экан деб унинг ҳофизини билмоқчи бўлади. Мен қўшиқни диққат билан тингларканман, транзистор мурувватини бураб ўшал ажойиб мусиқани узоқ ва қисқа тўлқинлардан тутмоқчи бўлардим, аммо минг афсуслар бўлсинким, радиодан бу дилнавоз куй эмас, аксинча қандайдир сийқаси чиққан, нохуш бир куй тараларди. Овоз танишга ўхшарди-ю, аммо уни қаерда эшиттанимни эслай олмасдим ва Чорборакда ана шундай ажойиб бир ёқимли овоздор хонанда яшайди деб асло ўйламаган эдим. Овоз гоҳо қалдирючдек енгил парвоз қилиб юксакларда янграп ва гоҳо яна пасаяр, гоҳо эса бутунлай тиниб қоларди. Ширали, ёқимли овозга мафтун бўлдиму, астагина ўрнимдан туриб ўша овоз келаётган томонга юра бошладим. Овоз борган сари баралла эштила бошлади: Бу овоз Ширмоҳнинг уйидан келарди-ю, аммо мен бунга ишонмасдим. Мен учун буюк бир сир ошкор бўлганди. Бундан бир неча дақиқа муқаддам мен дилтанглиқдан бирор фавқулодда ҳодиса рўй беришини истаб тургандим. Ҳозир рўй бераётган воқеа эса мен ўйлагандан ҳам зиёдроқ эди. Бу магнитофонга ёзиб олиб кейин соғу саломат Душанбега боргач, ёру дўстларга қайта-қайта қўйиб эшиттиришга муносиб овоз эди. Зоро бу овоз фав-

қулоадда дилрабою, дилкаш бўлиб, унга монандини ҳеч ерда эшитмаган эдим.

Мен яқин қариндошим Афғонистондан совға қилиб олиб келган Япониянинг «Сонъе» магнитофонини тоғ қушларининг хушхон овозларини, дарё тўлқини садосини, шаршара ва бошқаларнинг ўзим билан бирга олиб келгандим ва у ҳозир чайлада эди. Минг афсуски, ҳозир бу овозни ёзиб олишнинг мавриди эмасди. Ширмоҳ уй ичида хона эшиги очиқ бўлиб, чироқ шуъласи пешайвонни ёритиб туради. Мен яқинлашишим билан қўшиқ ҳам тинди. Мен ўғрилар каби оёқ учида аста-аста юриб уйнинг ўнг бурчагига яшириндим. Агар оёқ товушини сезса-ю, ташқарига чиқса, унда мен бу сеҳрли овозни эшитишдан ва бу уй асрорини билишдан маҳрум бўлардим. Мен бу сирли тунда унинг ким билан ўтириб бунчалар юксак кайфиятда эканлигини ва қўшиқ куйлашини билишни истардим. Наҳотки, у ўша ёқтирганинг эри билан шу қадар очилиб-сочилиб хурсандчилик қилиб қўшиқ куйлаётган бўлса! Буни мен аниқ билишни истардим. Уй бурчагидан яна қулоғимга Ширмоҳнинг овози эшитилади: «Рубобни мана бундай тут, бармоқларингни бундай кўтар, онасиининг жонгинаси, мана бундай черт пардани, мана бундай олгину орасини шунчалар ўтказ, қўшиқни бурро, оҳанита мос қилиб куйла, куйлаган қўшиғинг ёки ғазалинг мазмунини тингловчи яхши тушуна олсин, овозингчала-ярим чиқмасин, бир йигитта юз ҳунар ҳам кам. Фақатгина сигиру бузоқ, эчкию қўйлар кетидан юравериш билан бамаъни одам бўлмайсан, қўшиғу мусиқасиз ўзинг ҳам сигиру бузоқлар сингари бўлиб қоласан. Ҳар бир ҳунарни, айниқса мусиқани ёшлиқдан ўрганишади «онасиининг жонгинаси» ва яна аллағнималар дерди-ю, Хуррамни дарҳол унга жўр бўлишга ундар, аммо ўғлининг машқи ва зеҳни етарли эмаслигини кўриб ўзи бирданига завқу шавққа тўлиб юксак ҳиссиёт билан куйлай бошларди. Уй деразасига яқинлашиб парданинг бир четидан астагина қўрқуву ларзага тушиб эҳтиёткорлик билан ичкарига назар ташла-

дим. Сангак дераза ёнига тўшалган кўрпачада хуррак тортганича чўзилиб ётарди. Ширмоҳ Хуррамни қаршисига ўтиргизиб унга ашула дарси, нафосат ва балогат дарсидан таълим берарди ва оламнинг илму ғайбидан баҳраманд бўлиш қобилиятига ҳамма ҳам эга эмаслигини ва ҳар қанча ёшлиқдан таълим берилса келажакда киши инсон бўлиб етишувида шунчалар фойдали эканлигини, менимча Ширмоҳ тушуниб етганди ва бунга қаноат ҳосил қилмай мусиқа илмидан ҳар қанча хабари бўлса уни Хуррамга ўргатишга интиларди. Мутаассифона мен шаҳарда яшаб «духтурман» деб юрсамда ўчили қизимизни мусиқа мактабига бориш имконига эга эмасдим ва мену онаси ҳам уларга мусиқадан таълим бериш қобилиятидан ҳам маҳрум здик. Аммо мана бу аёл эса тоғлар бағрида бизлар шаҳарда муваффақ бўлмаган нарсани ўргатяпти. Офарин, дедим ўзимча унга. У бошқа рубоийдан яна бир байт ўқиди. Унинг ёқимли овозидан масти мустағриқ бўлиб, энди мен унинг фақат ҳуснагагина мубтало эмас, балки овозининг ҳам шайдоси бўлгандим. Ҳаяжонга туплиб қувончларим қалбимга сиғмай бор овозим билан офарин айтиб унинг тингловчиси ҳам, офарин айтувчиси ҳам танҳо ўзим, духтур Мирзо, эканлигимни қарийб билдириб қўяёздим. Бу ерга келганимга бир ой бўлсада бирор машҳур, тирик ҳофиз ёки ҳофизанинг овозини эшитмаганимданми ёки уларни эшитавериб кўнглимга урганиданми, билмадим негадир бу ойдин сокин кечада таралаётган дилбар қўшиқ ўзининг бутунлай янгилиги, тоза ва мусаффо ҳавода садо бериши билан вужудимга роҳат бағишлиб мени бир янги олам қучогига олиб кирганди. Ширмоҳ ўзининг хонандалик маҳоратини намойиш қила олмаётган ўз қадру қимматининг ерга урилаётганидан, диёрнинг олис бир гўзал гўшасида ўтириб ёлғизликдан оҳу нола қилаётган ноёб ҳалқ истеъоди зди. У жамият орасида, унинг фаъол аъзоси бўлишига интиларди, аммо қалби кўр, ўзидан бошқа ҳеч нарсани кўрмайдиган, бир неча шахс унинг ўз мухитидан четга чиқиши у ёқда

жатто янада узокроққа одамлардан чет-
тортишга, очиқ қафас ичида сақлашга инти-
ди. Ширмоҳ қўшикни ниҳоясига етказди-ю,
энди бўлди, онасининг жонгинаси ухла», деди ва
рубобни филофга солиб, ўша мен эрталаб кўрган ва
ичида битта ўқи бўлган милтиқ ёнига илиб қўйди.
Мен бу дилбар овозни дераза ёнида тик туриб
саҳаргача тинглашга ҳам тайёр эдим. Вужудимни
қандайдир бир хуш кайфият чулгаб, «хайриятки,
Сангак рубобни унинг йўқлигига худди китобла-
рини оловга ёққанидек тошларга уриб синдирамаб-
ди», - деб кўнглимдан ўтказдим. Чайлага қайтга-
нимда Мадали ака аччиқланиб деди:

- Сенга нима бўлди, ўзи, нега ухламай дайдиб
юрибсан? Ширмоҳнинг ишқида уйқусуэлик каса-
лига гирифтор бўлдингми? Нима жин урди? -
сўради уйқу аралаш.

Сафар каравотига чўзилиб дунёда қанча одам
бўлса, уларнинг тақдирлари, уларнинг феълу ат-
ворлари орзу ҳаваслари шу қадар хилма хилдир ва
улар яна бир-бирларидан кўзга кўринмас жиҳат-
лари билан фарқ қилишади, деган хulosага келдим.
Бири ўз мурод - мақсадига хамирдан қил суғурган-
дай осонгина эришади, ўзини баҳтли деб билади:
ҳаётдан хурсанд, гўё осмондан юлдузни юлиб одам-
ларга совға қилиб бергандай бошқаларнинг дарди
аламидан бехабар, бепарво юради. Иккинчиси эса
бир умр меҳнат қилиб, меҳнати самараси ила
кишиларни шоду мамнун этсада, гўё кишиларга
кам фойдаси теккандай умр бўйи ўз ишидан қано-
атланмай хижолат чекиб ўтади. Аммо ўзинг ҳаётдан
норизо ўз сўқмоғингни ва ниҳоят ўз йўлингни
тополмай бошинг қотиб турганида ўзгалар йўлингга
тўғаноқ бўлсалар бундан ортиқ азоб бўлмайди.

Шу аҳволда орадан бирор соат ўтган ҳам эдики,
ташқарида кимнингдир оёқ товушлари эшитилди
ва у чайладан ўн-ўн беш метрлар чамаси нарида
тўхтади. Бу бевақт, ярим кечада менинг олдимга
ким ҳам келаркан? Сангак ёки Зардак эмасмикан?
Фақатгина бу қариндошларгина Ширмоҳни раşқ
қилишиб қоронғи тунда мен билан ҳисоб-китобла-

рини баравар қилишга келиши мүмкін. Ким бўлса ҳам икковида ҳам ов мильтифи бор. Бир ўқ билан ишинг баробар. Бу тоғ орасида суриштирмайдилар ҳам. Аммо ким бўлса ҳам, менинг чайлада ёлиз эмаслигимни эҳтимол билмас. Мен билан кўпни кўрган, ақлли, тажрибали Мадали ака ётибди, қолаверса ўзим ҳам баъзи бир худбин, кишиларга таш берадиган эмасман. Башартики, яроқ билан келмаган бўлсаю, ишлатмаса. Агарчи мен Ширмоҳга ўзгача бир ҳавас билан қараб, кўзларим билан унинг лабларидан тотли, иссиқ-иссиқ бўсалар олиб, унинг дилларни жунбушга келтирувчи овозини ҳозиргина эшитиб қалбимда унга нисбатан эҳтиросларим уйғонган бўлсада, ҳар ҳолда уни эрига хиёнат қилиш йўлига тортганим йўқ. Факат не боисдан эҳтимол соддалигимдан очиқ кўнгиллигимдан бўлса керакки, ўз қисматидан норози бўлган раҳмдиллик ҳам одамийлик нишонаси дейишади, бу аёлга юрагим ачинади-ю, бас.

Сангак ўз ҳаёт йўлини Ширмоҳ билан боғлабди. Аммо мильтиқни ўқлаб тайёрлаб ҳам қўйибди. Нечапча эрлар, аёллар кишанлар бандидан кўрқмай, ўз бахтларини излашади. Шу хаёллар билан чайлам орқасида эштилган оёқ шарпасидан баданимга мурғак тошиб кетди. Ўрнимдан туриб Ширмоҳнинг «Мирзо ҳой, Мирзо» - деган майин ва мусиқали овозини эшитдим.

- Ё тавба, ё тавба, бу ўнгимми ё тушим? Бу аёл масти ми ё ҳушёр? Ҳушёр бўлса, эрим ўлдириб қўймасин деб унинг кўлидан қочиб кедимикин? Нима у ақлдан озганми? Севиб қолдимикин? Дунёда гўзаллар жуда кўп. Агар ҳамма ҳам гўзалларга ҳуштор бўлганида эди, бутун ҳар бир чиройли аёл ортидан неча ўнлаб йигитлар чопиб юрган бўларди. Мен бу аёлга ошиқ бўлганим йўқ. Ўзи мени излаб келибди, бу ақлсизлик, гумроҳлик, деб кўнглимдан ўтказдим ва чайла пардасининг бир четини кўтариб яна бир бор чақирса Мадали ака уйғониб унинг ҳам, менинг ҳам сирим фош бўлиб қолмасин деб ҳавотирга тушиб шошиб ташқарига чиқдим. Зоро мен Ширмоҳга фаразим йўқлигини ҳеч қачон ис-

ботлай олмайману ана ўшанда кўрасиз Мадали аканинг менга насиҳат ўқишини. Одамга ақл раҳнамо эмасди. Мени ақл унинг қўлидан бирор томонга қочиб қутилишга чорласа, нафс унинг бағрига чорлайди. Бу ҳудди Зулайҳо бошига тушган фалокат, ҳатто ундан ҳам баттарроқ. Мен бўлсам Юсуф сингари пайтамбар эмасман, балки бир осиу рўсиёҳу бандай пиргуноҳ, қандай қилиб ўзимни ундан қутқарсан экан, тошбағирлик қилиб уни чайла эшиги олдидан ҳайдаб юбора олмайман. Ҳатто душманинг ҳам сендан мадад сўраб эшигингга келса уни ҳайдамаслигинг керак. Урта ёшдагилар, ёши ўтганлар, иссиқ-совуқни бошидан ўтказган, донишманд мўйсағидлар ҳаммалари ёшлиқда уларга ақл эмас, балки қалб-кўнгил раҳнамо бўлганлигини яхши билишади. Мен ана шу хаёллар билан ўз олдимда турган фариштадай Ширмоҳни кўрдим. Агар сиз чиройли аёлларга диққат билан назар солсангиз, уларнинг баданлари ҳудди сайқал берилгандай жиловланиб, товланиб турганинг гувоҳи бўласиз. Улар ана шу нурлар жироси билан эркаклар ўйини, эркаклар кўнглини кўйдирадилар. Ширмоҳнинг юзлари, унинг қўллари ҳам ҳудди ана шундай жиловланиб туради. Азиз дўстим, қасамёд қиласманки, агар парининг борлиги рост бўлса, у Ширмоҳ каби бўлиши керак. Ота боболаримиз сутдай ойдин кечаларда ана шундай ҳусндор, гўзал аёлларни кўришиб, ер юзида бу қадар гўзаллар бўлиши мумкин эмасдай хаёлларида афсонавий париларни тўқиб чиқишишган. Булар Ширмоҳни ойдин кечалар кўришдан пайдо бўлган таассурот эди. Аёлларнинг эҳтироси уларнинг ақлларидан устун туради, бу ҳақда ҳар биримиз китоблардан ўқиб, тажрибали, кўпни кўрган донишманд кексалардан эшитганмиз. Ҳозир эса ҳиссиёт ва журъат қудрати үйғуналашиб бу аёл вужудидаги кўркув устидан ғолиб келиб уни мен томон келишига ундаганди. Нисбатан содда ва жоҳил Сангак маккор Зардакнинг маслаҳати билан уни ўтиридан, тур деса турадиган даражага етказганди. Уларнинг амри фармонлари билан қадам босиб,

тақдирга тан бериб, муроса-ю мадора қилсада, аммо улар унинг юрагида гайрат ўтини, ботиний шуртуғён тұғонни ҳис этиб, пасайтира олмадилар чамаси, дил ишқини чак-чак қилиб, улар барчаси бир бўлиб тилини куйлашдан тўхтата олишмасди чори. У шавқ билан куйлар ва ҳунарини фарзандига ўргатарди, кўнгли истамаган эрни тарк қилиб, келибди. Мен унинг бундай бевақт, bemavrid келишидан чиндан ҳам кўрқиб кетдим. Эрли аёл билан бу ерда сухбат қуриб ишқибозлик қилиш менинг ишим эмас. Ўғри кишиларнинг молларини горат қиласалар, тегишли жазо олишади. Аммо эри хотинни никоҳдан ўтгач, жамият аҳлоқи уларнинг бегоналар билан алоқа қилишларини манъ этади, жамият аъзолари ошкора алоқа қилишни аҳлоқсизлик деб билади. Бинобарин, эркак ёки аёл бегона эшикка ўғрилик йўли билан бағишлашади. Қанчалар фасад ва қанчалар фисқу фужур ана шу ердан бошланмайди, дейсиз. Аммо хайриятки, ўз эрларидан яширин ҳолда аёлнинг бошқага кўнгил кўйгани ва эркакнинг ўз хотинидан пинҳона бошқа аёлга борганлиги учун қонун бирор жазо белгиламаган, акс ҳолда бу йўлга кириб кетган аёлу эркакларни қайси ҳибсоналар сидира оларди. Шу нуқтаи назардан биз агарчи бир-биримизнинг висолимизга етишмаган бўлсақда Ширмоҳнинг ҳозирги қилмиши ҳам жазога маҳкум эди-ю, мен ҳам сутдек оқ эмасдим ва танбеҳсиз қолмасдим. Бир гайратли ёки раҳбар фозил кишидан сўрабди: Халқ мендан норози бўлмай, узок вақт раҳбарлик қила олишим учун нима қилмоғим керак? Фозил киши дебди: «Иккита нафsing бор, ҳар икковини тий». Биринчидан кишилар ҳақидан ҳазар қил, иккичидан бегона қизу аёлларга ёмон кўз билан қарама. Бу ҳикматни кўплар билишади. Аммо билиш бошқа-ю, унга амал қилиш бошқа. Бу икки нафсига эрк бериб, кишиларга хусусан жамиятга зарар келтириб охири вой бўлган қанчадан-қанча кордону раҳбарларни кўрмаганмиз.

- Юр, чайлангдан четроқ борайлик. Яна шери-

гинг овозимизни эшитиб уйғониб қолмасин, - деб күлөгимга пичирлади ва худди фармон берәётгандек ўзи йўл бошлади. Биламан, унинг кетидан боришим гуноҳ, лекин не илож бораман. Илоҳо менга инсоф берсину, нафсимни тияй.

Чайланинг ўнг томони қалин бутазор. Унинг ўртасида тикану тошлардан холи бўлган алоҳида алоҳида кўм-кўк майсазорлар мавжуд. Кундузлари Ширмоҳнинг ўғилчаси Хуррам йўловчи чўпон болалари ва амакисининг ўғли билан ана шу майсазорларда сайд қилиб думбалоқ ошиб, қўзичоқлардек иргашлаб, чопқиллаб, ўйнаб юради. Бир гал мен ҳам уларга қўшилгандим. Қўлларимни ерга тираганча икки ёғимни осмонга кўтариб юрмоқчи бўлдим, аммо қанча уринмайин юролмасдан орқамга йиқилиб, болаларнинг кулгуларига сабабчи бўлгандим ва ҳар бир иш ўз вақтида қилиниши кераклигини эслаб ўз юмушларим пайдан бўлгандим. Ширмоҳ мени ҳозир ана шу бутазор ёнидаги майдончага эргаштириб бормоқда. Мен сеҳрлаб жоду қилиб олганми ёки ўзим унга боғланиб қолганимни билмасдим, тилларим лол, бирор сўз айтолмасдан болалардек итоаткорлик билан унинг кетидан борардим, гўё у мени кўринмас олтин занжир билан боғлаб олгандай эди. Нима дейишни ҳам, нима қилишни ҳам билмасдим. У тарафда бизни тақиб қиласидиган бирор киши ҳам йўқ эди ва у икки қариндош агар бизнинг орқамиздан келсаларда, тонготгунча қорамизни ҳам топиша олишмасди ва ўзимиз қўлга тушишдан олдин манзилимизга яширин етиб олган бўлардик.

- Мана шу ерга ўтирайлик, - деди у бутазор ичида майдончага ишора қилиб. Ой атрофни сутдек ёритиб турарди. Кафтаргардон чўққисидаги қорлар ҳали ҳозир бу чўққини кимнинг номига қўйилганигини билмайман. Бу энг баланд чўққининг бир туркуми ва ундан ҳам юқоридан бошланадиган Хингоб дарёсининг ой нурида кумушдай товлагиб кўзга ўзгача ташланиб турарди. Фақатгина тоғлар ва дарахтлар ой тушмаган шуъласи тушган жойларгина қоронғу ва ваҳимали кўринарди. Тоғнинг

шимолий қисми чунонам равшан эдики, ҳатто унинг тепаларида ўт ўғсан харсанларнинг санашингиз ҳам мумкин эди. Осмон булутсиз, ой нурсиз юлдузлар жилосини ўз шуъласига ғарқ этганди. - У киши қаерда? У ухляяптими? - сўрадим астагина гүё менинг саволларим тошлар сатҳига ёзиб олинаётгандай ёки буталар орасидан ўтиб Сангакнинг қулогига бориб етаётгандай. - Сангак ухляяпти, узоқ йўлга отда бориб келиб чарчабди, унинг устига уйқу дорисини кўпроқ бердим, тонггача бош кўтармайди. - Уйқу дорини қаердан олдинг? - Ҳаяжонла сўрадим. - Ишинг бўлмасин. Бир пайтлар уйқусизлик касаллигига дучор бўлганимда духтур тавсияси билан Сангакнинг ўзи олиб келганди қайси духтур тавсияси билан? - Ахир духтур бир сен эмассанку, ким эканлигини сенга нима аҳамияти бор. Улар кўп келишарди, шаҳардан келишарди. - Сен унга дори бериб ухлатган бўлсанг дорини кўпроқ бериб абадий ухлатиб қўйишинг ҳам мумкин, аммо бу қилмишинг жиноят, бунинг учун жавоб берасан, - дедим. У менга «қишлоққа борсанг кутубхонага кирсанг бирор эркак билан ушласам, отаман» деб зўравонлик қилиб милтиққа ўқ жойлаб қўйса, менинг йўқлигимда китобларимни ёқса, мени жамиятдан маҳрум қилса, бу жиноят эмасу, мен уни дори бериб қаттиқ ухлатиб қўйиб сенинг олдингга келсам бу жиноятми? э, қўй, - деди Ширмоҳ норозилик оҳангиди, ранжигандай. Аммо мен унинг гапларига ишонмасдим. Зоро у нозунуз билан гүё ҳазил қилаётгандай гапиради. Лекин яна ким билади дейсиз. Инсон мураккаб нарса, уни тушуниш ёоят қийин. У хоҳ эркак хоҳ аёл бўлсин қўлидан кўп иш келади. Менинг билишимча афтидан Сангак унинг жонига текканга ўхшайди. Дорини миқдоридан кўпроқ берган бўлса-ю, тўсатдан у ўлиб қолса бутун чорбое, Чормағзак аҳли мени Ширмоҳ билан тил бириттириб уни абадий уйқута кетишга мажбур қилишган деб ўйлашлари мумкин. Кўйрқма, унинг ўзи шундай одати бор, чарчаб келиб уйқуга ташласа, қуёш чиқмагунча ўрнидан турмайди. Уйқуси тошдай қаттиқ, - тинчлантиради

мени. Биринчидан,, кишига, Ҳусан дүхтүрга гапни айтиш керак, қолаверса, бу масалада ҳазиллашиш ярамайды. Мен түрүри гапни эшлишига одатланғанман. Сен нима десанг, ишонаман. Масалан, сен Зардак эрим билан Фармга кетди дединг. Аммо мен уйимдан чиқиб чайламга келсам, у Мадали ака билан шаҳмат үйнаб ўтирибди. Биз иккаламиз уйингда сұхбатлашиб ўтирганимызда у кириб қолиб күнглига ёмон гаплар келиб эринг билан тил бириктириб орада жанжал чиқармасин деб уни Мадали ака шаҳмат үйнашга мажбур қилибди. Мен чайлага қайттач, у сенинг уйингта қараб кетди.

- Ҳа, гапларынгда жон бор, бу ҳийлагар қаллоб Сангак олдида бирга бораман, деганди. Лекин йўлдан қайтибди. Нега бирга бормадинг? десам, оёғим тортмади деди. Зардакнинг иши шу - Сангак бўлмаса, бирон баҳона билан Чорбақдан нари кетмайди. Мен ёлғон тапирмагандим. Сендан кейин келиб бир зум лақиллаб ўтириди-ю кетди. Ҳар куни мени бир бор кўриб гап сотиб кетмаса, кўнгли жойига тушмайди. Сен Ширмоқ мени бу нокасларнинг қўлига тутқазиб бирор можарони чиқармоқчи деб ўйлама. Бошим кетса ҳам, сени ҳимоя қиласман - деди-ю, кулиб менга янада яқинроқ ўтириди. Журъат қилиб менинг чайламга, мен ёлғиз эмасдим ва ундан кейин ҳам мени бу ерга етаклаб келгунга қадар у бўлажак сұхбатимиз ҳақида кўп бош қотирган, деган фикрга келдим. У мендан ярим метрлар чамаси нарида, рўпарамда ўтириди-ю, жингалак соchlаримни ипакдай мулојим, момик қўллари билан силаб, меҳрибонлик қиласми. Мен бошимни орқароқ тортаман, ўзимни тутаман. Аммо у ўзини бутунлай менинг ихтиёrimга топширганди. Мен ҳам тирик одамман ва шаҳвоний ҳисларга эгаман, ўз хотинимдан узоқда, бундайин дилкашу дилрабо обу ҳаводай, ширин тотли ва сулув гўзал табиат қучогида тобланғанман, лекин у шу тундан бошлаб менинг бўйнимга осилиб олса, охири нима бўлади. Мен ҳам унга ўрганиб қолсам, сўнг қаидай қиласман? Мен ўз хислатимни яхши биламан: Бирон дўстимга андаккина ёлғон гапирсам ёки бирон йўл

билан ўз хизматимни адо қилмаган бўлсан, қилмисимдан норози бўлиб, қийналиб юраман. Агар мен Ширмоҳдан бир бор дил ташналигимни қондирсам, иккидан бири ёки ўз оилас бола чақаларим баҳридан ўтиб у билан бирга яшашим ёки яйловга бориб унга ҳиёнат қилганимни ва Ширмоҳни ҳам алдаганимни очиқ ойдин тан олишим керак. Мумкин бу соддалигимдиру ҳеч ким менга ишонмас. Эру хотиннинг бир-бирига ҳиёнат қилишлари баъзи кишилар орасида одат тусига кирган. Бизнинг замонамида менинг бу гапларим, эҳтимол уларнинг назарига аҳмокона тутолар: «Ҳалвонинг ози ширин», - дейишади, аммо хом сут эмган банда ҳалвонинг озига ҳамиша ҳам қаноат қилавермайди. Мен бу тоза ва покиза лукмани бир бор татигач, мен бу сабру қаноатни қўлдан бой бераман, қўнглим яна унга томон интилаверади. Бинобарин, мен хаёлимда юзимни унинг ширмон кулчадек қипқизил юзларига, бўйнимни чиройли бўйнига суртар, юзларидан, лабларидан тотли бўлсалар олардим. Қўлларим нозик белларини қучар, иссиқ ва мулоийим қўллари тоқатим тоқ қилиб танасини оғушимга тортардим. Ширмоҳ ҳам бунга жавобан мени ўз бағрига тортиб ҳису-ҳаяжон билан тўлғнарди, нолалар қиласарди. Ва бу қувонч онлари эди, гўё бу бир соатлик кайфият унга бир умрлик саодат бағишлилагандай эди. Сиз буларнинг барчасани рост деб ўйлайсиз, аммо менинг ва унинг барча фикрларим хаёlda, хаёлий эди. Мен эса бу хаёлу эҳтиросларни нақд деб билардим.

- Мен сен каби йигитни севиб, унга жонимни садақа қилиш турмуш қуриш учун яна бир карра ўн саккиз ёшга қайтишни истардим. Нега севмай турмуш қурдим. Менинг қизлигим Сангакка беҳудага кетганди. Агар отам бўлганида ажабмаски менинг гапларимга қулоқ тутарди. Акам бошимга сув қўйди. Қалин олиб мана шу эркакка мени мол каби сотди-ю, олган қалин эвазига ўғлини уйлантириб олди. - Биламан, бу гапларимни сендан эшитган эдим, - дедим. - Мен, бу гапларимни юз карра бўлса ҳам айтиб, юрагимни ёзиб бўшатиб

ҳасрат қилишни истайман. - Шу гапларимни айтиш сенга ёқса айтавер. Лекин менга айтчи, ҳар гал «Москвич» миниб Миёндехга ўтадиган киши сенинг аканг змасми? Мадали ака уни менга магазин мудири эканлигини айтди. У анча бойга ўжшайди. Бу олис Чормағзакда фақатгина унинг машинаси бор. Бундай тоғ йўллари учун енгил машина ҳайф. От бошқа гап, - дедим мен қайси мавзуда гапиришни билмай.

Акам гёё мени Сангакдан ажратиб олиб, бир муаллимга бермоқчи бўлибди. Муаллимнинг уч фарзанди бор. Муаллим кутубхонадан тез-тез китоб олиб туради. Ўқиган китоблари ҳақида менга гапириб берарди. Ўша киши сабаб бўлди-ю, мен китобга меҳр қўйдим. Муаллим менга жуда меҳрибон эди. Баъзи бир талабалар билан бирга совхозга ёрдам бериш учун ўт ўришга боришарди. Муаллим мендан ўн беш ёш катта эди. Дастурхон атрофида ўқитувчилар билан бирга ўтирган бўлсанм чойни қуийиб аввал менга узатарди. Нон-у гўштнинг дилкаш бурдаларини ҳам менинг олдимга қўярди. Унинг бу рафтори бошқа эркакларга ёқмасди. Муаллим ҳамиша менинг ёнимда ўтирарди. Таътил кунларининг бирида яна ўқувчиларни ўт ўришга олиб чиқдик. Муаллимлар ичишди, менга ҳам вино қуийишди. Мен стаканга лабимни теккиздиму, муаллимнинг олдига қўйдим. - Сенинг лабларинг теккан стакандан мен вино у ёқда турсин ҳатто заҳар бўлса ҳам ичаман, Ширмоҳ бизнинг орамизда якка-ю ягона, - деди ю, ичиб юборди. Албатта бу гапларни у ҳазиллашиб айтарди. Шундан кейин бизлар ҳақимизда турлича ёлон миш-мишлар тарқалди. Сени Сангакдан ажратиб оламану ўша муаллимга бераман, сен Сангакни аввалдан севмасдинг, муаллимнинг пули моли кўп, - деди акам.

- У мендан шунча ёш катта, учта фарзанди бор. Агар Сангакдан ажралсан ўзим тенгимни излаб топаман. Бу гал ўз ихтиёrimга қўйсанг, - дедим. Тўсатдан акам машина олмоқчи бўлиб қолди. Сангакдан қарз олди. Зардақдан шул кўтариб, ана шу машинасини Фармдан топиб келди. Сангак районга

ариза ёзиб гүёки уйимизни бузмоқчи бўлди, деб муаллимни айбдор қилди. Муаллимни муҳокама қилишди ва уни бошқа бир узоқ мактабга ҳайдашди. Ҳаммадан билимдонроқ, китобга меҳр қўйган ва бошқалардан яхшироқ дарс ўтадиган, адабиётни аъло даражада биладиган ўқитувчи ҳар куни ўн километрга отда бориб бир синфдаги ўн талабага дарс бериб келарди. Кейин Сангак мени бу томонга кўчириб келди.

Ширмоҳнинг гапларидан вужудим ларзага келди. Муаллим билан Ширмоҳ ўртасида бирон гап бўлғанми, йўқми бу билан ишим йўқ, аммо Ширмоҳнинг ҳуснинг рашқ қилиб уни бадном қилишган бўлса, ҳеч ажабланадиган жойи йўқ. Агар бу сафар бизнинг ёлиз ўтириб, ёки унинг менга дил дардини айтганини сезиб қолишса борми. У пайтда яна каттароқ фожиа рўй берини мумкин.

- Аканг сени Сантакка икки марта сотибди-да?

- Бу галинг рост, - деди Ширмоҳ. Унга сенинг пулинг керак эмас. У кимдан олишни ўзи яхши билади. Агар истасанг, сени ўзим сотиб оламан. Духтурлик ҳунарингнинг ўзи дунёга арзиди. Факат гапларимга рози бўлсанг бас!

- Мени сотиб олиш учун пулинг борми?

- Ўзим ҳеч нарсага арзимайманми?

- Сен бебаҳосан, - дедим.

- Бебаҳо бўлсам, ўз қимматимга сотиб оламан.

- Сотиб олишинг шарт эмас. Мен сенинг хизматингга бир умр тайёрман, - дедим аёлнинг гапларига мафтун бўлиб. - Отанг қаерда эди? Нега сенинг Сантакка турмушга чиқишингга рози бўлди, ёки...?

- У оламдан ўтганида мен ўн-ўн икки ёнда эдим. Ана шу тоғдан ўтин олиб келди-ю, - деди у рўпаратидаги тоққа ишора қилиб, ерга ўтириб оёғини игна билан ковлай бошлади. «Оёғимга тикан кирди, қаттиқ оғрияпти», - дердию, кавлашда давом этарди. Унга раҳмим келарди. «Ота, қани кўрсатчи қаери оғриялгги», - сўрадим оёғининг кафтларига тикилиб. «Мана бу ери, отасининг жонгинаси, мана бу ери», - деб игна тиққан жойими кўрсатди. Оёғи бир оз шишиди. Бир неча кундан кейин эса тизза-

самимий эди» деган фикр пайдо бўлди. Чамаси, Сангак ёки Зардак унга менинг ҳақимда қандайдир ножёя гапларни айтганга ўхшайди. Агар унинг мен тўғримдаги фикрини чалғитишиб кўнглида фубор ҳосил қилишган бўлса, бу уларнинг вижданига ҳавола, нима ҳам дердим. Туробов дастурхон бошига ўтириб Мунибуллога машиналардаги нозу исьматлардан олиб келишини буюрди.

- Мен билан сен ҳузур қилиб бир дам олайлик, икки-уч кундан кейин қайтиб кетиб у ерда ёнбошлиб яхшигини дам олоимадик деб афсусланмайлик. Бу йил бу ерга яна келишимиз гумон, деди у.

Мунибулло машинадан мис косада помидор, саримсоқ шиез, бодринг, қалампир олиб келиб бир шиша билаш дастурхонга қўйди.

- Оч, қўй, - буюрди Туробов.

Мунибулло шишани очиб, икки пиёла оз-оздан қўйиб, бирини Мадали акага, иккинчисини эса Туробовга узатди.

- Менга бир қултуми ҳам зарар қиласди, ёш ҳам кетиб қолди. Ҳофиз, кексайгач, майхонадан узоқроқ бўл, - добди шоир ўзига. Бир ютум ичсан кун бўйи лашж бўлиб юраман, - деди Мадали ака.

Менинг бу ерга келганимга бир неча кун бўлсада, Мадали ака ҳам ичимликнинг бирон хили тўғрисида асло оғиз очмаганди. Ҳатто қаттиқ ёмғир ёгиб руғубат ва намдан тери-ю устухонлар зирқираганда ҳам у ҳеч қачон Ширмоҳнинг акасининг магазинида томоқни хўллайдиган дори бор, унинг камтинаси ҳам ғамии узоқлаштириб кўнгилни хушлайди, ундан озгина ичгач, одам ўзини бардам ҳис қиласди, демаган эди. Мен эса бу нарса билан ўртоқлашмагандим. Зеро, отам асли деҳқон фарзанди. У оддий муаллимликдан давлат идорасининг масъул ходими даражасига кўтариленди. Аммо бу назифада уни узоқ ушлаб туришмади. Янги жойда унга хушомад қилувчилар кўпайиб кетиб улар билан ҳар куни оз-оздан томонни хўллаб турарди. Бепул бўлса одам ҳалоҳил заҳридан ҳам қайтмайди, лейди халқ. Ана шу ҳалоҳил заҳри охири ўз кучини кўрсатди. Шу сабаб бўлди-ю отам билан

- Зардак Россия томонларга боради, дедингиз. Сангакни бирга олиб бормайдими?

- Сангакнинг бир дунёга арзийдиган Ширмоҳи бор. Уни на ерга, на осмонга қўйишга ишонмай, шу ерда пойлагани - пойлагану, Ширмоҳни сен кабиларга ташлаб Россияга кетишга кўнгли бўлмайди. Энди тушундингми? Гапга солаверма, уйқум келяпти. Терговчига ўхшаб гап ковлаштирасан, бошقا ёнига ағдарилди-ю, Мадали aka ҳуррак тортишга киришди.

Эрталаб қуёш билан бирга уйғондим. Ҳар куниги одатимга кўра аввал сув иситиб соқол олдим. Кейип чой дамлаб чойнакнинг устини сочиқ билан ёпиб қўйдим. Нонушта учун фақатгина қуруқ мева ва конфестимиз бор эди, холос. Нонни ўтказиш учун кўнгил бир коса янги қатиқ ёки суту қаймоқ истарди. Ширмоҳнинг уйидаги унисидан ҳам, бунисидан ҳам бор. Аммо Сангак бизга беришга йўл қўймайди. Ширмоҳ эса ҳар куни, айниқса, эрталаб бериб юбора олмайди.

Мадали aka уйқудан туриб ташқарига чиқди-ю, обу-ҳавони мақтай кетди:

- Жуда яхши, айни Варзи Болого борадиган ҳаво бўлибди-да, - деди у. Сўнгра юз-қўлларини ювиб келди. Биргалашиб чой ичдик. Энди қуёш нури қорли чўққиларда ўйнарди. Ҳаво иссик, кўйлакчан ҳам баданин чиниқтириб, роҳат қилиб юриш мумкин эди.

- Агар бир коса сут ёки қатиқ бўлса, борми кўнгилдагидай бўларди-да, - дедим Мадали акага.

- Ўртоғинг Хуррамни чақир олиб кела қолсин. Сенинг баҳонанг билан биз ҳам фойдаланиб қолардик, - киноя қилди у.

Ахир, шолининг баҳонаси билан курмак сув ичидаги-ку. Шу чөн сўқмоқда Туробов, Мунибулло ва Зардак кўринди. Зардак бир муддатдан кейип улардан айрилиб укасининг уйи томон бурилди. Биз ўтирган жойдан чор атроф айниқса, Ширмоҳ оиласининг бутун хатти-ҳаракати ҳаммаси кафтдай кўриниб турарди. Менда «Туробовнинг менга нисбатан оқшомги муносабати ҳозиргига нисбатан

бекиз айтмаганларку. Сангакни ўрмончи қилган ҳам шу Туробов. Эхтимол, қаттиқ дүст бўлганликлари сабаби ана шундандир, - деди Мадали ака ва бир зумдан кейин қўшиб қўйди:

- Сенга ўхшаб у бигта духтурлик маошига кўз тикиб, ой тугашини кутиб ўтирамайди.

- Ўзингиз-чи? Сизда ҳам маошдан бошқа четдан келадиган бирор нарса йўқ-ку? - сўрадим ҳазиллашиб.

- Нера? Бир неча қўйим бор. Торма-тоғ нега кезиб юрибман. Лекин ҳалигача бирон бир чўпондан тилим қисиқ эмас. Уша бир неча қўйим қизимнинг қўлида, биласанми, уларнинг қаерга чайла қурганини? Эргага борсак, кўрасан, - очик ойдин деди у.

- Сангак яхши овчими? - дея сўрадим, чунки мени ҳам ёшлигимдан бу ишга ҳавасим катта эди-ю, аммо балиқдан бошқа жониворларни овлаш учун менда шерик ҳам, шароит ҳам йўқ эди. Агар булар мени ҳам бирга овга олиб боришганда ҳечқиси йўқ эди, ахир бир кун минг кун эмас-ку. Лекин булар мени шерик қилишини исташмади, қолаверса, меннинг таъбим ҳам уларни кўтармасди. Менимча, ваҳщий на йиртқич ҳайвонларни овлаш мардлар иши бўлиб, бунинг ўзига хос завқ-шавқи ҳам ҳавфи ҳам бор. Лекин бу ишда менга ким бош бўла слади. Мадали аканинг овга ҳафсаласи йўқ. Бу борада унинг ақидаси ҳам ўзгача. Агар ана шу учнафар мени билан дўстлашиб менга эътибор қаратишганда ва овга бирга олиб боришганида ва ақалли қаңдай ов қилишларини томоша қилганимда эди. Менинг фикримча, бу одамлар учун каклик ёки оху гўштларидан кабоб ейишнинг аҳамияти йўқ, бу жониворларнинг гўштисиз ҳам уларнинг ҳаёти яхши ўтади. Улар учун овнинг кишиларга бағишладиган завқ-шавқи, кайфу сафоси, унучилмас ҳаяжонли дамлари аҳамиятили.

- Зардакнинг овга у қадар иштиёқи йўқ. Туробов Сангакни бирга олиб боради. Ўзи ҳам зўр овчи-ю, аммо маккор. Ўзини беҳудага ҳар томонга уравермайди. Туробов ҳақида гап кетган бир неча кун давомида Мадали ака унинг тўғрисида бир марта-тина ҳурматсиз гап айтганди.

ландлиги сезилиб турарди. Улар учун бизнинг чай-
ламиизда ётиш учун жой йўқ эди. Мен улар қаерда
тунашар экан деб ташвишда эдим. Ташқари эса
совуқ. Саҳаргача шабнам тушиб, ивитиб юборади.
Ўтлар устидаги шудринглар қўёш найза бўйи кўта-
рилганидан кейингина йўқолади.

Каравотни қасирлатиб у ёқдан бу ёққа ағдарил-
диму Мадали акадан сўрадим:

- Уйқунгиз келмаяптими?
- Ўтган кеча яхшигина ухлаган эканман, - деди у.
- Ака-укаларнинг Туробов билан қандай ошно-
ликлари бор?

- Туробов уларнинг отаси билан қалин эди.
Оталари овнинг пири эди. Айик, тўнгиз ҳаммадан
кўпроқ оҳу ва каклик овларди. Улар Сангакни
ёшлигидан овга бирга олиб бориб ўргатишганди.
Отаси ўта меҳмоннаноз киши бўлган. Бу тоғда
ундай кўнгли, кўли очиқ дастурхони тўкин-сочин
киши топилмасди. Бу қишлоқларда ҳозир ҳам унга
ўхшаш киши йўқ, десам муболага эмас. Тўғри,
Зардак ҳам меҳмондўст, аммо сендан икки танга
унадиган бўлса меҳмондорчилик қиласди, бўлмаса
йўқ. Мана мен билан сенинг шу ерга келганимизга
бир ойдан ошибди-ю, ҳали бир писла совуқ чойини
ичмабмиз. Сангак эса хотинини қизганиб уйига
меҳмон чақирмайди. Ахир мана сенинг ўзинг ҳам
бир кўришдаёқ Ширмоҳга хуитор бўлиб туриб-
санку. Агар Сангакнинг ўрнида мен бўлганимда
ҳам бу аёлни ҳеч ким кўрмасин деб етти қават
парда ортида сақлардим, - деди Мадали ака.

- Ҳазилни кўйинг-у, бир саволимга жавоб бе-
ринг. Туробовнинг буларга қайси жиҳатдан ошна-
лиги бор? Тушундим, оталари билан қадрдон экан.
Уларнинг ўзларига қандай муносабати бор?

- Зардак совхоз ҳисобидан бир йил - ўн икки ой
маош олади. Бу ишга ҳам уни Туробов жойлаштири-
ган, ҳимоя қиласди. Биласанми беш ойгина ишлай-
ди, холос. Унинг устига иши ҳам қийин эмас. Аммо
йил бўйи маош олади. Рамаларда қўйлари бор. Ҳар
йили Россиянинг узоқ шаҳарларига бориб томоша
қилиб келади. Бели бақувват. Бир-бирларига фой-
далари тегиб туради, ахир кўл - қўлни ювади деб

- Ўғли-ю, келини келиб уни күмишиб, оналарини бирга олиб кетишди. Уйи бўш, ўрнига одам йўқ эди, мен хужжатларимни тўғрилаб топшириб келдим.

- Мен у раҳматининг уйига борганман. Уйининг эшигигача машина ҳам боради. Асал билан зиёфат қилганди. Бир йигирма яшикча асали бор. Яхшигина асалчи ҳам эди. Асалари яшиқларини нима қилди? - сўради Туробов қандайдир ҳаёлга бориб.

- Ўн яшик асаларини сотиб олдим, тўрт-беш ишпигини ўғли Фармга олиб кетди. - Яна Сангакнинг ўзи жавоб берди.

- Жойи жаиннатда бўлсиз, яхши одам эди. Кўлларини юзига сурти дуо қилди Туробов, бошқалар ҳам унга қўшилишди.

- Хотининг бу ишингга розими? - яна сўради у. Менинг олдимда Туробовнинг унинг хотини ҳақида гап очиши ака-укаларга у қадар ёқмади.

- Рози бўлмай нима қиласди? Қаерга боради? Ёки менинг гапидан чиқмай, қаерга десам боради ёки бир ўқ билан... Учинчи йўл йўқ, - деди Сангак балаанддан келиб.

- Юрагини иш ўқи билан ур. Милтиқ ўқи билан эмас. Бир ишга қўл урмай туриб олдиндан ногора чалма. Подадан олдин чанг чиқарма, деган мақолни эшиггаимисан? Агар хотин эрни севса, эри қаерга деса бораверади, - тузатди уни Туробов.

- Борадиган жойи йўқ, тақдирга тан бериши керак. Акасининг уйига борса ўша заҳоти калиппини тўғрилаб қўяди. Супасининг четига ўгирмай қайтиб келади, - қўшиб қўйди Зардак.

- Кўчиш бўлса, ҳеч гап эмас. Мана машина, мана Мунибулло, тўрт-беш киши бўлиб бир зумда юкингни ортамиз. Варзи Болодан қайтгач уй тўйи қилиб кетамиз, розимисан? - сўради нуқта қўйиб Туробов.

Ака-ука Сангаку Зардак бошқа гапирмай жим қолишиди. Афтидан улар бу бевакт тунда машинада кимлар келганлигини билишиб кейин кўчиш учун машина сўрамоқчи бўлиб келгандилар. Зардак меҳмонларни уйига бошлиб кетди. Ака-укалар олдида Туробовнинг ҳурмати эътибори анча ба-

масмиш-а? Сенинг ишинг бор экан деб күн бўйи бу ерда ёнбошлаб ётайми? Вактим зиқ, икки кундан кейин қайтаман, тушундисми? Мен бир томона қилиб кўнгил ғашлигини чиқариб кстайлик дессан, бу кишининг ишлари бор эмиси. Иш бўри эмас, ўрмонга қочиб кетмайди. Ўрмонларинг жойида туради, йўқлигингда уларни ҳеч ким кўтариб кетмайди, - деди Туробов Санжакка жиддий буйруқ оҳангига.

- Сангак касбини ўзгартирди, энди у ўрмончи эмас, юкларини боялаб тайсрлаб қўйди. Эртага бу ердан кўчади. Сиз, айвал, гапнинг тагини сўрапп Нақиб ака, - Зардак масалага аниқлик киригди.

- Кўчади? Нега? Қаерга кўчади? Қизиқ-а? Бу ердан у ерга, у ердан бу ерга кўчганинг кўчган, нима, сенинг бундан бошқа ишинг йўқми? Яна қандай ишга ўтдинг? - сўради Нақиб Туробов.

Мен Сангакнинг қайси бир ишга ўтмоқчи бўлиб районга борганини, қаерга нима сабабдан кўчишини ҳам эшигган эдим. Туробов, албатта, бу ишлардан бехабар эди. Кечқурон қорони тушиши билан Зардакнинг Ширмоҳнинг уйига тез-тез кириб чиқишини кўриб кўнглимга баъзи бир тахминлар ҳам келганди. Маълум бўлишича, у укасининг кўчларини боғлашга ёрдам берастган экан. Зардак, ҳатто укасининг ўша томонга кўчишидан хурсанд ҳам эди. Сангак Туробовнинг саволига жавоб бермай жим ўтиради. Унинг ўрнига Зардак жавоб берди:

- Бу яхши иш топди. Иши сув ўлчали. Ҳар куни дарё сувининг меъёрини ўлчаб, ҳафгада бир марта Тавилдарага ахборот олиб боради. Юқорида, дарёнинг икки шаҳобчаси бирлашадиган ерда сув ўлчайдиган асбоб бор. Ўша ерда битта уй ҳам бор. Кўчиб бориб хотиржам бўлса, кейин Варзи Болога бораверади.

- У ерда бир рус мўйсафиidi кампири билан яшарди. Айтган уйингиз ўша русники эди. У қаерга кетди? - сўради Туробов.

- Мўйсафиid икки ой бурун вафот этди, икки ака-ука бараварига жавоб берди. Кейин гапни Сангакнинг ўзи давом эттириди:

Варзи Болога борамиз. Шоқосимнинг ўғли қаттиқ касал. Ўзи келиб дұхтурни олиб кетмоқчи эди, келмади. Бирон гап бўлдимикан деб хавотирдаман. Бундан ташқари, уч-тўрт кундан бўён Шарифани ҳам кўрганим йўқ, касални кўриб, бир кечада уларнинг чайлалирида туриб келамиз. Мадали ака бизнинг эртанги режаларимизни уларга маълум қилди.

- Касални кўрамиз, эшлишишмча, у бир ерда туролмай ётармиш, бу ерда даволашинг иложи бўлмаса, вертолёт чақирамиз, келиб олиб кетади. Инсон саломатлиги йўлида давлат ҳамма шароитларни муҳайё қилган, - қўшимча қилдим Мадали аканинг гапига.

- Зардакни укаси билан шу ерда деб эшигдим. Сангак уйидамикан?

- Айтгандай у ишлар учун Сангак керак-а?

- У тажрибали овчи, мутомбирлик билан қопшу кўзларини учирив, - деди Мадали ака.

- Эру хотиннинг муносабати қандай? - бошқа томондан келиб сўради Туробов.

- Мен билмасам. Худди сичқону мушукдай яшашади, - жавоб берди Мадали ака. Шу пайт қоронгулик ичидаги омбор томондан икки кипининг гавдаси кўринди. Улар ўша ака-укалар бўлиб, чайла томон келишарди. Афтидан машинада ким, нима олиб келганлигини билишмоқчи эди. Ё келганилардан хабари йўғу, мен билан Мадали акада ишлари бордир балки, ҳар ҳолда бизга яқинлашиб салом беринди.

- Номини айтсанг, қулоги кўринади, - деди Туробов уларни пешвоз олиб. Даврадагилар биринкетин ўринларидан туриб ҳол-аҳвол сўрашди. Маълум бўлишича, бу қадрдан дўстлар бир йилдан бўён бир-бирларини кўришмаган эканлар.

- Тайнинлаган нарсани олиб келдим. Эртага биз билан бирга Варзи Болога борасан, - деди қатъий оҳангда Туробов Сангакка.

- Эртага боролмайман, ишим бор, эртадан кейин бошқа гап, - деди Сангак.

- Нега боролмайсан, қандай ишинг бор, борол-

қиласиз, - деди Мадали ака унга синчковчан назар ташлаб ва менга күз кисиб қўйди.

- Ўша чангутупроқларда ўлмадигу, ундан баттарроқ бўлдик, бир тоза ҳаводан нафас олиб, яираб кетишимиз керак, бундай обу ҳавони яна қаердан толамиз, нима дедингиз, духтур? - гапининг охирида у менга юзланди, шудамгача мен унга бирон оғиз гапирмай жим ўтиргандим. Мен ўзимнинг ўю хаёлларим билан банд эдим-у, номаълум бош силкитдим, бу унинг саволига жавобан на «ҳа» ва на «йўқ» деган маънени билдиради. Зоро, Туробовнинг бу ерда вақтими қандай ўтказишининг менга ҳеч қандай дахли йўқ эди.

- Тушунарли, - деди Мадали ака ва ўз навбатида шофёрга мурожаат қилди; - Мунибулло, сен нима қилмоқчисан?

- Ака, менинг планим шуки, бир-икки кун бемалол ухласам дейман, ўн кечаю кундуздан буён дурустроқ ухлаганим йўқ. Дам олиб уйқута тўйиб кетсам, яна олдинда чорва учун хашак ташиш турибди, истагим шуки, менга ҳеч ким халал етказмасин, - илтимос тариқасида деди у.

- Мен бунга туз юклаш учун бирга кишини бирга овлолайлик ўзингга оғирлик қиласди, десам, гапимга қулоқ солмади. «Ўзим юклаб бораман», - деди. Энди бўлса чарчадим, икки кун ухлайман, - дейди. Ухлашга қўйсак, ухлайсан, қўймасак биз билан бирга бўласан, деди унга Туробов.

- Бундай бўлса, агар чўпонлар сенинг туз олиб келганингдан хабар топиб қелишса ҳар рамага икки қопдан туз бераверасан. Ўн беш рама тузсиз қолиб, қўйлар ўт емаяпти. Мен уч кун рамадан-рамага ўтиб қўйларнинг аҳволини кўриб келдим. Ўн-ўн беш қоп қолса, яна келтиришгунча ҳар эҳтимолга қарши сақлаб қўямиз.

Мадали ака унга агар эрталаб биз Варзи Болода борадиган бўлсак, биз келгунча шу ерда дам олиб пойлоқчилик қилиш вазифасини топширди.

- Эртага ўзингиз нима иш қиласиз? - сўради Туробов Мадали акадан.

- Чайлада Мунибулло турса, духтур иккаламиз

одамлар борки, ташқи күринишлари, шаклу шамойиллари нүқсонсиз бўлсада, уларда одамийликдан пишона ҳам топилмайди. Булар бўлса тайинли, совхознинг обрўли кишилари эканлар. Уларни кўрпачага таклиф қилдик. Тўртовимиз керосин чироқ атрофида давра қуриб ўтиридик. Қатта ёшдаги кишига Мадали aka «ўртоқ Туробов» деб мурожаат қилди ва совхоз ишларини сўради. Мен у кишининг совхоз директорининг ўринбосари эканлигини билиб олдим. Туробовнинг бошида ёзги шляппа, эгнида костом-шим ва бекасам тўн, оёғида янги лакланган туфли, хуллас, бошдан-оёқ ҳамма кийими сайқал берилган эди. Менинг назаримда у совхоз директорининг ўринбосаридан кўра кўпроқ мактаб директори ёки бирон институтинг катта ўқитувчисига ўхшаб кетарди. Ажаб замона, кишининг кийимидан унинг ким эканлигини фарқлай олмайсан. Баъзан бир пучак пулни либосига қараб асил зар деб қабул қиласан. Туробовнинг оҳиста, шошилмай, босиқлик билан ўзини койитмай гапиришидан менда ана шу фикр туғилган эди. Шофёр мента қараганда ёшроқ, лекин елкадор, бувдойранг йигит. Унинг устида нимдошгина костюм, оёғида туфли. Елкасига кенггина қора тўн ташлаб ўтиради. Афтидан бу чопон унинг бундай сафарлари кўрпа ўрнида хизмат қиласа керак агар у ташқарида қолса ўзини ана шу чопонга ўраб бемалол ухлай оларди. Мен чайланинг мезбони сифатида чой дамлаб келдим. Тўртовимиз у ёқ-бу ёқдан бир соатларча гаплашиб ўтиридик. Соат тунги ўн бирлардан ошган эди.

- Қани, ўртоқ Туробов, эртанги режаларингиз қандай? - сўради Мадали aka совхоз директорининг ўринбосаридан, расмиятчиликка риоя қилиб унга, «ўртоқ Туробов» - дея мурожаат қилиши мени тажжуфта соларди.

- Гапим шуки, то Варзи Бологача бормоқчиман. Чўпонларнинг ҳолу аҳволларини сўраб, яшаш шароитлари билан танишиб, камчиликларини билиб кетаман.

- Вақт топсангиз, бир сайёдлик, овчилик ҳам

тахталардан фойдаланишарди. Энди бўлса дengiz сатҳидан икки ярим минг метр баландлиқда жойлашган бу ерларда ҳам Сибир тахталарини илон изи, тошлоқ йўллардан ташиб келишиб иморат қуришарди. Ваҳоланки, ёнғоқ ниҳоллари, терагу шамшод дарахтларини истаган жойларида экиб кўқартиришлари мумкин. Керосин чироқ шуъласида Мадали ака билан ана шулар ҳақида гаплашиб ўтирадик, у ҳам қари дарахтларнинг нобуда бўлиб кетаётганидан ва уларнинг ўрнига янги ниҳолларнинг экилмаётганидан афсусланарди. Шу пайт қоронгулик пардасини йиртиб чайламиз бикинидаги бутазор ичидаги машина кўринди.

- Ана, Мадали ака, туз ҳам келди. Чўпонлар тузни олиб кетишса, биз иккаламиз Мурод бобони чайлада қолдириб Варзи Болого борамиз, - дедим. Мадали ака бир зум машина овозига қулоқ солиб турди-да, кейин деди: - Овозидан катта машинага ўхшамайди, директорнинг машинаси бўлса керак, лекин ишнинг долзарб пайтида бу ерда у нима қилади? Одатда у жун қирқиши пайтида келарди. Ҳозир айни ғалла ўрими, ем-хашак тайёрлаш ҳаммадан зарур. Директор келмайди, - деди яна ўз фикрини рад қилиб. Шу пайт юқ машинаси чайламиз яқинига келиб тўхтади. Кабинадан фақат икки киши тушди. Биз ўрнимиздан туриб уларни пешвоз олдик. Шу кунгача мен уларни бирон ерда учратмаган эдим. Танимадим. Менинг ёмон одатим шуки, нотаниш одамлар билан тил топишиб, дўстлашиб кетмагунимча уларга шубҳа билан қараб, чўчиб тураман. Зоро, инсон тилидан яхшию ёмон ҳар хил гап чиқади. Ҳар ерда ҳозиру нозир, ҳар ошга қатик, ҳар нонга седана бўлаверсанг, гап тегиб қолиши ҳеч гап эмас.

Мен ҳам уларнинг иккови билан қўл бериб кўришдиму, ҳол-аҳвол сўрагач, ўзимни бир четта тортиб синчковлик билан уларга бошдан-оёқ назар ташладим. Ўша икки кишидан биттаси қарийб эллик ўшларда, иккинчиси эса дилкаш, ориққина, хушқомат бир йигит эди. Аммо менинг фикримча, гап кишининг ташқи кўринишида эмас. Шундай

- Қўли калта, у бу ерга келса, хотини қўйларга қараши керак. Хотин қўйларга қарайман деса, боласи касал, келмаганининг сабаби шундан» - Шокаримнинг аҳволини шарҳлаб тарафини олди Мадали ака.

- Мумкин, шундайдир, - билмасдан айблаганим учун хижолат тортдим.

Чайламиз саҳнидаги майдончага шолча тўшаб кўрпача солдик. Дастурхонда қаттиқ нону, қандкурс ва ёнғоқ. Ёнғоқни Ширмоҳ олиб келганди. Сангак ёнғоқни бир неча қопга солиб тиклаб ташлабди. Вақти соати келса пуллармиш. Ширмоҳнинг айтишича, бултургисини одам топиб келиб кўтарасига сотаркану, яна янги ҳосилдан ўрнига захира қилиб қўяркан.

- Биз чайла қурган Чорбоғақда бир туп ҳам ёнғоқ дарахтини кўрмаймиз. Ёнғоқ дарёning нариги томонида, хусусан Чормағзакон ва Миёнадеҳда кўп. Дарахтлари ҳам катта-катта. Бу дарахтлар юз-юз эллик ёшга кирган, деб ўйлайман. Бу ерларда негадир ёнғоқ дарахтини кам экишади. Илгарилари қаерда ёнғоқ дарахти ўсиб мева бериши мумкин бўлса, экаверишарди. Ҳозир эса ўрмончилик инженерлари бошқа кишилар келиб, унинг ниҳолини ўтқазиш ёки уруғларидан кўкартиришларидан олдин ерни тайёрлаб, текислаб, режа олишлари шарт экан. Аммо бу борада менинг фикрим бошқача. Биринчидан бу қишлоқнинг одамлари кетиб бўшаб қолган ерлари ўрмон хўжалиги ихтиёрига ўтган бўлиб, унинг ҳар ер-ҳар ерида биттадан ўз вакили бор. Бу вакил дарахтда бор нарсани қўриқлади, аммо экиб, парвариш қилишнинг уддасидан чиқа олмайди. Мен бир бор гапдан-гап чиқиб Сангакдан: - Нега Чорбоғақ атрофида ёнғоқ дарахти кам? - деб сўрадим: - Нега экмайсизлар? - Одатда ёнғоқ дарахтини кексалар ўтқазишарди, - дейди у. Ёш одам ёнғоқ ниҳолини ёки унинг ўзини экса, ўша киши эрта ўлармиш. Ёнғоқ экадиган мўйсафидлар қолмадилар, - дейди у. Бу аҳмақона гап, баҳона холос, - дея кўнглимдан ўтказдим. Илгарилари бу ерларда ҳам иморат қуриш учун маҳаллий ёғоч ва

зан миямга гарчи қўй гўшти кишилар дастурхонини безаш ва унинг териси одамларнинг чироили либо-су бош кийимлари учун ишлатилсада, аммо бизнинг замонамизда одамларга нисбатан қўйлар тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишади, деган фикрлар кесларди. Гўё қўйлар Мадали ака учун эмасу у қўйлар учун яшаётгандай.

- Гапнинг лўндаси шуки, қўйларга туз олиб бориш керак. Уларниң ўт емаслиги, ориқлашининг сабаби шунда! Ҳар икки кунда бир марта туз ялаб турса, иштаҳалари очилиб, семириб кетади. Қўйларни яйловга олиб келишимиздан мақсадимиз ҳам уларни семиртириб олиб кетиш, - дерди Мадали ака.

- Омборларингда туз йўқми? - сўрадим Ширмоҳнинг боғчаси билан чайламиз ўргасидаги яrim вайронга уйга ишора қилиб.

- Ҳамма гап ана шунда-да, туз тугаб қолди. Туз бўлганида чўпонларнинг ўзлари келиб олиб кетишарди. Директоримиз қўшии совхозга телефон қилибди. Меѓ у билан телефонда гаплашдим. Яқин кунларда директоримиз ўринбосари Туробов бирон шофёр билан туз олиб келаркан. Тузни Данғара ёки Душанбедан эмасу қўшни совхоздан юклаб келишади. Бу ер узоқ эмас - етмиш-саксон километр. Бу совхознинг чорваси қишлоғни бизнинг жанубий яйловларимизда ўтказган. Уларга биз кўплаб хашак бергандик. Уларда етишмаса биз берамиз, бизда бўлмаса улар, қўни-қўшничилик дўстлик, олди-берди билан бўлади. Шу кечакундуз туз келиб қолса, иккаламиз эртага ёки эртадан кейин Шоқосимнинг чайласига борамиз, - деди Мадали ака. Туробов ҳар иили бир марта бирон баҳона билан бу ерларга келиб яйраб, сайру гашт, ов ва арақҳўрлик қилиб, бу ерларнинг тоза ҳавосидан хотиржамлик билан эркин нафас олиб кетмаса, кўнгли ўрнига туцмайди.

- Агар туз олиб келишмаса-чи? Келтиришса, кейин борамиз, деб кутиб ўтирамизми? Шоқосим ҳам беспарво киши экан. «Ўзининг касали оғир» дедингизу, ҳалигача дараги йўқ, келмади, - ғойибона танқид қилдим.

уйидан келиб тун бўйи кўз юммай китоб ўқирдим. Эри: «мен меҳмон» деб ўтирамай палов дамлаганди. Яна гўштни майдамайда тўғраб, туз сепиб, зира, қаламлир қўшиб тол навдасидан сих ясаб, сих кабоб пиширган эди. Сангак эса молга ўхшаб ўтиради. Мана ўзинг кўп вақт ёлғиз қоласан. Мадали ака чиқиб кетади. Чўпонлар келса чой дамлайсан, уларни қанду курс билан меҳмон қиласан, овқатингни ҳам пиширасан. Сенга мен хизмат қилсан арзиди! У менинг қўлимга сув қўйиши, мен эса тўрда чордона қуриб ўтиришим керак. У ўзининг биттагина чойини ҳам қайнатиб ича олмайди-ю, яна мени ҳамма нарсани муҳайё қилишга мажбур қиласди.

- Отаси нима иш қиласди?

- Ўрмончи эди. Бақувват чол эди жуда, кўп овга чиқарди. Ёмғирдан сўнг тоғдан тош қулаб ҳалок бўлди. Худо раҳмати, яхши одам эди. Бу воқеа биз турмуш қургандан икки йил ўттач, содир бўлганди. У пайтда Сангак колхозда ишларди.

- Хуррам келиб Ширмоҳнинг қўлларини тутганича индамай турди. Кўзлари юзларимда ўйнарди. Кейин Ширмоҳ ўрнидан туриб қошу-киприкли билан ишора қилиб хайрлашиб кетди. Мен турган еримда суратдай қотиб қолдим. Бир неча дақиқадан кейин йўлдан бир киши машинасини тез ҳайдаганича ўтиб кетди. Бу Ширмоҳнинг акасининг «Москвич»-и эди. Ҳар куни бу йўлдан машинасида худди учгандай ўтиб кетарди. Ўз ташвишлари билан овора бўлиб синглисинг юрагида яшириниб ётган сирларидан бехабар ўтиб кетарди.

Мадали ака Барокўҳдан кечки пайт қайтди. У бир кетганича у ерда бир икки кун қолиб кетади. Мадали ака келиши билан чайламиздаги ҳаёт анча жонланиб, ўзгача тус оларди, миямни банд этган турли туман фикру хаёллар булуздай тарқалиб, ўзимга ишонч ҳосил қилиб, эътиқод билан ишлаб кунни кеч қиласдим. Чайлада шодлик қувончлик, хушчақчақлик хукмрон бўларди. Мадали ака одамларнинг саломатлигидан кўра қўйларнинг соғлиги, уларнинг семизу ориқлиги ҳақида гапираварди. Баъ-

- Киз түг, ўғил кони зарар, ўғли бор беради, қизи бор олади, - дейди бу бедаво.

Хотинининг ўғил тұғмаганидан хафа бўлган эркакларни эшитгандим, аммо «қиз туққанинг яхши» деган эркакни биринчи бор эшитяпман, - дедим Ширмоҳга. Бир саволимга жавоб бер: «Ўғлимдан бир гап эшитдим», - деди Сангак. Мен билан сенинг ўртамиизда ўтган гапларни у қаердан эшитибди? Хуррам ҳақиқатдан ҳам бирон нарса демаган бўлсин? - сўрадим мен.

- Хуррам бирон гап айтмаган, унинг ҳеч нарсадан хабари йўқ. У фақат менинг сенга яхши муносабатда бўлишимни, сени ҳурмат қилишимни кўради, холос. Зардак «хотинингга эҳтиёт бўл, бунақа воқеалар кўп бўлган, Мирзо билан қочиши мумкин», - дебди. Хуррам шуни эшитган. «Шу гапи ростми?» - деся мендан сўради. «Номаъкул қилибди», - дедим. Ҳамма ишдан Зардакнинг ўзи хабардор. Доимо ўйланиб юрарди. Ўтган йили Душанбедан эркак аёл алпинистлар келишиб Хингоб лабига чайла қуришди. Улар «Сомоний» чўққисига чиқишиган эдилар. Душанбедан машиналари келгунча шу ерда яшашди. Эркагу аёллар дарёнинг кенг жойида чўмилишарди. Мен уларга бир марта нон пишириб бердим. Қатиқ сўрашди, бердим, биз билан кетмайсанми дейишарди улар шўхлик қилишиб. Улар ораларида бир ҳазилкап грузин йигит ҳам бор эди. У келиб нону қатиқ олиб кетарди, русчалаб гап сотарди. Зардак буни кўриб Сангакка «хотинингта эҳтиёт бўл, яна уларнинг машинаси қочиб кетмасин» деб қўрқитибди. Уларнинг машинаси келиб кеттунича ҳавотир бўлиб пойлаб юрди. Энди эса сендан ҳавфсирайди.

- Қачонгача сенга пойлоқчилик қиласи?

- Билмадим. Мен икки йил бурун холамнинг уйига борган эдим. Холамнинг қизи чунон ҳам доно эдикки, мен унинг олдида оғиз очишга уялардим. У ўша мен бирга кетмоқчи бўлган қиз, аммо ақам йўлдан қайтариб келганди. Мабодо мен хато гапирсам, у кулмасин деб жимгина ўгирадим. Билимдон киши олдида гапириш қийин экан. Мен холамнинг

куйлашни, куйлаганда ҳам шеър матникин яхши талаффуз қилиш, сўзни бурро-бурро айтишни ҳам ўргатарди. Мен уйимда бирор марта ҳам хотинимнинг қизим ёки ўғилчамга бундай муносабатда бўлганини эслай олмайман. Албатта, ҳар куни у ҳафтада уларнинг кундаликларини кўздан кечириб унга имзо чекиб ва мактабга бориб, ўқитувчилар билан сұхбатлашиб, шунингдек ота-оналар мажлислирида иштирок этиб ўз фикру мулоҳазаларини айтиб туради. Аммо Ширмоҳ каби улар билан мунтазам равишда машфулот ўтказиш ёки мусиқани билиб, таълим бериш каби одатлар бизнинг уйимиизда йўқ эди. Ўзинг бошқалар билан таққослаганингда ўзингда барча яхши-ёмон томонлар дарҳол кўз олдингта келади қолади. Ажralиб бу дардан қутиласан, - дердиму, аммо эрдан ажралиб у қаерга борарди, нима қилади. Чайласини қаерга тикиб, чироғини қаерда ёқади, ўғли билан қаерга сиғади. Буни айта олмасдим. Бир кишига йўл кўрсатиш нақадар мушкул, агар сен кўрсатган йўл билан бориб баҳтли бўлса унда бир умр сендан миннатдор бўлиб юради, ва аксинча. Сен айтган йўлдан бориб аввалгисидан ҳам бадбахтрок бўлса, сўнгги нафасигача сенга қулоқ солиб аҳвол янада баттарроқ бўлганини гапириб юради. Унга иш керак. Уй даркор. Қаерга юборай. Қаерга. Менинг йўлланмамни фақатгина касалхоналар қабул қилади.

Мен ЗАКСга бормаган эдим. Никоҳ қорозини менга келтириб беришганди. Сангакнинг уйидан кетсам, акамнинг эшигига сиймайман. Уришиб яна мени шу уйга олиб келиб қўяди. - Шу гапларни айтиб у бир оз ўйланиб қолди. Ҳар бир гапи қулоқларимга аччиқ нола каби эшитиларди. - Акам маишатга берилган, жўрабоз, дайди бўлиб қолган. Арқонидан бўшалган мол каби бегона аёллар эшигига кириб чиқаверади, аввалги қарзлари устига яна магазиндан камомад қилиб, ўрнига Сангакнинг пулинин олиб бориб берди. Акамга нега пул бердинг? Ўша пулга Хуррамга тўй қилганингда яхши бўлмасмиди, - дедим.

Қаерга олиб борса, күчиб кетавер. Ҳамма жойда ҳам унга сен каби нозанин керак. Тушунасанми, у менинг ажволимга куларди?

Мен хомушгина ўйга толгандим. Оилавий баҳтни шундай тушунардим: Эрталаб ишга шошасан, уйда сени кузатиб қолишади иш жойингда ҳам одамлар сени кутиб туришади, сенинг уларга фойданг тегади, очик чехра билан ишга шўмгийсан. Вақтида ишдан қайтмай кеч қолсанг, нима бўлдийкин, нега кечикдийкин деб илҳақ бўлишади. Сени на ишда сўроқлашмаса, на уйингда кутиб олишмаса, у нақадар оғир иш. Ахир бу бадбаҳтлик эмасми! Бунинг устига одамлардан узокда бўлсанг, эшигиндан бирон бир киши салом деб кириб келмаса. Кўнгли тортиб бирон дўстинг уйига бора олмасанг. Атрофингда кўнгил дардингни айтадиган, маслаҳат сўрайдиган ўзингдан бошқа киши топилмаса, бу албатта, бадбаҳтлик. Шу сабабдан ҳам бадбаҳтликда одам-одам билан тирик. Одам билан хурсанд. Одам билан қалб губоринг чиқади. Бир-бирингни иссиқ, нафасингсиз яшаш мушкул. Бу баҳтсиз аёлни қандай қилиб баҳтли қилсам эканда, деб минг бор ўзимни-ўзим саволга тутаман. Ёки аксинча, ўз умр йўлдошимни бадбаҳт қилиб ўз баҳтимни бировларнинг баҳтсизлиги эвазига қуриб бўлармикан? Миямни ана шу фикрлар қамраб олиб асло тинчлик бермасди.

Сангакнинг хўжалигида иккита сигири ва битта бузоқ бор. Сигир июлнинг бошларида тукқан. Илгари айтганимдай молу-қўйларни боқиши Хуррамнинг зиммасида. У яқинда биринчи синфи тутатди. Китобни очиб унинг олдига кўйдим. Кўрсатилган матнни тутидмай ўқиб маъносини айтиб берди. Қаерда бундай яхши ўқийдиган бўлдинг? Муаллиминг яхшими? - дея сўрадим. - Онам ўргатди. У киши қачон бўш қолсалар ўргатди, аммо ишлари кўп, нон ёлади, сигир соғади, кир ювади, либос тикади, ёғолади, ишини тутатиб, тунлари мен билан машқ қиласди. Биринчи муаллимим онам, онам кўп ўргатади, деган эди Хуррам. Шундай қилиб аёл ўғлининг ўқишига ҳам бепарво бўлмай, ўқиш, ёзишни ҳатто мен гувоҳи бўлгандек қўшиқ

Эшигингдан бирон киши сен тирикмисан, деб бош сүқиб кирмаса. Чорбағак ҳам эвида эди. Одамлар бор эди, йўл устида эди. У ер дунёнинг ит топмас бир бурчаги бўлса, сен буни тушунасанми?

- Хўш, мен нима қилай? Мана шу эринг билан мени роса гаранг қилдинг-ку! - дедим гапларини бўлиб.

- Нима қилай, эмиш? Сабр қилиб тур, гапимни тутатай, юрагим бўшасин, тинглашга ҳам сабринг чидамайди-я!

- Хўш гапирчи!

- Мен ҳеч қаерга кўчмайман, узоқ эмас, бориб-келиб ишлайверасан. «У ёғи бир соатлик йўл, бу ёғи бир соатлик йўл» десам «йўқ, кўчамиз» - дейди. Ана шундан кейин жанжал бошланди, майли, мени отсанг отгину, аммо кимсасиз жойга олиб борма, деб қўлига милтиқни тутқаздим. Жанжалимиз устига кириб қолган Хуррам кўрқиб кетиб йирини бошлади. Кейин Сангак милтиқни жойига илар экан: - ҳали отишга яраша гуноҳ қилган эмассан, вақти соати келиб қолади. Гап шу, - хулоса қилди Сангак.

- Судга мурожаат қил. Мажбуран биргаликда яшаш мумкин эмас, ажратади-ю қутиласан.

- Сен дарҳол ажратади деб ўйлансанми? Мен сенга суднинг осонликча ажратмаслигини айтган эдим-ку, айриб ташлагунча лоақал бир йил ўтади. Ўн марта чақиради, қоловерса, суд ажратган тақдирда ҳам бу ака-укалар мени ўз ҳолимга қўймайди. Акам ҳам тинч юргани қўймайди. Мен ё ўламан ёки бу золимлар дастидан Хуррам билан бирон ерга қочиб қутиламан.

- Хўш, мен нима қилишим керак? Эрингта Ширмоҳии у ерга кўчириб олиб борма, деёлмайман, бунга ҳаққим ҳам йўқ. Сен Тавилдараага бориб жамоа раисига арз қил, - дедим. Қандай маслаҳат беришни билмай.

- Чорбогакка кўчириб олиб келаётганда раисни Мишпадеҳда кўриб айттандим. Қизим, эр қаерда бўлса, хотин ўша ерда. Сени урмаган, ўлдирмаган бўлса, ўзини отса отадики, сенга қўл теккизмайди.

ишлиарим жойида. Ол, қатиқни ич, бетини олиб келдим. Қаймоқдан ҳам ширин, - деди астагина.

- Ўзинг кўриб турибсан уч кундан буён ишга бормайди. Мен билан сени пойлагани-пойлаган. Сени кўргим келади-ю, аммо унинг дастидан бир қадам ҳам силжий олмайман. Кимdir унга мени сен билан бирга қочиб кетади дебди. Духтур шу ердан кетмагунча уйдан чиқмайман. Духтур бу ердан кўчмай узоқ турадиган бўлса, биз кўчамиз дейди.

- Қаерга кўчарканлизлар?

- Ҳув, тепадан, Хингоб қирвоғида бир уй бор. У ерда илгари бир рус мўйсафиidi яшарди. У баҳор ва қиши ойларида Хингоб сувининг пасайишини ёки кўтарилганини текшириб ҳафтада бир марта Тавилдарага мъълумот олиб бораради. Мўйсафиid сен келмасдан аввал касал бўлиб оламдан ўтди. Ўғиллари Фармда ишлашарди. Мўйсафиidни шу ерга кўмиб, оналарини ўзлари билан бирга олиб кетишди. Марҳумнинг жойига одам йўқ. У менинг қачон Душанбега кетишимни сўради, мен унинг нима сабабдан сўраганини энди тушуниб етдим.

- Бу ҳақ гап. Агар у сенинг куз охиригача туришингдан хабар топган бўлса, албатта, мени ўша мўйсафиidнинг уйига кўчириб боради. Аслида бу ердан кўчмоқчи эмас эди. Сен билан танишганимши билди-ю, тўнини тескари кийиб олди. Энди мени бу ерда узоқ олиб турмайди. Сангак ўтпа мўйсафиidнинг вазифасига тайинланибди. Аммо мен унинг уйига кўчиб бориб у ерда яшай олмайман. Ёлғизликдан сиқилиб ўламан. Рус мўйсафиidi ва унинг кампири ёши бир жойга бориб қолган кишилар эди. Мен эса ёш, уларнинг ўғли, қизлари келиб гоҳ - гоҳ хабар олиб турешарди. Мендан ким хабар олади? Бориб келиб ишласа бўлади-ю, аммо мендан ташвища. Ўтган йили Хуррам уч ой қишида мактабга боролмади. Ўзим ўқитишга мажбур бўлдим. Яна у ерга кўчириб борса, Хуррам бутгуплай саводсиз бўлиб ваҳшийлашиб кетади. Ўзим у билан шуғуланишга мажбур бўламан. Мен, айниқса, қишида у ерда қандай чидайман. Кечао-кундуз уйда, бир жойда ўтириш осон дейсанми?

маганликка олиб ўзимни нодонликка соламан. Айниңса, итни мен томонга қасдан юборганини Ширмоҳдан эшитганимдан кейин жуда ғазабим келди, уни ашаддий душманим деб била бошлидим. Лекин мен духтурман, сабру тоқатли, бардошли, вазмин бўлишим керак, ахир оғир тошни сув оқизмайди, дейишади. Зеро булар энг олийжаноб инсоний хислатлар - ку, дердим ўзимга ўзим тасалли бериб: Қолаверса, мен инсонлар саломатлигини ҳимоя қилиш учун келганман. Мен ҳеч қандай қабиҳ ишларга қўл урмаслигим керак. Сангак бутунлай бошқа одам бўлиб қолди. Тинчлигини йўқотди. Бир ерда тинчиди ўтира олмай ёки турда олмай қолганини сезиб турардим. У кетди, мен эса орқасидан қаерга борар экан деб қараб турдим. У бутазорни кесиб ўтиб, Зардакнинг уйи томон равона бўлди. Ҳар бир ишда ундан маслаҳат сўрарди. Сангакнинг нима қилишини, қаерга боришини уйда кузатиб турган Ширмоҳ у кўздан йўқолиши билан кўлида битта коса билан уйдан чиқиб келди. Унинг эгнида шоҳи ҳаво ранг япон кўйлак, бошида эса лола гулли сариқ дуррача, уни кўрдиму юрагимда яна унинг учун ҳам ўзим учун ҳам ғаму ташвиш пайдо бўлди. У энди ҳийла эҳтиёtsизлик, ҳагто айтиш мумкинки жасурона ҳаракат қиласади. Аммо кўзи-кўзларимга тушди-ю, худди чақмоқдай нур бахш этувчи хандаси бир зумда мени барча ташвишлардан фориҳ, этиб, қалбимга қувонч бағишилади.

Анави эркакка «Мана бу қатиқни Мирзога олиб бор, у мусоғир, савоб бўлади, - дедим. Гапимга қулоқ солмаслигини билардиму, ҳазиллашдим. «Бирга ўтириб чой ичасан, шўрва ичасан» ҳам дедим. Қулоқ солмади. Пойлаб Зардакнинг уйи томон кетиши билан» яхши қилдинг, қатиқни ўзим олиб бораман» деб косани олдиму сен томон чопдим, Мирзо, - деди у минг хил нозу карашма билан вужудини табассум безаб.

- Мен қатиқ ичмоқчи эмас эдим, нега олиб келдинг? Жуда эҳтиёtsизсан-да, - дедим. Унинг бу ишидан иорози оҳангда. - Эҳтиёtsиз дема, ҳамма

ҳам йўқ эди. Шу боисдан унинг кўнглини кўтариб дедим:

- Ҳечқиси йўқ, бир неча кун оғирликни бўйинингизга оласиз. Мен бу гапларни айтиётганимда ўзли ўртоғи билан чайла ташқарасида турарди. Чўпон ғамгин ҳолда уларнинг олдига чиқди.

- Қаттиқ йўталаман, юрагимнинг боши оғрийди, - деди у. Текшириб кўрдим, ўпкаси, юраги тоза. Томир уриши мўътадил. Фақат нафас йўли шамоллаган, унга дори буюриб, ўзини эҳтиёт қилишни таъкидладим. Улар оту эшакларига минишиб яйловлари томон жўнаб кетишиди.

Сангак «палатангизни бу ердан кўтаринг», - дегандан кейин ҳам бирин-кетин уч кун ишга чиқмади. Менинг олдимга келиб, оғиз ҳам очмай яна астагина туриб кетарди. Мен ҳам унга эътибор бермасдим, гап ҳам сўрамасдим. Бир куни келиб томдан тараша ташлагандай дағаллик билан мендан сўради:

- Сиз Душанбега қачон кетасиз?

Мен унинг бу саволидан ҳайратланмадим. Зоро у мени бу ерда туришимни асло истамасди, ёки қуши тухуми шаклини эслатувчи бу калласи билан яна бошқа бирон режа тузган кўриниади. Агар мен унга ҳазиллашиб икки кундан кейин кетаман десам, у уйига қайтиб терисига сиғмай, оғзи қулогида рақсга тушади ва дарҳақиқат, шу кунларда кетсан яйловга энди бошқа қайтиб келмасин деб орқамдан тош ҳам отади, деган фикр хаёлимдан ўғди. Лекин мен ҳали ҳозир кетиш ниятида эмас эдим ва командировкам ҳам бу яқин орада тугамасди. Шу боисдан бепарвогина дедим:

- Ҳали менинг кетишимигача гап кўп. Яйловдаги ҳамма чўпонларни жўнатиб, кейин улар кетидан йўлга тушаман. Мен ўз ихтиёрим билан келмаганман ва ўз ихтиёрим билан кетмайман ҳам.

Сангак, албатта, менинг бу жавобимдан жуда дили танг бўлди. Шундан кейин у ҳам ҳеч нарса сўрамади, мен ҳам индамадим. Кейинги кунларда мен у билан гап оҳангини ўзгартирдим: Савол берса жавоб қайтараман, баъзан гапини эшитсанда эшит-

дим, лекин чайла ҳам нам, ташқари ёмғир, олов ёқиши учун ўтинаштырғанда үт ёқиб ҳам бўлмайди. Ўчоқ ташқаридан, үт ёқай десангиз ёмғир учиреб қўяди, ўтириб исиниб ҳам бўлмайди, ажвол ана шу. Онаси кийимларини алмаштириб кўрпа билан ўраб қўйибди. Кечқурун келсам қаттиқ истима олиб ётиби, икки кун ётди-ю, яна туриб кетди, болада, ўзига олмади, - бутун тафсилоти билан тушунтириди отаси.

- Ҳаммаси маълум. Шамоллаган, - дедим ва стетофонендоскопни олиб унинг кўкраги, орқала-рига қулоқ солиб турдим, ўпкаси шиф-шиф қиласди, тахминим хато эмасди. Уни диспансерга юбориш шарт, акс ҳолда касали кучайиши мумкин: Йўллан-ма ёзиб отасининг қўлига бердим ва тезроқ олиб боришини тайинладим. Албатта, бу чўпон учун оғир кун, баҳтсизлик эди, хотинига ва бошқа фарзанд-ларига қўйлар рамасини ишониб ташлаб кетарди. Бу ерда яйловлар чўпонларга тақсимлаб берилган-ли. Улар бир-бирларидан узоққа, ҳар бири ўз яйловига чайла ўрнаган. Болага ва унинг отасига раҳмим келди. Диспансерни биласизми? Роҳатий билан Душанбе ўртасида ҳамма касалхоналарда яйловдан келган касалларни дарҳол қабул қили-шиб даволашга киришадилар. Агар ўғлингизнинг касали оғир бўлганида, вертолёт чақираардим. Аммо ажволи оғир эмас, ҳар ҳолда духтурхонага олиб бориш зарур, - дедим.

Тўври, ўғлини диспансерга жўнатишим чўпонга маъқул келмасди. У ўғлини шу ерда дорию дармон қилиб даволайди деб ўйлаган экан.

- У касалхонани биламан, лекин болани у ерга олиб бораман деб хаёлимга ҳам келтирмагандим. Каттам-шу, чайлада яна учта кичкинамиз бор, қўй бир тараф, бола-чақа бир тараф, буни хабар олиши қийин, - нолишга тушди чўпон.

Албатта, чўпоннинг гапларида ҳам жон бор. Оила аъзоларидан бирон киши касал бўлса, унинг азобини касалгина эмас, балки ҳаммадан аввал отасона торгади. Уларга қийин бўлади, аммо ҳозирги шароитда оғирликни ўз бўйнига олишдан ўзга чора

Кабутоб ёки яна бошқачасидан ўта олмай, баъзида йўлдан қайтиб келарди. Юрагимни ваҳима босди, сувдан ўтсин деб отни шунча ўз ихтиёрига қўяману, лекин жонивор олдинга бир-икки қадам ташлайди-да, яна орқасига қайтади. Сув шарақ-шурук қилиб тепадан тошларни ҳам думалатиб олиб келарди. Агар бундай тошлардан биронтаси отнинг ёғига келиб тегса борми, мен билан отни сув олиб кетиши ҳеч гап эмас, - дейди у ҳаяжонла. Сўнгра бир муддат чайлада дам олган бўлади-ю, яна йўлларида сел келиши хавфлари бўлмаган яйловлардаги чўпонлар ахволидан хабар олиш учун жўнаб қолди. Аммо менга рамадан - рамага юриш учун от йўқ, менинг вазифам узоқроққа кетмай, яна шу чайладан жилмай туришдан иборат.

Мен билан Мадали аканинг ихтиёри ҳар ҳолда ўз қўлимизда, аммо чўпонларнинг ихтиёри ўзларида эмас, уларнинг ихтиёrlари қўйларида. Чўпон чайласида, болалари даврасида бир зум бўлсин бетапиш, бемалол роҳат қилиб ўтира олмайди. Душанбе ва Тошкент магазинларида қўй тўшти сероб бўлиб одамлар палов ея олишлари учун у шиддатли ёмир ва қаҳратон қишида ҳам қўйларини бокаверади. Таёвининг учини ерга тираганича унга суюниб қўйларининг қисирлатиб ўгейишини томоша қилиб тўймайди. Чўпон узоқ вақт ёмир остида қолиб кийимлари жиққа ҳўл бўлса отаси чайлата қайтиб кийимларини алмаштириши учун ўсли ёрдамга шошилади. Ўша ёмғирли кунлар бу болалар ҳам оталари ёнида туриб чўпонлик қилишган. Уларнинг меҳнатсеварликка чақириш учун маҳсус қарорлар ҳам лозим эмас. Сел ёмғирлари, қаттиқ шамоллар бу болаларнинг нозик устухонларига ўз таъсирини ўтказмай қолмаганди, албатта. Бу чўпон ўғлининг исми Сафарали экан. Юзларида кунжутдек доФлари бор, ранги заҳир. Нимадан шикоят қиласан? - сўрадим боладан.

- Нафасим қисади, иштаҳам йўқ, томогимдан ҳеч нарса ўтмайди - дейди у.

- Калта-калта йўталади, ўша қаттиқ ёмғир ёққан кун қўй боққанида мен уни урушиб чайлата жўнат-

құрқмадингми? - деди Ширмоҳ унинг кетидан доду фарёд күтариб.

- Гапларингни қара-я, ақлингни едингми дейман, ит ҳалқаси бўшалиб ўзи чиқиб кетибди, - деди у жавобан.

Сангак итни Ширмоҳни қандай қўриқлаёттанини билиш учун қасдан мен томонга бўшатиб юборганини билиш қийин эмасди. Ширмоҳнинг уйида ўтирган Зардак ҳам бир оздан кейин чиқиб уйи томон равона бўлди.

Кунларнинг бирида бир чўпон ҳузуримга икки болани етаклаб келди. Улардан бири ўзининг, иккичиси бошқа бир чўпоннинг, яъни ўртоғининг ўғли экан. Булар ҳам бошқа болалар каби ўқишлиари тугаб, таътилга чиқиб, ота-оналарига ёрдам бериш, дастёрик қилиш учун яйловга келишган экан. Мен аксарият чўпонларнинг хотини бола чақалари билан кўчиб келиб, тоғлар орасида қиру адирлар бағрида чодирлар қуриб ўтиришганини кўргандим. Мен Чорбоякка келганимда июннинг бошлари эди. Ҳар куни тинмай ёмғир ёғарди. Мен эса ташқарига чиқа олмай зик бўлиб ўтирадим. Биринчи кунлари майдалаб ёқдан ёмғир кўнгила шу қадар урдики, унинг наму рутубати фақаттина ернинг қават-қаватига эмас, балки яйловда яшончи ҳар бир кишининг мия-миясига ҳам қаттиқ таъсир қиларди. Кейинчалик ёмғир чунон шиддат билан ёғдики, гўё сув булувлар орасидан эмас, балки осмоннинг сон саноқсиз сатилларидан қўйилаётгаңдай эди. Кучли ёмғир ёқдан кунлар тоғларёчалари тўлиб тошиб ўзанидан тошиб чиқар ва устунлари нимжон кўприкларни ювив кетарди. Бундай кезларда тор дарёчаларининг иккичи томонига ўтиш анча қийинлашарди. Серёгин кунларда Мадали aka ҳам ҳеч қаёққа чиқа олмай мен билан чайлада ўтиришдан бошқа иложи қолмасди. Биз шаҳмат ўйнаш, китоб ўқиш, радио тинглаши билан вакт ўтказардик, аммо чайладан чиқмай бир жойда ҳадеб димиқиб ўтиравериш унинг кўнглига тегарди-ю, ёмғир бир озгина пасайиши биланоқ отни эгарлаб йўлга тушарди. Аммо тор дарёчаси

аҳамиятга молик нарсаларни қўриқлаш учун фойдаланишарди. Ҳар қанча четда бўлса ҳам бу ердаги магазинни қўриқлаш учун ит боғлашганини кўргандим. Сангакнинг уйи менинг назаримда бундан буён ит мендан қўриқладиган мустаҳкам қалъага айланганди.

Кечқурун ёввойи олмурут дарахтлари тагида айланиб юрадим. Сангак итининг олдида нималар билан машғул эди. Ит ҳар замон мен томонга қараганича тишларини кўрсатиб ириллаб қўярди. Бир пайт қарасам, ит мен томон чопиб келяптию, аммо Сангак йўқ.

- Нима бўлди экан, ё ит занжирни узди, ёки Сангак итни бўшатиб юборди, кўнглимдан ўтказдим: Аммо Сангакнинг менга қасдлашиб менинг тилка-порамни чиқариш учун итни қўйиб юборганига ақлим ҳеч бовар қиласди. Наҳотки у шу даражада ҳиссиёти ўлган тайёргина тўнка бўлса. Наҳотки инсонни ит панжасига топшириб, уни тишлатиб маюбу мажруҳ қилиш жиноят эканлигини тушунмаса. Ана шу ўйлар менинг кўнглимдан ўтгунча бўлмай ит ҳам чопганича етиб келиб иккала оёғи билан менга ташланмоқчи бўлди. Бундайин чўпон итларининг хислатлари ёдимга тушиди-ю, зудлик билан ерга ўтиредим. Агар чўпон итига ҳужум қилмай таслим бўлиб ўтирангиз то эгалари етиб келмагунча бир кун бўлса ҳам сиздан кўзларини узмай тураверади. Агар ўрнингиздан турмоқчи бўлдингизми, унда маҳкам олмоқчи бўлади. Мен ўтиредим, ит ҳам қаршимда мендан кўз узмай қараб туради. Қўзғалишга қўймасди. Қимирламоқчи бўлсан ҳамла қилингага тайёр эди. Шу дам Ширмоҳ ва унинг кетидан Хуррам пайдо бўлди. Худди ит узуб олгандай бир икки метр занжир унинг бўйнида осилиб туради. Ширмоҳ итга яқинроқ келиб унинг эгасини қарғаб, ўлим тиларди. Шу пайт қаердандир Сангак пайдо бўлиб худди ит зўрлик билан занжирини узуб олгандай уни йўл-йўлакай ҳақорат қилганича уйига судраб кегди.

- Сен ўзинг бўшатиб юбординг. Ўз кўзларим билан кўрдим. Духтурни ит тишлаб олади деб

лозим эди. Кўнглидан нималар ўтса-ю,
а ўй хаёлларга борса ҳади имкон ҳис этишга
мушардим.

- Шўрва пишиб, картошкалар эзилиб кетгандир,
бир косадан қуиб келай бирга ичайлик, - деб
чаққонгина ўрнимдан турдим.

- Мен тўқман, ҳозиргина нонушта қилдим, - деди
у орқамдан.

- Тўқ бўлсангиз ҳам, бир коса шўрва зарар
қилмайди, - қозонча бошида шўрва қуяётиб, - де-
дим. Шўрвани олиб келиб олдига қўйдим. Гўштини
товоққа солиб келтирдим. - Қани, марҳамат ичма-
сангиз қаттиқ ранжийман, ахир қўшинчилик бун-
дай бўлмайди, - дедим. У ҳам лом-лим демай косани
кўтариб шўрванинг сувидан бир-икки ҳўплади.
Мен ҳам косани олиб хотиржамлик билан ича
бошладим. Зеро уйингизга душманингиз ҳам келиб
нону тузингизни еса, аччиғи пасаяди-ю, у билан тил
топиш осонлашади.

- Жўра, менимча, бирор гапингиз борми? -
тоқатсизланиб сўрадим.

- Гапим бор, дуҳтур, - деди у косани бир томонга
қўйиб, - гап шуки, чайлангизни бу ердан кўтарсан-
гиз, яхшироқ бўларди...

- Нега? - сўрадим.

- Сабабини ўзингиз биласиз. Бунга рози бўлма-
сангиз хушёр бўлиб юринг.

- Бирон гап ўтдими. Нега очиқ гапирмайсиз? -
сўрадим, гарчи сабабини ундан яхшироқ билсамда.

- Майли, бошқа бирон пайт. Ҳозирча шу айтган
гапим кифоя, у тарафига ўзингиздан гина қилинг,
- деди йўлга жўнаётиб.

Ўша куни Зардак Сангақнинг эшиги олдига ҳай-
батидан бир қараашда одам вужуди титрайдиган
кагтга итни олиб келиб боғлаб қўйди. Зардак бу
билан менинг оёғимни Ширмоҳнинг уйидан узмоқ-
чи бўлди. Унинг Ширмоҳ учун Сангақдан ҳам
ортиқроқ рашқ қилиши менга аён эди. Итнинг
занжири узун бўлиб, у боғчалар атрофида чопиб
юриб Ширмоҳни қўриқларди. Одатда бундай ит-
лардан давлатнинг катта омборлари ва маҳсус

бўлсанг ҳам ўша дейишади. Ширмоҳнинг кўнгли палов ёки манти тайёрлагандага чайлада ёлиз бўлган чоғларимда бир косада юборишни истайди. Буни ўзи ҳам айтган. Лекин Сангакдан истиҳола қиласди. Ҳозир эса Мадали ака жўнаб кетгач, қозончани керосинка устига қўйиб қайнаб турсин деб бир икки бўлак гўштни ювиб солдим. Икки-учта пиёз, картошкани майдалаб ташласам хом шўрва бўлади, нонни ивитиб ейман, иштаҳа деган зормандани ҳар қайтармоқчи бўлсанг, яна келаверади, уни алдаш амри маҳол. Гўшт қандай, унинг кўпигини олиб туз солдим кейин майдалаб пиёз тўнраб ташладим. Арчиб, сув солиб қўйилган картошкаларни эндигина олиб келиб қозонга солган эдимки, лапанглаганича Сангак пайдо бўлди.

- Марҳамат, ўтилинг - дедим унга. Аваллари агар у менинг чайламга келса, тик турганича гапини айтарди-ю, тезда жўнаб қоларди. Ҳозир эса астагина кўз тагида назар солсам, кетишга шошилаётгани йўқ. Афтидан бугун ҳам ишга бормоқчи эмас. Уйда ҳам бирон иш билан шуруулланмай менинг ёнимга келибди. Эҳтимол менда бирон бир муҳим гапи бордир. У аммо айтишдан ўзини тутиб турган-дир.

- Марҳамат, ўтилинг, шўрва ҳам пишай деб қолди, биргалашиб баҳам кўрамиз, - дедим. У индамай кўриначага ўтирди. Мен пиёзни қозончага солдим, Сангакнинг ёнига қайтдим ва бир пиёла совуқ чой қўйиб унга узатдим. У чойни бир кўтаришда симирди-ю, пиёлани қўлимга берди.

- Шахмат ўйнаймизми? - сўрадим.
- Ўйинни билмайман, - жавоб берди.
- Каргачи?

- Истамайман, - деди қисқагина қилиб. Хўш ундай бўлса меңдан нима истайсан, гапингни айт, эшитай? дегим келарди. Лекин у билан бундай дағал муомала қилиш яхшиликка олиб келмасди. Ширмоҳ тунда ёнимга келган кундан ва ойдин кечада бутазорлар орасида бўлган ширин сужбатдан кейин уни қаерда учратсам бўлиб ўтган воқеалар учун худи ўзим гуноҳкордай хижолат чекардим. Мен учун фақатгина сабр тоқат қилиб унинг ҳаракатини

ҳаё ва қўрқув унга монелик қилиб турарди. Сангак билан Зардак юз қўлларини ювиб келишиб бизни чойга таклиф қилишди. Мурод бобо кампиригини касаллигини баҳона қилди, мен эса чайлада ҳеч ким йўқлигини ва бирон киши мени кутиб турмаслигини айтдим. Иккимиз ҳам йўлимизга равона бўлдик.

Барокўҳни мен кўрмаганман. Чўпонларнинг айтишига қараганда, таърифига сўз топиш қийин бўлган ажойиб бир мавзе экан. Уларнинг фикрича бундайин гўзал майсазор ҳеч ерда йўқ эмиш. Ўт дегани одамнинг бўйидан ҳам баландмиш. Хусусан, май ойи ва августнинг бошларида қиру адирларда табиий гуллар чунон ҳам очилар экан, киши уни томоша қилиб тўймасмиш. Турли туман худрўй гуллар отнинг белига урармиш ва сиз отда кетаётуб уларнинг хушбўй ҳидидан маст бўлай, гули гулдасталар териб олишингиз мумкин эмиш. Агар қоронғу, зим-зиё кечада йўлингиз қиру адирларга тушиб қолса, гўё у ерларда сизнинг адашиб қолмаслигинги учун худди минглаб шамлар ёқиб қўйилгандай нур таралиб турармиш. Аммо улар шам эмас сиз асло гувоҳи бўлмаган қизил сариқ лолалар бўлиб худди шам каби шуъла сочиб тураркан. Бир чўпон: Барокўҳ ном олиши ҳам ана шу хосияти туфайли яна тоққа чиққину унинг нақадар гўзал жой эканлигини ўз кўзинг билан кўргин, деган маънони билдиради деб таърифларди. Мен Барокўҳнинггина эмас, балки қоратегиннинг барча яйловларини сайру саёҳат қилиш орзусида бўлсамда, аммо афсуски, Чорбоғакда туришим шарт эди. Мадали aka нонуштадан кейин ўша томонга йўл олди.

Мен икки кундан буён иссиқ овқат емагандим. Ширмоҳ ҳар куни пешин ёки кечки пайтда қозон осиб иссиқ овқат пиширади. Инсоф юзасидан айтсан, ҳар замонда бир косадан овқат юбориб турса бўларди. Зероки халқимиз одатига кўра ёлғиз кишига қўшниси мурувват қилиб пиширган овқатидан бир коса бериб турари. Ёлғиз одам бир ўзи учун қозон осиб овқат пишириб ўтириши шарт эмас. Ўн киши бўлсанг ҳам ўшаю, ўн бир киши

дилар, ёшлигимда менга ҳам ўргаттан эди, ўзим ҳам пайванд қиласан.

Мўйсафиғ дуҳтур меваларни пайванд қилишни ҳам билар экан дегандай ҳайрат билан менга тикилди. - Бу яхши, Ширмоҳнинг ҳурмати учун қилиш керак, гулдай Ширмоҳ мана шу Сангакка хотири бўлиб юрибди, - деди у. Ана бу қирмизи олма ўзимизнинг тагжой олмалардан. Қишида ҳам яхши туради, қурт емайди, ана шунинг навларидан олиб боргин, ўғлим. Олма пишмаган бўлса ҳам зарари йўқ. Қара, қандай яхши. - Мен пичоқни чиқариб мўйсафиғ кўрсаттган қирмизи олма навдасини қирқиб олдиму, етиб боргунча сўлиб қолмасин деб уларни ҳўл паҳтага ўрадим. Кейин хайрлашиб, Чорбағакка жўнадим. Мурод бобо тўғри айтди, мен бу ишни Ширмоҳнинг ҳурмати учун қилаётгандим, агар у бу ердан кўчиб кетмаса, мен пайванд қилган олмалар унинг учун мендан хотира бўлиб қолади. Инсон қаерга қадам босмасин ўзидан, албатта ёдгорлик қолдириши керак. Зеро инсон оламдан ўтади, ундан хотираларгина боқий қолади. Ҳаёт қонуни шундай эди, ва шундайлигича қолади. Бинобарин мен Ширмоҳнинг боғчасига бориб тезда ишни бошламоқчи бўлдим. Баргини қирқиб ташлаб, унинг танасини пўстлоғидан ажратгач, олма ниҳоли навдасини ёриб, пўстлоғи ичига жойлаш, кейин новданинг ёрилган жойини ип билан маҳкам боғлаб қўйиш, бору йўғи ҳамма иш ана шундан иборат. Мен Ширмоҳнинг боғчасига ўтмасданоқ ёлғиз ўзи бу ишнинг удасидан чиқа олмайди деб ҳавотир бўлган бўлса керак. Мурод бобо ҳам етиб келди.

Мен унинг маслаҳати билан ишни тезда тутатдим. Сўнгра Ҳуррам билан Ширмоҳга агар пайванд тезроқ ушлаб кўкарсин десанглар чошгоҳда ва кечга яқин уланган жойига сув қўйиб туришини тайинладим. Мен бу гапларни айтиётганимда Ширмоҳ мендан кўзини узмас, ва хурсандлигидан гулдай очилиб, хаёлимда бу хизматларим эвазига шу ернинг ўзида бўйнимга осилиб бўсалар олишини истаёттандай эди. Аммо кундузи бу одамлар олдида

- Қабул қилдим, - деди вертолётта миниб Душанбека боришдан қўрқсан Гавҳар хола noctoru noилож.

- Сен, Мирзо менинг ожизамни она дейсанми? сўради мендан.

- Ҳа, она дейман, - жавоб бердим. Мурод бобонинг ҳийлаи шаръиси маъқул тушиб ичимда кулганимча. Икковларинг мана бу нондан енглар. Мен гувоҳман, нонни еганларингдан кейин она-ю бола бўласизлар, - деся Мурод бобо ўрнидан туриб ичкарига кирди ва битта атлас қийик олиб чиқибоналик бўлганим шарофатига белимга боғлаб қўйди. Кейин тутинган онам оёғини кўрсатди. Мен унинг оёғини аста-аста силаб кўрдим. У синган ҳам эмас, бандидан чиқсан ҳам эмас, фақаттина йиқилган вақтида оёғининг гўшти лат еган холос. Мен Мурод бобо билан тутинган онамнинг оёқларини ерга кўйиши учун уни қўлтибида олиб кўтардик, аммо у оху воҳ қилиб оёқларини боса олмади.

Ҳар куни уч-тўрт дона тухумни чала пишириб пахтага олиб боғланг, қумни қиздириб қўйинг, шиши қайтса, тузалиб кетади. Тузалмаса яқин орада вертолёт чақирамиз, бошқа касаллар билан бирга шаҳарга жўнатаман, даволаш шарт, - дедим.

- Йўқ-йўқ, худо хоҳласа ўзи тузалиб кетади, - бу сафар Мурод бобо ҳам ғам тортиб деди.

- Тузалиб кетаман, болам. Эштишимча Сангак Ширмоҳга рашик қилиб ўчорини бузиб ташлабди. Мен сизларга ион пишириб бермоқчи эдим, буни қаранг, болам, йиқилиб тушдим, - деди афсусланиб Гавҳар хола.

- Ҳеч қиси йўқ, биз учун тузалиб кетсангиз бўлгани. Сангак яна қайта ўчоқ қуради. Сангак Ширмоҳни бизга ион пишириб беришта қўймаса, Мадали ака қизининг уйида пишириб келаверади, - хотиржам қилдим уларни.

Ширмоҳнинг олмаларини шу бугун пайванд қилмоқчи эдим, ишни юришмаганини қаранг, - деди Мурод бобо афсусланиб.

- Бу ишни ўзим бажараман, бобо. Богимиздаги ҳамма дараҳтларни отамнинг ўзлари пайванд қилар-

Ёлғон гапирди, шишган, - унинг гапини рад қилди
Мурод бобо.

Гавҳар хола эрининг гапидан ранжигандай унга
казаб билан тикилди.

- Қани, кўрсатинчи? - илтимос қилдим мен.

- Духтур, сен духтур бўлсанг, ҳам бегонасан,
номахрамсан, сенга оёғимни кўрсатмайман. Дух-
тур, қариган чоримда мени гуноҳкор қилма, иймо-
ним куймасин, - дейди Гавҳар хола.

- Бундай бўлса нима қиласиз? Душанбега жў-
натсам, у ерда ҳам бегона номахрам одам кўради.
Сизнинг оёғингизни жарроҳ ренгенда кўриши ке-
рак. Аёллардан жарроҳдар кам. Бирон ўғлини
дуктур бўлсаки унга кўрсатсангиз, бобо ҳам духтур
бўлсаки табобат қиласа, қизлар, ёш аёллар ҳам
лухтурдаи касалларини яширмайди, кўрсатишади -
дедим. - Кексайтанингизда гўдакка ўхшаб бир
жойда ўтириб қолсангиз-у, чолингиз сизга қараб
юрса, икковларингизга ҳам қийин бўлади, - ту-
шунтиридим.

- Худо кўрсатмасин, илоҳо у кунни худо кўрсат-
масин, - оҳу, уҳ қилиб деди Гавҳар хола.

- Менга кўрсатмасангиз, Душанбега юбораман,
вертолёт чақираман, олиб кетади. Ҳу, ҳавода пар-
рагини айлантириб келиб турари-ю, ана ўшанда
шаҳарга борасиз, - дедим соддагина қилиб. Гавҳар
хола қўрқиб хаёлга чўмди.

- Бу ишнинг ҳийла-ю, бир шаръиси бор, ўғлим.

- Чормағзакда синганни боғловчи бир эркак
бўларди. Раҳматли оламдан ўтди. Бирон аёлнинг
қўли ёки оёғи сингудай бўлса, касалнинг кўпили
оғримасин деб даволашдан аввал кекса бўлса, она,
ёш бўлса сингил тутинарди. Сени Мирзо менинг
Гавҳарим ўғлим десин, ана кейин оёғини кўр, на сен
гуноҳкор бўласану, на менинг Гавҳарим. Нима
дединг, Гавҳар? - сўради Мурод бобо хотинидан.
Гавҳар хола рози бўлди. Мурод бобо дастурхондан
битта бутун нонни олиб, бизнинг олдимизга қўйиб
сўради:

- Сен Мирзони, мана шу нон ҳурмати, ўғилликка
қабул қилдингми, Гавҳар?

дарё балиқларига дом ташласа-ю, балиқлар ундан чиқа олмасдан типирчиласа ҳеч гап эмас, аммо эрхотинни зўрлигу, зор билан домга туширса ва хотин чиқа олмай чиғакдаги балиқлар каби бир умр типирчиласа бу ҳалокатли дард, дея кўнглимдан ўтказдим.

Мурод бобонинг боғида турли туман мевалар: олмурод, ранг-баранг олмалар, олча-ю, гилослар парвариш қилинаркан. Жанубда яна водийда, ўсадиган мевалар ҳавонинг салқинлиги боис бу ерларда пишмайди. Боғнинг бир чеккасида азамат ёнгоқ дараҳтлари ўсиб ётибди. Чолнинг иккита айвонли уйи бўлиб, улар ўртасида ошхона. Айвон олдига баланд суппа кўтарибди. Боғчасининг бир четида ўзлари учун картошка ва тоғ пиёзи экибди. Пиёз яхши амал олиб, картошка фарқ гуллаган. Мен чолнинг уйига кириб борганимда мўйсафиð боғчасида айланиб юрарди. Хотини эса айвонда кўрпаташак қилиб ётарди. Мурод бобо менга эшик олдироғида пешвоз чиқди. Кампири мени бегона киши деб ўйлади, шекилли юзларини кўйлагининг кенг енглари билан тўсди. Мурод бобо бир марта менинг чайламга келиб совуқ урган кампири учун дори олиб кетсанди. Иккинчи марта магазинда учрашиб ҳол-аҳвол сўрашдигу, у мени чойга таклиф қилди. Мен унга: мавриди келса, ҳали биргалашиб чой ҳам ичамиз дегандим.

- Кампиримнинг йиқилганини сизга ким айтди?
- деди у салом-алиқдан сўнг.
- Сангак айтди. Уларнинг боғидаги олмани пайванд қилмоқчи бўлган экансиз, Гавҳар хола суппадан йиқилибди. Мен ҳол-аҳвол сўрагани, қўлимдан келса ёрдам бергани келдим.
- Кексаликда ўслим, кексалик, кечаси суппадан тушмоқчи бўлиби-ю, қоқилиб йиқилибди. Ҳозир чап оёгини боса олмайди, - жавоб берди мўйсафиð.
- Ҳа, шундай, болагинам, оёқ боса олмайман, боссам оғрийди, - гапта қўшилди Гавҳар хола.
- Оёғингиз лат егандир?
- Билмасам, болам.
- Шишганми?
- Йўқ, шишмаган, - жавоб берди Гавҳар хола.

гулининг бу даражада гўзаллигини сезмаган эканманни ёки бу ернинг табиатига энди ўрганиб дилкашу дилрабо нарсалар онгимга етиб бораётгандай.

Зиразор ортда қолди. Мен пуртүғён Хингоб дарёсининг темир кўпригидан ўтаман. Бу кўприкни кейинги бир - икки йил ичидаге геологлар тиклашган. Улар тоғларнинг қайси бир қазатида фойдали қазилмаларни топишиб, ҳозир уни озми-кўпми ишлаб чиқаришни бошлишган. Кўприкдан бир оз юқоририкда даралар қучогидан, кичкинагина шўж, тезоқар тоғ дарёчаси оқиб шиддат билан Хингобга қўйиларди. Бу дарёча тоғ чўққиларидағи қорлар ва зилол чашмалардан бошланганлиги, тошлардан-тошларга урилиб чиқиб кетганлиги учун суви тоза, мусаффо. Сув ҳатто катта-катта тошларни ҳам юқоридан пастга думалатиб олиб келибди ва бу тошларнинг бир қанчаси устидан шиддат билан сакраб ўтиб тўлиб-тошиб кўпиклар сачратиб атрофга ёйлади. Дарёча бўйида ўсиб чиққан сариқ толларнинг шохлари сувга тегай-тегай деб турибди. Соҳилнинг икки томонида ястаниб ётган худрўй гулларнинг ҳиди димоққа урилиб кипи қалбини қитиқлади, маст қиласи. Тошларга эҳтиётлик билан оҳиста-оҳиста қадам қўйиб дарё лабигача тушиб кимнингдир сувнинг ниҳоятда тез оқар жойига тол навларидан тўқилган саватчиғани маҳкам боғлаб қўйганининг гувоҳи бўлдим. Чиғакнинг оғзиға халта қоп боғлаб унинг ҳар жой - ҳар жойини тешиб қўйибди, натижада тепадап келган балиқлар чиғакка - домга тушади-ю, аммо қайтиб юқорига чиқа олмайди. Зеро сув зарби ва халта қоп уларнинг тепага чиқишига монелик қиласи. Чиғак худди боғбонлар бозорга узум солиб келиб сотадиган кажавага ўшшатиб тўқилганди. Қадим-қадим замонларда бундай кажаваларни туюнинг икки ёнига бойлаб, ичига одам солишиб узоқ саҳро йўлларига сафарга чиқаришарди. Чиғак тагига тушган балиқлар ҳаммаси тирик бўлиб тиним билмай типирчилашарди. Мен бир зум домга тушган балиқларни томоша қилиб турдим-у, одам

жойдан иккинчи жойга боғлаб қўйишдангина иборат. Қўйлар эса узоққа кетмай сигирлар атрофида ўтлаб юраверади. Бу яқин атрофда катта, кенг далалар йўқ. Ҳамма ерлар кичик-кичик майдончалардан иборат бўлиб эгалари Вахш водийсига кўчиб кетганларига қадар у ерларга ғалла экиб тирикчилик қилишарди. Ҳозир эса бу кичик парчапарча ерлар ўтлоққа айлантирилган. Чор атрофда кўрпадек қалин ўтлар ўсиб ётибди. Одам ҳам, мол ҳам ўтга думалайди. Бу турфа ўтларнинг ному навларини ҳамма ҳам аниқ айтиб бера олмайди. Ўтлар ипакдек мулойим, ширали ва серёғ шу сабабли бу ерларнинг қатиги Вахш водийси қаймогининг мазасини беради. Балки у ерининг қаймогидан ҳам лаззатлироқдир. Имоним комилки, бир кун эмас, бир кун бу ерга одамлар, албатта, яна қайтишади, бир томондан Вахш водийсида ўзлаштирилмаган ерлар тутаг боряпти, қарийбки ҳаммаси сувориладиган ерлар. Иккинчидан Норак ГЭСи ишта тушиб тоғлар ҳам чароғон бўлди. Энди сим тортиб бу ерларга ҳам электр нурини олиб келишади. Чормағзаконда одамларнинг бу ҳақда ҳозирдан гапиришаётганларини ўз қулогим билан эшигтанман.

Хуррам амакисининг ўғли билан молу қўйларини топ томондан пастга ҳайдаб тушди. Мен уларни чақириб икковига ҳам биттадан конфет тутдим. Кейин шашка қилиб ўйнашсин деб одиларига шахматни қўйиб мен келгунга қадар чайлани ёлғиз қолдириб кетмасликларини тайинладиму. Мурод бобонинг уйига йўл олдим. Йўл четидаги зиралининг айни гуллаган пайти. Менинг назаримда зира билан кашнич гуллари ўртасидаги фарқ шундаки, кашнич гулларининг донаси тоҷик аёлларининг «тут», «барғ» каби марварид сирғаларига ўхшаб кетади. Аммо ўша марваридларнинг зирамонанд майда гуллари чупон ҳам оппоқ ва хушранг бўлиб кўз улардаи баҳра олади.

- Мен бу йўлдан бир-икки марта ҳам ёлғиз, ҳам одамлар билан бирга Чормағзаконга ва ундан ҳам юқоригоққа, Миёнадеҳга боргандим. У пайт зира

Ширмоҳ пайдо бўлди. Унинг менга пешвоз чиқиши ака-укаларга ёқмади, шекилли Зардак лой олиб берадиган белчасини бир четта қўйиб Ширмоҳнинг харакатларини менинг нигоҳларимни таъқиб қила бошлади. Менинг бу ерга келишимдан Сангакка иисбатан ҳам Зардак кўпроқ ғамгин эди. Ширмоҳ ҳамма ишлар жойида ҳавотирма олма, дегандай упинг нигоҳларидан яшириб кўз қисди. Сангакнинг ўлимдан хабару бору, аммо бизнинг тунгги сұхбатимиздан хабари йўқ эди.

- Сангак ака, лой ётқизаётуб чақираман, лой олиб берасиз, дегандингиз-ку. Мана ёрдамлашиб ишингизни тезроқ тутатгани келдим.

- Сизга бундан ҳам зарурроқ иш чиқиб қолди. Мурод бобо келмоқчи эди. Унинг хушнав олмалари бор. Чол ўшаларни олиб келиб мана бу олмаларни баргпайванд қилиш ниятида эди. Афсуски, кампир ийқилиб оёғи синибди. Хабарингиз йўқми? - деди Сангак.

- Қачон ийқилибди? Менга ҳеч ким хабар бергани йўқ. Бундай бўлса мен бориб Гавҳар холадан хабар слай. Холанинг аҳволи яхши бўлса, биз иккаламиз келиб тезда пайванд қилиб берамиз - дедим.

- Сиз пайванд қилишни биласизми? - сўради у менга шубҳали тикилиб.

- Ҳа, пайванд қилишни отамдан ўргандим. У киши баъзи-баъзида пайванд қилиш билан ҳам шуғулланиб турарди, - дедим. Бу гаплардан кейин Зардак менга олайброқ тикилди-ю, аммо оғзини очмади. Бу одам пайт пойлаб бирор баҳона билан бир кун эмас бир кун менга қаттиқ ҳамла қиласди, дея кўнглимдан ўтказдим. Мен андак бўлсада сенинг қанақа одам эканлигингдан хабардорман. Агар Ширмоҳнинг айтганлари рост бўлса, сен ўта разил, абллаҳ одамсан. Сени даволашининг вақти соати колади, дедим хаёлимда.

Бу ерга келган кунимдан бошлаб болаларинг иши фақат молу қўйларни боқищдан иборат эканлигини фаҳмлаб етдим. Бу ҳам бўлса, бор-йўғи узун арқонларга боғланган сигирларни бир кулда бир

ларди. Отларнинг кишинаши, ,итларнинг акиллаши эса қулоққа чалинмасди. Ҳамма қаттиқ уйқуда эди. Мен ҳам хурсанд, ҳам ғамгин эдим. Юрагим бошида зил - замбил бир том осилиб тургандай эди. Ширмоҳ ҳали ҳам остонасида жилмай ўтиради. Мен ичкарига кириб ухламоқчи бўлдим, аммо қани энди уйқу келса.

- Сенга бирон гап бўлибди, чамаси майли, ҳали ёшсан, Ширмоҳга ошиқ бўлибсан, кечириш мумкин, рости гап агар йигирма йил аввал бўлганда эди. Сангакнинг кўлидан уни ўзимоқ тортиб олган бўлардим, - дерди Мадали ака уйқу аралаш. Мен хаёллар оғушида қачон ухлаб қолганимни билмайман. Аммо уйқумда ҳам бу аёл кўзларим олдида турарди.

Эртасига бироз кечроқ уйғондим. Мадали ака эрта тонгда туриб фермалардан хабар олгани кетибди. Илгари айтганимдай у киши зоотехник, қўйлар саломатлиги учун жавобгар. Сангак билан Зардак янги ўчоқ қуриб, девор кўтаришиб унинг устини ёпиш билан банд. Уларнинг ишларидан ҳали бу ерда кўп туришларини бошқа ерга кўчиш ҳақидаги гаплар беҳуда эканлигини сезиб турардим. Зардак лой ирғитарди. Сангак эса қаттиқ пишган лойни эпчиллик билан илиб олиб пахса урарди. Бу лойни улар кки - уч кун бурун ётқизиб қўйишганди. Мен ана шу ака-ука олдига бирон шарсаки баҳона қилиб бориб, Ширмоҳни кўришни истардим. Аммо тунги воқеадан кейин у томонга боришга, қадам босишга юрагим дош бермасди. Бундан ташқари ёқтиргмаган кишиларни кўрип мен учун қаттиқ бир азоб. Лоақал Ширмоҳ яхшиликка йўйиб мени тинчлантириш учун Ҳуррамни ҳам юбормади. Ниҳоят сабрим чидамай, пешинда таваккал қилиб ака-укаларнинг олдига йўл олдим. Ахир мени еб қўйишмас-ку, ёки сени бу ерга ким чақирди, кўзимиздан йўқол дейишмас. Улар ҳам одам болалари-ку! кўнглимдан ўтказдим.

- Ҳорманглар! - дедим уларга яқинлашиб.

- Саломат бўлинг, - жавоб беришиб иккови бараварига. Шу пайт овозимни эшлиб остонада

- Орзунг бўлса, орзунгга етасан, тап одамнинг ниятида, кўп қайғурма.

- Сен дуҳтур, сендан илтимос қиласман, бу гапни мен сенгагина айтдим, яна айтаман,,,менинг жонимни бу балодан кутқар. Агар менда уйқу дориси бўлганида эди, акаси Зардакка, хар иккаласига ўша доридан кўпроқ бериб ёнма-ён абадий уйқута кетгизган бўлардим.

- Бундай дема, сен шунчалар нозанин аёл, наҳотки қотиллар сингари бу гапни айтишга журъат қилсанг, мени кўрқитиб юбординг, - дедим.

- Мен сенинг доридан бермаслигингни биламан. Қонун ҳам кўтармайди. Қолаверса, менинг юратим ҳам уларнинг ўлимини истайдиган юраклардан эмас. Фақат улардан қутиласам бўлди. Энди мен кетай, Сангак эрталабгача ухлайди. Лекин Хуррам уйғониб қолиши мумкин. Мен ҳеч кимга бўса бермагандим, кетишим олдидан мени ўп, - деди у жозибали, қоп-қора кўзларини юзларимга тикиб ва ғунча лабларини лабларимга яқинлаштириди. Ахир мен уни нега ўпмайин? Нега?! Бир бўса олиш ҳали мен Ширмоҳга соҳиб бўлиб, ўзгаларни унудим деган гап эмаску! Юзу кўзларидан ўпиб, лабимни лабларига яқинлаштириб иссиқ нафаси ҳароратини туйдиму ўзимни орқага тортдим.

- Энди ҳайр, - деди у ва ўрнидан туриб келгани сўқмоғидан уйи томон йўл оди. Рўмоли елкасига тушганди. Тундек қоп-қора соchlари паришон, эгнида бир қават гулдор юпқа кўйлак бугазорлар орасида кўздан фойиб бўлди. Мен мабодо бирор киши унинг кетидан бораётганимни кўриб қолмасин деб пастдан кетдим. У уй эшиги олдига боргач, менимча ҳамма ухлаганми ёки бирон киши бедор бўлиб унинг кетидан тушганлигини билиш учун бўлса керак бир дам тўхтади. Мен эса чайла олдида унга боққанимча турардим. У қўлларини мен томонга силтаб менга хайрли тун, ишора билан чайламга кириб ширин туш кўриб ётишимни тиларди. Аммо негадир ўзи ичкарига кирмай остонасида анча вақтгача ўтириди. Сокин тун. Ҳамма ёқ ширин уйкуда. Фақат дарё сувининг шовуллапи эшити-

оҳангларни менга ҳам ўргатган эди. Қўни-қўшни-лар тўпланишиб бизни тинглашарди. Отам доира-ни оларди, мен эса рубобни. Биз куйлаганимизда қўшни қизлар рақсга тушишарди, уйимиз тўй-хонага ўхшарди. Акамга ҳам ўргатарди-ю, аммо унинг завқи, ҳаваси йўқ эди. Отам оловланиб унга: «Сенинг ҳавасинг йўқ, одам бўлишинг қийин» дерди. Отамдан кейин мактаб ҳаваскорлар тўгара-тига қатнай бошладим.

- Ҳаваскорлар билан бирон марта Душанбега бормаганимидинг?

- Овозинг чиройли, шаҳарда олиб қолишади, қайтиб келмайди деб акам қўймаганди.

- Бу кеча сен куйлардингу, у эса ухларди. Хай-риятки рубобингни синдиримабди.

- Мен сенга айтдимку, агар уйда, ёлғиз Хуррам билан ўтириб ҳар қанча куйласам, унга ҳар қанча ўргатсам иши йўқ. Аммо одамлар олдида куйлашни манъ қилган, агар мени куйлаганимни эшитганингни кўрганида эди, албатта рубобни синдириарди. У шундай қасамёд қилган.

- Агар иккаламизни мана шундай ой нурида бир-бирмизга тикилиб, ёпишиб ёнма-ён ўтирганимизни кўрса, нима қиларди?

- Уша куни менинг сийнамга отарди.

- У овга қачон боради?

- Бир ўртоғи бор, совхоз директорининг ўринбо-сари, уша маккор одам, уша келса бирга боради. У ҳар йили августда келади. Сен менга айт, нега шаҳардан бу ерга келдинг? Нима, у ерда сен учун иш топилмадими?

- Нега? иш кўп эди. Кун бўйи касалларни даво-лардим. Қишлоқ ҳўжалик вазирлиги бу томонга бир одам сўраган экан. Ўзинг, одам бир ерда ўтираверса, ҳеч ерни кўрмаса, тоғни ҳам билмайди, - дединг-ку. Тоқقا чиқмаса, тоғни ҳам билмайди. «Ё шаҳри азимга бор, ё баланд тоқقا», дейишган. Чўпонлар хизматини қилай, деб ўз истагим билан келдим.

- Сен тоқقا келодинг-у, лекин мен шаҳарга боролмайман. Аёл ҳуқуқи қонунда тенг, аммо қоғоз-да, амалда эса бундай эмас, - деди у маъюслик билан.

ҳам, дипломинг ҳам ўзинг билаі бирга экап. Мен шағарлік қулоқ солиб ҳайрону лол бўлиб, бир бор хуснингта, юз бор овозингта садқа бўлайин. Оёқларингта бош урай, - дея сўз бордим.

- Сен менинг қўшиқ куйлашимни қаердан биласан. Қаердан биласан? - сўради у саволини тақрорлаб.

- Деразанг орқасида туриб овозингни эшидим. Шу тун менинг ҳузуримга келишдап аввал куйладингми?

- Вой, ўлмасам, сен овозимни эшидингми? Нима деганиму, нима ҳақда куйлаганимни кўрдингми?

- Мен сенинг куйлашингни, ўғлингта дарс ўргатишингни ҳеч қачон унутмайман. Мен сенинг овозинг каби майнин, дилкаш овозни ҳозиргача эшидмаган эдим.

- Мени жуда мақтаб юбординг-ку, Мирзо. Шувактгача ҳеч кимдан бундай таърифни эшиитмаган эдим. Лекин бу атрофдаги қишлоқларда хушхон санъаткор қилиб яратади, табиат уларинг нозик қалбларини рақсга солади, мана бу тоғлар, мана бу тезоқар тошқин дарёлар, мана бу зилол чашмалар, кўум-кўк майсазорлар, хув анави пастдаги зиразорни кўряпсанми, қара қандай гуллабди, сутдай оппоқ кўринади. - У аста - аста менга яқинлашиб, бошини елкамга қўйди. Мен ҳам унинг елкаларини силадим, эркалатдим. Вужудим титрарди. - Сен учун рубобсиз ҳатто тонгтacha ҳам куйлардим-у, лекин бу ерда мумкин эмас. Куйлашни болладимми, мени тутиб тура олмайсан, овозим кўтарила борганини ўзим ҳам билмай қоламан. Мени шағарга олиб бор, бир умр сен учун куйлайман, кишилар бир марта менинг нақадар ёқимли овозим борлигини билипсин.

- Мен сенга бир марта айтдимку, ҳозир мумкин эмас деб. Менга вақт бер, бир ўйлаб кўрай. Қани айтчи қўшиқ айтишни кимдан ўргангандан эдинг?

- Отам тор чаларди, менга бу хунарни тўққиз ёшимда ўргатган эди. Ёз оқшомларида супага ўтириб олиб, отам тор чалар, мен эса куйлардим, ўзи ҳам жўр бўларди, ўзи чаладиган қарийб барча

гапирмоқчи бўлса фақат пулу нарсалардан гапира-ди. Камгар, дамдузд. Мен унинг доно бўлишини, китоб шайдоси бўлишини истардим. Афсуски, на қўшиқни тушунадио, ва на китобни севади. Хаё-лимда қалбим паймонаю орзуларга тўла ўтадиган-дай.

- Тўғри, ўқиган кишиларнинг ҳаммаси ҳам яхши кишилар эмас. Бу замонда улар орасида одамий-ликни унугтганлари ҳам топилиб туради. Ракеталар ихтиро қилишиб, дунёни юз бор остин-уступ қилишга ўзларини қодир ҳисоблаб, жар солади-ганларни ўқимаган дейсанми?

- Ўқигану, аммо одамийликни унугтишган. Улар худбин, худпараст, худписандирлар. Бир тоифа одамлар дунё куйса куйсизу, лекин менинг қозо-ним қайнасин дейишади. Улар учун бундан ортиқ гап ҳам тополмайсан! Йўқ топа олмайсан. Агар менинг Сангагим ҳам доно бўлганида ҳам ўшалардан. Эҳтимол улар ўқийдиган китоблар ёмон бўлса керак, баттар бўлса бўлардики, яхши бўлмасди аммо мен ишонаманки, китоблар одамийликни унугтганларни қайта тарбиялай олади. Шунинг учун бизнинг энг олис қишлоғимизда ҳам одамлар ўқиши, ақлли бўлишсин деб кутубхона очиши. Сан-гак мени китоб ўқишга, куйлашга қўймади. «Бирон бегона олдида қўлингта рубоб олсанг, уриб синди-раман» деди. У мана шу тўрт тоғ ичидан чиқмагани, ўқиши ҳам чала-чулпа, тўртинчи синфгача ўқиб олган билимига қаноатланиб қолган, ёмон йўлга кириб кетган. Киши кўп ўқиса, кўпни кўрса, кўп билади. Бирор шаҳарга олиб бор десам, шаҳарда адамиб қоласан, уйингда ўтиравер дейди. Ҳамма нарса етарли дейди. Одаму оламни кўриб қолади деб шаҳарни кўрсатишга ҳам кўрқади. Нарсаларинг бошингда қолсин, улар менга керак эмас, дейман унга. Сен бўлсанг, ўзингни у билан тенг-лаштирасан.

- Сен шаҳарда ўқимаган бўлсангда, шаҳарлик-лардан, ўқиганлардан ҳеч қолишмайсан. Сен доно аёл! Қўлингда ҳунаринг бор. Мен билмасдан сени дипломинг, ҳунаринг йўқ деган эканман. Ҳунаринг

ганлиги учундир. Сени кўрдиму ўзимни ихтиёримни қўлдан бой бердим. Сенинг юлдузинг мени ҳудди оҳанрабодай ўзига тортади. Мен сенга ошиқ бўлганимни қаердан билай? Мен ўқимишли кишиларни сендан аввал ҳам кўп кўргандим. Лекин уларга кўнтил қўймагандим. Сен мени балога гирифтор қилдинг,- дедиyo, бир зум атрофга ва мента нима деркин деб қулоқ солиб турди. Мен жимгина ўтирадим. Аҳён-аҳёнда парандо-ю, дарандалар, Чорбоғак итларининг акиллашлари ҳар замон отлар галасининг кишнаши қулоққа чалинарди. Айтишларича, совхознинг бир фермасида отлар галаси ҳам бор экан. Кўй отларни бир ерда боқишаркан. У бир муддат нафасини ростлаб олгач, яна гапида давом этди... Сени кўрмаганим яхшироқ эди. Чайлангни Чорбоғакка эмас, бирон четроққа, одамсиз жойга қурганингда дуруст бўларди, - деди.

- Эринг Сангак ҳам бу ерга келган биринчи кунимданоқ, шу гапни айтган эди...

- Сен мени кўриб турасан шунинг учун меним ҳуснимдан рашк қилиб бу гапни айтган. Мен эса сенга ошиқ бўлганигимдан, айтиябман. Мен сенга ошиқдигимдан шодман. Аёл бирон вақт ошиқ, бўлиши керак. Ишқисиз ҳаёт-ҳаёт - эмас. У - зиндон. Аёл ишқи нокомлиғ билан тугаса ҳам у, албатта бир бор ошиқ бўлиши лозим. Агар аёл эрини севиб турмуш қурмаган бўлса, эрини яхши кўрмаса, бирон вақт ошиқ бўлиши даркор. Шу кунгача мен ҳеч кимга ошиқ бўлмагандим, мана бутун мен бадбаҳтнинг бошимга ҳам ишқ савдоси тушди. Ўшанда ҳомиладор бўлганимда қочиб кетиб, сени ёки сенга ўхшашни топишим мумкин эди. Аммо сен ҳомиладор аёлнинг шаҳарга қочганини, қаерлардадир дайдиб юрганини бир тасаввур қилиб кўр. Ким унга жой беради, ким уни сиғдиради? Турса чақалогига ким қарайди. Мен қочмоқчи бўлганимда ана шу хаёллар йўлдан қайтарди. Мен Сангакни севишига, у билан турмуш қуришга рози эдим. Аммо иложим йўқ. Қалби тошдан қаттиқ ва муздан совук. Ҳайвонтабиат, ейиш-ичишни билади, холос. Агар

йўқ, ҳунаринг йўқ», - дедим. Ширмоҳни таҳқиrlадим. Ундаги ҳунар на менда-ю, на менинг хотинимда топилади. Ахир, Ҳуррамга рубобни қандай чалишу, куйлашни нақадар аъло даражада ўргаттанини мен ўз кўзим билан кўрдим-ку. Агар мен Ширмоҳга уйлансам, ҳамманинг унинг санъатидан баҳраманд бўлиши учун унга шароит ва имконият яратиб берга оламанми? Мана гап қаерда?! Одамлар унинг овозини бир марта радиодан тинглашса, бир бор ўзини оинаи жаҳонда кўриб, овозини эшитсалар борми, уни бошларига кўтаришади. Ўшанда мен рашиқ қиласманми? Ширмоҳда бор ҳунар мингдан бир кишидагина бўлиши мумкин. Албатта, таниш-билишлар мени болаларимни ташлаб кетганлигимда айлашади. Айб қилишса, қилишаверсин! Гап бунда эмас. Гап шундаки, мен Ширмоҳ билан баҳтли бўла оламанми? Мана гап нимада? Гўзалликка кимлар сажда қилмаган? Санъаткорга мафтун бўлмаган кимлар? Аввали охир инсон чиройли, ҳунарманд, ҳушхон ва мусиқадон аёлларга таъзим қилган. Қадим замонларда бозорларда канизаклар сотилаётганда уларнинг фақатгина гўзалликлари эмас, аксинча энг аввало ҳунарларини қадрлашиб сотиб олишарди. Ажиб замонлар. Бугун шу қадар ҳусн ва малоҳат соҳибаси, шунгчалар ҳунарли аёл ўзини менга бағишлиб турибди-ю, мен эса ўю хаёлда. Зоро унинг ҳунари фақатгина мен учун эмас... Зоҳирий гўзаллиги ва ҳуснигина мен учун, аммо санъати барча халқлар насибасидир. Мен бу ҳақда ўйламасликка ҳар қанча уринмайин, лекин бу гаплар қалбимда бир исёну тўфон кўтарарди.

- Ширмоҳ, қани айтчи, мен сенга нега ёқиб қолдим? Сен менда нима кўрдинг?

- Сен ҳушгап, ҳушсуҳбат, унинг устига дұхтур, сен ўқиган, маданий киши, шунинг учун менга ёқасан, десам ишонмайсан. Зоро ўқиган киши дунёда битта сен эмас, жингалак соchlаринг учун севаман десам, фақат сенинг соchlаринг жингалак эмас. Одамлар нима учун бир-бирларини севишиади? эҳтимол юлдуzlари бир-бирларига тўғри кел-

мизда түй беришди. Биз шаҳарга кетаётганимизда умр йўлдошим қаерга олиб боришимни, уй-жойим, кўрпа-тўшагим бор йўқлигини ҳам сўрамади. Уйнинг барча асбобу анжомларини бозордан, магазинлардан таширдик. Қишлоқ қизи шаҳарлик бўлиб ўқиди, ишга кирди. Мен унга фаҳму фаросат ўргатмадим. Унга кўп нарса онасидан ўтганди, ахир онасини кўриб қизини ол дейишадику. Мен уни севардим. Қаранг, энди Ширмоҳга мафтун бўлиб ўтирибман. У менинг бурнимга иш ўтказиб олган, истаган томонга судраб кетаверади. Бу аёл нима деса кўнаман, бирон гапини рад қила олмайман. Аммо Ширмоҳни севсам хотину болаларим юзига қандай қарайман, одамийликни унтиш, номардлик кимга керак? Ширмоҳни баҳтли қиласман десам, хотину болаларимни бадбаҳт, тирик етим қилишинга тўғри келади. Бу фикр бир - икки марта ҳаёлимга келган эмас. Ҳар куни миямда тиним билмай, тинчлик бермай, чарх ургани урган. Инсонни аввал умидвор қилиш, кейин эса умидсизлантириш эр кишининг иши эмас. Мен сени хотинликка олмайман, бир муддатта мен шу сурʼатдан кетгунимча, менга маъшуқа бўл! Мен сен билан учтourt ой давр сурай, инсон учун бир кунлик хулшу хурсандчилик ҳам ғанимат. Мен кеттач, сен ўша илгариги холингча кўнгил қўймаган эринг, ўна ҳушторинг Зардак билан қолавер, - дейми? У мендан ёрдам қўлини сўраб илтижо қиляпти. Мен эса шаҳватнинг учқур аргумонини бу гўзал табиат қучогида ўйнатиб кетишни истамайман. Бу худбинлиknинг олий нуқтаси эмасми? Бу қандай фикру ақида? Бу ҳаётда, ўзи афтидан бирон бир муқаддас нарса қолмабди, хусусан оиласдаги бирбирига бўлган эътиқод ва эътиимод бутунлай дарз кетибди, шу боисдан баъзи кишилар ҳар йили бир хотин олади, баъзи аёллар эса ҳар йил турмушга чиқишиади. Амалда шарму ҳаё монеъ бўлса ҳам фикру хаёларида ҳар куни неча бор эрларига хиёнат қилишиади. Аслини олганда агар мен ўз хотинимни қўйиб, хотин олган бир мен эмас-ку? Мен биринчи учрашувимизда унга: «Дипломинг

- Нон сўраб келганингда кўйлагингни ёқаси кир бўлганлигини кўриб қолдим. Духтур деган номинг бор, сен муаллимдан ҳам тозароқ юришинг шарт. Кийимларингни ҳам дазмол қилмай кийиб юраркансан, балчиқ ичидаги тилло каби юришинг яхши эмас. Ҳа, тўғри, мен кўр эмас эдим, ҳассамни йўқотганим ҳам йўқ эди.

Ширмоҳ ҳақ эди. Шу боисдан гапни бошқа томон буриб сўрадим:

- Тўхта, ўша муаллим сенга харидор бўлганмиди?

- Менга ҳазил қилишиб кўп кишилар харидорлик қилишган. Ҳар бир эркакнинг чиройли қизларга, ҳусндор аёлларга ҳушомад қилишини ўзинг яхши биласан. Аммо муаллим ўз меъёрини билар, беко гапирмасди. Бизни беҳудага гап-сўз қилишиб, уни роса қалтаклашгандан кейин ишга чиққан кунларидан бирида менга деди: Ширмоҳ ўртамизда ҳеч қандай гап ўтмаганди. Мен учун сенинг яхши гапларинг етарли эди. Ҳар гапни ўйлаб, ўлчаб гапирасан, ҳушомад қиласан. Лекин бизларни асоссиз хафа қилишиб. Кел, ўшаларга қасд қилиб чиндан ҳам шу ишни қилайлик. Мен муаллимнинг бу гапларидан ўртаниб-ўртаниб йигладим. Ахир, мен уни ўқимишли, маданиятли киши бўлганлиги, меҳрибонлиги учун иззату икром қилардим. севиш эса хотирам чеккасига ҳам келган эмасди. Муаллимдан ранжиб йиглагандим. Лекин мен сени чиндан ҳам севиб қолдим. Ёшинг ҳам мувофиқ. Биламан, хотининг, болаларинг, бор ташлаб кетасан. Эрим Сангак ва зўр хушторим Зардак қолади, кейин нима қиласан?

Мен нима деб жавоб беришни билмай бир муддат сукут сақладим. Хотиним ўз ҳамқишлоғим. Мен институтни тутатган йили у ўнинчини битирди. У мени севиб қолганди. Онаси эса қизимни шаҳарга олиб кетади, деб қўрқарди. Менга қалин керак эмас, ҳеч нарса бермасларинг ҳам ихтиёрларинг. Мен учун сизлар соғ бўлсаларинг бас, - дерди. Хотипимнинг поччаси, колхоз партия ташкилотининг котиби, қишлоғимиз фаолларини тўплаб уйи-

сигача мешдек бўлиб шишиб кетди ва тез кунда ўлди. Онам ҳам дардманд эди. Акамнинг ўслини уйлантириши-ю, у ҳам оламдан ўтди. Акам билан хотини бир-бирларини яхши кўришади. Ўртада мен бадбаҳт бўлиб қолдим.

- Ростини айт, ўша сен билан гап қилишган муаллимни севармидинг? У сенга совчи қўймаганими?

- Бир куни у менга: «Ширмоҳ сенда дазмол бор, бизники бузилган, шиму кўйлагимни ўғлимдан юборай, дазмол қилиб бер, ёки дазмолингни бериб юбор. Лекин, янганг бетоб, ўзим серкор, унинг устига кўнгилдагидай дазмол ҳам қиломайман», - деди. «Хўп бўлади, муаллимжон, олиб келинг, дазмол қилиб бераман», - дедим.

Ўғилчаси отасининг шиму кўйлакларини олиб келди. Муаллим ҳамиша озода кийиниб юради. «Ўқитувчи ҳар жиҳатдан: гапириши, юриш-туриши, кийиниши билан ҳам ўқувчиларга намуна бўлиши керак. Қишлоқда илм-маданият чирогини ўқитувчи ёқади», дерди у. У киши тозалиқда Миёна-дех ва Чорбоғакда ҳаммага ибрат эди. Мен унинг кийимларини дид билан дазмол қилдим. Лекин ўғилчаси тезда келавермади. Сангак йўқ эди ва мен муаллимнинг кийимларини дазмол қилганлигимни унинг билишини истамасдим. Кийимларни туғиб эндиғина олиб бориб бермоқчи бўлиб эшиқдан чиқсан ҳам эдимки, Сангак келиб қолди. «Бу нима, қаерга олиб боряпсан», - қўнимдан тортиб олиб муаллимнинг кийимлари эканлигини билиб қолди. Шундай қилиб мен Сангакнинг олдида ҳам муаллим билан гап бўлиб қолдим. Мен қишлоқ ахлининг муаллимдек тоза ва озода кийина олмай, унга баҳиллик қилишларини аввалдан билардим. Ҳатто унга «олифта муаллим» деб лақаб ҳам қўйишгапди.

«Гапларинг рост, баъзилар бироғ жиҳатдан яхши эканлигини билишса ҳам, ёмон эканлигини билишса ҳам гап чиқаришади». Лекин сен бир бор муаллимнинг кийимларини ювиб, дазмол қилиб гапга қолган экансан, кўр ҳассасини бир марта йўқотади, дейишади. Яна менинг кийимларимни ювиш сен учун нега керак бўлди?

Йишини мен Ширмоҳга айтмас, аксинча унга қулоқ туттардим. У гапиаркан, тоҳо қулар, тоҳо чехраси жиддий тусга киарди ва бу билан эртаклардаги афсоналарини эслатиб түс сөхру жодуси бор эди. Йозингта сирли боқиб, кўзларини ўйнатиб туриб, мулоҳимигина кулиб гапирса ақли хушингни бой берасан. Санъати эса касбий артистларнидаи ҳам зисёда, ўзини ҳар мақому ҳолатта сола билади, азалий табиий, бопқача қилиб айтганимизда худо берган ўзига ярапиб турған хислатларини бошқаларга таълим йўли билан ўтказиш қийин. Сиз мени унга мафтун бўлганилиги сабабли унинг ёмон хислатларини ҳам фазилати деб ҳисоблаяпти деб ўйлашишгиз мумкин.

Лёлларимизда кундан-кунга тобора камайиб бораётган эркаклар қалбини ҳаётга нисбатан яна иситадиган ажойиб хислатларни бизнинг замонамизда юз аёдан ийғиб олиб бир жойга тўплаганингда ҳам хаёлимда Ширмоҳга тенг бўла олмайди. Мен унинг сўзлари, унинг овозлари, унинг нозу ишвалари мафтули эдиму ва айни пайтда унинг истеъоди, айтиқса, овози ўзида яшириниб қолмаслигини, аксинча ҳалққа етиб бориб, ҳалқ қалбини завққа тўлдиришини ва мен ҳам ундан элқатори баҳра олишни истардим.

Бизнинг замонамиз бирор эркак хунновоз, санъаткор бирор хотини зўрлик билан оқу қизил зарлари билан согиб олиб, ўзининг тўрт девори ичида сақлаб фақат ўзигина баҳра оладиган замон эмас ва агар унинг завқини тунгуниб етмаган бўлса, унинг истеъодини, илҳомини мавҳ этиши, сўндириш сабабчиси бўлади. Мен унинг овозини иложини тошиб ёзиз борсам, санъат раҳбарлари уни бир энгизиб, орқасидаи одам юбортириб, албатта олиб кетишади, бунга имоним комил.

Бу разил Зардак мен билан гап бўлган ўша муаллимни Санъак билан биргаликда йўлда шойлаб тугиб олиб калтаклашган эди. Рости гап, у муаллим одамларини одами, пок бўлиб бегуноҳ эди. Яширичча ўзларининг ким экапликларини айтмай уни ерга ётқизиб дўшпослаб кетишганди эди. Соғайиб ишга чиққаёт, алам ўтганидаи у менга фақатгина

ди. Хоҳласанг ана дастурхон қаттиқ нонни чойга ивитиб, истасанг ана маска ёғи, истасанг анати катта сирли кастрюлда гүпту қовурдоқ ҳаммаси ихтиёрингда. Истамасанг, ана қанду курс, мана шу нарсалар билан чой ич, мен бир писла ичаману холос,-деди.

- Сен менинг ғамимни ема, тўқман, - дедим уни тинчлантириб. - Уч кундирки сени чақиришни ўйлайман, Оқибат тоқатим тоқ бўлиб мана бугун сени айтиб келиш учун Хуррамни юбордим. Бу касалим ҳеч гап эмасди. Ўтиб кетарди. Аммо сенга мубтало ва гирифтор бўлганим, бедаво дард. Бу дардим сени шу ерга ботилаб келди. Сен эҳтиёт бўл. Агар Зардак менга қандай хордал қўйтганишни ва мен ўзимни сенга яланюч кўрсатганимни билса борми, ғазабидан ёрилиб кетади. У ҳеч нарсадан қайтмайди. У серпул. У ҳатто Санғакни ҳам тисанд қилмасди. Энди у қайси йўл билан бўлмасин мени қўлга киритишни, менга соҳиб бўлиши истагида. - «Ширмоҳ, сен ҳеч нарсани тушумайсан, шунни билгинки шул олдида ҳамма нарса ожизу нотовон. Оқ, қизил тилларанг, бриллиантлар менинг энг вафодор дўстларим. Улар мени ҳеч қачон сотишмайди, ҳамма балолардан асраб қолади. Менинг ундан дўстларим кўп. Ана шундай қадрдан дўстларим бор экан, нимадан ҳам қўрқардим. Бундай дўстларим йиҳ сайип кўпайиб боради», дейди.

Мен сени чақирдим. Агар у сени бу ерга келганингни билса, албатта қасд олади. У Санғакдан қутиди. Энди сени ўз йўлидаги катта ғон деб билади.

У танирар, мен эса тинглардим. Биринчи марта одамларнинг шулу молларни инсонлар ўргасидаги дўстликдан ҳам юқори Қўйишларини ўзининг вафодор дўсти деб атапини, у билан ўзиши кучли, қудратли ҳисобланашларини эшитиб турардим.

Бундайин зот ҳатто ана шундай олис тоғ бағрида ҳам шайдо бўлған экан. Мен Ширмоҳга Зардак қизилу оқ зарлари билан бунчалар ҳам ҳаддидан ошмаслигини айтишиб истардим. Ҳукумат бундай тоифадаги иншларини шул кучи билан битказадиган одамлар учун арқонни узун ташлайди. Ўзларидан кетитлари билан арқонни тортиб банд қилиб қў-

лигини түшүнгирдим. Аммо бу ишни кечаси қилгани маңқул. Кейин ўзини иссиқ ўраб ётиши лозим.

Үглиниңг унга кечаси ҳаңдал варақасини қўйили даргумон эди. Шу боис Ширмоҳда агар илиқ сув бўлса, ҳозир ҳордал варақасини ўзим қўйишимни ва бир дам ўрагиб ётса, ҳаңдал баданидати ҳамма заҳарларини тортиб олишини айтдим. У менга ҳаңдални билиши, аммо бу нарсани шу дамгача ишлатмаганилигини айтди. Мен унга бунинг ҳеч қўрқадиган жойи йўқлигини тушунтирудим. Кейин у ошхонага чиқиб примус ёндириб сув иситмоқчи бўлди. Мен унинг қўлидан дарров гутуртни олиб примус ёқдим. У тунука чойнакда сув келтириб қўйди. Сув бир зумда исиди. Мен унга битта сочиқ олиб келишини ва каравотта чиқиб юзтубан ётишини буюрдим. У уялганидан истар-истамас каравотта ётди. Мен ҳаңдал варақасини ҳўллаб орқасига ёништириб, кейин устини мўйна одеяло билан ёниб, бир неча дақиқа тоқат қилиб ётишини сўрадим.

Бироздан кейин у оҳу-воҳ қилиб, мени даволашниңг болқа йўлини билмаслигимни айтиб шикоят қилишга ўтди. У шу вақттacha бирон нарса баданини бу қадар куйдирмаганилигини айтди.

Эй, Мирзо! Сенинг бу доринг мени ўлдиради. Сен даволашниңг бирон юмшоқроқ усулини билмасмидинг? Бир умр қийнашани-қийнашган. Бугун сен ҳам мени қийнаяссан. Ахир, сени шунинг учун чақирғанмидим. Вой, шўрим, бас, бўлди, бўлди, олақол! - дэярди кулигию ноз ила.

- Бироз бардош қил, худди гўдакка ўхшаб нега пола қиласан, - дедим мазах қилиб.

Етти-саккиз дақиқадан кейин у тоқатсизлана бошлади. Ҳордал варақалари нуқрадек баданига чунон ёнишибдики, қоғозчалар териси билан бирга кўтарилилар, ҳар ер-ҳар срида қоғоз парчалари ёпиншиб қоларди. Ҳордал қўйилған ерларни сочиқ билал тозалаб артиб лодим:

- Сен бирон соат қимиrlамай ёт. Мен битта чой ламлай. Кейин чой қутгичаси қаердалигини ва қайси чойнакка чой дамлаш кераклигини сўрадим. У ётган жойида юзини мен томонга ўтириб юмшоқ иони йўқлигини, ҳаммаси қаттиқ эканлигини айт-

ти, унинг ўз касбига меҳри ва ўз шахсиятиниң обрў өттиборидир. Менинг касалларга иисбатан фикрим ана шупдай эди. Аммо Ширмоҳга бопиқа кўз билан қарайман. Чулки бу срда мен инсон гўзаллигига худди памозхон мачит меҳробига сажда қиласигандай муносабатда бўлиншларини тушуниб етдим. Гўзалликка сажда қил, Мирзо. Аммо уни кўрининг билан ўртада кўринмас тўсиқ: ҳаё, аҳду нафо, инсонни умидвор ва поумид қилиш каби кўнгина мавҳуммилар пайдо бўлади-ю, ўзингча ўйлайсан: бу гўзалликка сажда қилиб, унга соҳиб бўлиб, бу аҳду вафога охираттагача устувор турининг гумон. Мен учун менинг хотитим ва болаларим олдида ошкора бегуноҳлик ва ботишний ниндона қаттиқ азоб риёкорлик азоб. Менинг ақлим Ширмоҳининг буидай аёллардан омаслигидан гувоҳлик бериб турибди. Агар мен унга бир бор сажда қилсам, бу ишни бир умр давом эттиришим даркор. У ҳам мендан эҳтимол ана шуни талаб қилар. Лекин мен ўз этикодимни ҳар куни ўзгартириб тура олмайман. Агар мен Ширмоҳ йўлидан кетсан ҳоғину болаларим олдида Чорбокакка одамларининг саломатликларини ҳимоя қилиш учун эмас, балки шаҳват тулпорига эрк бериб фиску фужурга йўл қўйгани келганилигимга иқрор бўлиншим керак. Азиз дўстим, бу фикрлар бир неча бор миямга келиб, менни бегоқат қиласиганини асло инкор қилолмайман.

Мен ана шу ўю хаёллар билан унинг тенага қараб этишини илтимос қилдим. Ўнкаю юрагини эшигдим, томир уришини текширидим. Духтурининг иши ана шупдан бошланишини ҳамма билади. Кўздан кечириш тугади-ю, у ўридан туриб деди:

- Эй, худо, гуноҳимдан ўт: мен духтурга ҳеч қачон ўзимни бу қадар ялангоч кўрсатмаган эдим. Сен Мирзо, ҳамма еримни кўрдинг.

Ширмоҳ яна нималар деди ёдимда йўқ. Унинг янги уйи дарё на қорли тоғларга яқинлиги учун бу ернинг тунлар аинча салқин. Бунинг устига унинг бутун аъзолари бўлашиб, совук ўз таъсирини кўрсатибди. Аммо буҳрон даври ўтиб касали тузалиш томон юз бурибди. Мен унга кўкрагининг боши ва орқасига ҳандал варакаси қўйинш керак-

- Эй, худоё, қандай оғир кунга қолдим-а. Энди мен дұхтурға нок бадағымни күрсатишта мажбурман. Лекин сен номаҳрамсан, худо кечиримли, - дардли овоз чиқардию яна құшиб қўйди: - юзим ёниб кетяпти.

- Касал бўлсанг, дұхтурдаи ҳеч ерингни яширмайсан. Эру-хотин чиройлию хунук қарию ёш кўп кишиларнинг баданларига қўл текизиб текшириб кўрдим, вазифамиз шу бўлгач не илож. Соҳибжамол қиз рассом олдида унинг суратини гўзаллик намунаси сифагида кўрсатиш учун яланғочу нимяланғоч неча қиёфада тура олса, дұхтур ҳам касални ҳар ҳолатда кўриб касалини аниқлади, - дедим уни хижолатдан кутқариб.

Мен дард инсонни бенавою қашлоқлиқдан кўра кўпроқ хору зор қилишнинг гувоҳи бўлганман ва буни билардим. Мен касалларни даволаётганда улар гоҳо аъзоларининг нуқсонидан гоҳо ҳар бир аъзосининг гўзаллигидан уялиб юзимга қарашмасди ва мен буларни сезиб турардим. Албатта, bemорлар ўзларини дұхтурға кўрсатишганда уларнинг кўнгилларига ҳар қандай гаплар келади. Бир марта янги келинчакнинг кўкрагининг у ер, бу ерига қўл текизиб унинг зардобу жигарга оид ички касаллигини аниқлаш керак бўлиб қолди. У таниш кишининг фарзанди бўлиб, уялганиданми, аламидан кўз ёшларини тўкарди. Аммо, мен бу касалга гарчи у гўзал бўлса ҳам кўз олайтирмасдан, қабих ниятга бормасдан шафқат билан қарардим. Аммо дұхтурнинг қалби касалга нисбатан шафқат ҳисси билан тўлиб тошганини ҳамма дардманлар ҳам тушунавермайди ва баъзан касалларнинг дұхтурға ишонқирамай ҳатто шубҳа билан қарашларининг сабаби ҳам шундай. Эҳтимол касалларга ёмон кўз билан қарайдиган дұхтурлар ҳам бордир. Мен ўша келинчакни кўриб кеттанимдан кейин у ҳам агар дұхтур таниш бўлмаганида уятдан бу қадар ичичипи емагаи бўлишини айтибди. Дұхтурнинг яхши иши, албатта оқибатсиз қолмайди. Сен уларга ҳар қанча фойда келтирған бўлсанг, сендан шу қадар миннатдор бўлишади. Дұхтурнинг касалга журма-

келса, унга ўзини ороста күрсатиш фикрини унұт-
маганди. Унинг латофати ва уни тасвиrlаш учун
қанни энди мұносиб сұзлар тополсам. Унинг тасви-
рига қалам ҳам ожизу, тил ҳам лол. Мен дори -
дармоналар қутисини ва магнитофонни уйнинг бир
бұрчагига беозоргина қўйдим-у, меҳру муҳаббатта
тұла овоз билан тұлқинланиб сұрадым:

- Нима бўлди? Аҳволинг нечук?

У қўлларини ҳалқадек бўйнимтага ташлаб дилтан-
гу ташвишla ўтган шунча кунлардан бери мен уни
шаша кеча яшириниб келиб хабар олғанимдан буён
ѓуё йўлни йўқотгандай бошқа келмаганимни айтиб
ҳасратта тушди. Мен ундан узоклашишга интилар-
дим, лекин у бўйнимни асло қўйиб юбормасди.
Қол-қора гирдо-гирди осмон ранг бўлган қўзлар
юзимда ўйнар, менинг учун бу қўзлардан тўйиб -
тўйиб бўса оладиган айни пайт келганди. Мен бу
қўзлардан иссиқ-иссиқ бўсалар олдиму уни озод
кўтариб уй тўрисидаги карвотга қўйдим. Ҳа, даво-
лаш жараёнида bemорларни каравотдан-кароват-
га хонадан-хонага кўтариб олиб борган ҳолларим
ҳам кўп бўлган.

Улар орасида қизларни ҳам, ёш, чиройли аёллар-
ни ҳам учратиш мумкин эди. Аммо менда уларга
нисбатан раҳму шафқат ҳиссиётидан ўзга бошқа
ҳеч қандай ўзга фикр йўқ эди. Аммо Ширмоҳни
кўтарган пайтда вужудимни қамраб олған ҳиссиёт
тамоман ўзгача, бу ҳам раҳму шафқат, ҳам меҳру
муҳаббат, ҳам ғамхўрлик ҳисси, эҳтиёткорлик
билан авайлаб асраш ҳисси ҳам эди.

- Уч кеча аввал тушимда бир киши келиб мени
бўғди. Анча вақтгача нафасим чиқмай қолди. Уй-
ғонгунча анча типирчиладим: Турсам терга ботиб
ётибман. Уч кундан буён ётибману, мендан хабар
олгани бирон киши эшиқдан бош суқмайди. Чаки-
рай десам сендан меҳрибонроқ, яқинроқ киши
йўқ-да, - шикваю шикоятни бошлади у.

Мен вазифамни бажаришга киришиб аввал унинг
ҳароратини ўлчадим, мўътадил. Қон босимини тек-
ширдим, жойида.

- Кўрпачага ўтири, нафас олишинги эшлитиб
кўрай, кўйлагингни кўтар, - деб стетофонендос-
копни орқасига тўғриладим.

гандигим боис, унинг шаклига қараб турдим-да, «қадаҳгул» дедим ўзимча. Юкимни ерга қўйиб ундан бир дона узиб олдим. Қадаҳ гулнинг тагида худди буутлар қадаҳдан шароб ичганда унинг тагида қатралар қолганидек бир неча томчи шабнам қолган эди. Яна уч-тўрт хил гуллардан узиб гулдаста ясадиму, «қадаҳгул»ни ўша гулларнинг ўртасига қўйдим. Ширмоҳ ҳозир табиат гуллари оғушида яшаянти. Аммо мен уни республика санъати гуллар ичиди худди турфа гуллар ўртасида турган қадаҳгулдек тасаввур қиласан. Мен бу гулларни олиб бориб эъзозу эҳтиром ила унинг қўлларига тутсам, шояд шу йўл билан уйида хушнудлик, чехрасидә хаңда пайдо бўлса, таби очилиб куйлагиси келар. Шу тарзда дуҳтур баъзан касални бир оз ширин сўз ва андаккина меҳрибонлик билан лаволайсану ўзинг бехабар қоласан. Хона эшиги олдига келиб бир-икки йўталган ҳам эдимки, Ширмоҳ эшитиб дарров уйидан чиқди.

- Мирзо, бу сенмисан, хуш келибсан, қани марҳабо кирақол, - деди у ичкарига таклиф қилиб.

Кўзларим яна ўша кўзларга ҳар гал кўрганимда кўнглим ундан бўсалар олишни истайдиган жоду кўзлар билан учрашди. Ана шу фаттон кўзлар олдида соатлар давомида киприк қоқмай унга тикилиб ўтиришини ёки упинг ўзи қоп-қора, четлари осмонранг кўзларини ўйнатиб, бор оз бўлсин бошқа томонга боқмай менга боқиб туришини истардим. Ана шу кўзлардан то шу дамгача бўлган учрашувларда бирон бор бўса олганмидим йўқми, эслай олмайман, аммо остонодан ичкарига қадам қўйишим билан бу гал бу кўзлардан албатта бўса оламан деб кўнглимдан ўтказдим. Уйда қозон товоқ ва бошқа асбобу анжомлар, рус печкаси устида чойнагу пиёла, унинг ёнида примус бетартиб ҳар томонга сочилиб ётарди.

Бу ерга келиб унинг юрагида ана шу уй-рўзгор бутомларига нисбатан бирон бир иссиқдик қолмаган, шунингдек ҳаётдан ҳам кўнгли совутганди. Лекин ўзига яхшигина оро берганди. Кийим-боши одмигина, чехраси, бутун вужуди ҳар галгидек дилкаш эди. У албатта, эшигидан дуҳтур кириб

Шундай қилиб Хуррамга топшириқ бердиму
Хингоб лабидаги сўқмоқдан ўша ёлғиз уйча томон
йўл олдим.

Бир қўлимда дори-дармоилар, тиббий асбобу
анжомлар солинган қутича, елкамда магнитофон.
Аҳволи, саломатлиги яхши бўлса зораю тавалло
қилиб Сангакка азадор бўлсада ҳоли жонига қўй-
май бирор қўшиқ куйлатиб ёзиб оламан. Мана энди
у Сангақдан қутулди, тўсатдан Чормағазонга ака-
сиининг олдига кўчиб кетсаю, у ерда бирон ишга
кирса, уни мен яна кўра оламанми ёки йўқ, ким
билади? Мумкин унинг суҳбати бутунлай насиб
этмас.

Агар таъби қўшиқ куйлашни кўтармаса, сўзла-
рини бўлса ҳам ёзиб оламан, зеро бундайин ширин,
ёқимли овозини бошқа яна қайси бир Ширмоҳдан
эшита оламан, деб ўйлардим.

Йўл-йўлакай Мурод бобонинг уйига кириб утдан
бирор соатта чайлага бориб туришини илтимос
қилдим. Мен Хуррамни чайлага ҳоровул қилиб
кељдим, ҳар ҳолда бола-болада, мабодо ўйнаб ке-
тиб чайла одамсиз қолмасин. Ширмоҳнинг тоби
қочиб Хуррамдан мени айттириб юборибди. Бу
гапларни эшитиб Мурод бобо ҳам мийиғида кулиб
қўйди. Биз иккаламиз ёш бўлганингимиз сабабли
шояд ораларида бирон маҳрамона муносабатлари
бордир, деган фикр унинг кўнглидан ҳам ўтгани
бўлса ажабмас. Тирик инсон миясига ҳар хил фикр
келади-да, ахир.

- Хўп бўлади, Мирзожон, духтурнинг вазифаси
беморни кўриш, - деди у яна чехрасига жиддий тус
бериб.

Етиб боргунимча бирон кору хол рўй бермасин
деб шошганимча йўлга тушдим. Гап шунда эдики,
мен уни тезроқ кўришини истардим. Йўлнинг бир
томонида шакли қадаҳни эслатувчи бинафшалар
очилиб ётарди. Мен бу гулнинг қандай аталишини
ҳам билмасдим. Бу ерларда минг хил табиий гуллар
ўсади, уларни номма-ном билиш учун киши бота-
ник слим бўлиши керак. Гулнинг номини билма-

қочиб мени ночорлиқдан чақирғанди. Ҳар икки холатда ҳам бормасликка қақим йўқ. Мен Ширмоҳни кўриш учун боришим шарт. Сангакнинг ўлими унинг руҳияти ва асабига қандай таъсир қилганлигини билиш учун мен уни, албатта ёлғиз кўришини истардим.

Стол устидан конфет олиб Хуррамга узатдим. У коифетни олмади. Чорбоқнин тарк этганларидан кейин бола негадир мендан узоқ ва бегона бўлиб қолган эди. Отасининг бемаҳал ўлими унга таъсир қилиб ўзининг гулетим бўлганини ҳис қилибми, ё катталарапнинг айниқса, эркакларнинг гаплари унинг қулоғига кириб ўрнашиб қолганиданми мендан ҳар ҳолда ўзини олиб қочарди, ҳуркиб турарди. Қўлидан ушлаб уни столга яқин олиб келдиму конфетни чўйтагига солдим.

- Ола қол, нега уяласан? Мен билан сен иккимиз жўра эдик ва бир умр жўра бўлиб қоламиз. Бирбиrimиздан асоссиз ранжишимиз яхши эмас. Менинг тўғримда бирон ёмон гап эшиштан бўлсанг, ишонма! Агар мен сени ранжиттан бўлсан, узр сўрайман, кечир жўра, - дедим гёё тенгдошим билан гаплашаётгандай. Кейин бошини меҳрибонлик билан силаб, пешонасини ўтиб дедим: - Гавҳар хола уйида. Сен бир оз ўтириб тур, мен бориб Мурод бобони айтиб келайин. У киши чайлага қараб турса, иккаламиз жўнаймиз.

- Онам келиб кетгунча сен чайлада тургин, - деди.

- Ит боғланганми, ёки бўш? - сўрадим итнинг ҳайбатидан қўрқиб.

- Зардак амаким итни олиб кетди, - деди у.

- Олиб кетди? Нега?

- Бир кечак келиб онам билан жанжаллашдию, шундан кейин олиб кетди, - жавоб берди у.

Нега жанжаллашди экан? Ёки Сангакнинг молу дунёсини талашдимикан? - кўнглимдан ўтказдим.

- Майли. Сен ўтири, лекин ҳеч нарсага қўл тегизма. Манави радиони қўйиб, эшитиб ўтири. Мадали амаки ёки Мурод бобо келиб қолади, ёлғиз қолмайсан. Агар бирон киши келиб мени сўраса, духтур тезда келади, дегин.

кишидан сўраш лозим бўлса, сизга ёзгац мактубимнинг тўғрилигини у тасдиқлаши мумкин. Турбов муносиб жазо олиши керак. Мен бу мактубда Сангакнинг ўлими ва Малангнинг мажруҳлиги ҳақидаги кузатув актини фикрларимни тасдиқлаш учун ҳужжат сифатида юбораман.

Имзо: Яйловнинг муваққат дуҳтури: Мирзо Мұхаммад».

Назаримда мактуб кўнглимдагидай чиқмади. Унинг бир неча жойини ўчириб, қайтадан тузатдим ва эндиғина конвертга солиб адресни ёзиб Чормағзакон почтаси орқали юбормоқчи бўлиб турганимда «Ассалом» деганича Хуррам кириб келди. Мактубни бир четта қўйиб у билан суҳбатлашдим.

- Кел, жўра, қани, қандай янги гаплар олиб келдинг, тинчликми?

- Онам касал, сизни бир келиб хабар олсин деб айтиб юборди.

- Онанг ётибдими, ёки юра оладими? - сўрадим. Унинг бетоблиги ва оёқдан қолиб ётишига бироз шубҳа қилардим. Эҳтимол у пайдар пай рўй берган руҳий тўқнашувлардан дилтанг ва یамгин бўлиб оёқдан қолгандир. Сангакнинг ўлимидан кейин унинг фикру ҳаёlinи билмоқчи бўлдиму, аммо боришга вақт тополмадим. Сангак дафи этилгандан етти кун ўтгач, унинг маъракасига Чорбағаку Чормағзак ва ҳатто Миёнадоҳдан одамлар тўпланишиди. Бузоқ сўйиб унинг хотири учун шўрва, ош беришиди. Яқин атрофдаги қишлоқ ва яйловлардан ҳам одамлар отда, эшакда келиб кетишиди. Маърака куни Ширмоҳни узоқдан кўриб қолдим. Йигирма ва қирқи кечаси ҳам тўрт-беш нафар киши ўтишадарёча лабидаги учага тўпланишиди. Ҳар гал эркаклар келиб кеттач, у ерда Чорбағаку Чормағзакондан оту уловга миниб келган аёллар пайдо бўлар ва улар фотиха ўқишиб зудлик билан жўнаб қолишарди. Мен бу келиб-кетувчиларни улар кўптиридан ўтиб Ширмоҳнинг уйи томон бораётганиларида кўриб турадим. Мадали ака бу ис чиқаришларнинг ҳаммасида иштирок этарди. Ҳозир эса Ширмоҳ қулай пайт топиб, ёки ҳақиқатдан ҳам тоби

ровкага келиб ўзининг айтишича, чўпонларнинг яшаш шароити ва турмуш маданияти билан танишиб кетмоқчи эди. Аммо у бу борада бирон иш қилмади. Аксинча, Чорбоғақда икки кечак мастилик қилиб, учинчи кун илгари бу ерда ўрмончилик қилиб Туробовнинг келиши арафасида Хингобда сув ўлчаш ишига ўтган Сангак Муродовни қаттиқ ташвиқ қилиб, ўзи билан биргалиқда Варзи Болода кийик овига олиб боради. У ерлик сайёдлар учун тўрт қути ўқ олиб келиб, унинг иккитасини Сангакка берган эди.

Унинг бу ўқларни нима мақсадда олиб келганидан мен ҳам огоҳ эдим. Нақиб Туробов Варзи Болода совхознинг Маланг исмли чўпонини ҳам иш жойидан олиб унга ҳам икки қути ўқ бераб ўзи билан бирга олади. Улар уч киши бўлишиб кийик овига чиқишиди. Ваҳоланки, бу ишни ҳукумат маҳсус қарори билан манъ қилган. Ўзингиз, ҳукумат аъзосисиз бунинг сабабини яхши биласиз. Туробовнинг ўзбошимчалиги оқибатида Сангак ҳалок бўлди ва Маланг Чўпон қаттиқ жароҳатланди, бу фожиани мен ўз кўзим билан кўрдим. Маланг ҳозир Душанбеда, духтурлар даволашяпти. Мен Сангакнинг ўлими ва Маланг чўпоннинг жароҳатланишига Туробовни асосий сабабчи деб ҳисоблайман. Бу ишни у билиб ва қасдан ташкил қилмаган бўлсада, аммо у бошловчи ва асосий сабабчиидир.

Мен Маланг чўпонининг хотини Туробовни дуои бад қилиб: «Илоҳо, Туробовнинг уйи куйсин, эримни яйловдан олиб кетиб, кўрпа билан битта қилиб олиб келиб ташлади», деганини ўз қулоқларим билан эшигдим. Буйруқ берувчи четда қолиб фармонни бажарувчи икки нафар фожиага гирифтор бўлган. Туробов ҳукуматнинг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунини бузувчи ва Сангакнинг бевақт ўлими ва Маланг чўпоннинг ярадор бўлишининг сабабчиси ҳамдир. Зоро, у ўз мансабидан фойдаланиб уларни бу ишга бошлаган эди. Ҳақгўй ва ҳақиқатчи, улур Ватан уруши қатнашчиси Мадали aka бу воқеанинг шоҳидидир. Агар у

қора бўласан, хунук кўринасан дейди тўғри йўлдан бориб ҳамир ичидан қилини суғуриш учун кўп вақт сарфлаган одамлар. Аммо шима бўлса, бўлсин, агарчи Мадали ака менинг кўнглимни бу ишдан совутган бўлсада мен қўлимга қалам олдим. У менга шундай деганди:-

«Мирзо, ҳозир менинг ақидам, ўз йўлимни тоза қилиб юрсам бўлди. Шунинг учун мен ҳар куни ўзимга ўзим ҳисоб бераман: Совхозга фойдалам тегадими ёки йўқми? Нонимни ҳалол қилиб еяпманми ёйўқ. Мен бир умр нонимни ҳалол қилиб ейипга интилдим. Ҳозир виждоним пок, азобда эмас. Агар бизнинг ҳар биримиз виждон юзасидан ишлаб ҳалол нон топиб есак, ўзимизнинг олий мақсадимизга тезроқ етардик. Аммо менинг одамлар орқасидан бу ишни қиёди-ю, у ишни қилмади деб ёзиб юришга вақтим йўқ. Ҳокимга ёзсанг, ихтиеринг. Сен ҳали ёшсан, бу ишларга ҳафсаланг бор. Нимаики ёзсанг, фикрингнинг исботи учун мени ҳам гувоҳ қил. Агар мендан: Мирзо тўғри ёзганми, йўқми? - деб сўрасалар, тасдиқлайман, рост ёзган дейман. Шундай қилиб Мадали ака мактуб ёзишини ўз ихтиёrimга ташлаб дарёning чап томонидаги рамалардан хабар олгани кетди.

Қаламни қўлга олиб ёза бошладим:

Район партия комитетининг биринчи котиби ўртоқ М. Набиевга Тавилдара яйлови чўпонларининг мавсумий духтури Мирзо Муҳаммад номидан.

Сизга маълум бўлсинким, мен уч ой муқаддам Чорбоғакка яйлов чўпонларининг саломатлигини сақлашда хизмат қилиш учун келгандим. Улбу мактубни сизга шу ердан ёздим. Мактубни ёзишта ҳеч ким мени ундан эмас. Ўз ихтиёrim, виждоним буйруғи билан ёздим. Бизнинг жамиятимизда қонуннинг барча моддаларини бажариш ҳамма фуқаролар учун уларнинг мансаб ва вазифаларидан қатъий назар истисносиз амри вожиблур. Буни ҳамма билади. Аммо ҳамма фуқаролар ҳам қонунга риоя ва итоат қилишмайди. «Ҳисор» қўйчилик совхози директорининг ўринбосари Туробов Тавилдара ва Сангвор яйловига уч кунлик команди-

пайтда дұхтур Ширмоқни Сангакнинг қўлидан тортиб олиш пиятида дори бериб ўлдириди деб, эҳтимол меңдан гумон қилишлари мумкин эди. Ҳозирги шароитда Зардак билан Ширмоқнинг акаси ана шуцдай бўхтон билан мени гуноҳкор қилган бўлишарди.

- Сангакнинг мучали қўй, дедингиз Туробовга. Буни қаердан биласиз? - сўрадим Шокаримнинг чайласига яқинлашганимизда.

- Сен, Мирзо жуда соддасанда. Сангакнинг йили қўй эканлигини мен қаердан билай. Халқнинг ичидаги қўй ўлса, жасадни эсикиргунча эҳтиёт қилишмаса гўё ит топиб ейди, деган гап бор. Мен бундай воқеани кўрмаганман ҳам, тасдиқ ҳам қиломайман. Бу гапни мурда ёнида бир кеча ўтириб чиқсин деб Туробонни қўрқитиш учун айтдим. Ахир бу ерда Сангакнинг жасади ёнида ўтиргани унинг бирон қариндоши йўқ-ку. Мен шунинг учун айтдим. - Мени соддалиқда айблаб, - деди у.

Қўёш баланд чўққили тоғ ортида ялтироқ пўлат пайзалари билан тун лашкарини олдига солиб Зафар байробини осмоннинг тоқуравоқига тикиш учун пошайтганида Мадали аканинг куёви чайласига етиб келдик.

Эрталаб яқин атрофдаги чўпонлар Сангакнинг ўлеми ва Малантининг жароҳатлангани ҳақидаги ноҳуш хабарни эшлитиб аҳвол сўраш, ҳамдардлик билдириш учун унинг чайласига бирин-кетин тўллапишарди. Бу пайтда мен Шоқосим билан Чорботакка от суреб, чонгтоҳда чайламизга етиб келдик. Дарҳол рацияни ишга солиб қишлоқ хўжалиқ нализирлигидан санитария авиацияси зудлик билан вертолёт юборишини талаб қиладим. Куннинг иккинчи ярмида Шоқосим вертолётда касал ўғли ва мажруҳ Малантни даволаш учун шаҳарга олиб кетди.

Иш столига ўтиридим. Оқ қофоз ва рангли қалам олдимда, умримда бирон ташкилотга ҳеч кимнинг устидан шикоят қилган эмасман. Аксарият вақт жамият манфаатини ҳимоя қилиб ёзасану, аммо ҳақиқат қарор топгунча ўзинг азоб чекасан, ўзинг

солиб ўзини оқламокчи бўлди. Аммо Мадали ака аксингча унга қулоқ солмай дерди: Сен яйловда чўпонларга фойда етказиш ўрнига бироннинг бошини единг, иккинчиси ана бу аҳволда. У Сангакни Варзи Болога боришга Зардакни ва айниқса Туробовни қаттиқ туриб ташвиқ қилганини яхши биларди.

- Хўш, Шоқосим. Сен нима қиласан? Уйингга кетасанми ёки шу ерда саҳаргача қоласанми? - сўради Мадали ака. Мана касал ҳам икки нафар бўлиб қолди. Худди топшириқ билан тайёrlагандай. Икковини ўзинг кўйиб келасан. Маланг томонидан бирор кишининг сен билан бирга бориши шарт эмас.

- Мен жуда чарчадим, чайlamга бориб бир оз кўз юммасам бўлмайди, эрталаб гаплашамиз, туннинг гапи кундузга тўғри келмайди, - деди Шоқосим.

- Туробов, сиз ошнангизнинг мурдаси олдида ўтирасиз, ўликни ёғиз қолдирманг, йили қўй, - деди у маъноли оҳангда.

Бу ерга келган биринчи кунданоқ Мадали аканинг олдида ўзининг катталиги ва мансаби юқорилгини ҳар қадамда юриш туришда ва гапда таъкидлаб беписандлик қилаётган Туробов ҳозир гуноҳкорона ва мутеълик билан болалардай бошини этиб жим туради.

- Нима дейсан, Мирзо? - юзланди мента.

- Ихтиёр сизда-дедим.

Бироз юрганимиздан кейин Шоқосим ўнг томонга, чайласи томонга, бурилди.

- Фонарчани бизга бер, йўлимизни йўқотиб юрмайлик, Мадали ака унинг қўлидан фонарни олиб, бир қўлида юган, эгар бошида чироқ билан олдинга ўтди.

Кўкда ҳали ҳам булутлар галаси сузib юрарди. Юлдузлар булутлар орасидан аҳён-аҳёнда митиллаб кўз қисарди-ю, бир зумда яна булутлар панасига ўтиб яширинарди. Тонг ёришиб келарди. Мен ўзимча ўйга толгандим: Сангак тўсатдан кетди. Агар у касал бўлиб мурожаат қилганида ва дардига даво тополмай оламдан кўз юмганида, эҳтимол у

- Менинг аёлим ва болаларим бор. Ширмоқ ўз баҳтини топа олади. У жасоратли ва булбулдек хушхон хотин, - дедим. Лекин охирги сўзларимни эшита одди ё йўқ, билмасдим. Зероки, у бу дунё билан абадий хайрлашган эди. Инсон табиати шуки душманинг ўлиги устида ҳам ачинасан, афсусланасан. Сангакка менинг адонаётим йўқ эди. Биронинг ўлимидан сенга дунё кенгроқ қолмас. Маланг чўпоннинг хотини чайлада фарзандлари билан: бири ўн яшар қизча ва иккинчиси ўн ёшли ўйилчаси нолаю гирён ўтириарди. Қизчаси ухлаб қолган, ўйилчаси эса уйқусираб чўзилиб ётар эди.

Эрингизнинг жароҳатидан қўрқманг, унчалик хавфли эмас, ҳеч жойи синмаган, ҳозир жароҳатларини ювиб, дори қўйиб боғлайман, эртага шаҳарга юбораман. Тўғри бир оз қийналади, аммо совайиб кетади, - деб хотинининг кўнглини кўтардим. Аслида рентген қилиб кўргандан кейин бу гапларни айтиш керак эди.

- Илоҳо Туробовнинг уйи куйсин, дуппа-дуруст қўйлар орқасидан юрганни олдига солиб кетиб, кўрпаю болиш билан битта қилиб олиб келди, - дерди хотини дарду аlam билан.

Мен уни оёғида ва бетида қотиб қолган қонларини ювиб, яралар боғланган эски латтани олиб ташлаб малҳам кўйиб қайтадан боғлаш учун иссиқ сув сўрадим. Аёл тезда иссиқ сув келтирди. Мадали ака менга ёрдамлашарди. Мажруҳ, оғриққа чидамай оҳу воҳ тортарди. Бадани оғриқ зарбидаи қизиб, юзи, чаккаларидан тер қўйиларди. Тўлғанарди ва нафасини ростлаган ҳолда дамба дам такрор қиласарди: Туробовни гапига кириб оҳу баррани мен отдим. Бу раҳмсизлигим учун мени худо урди. Гуноҳимдан ўзи кечса болаларим баҳтига тирик қолармикинман.

- Худо хоҳласа тузалиб кетасиз, - дедим унга, аммо Сангакнинг жонини жонофаринга топширганини ундан яширас эдик.

Мадали ака Туробовга гапиришни ҳам истамас эди. Унинг фикрича Туробов воқеанинг бош гуноҳкори. Туробов икки марта Мадали акани гапга

аканинг ибораси билан айтганимизда Сув Бобо разабланыб уларга юборган. Зеро одамлар ана шундай тўкин-сочин замонада ҳеч нарсага мухтож бўлмасаларда, табиат ҳимоячиларининг рухсати-сиз фақатгина ўзларининг кўнигилхушликлари учун оҳу ва унинг боласини отишади, уларнинг қилимишлари учун гўё жазо ана шу бўлибди, деб хаёл қиласдим. Жон ҳамма учун ширин, улар жон талвасасида қочишарди. Орқадан қор кўчиб келиб жарлиқни тўлдира бошлиди. Улар кўчки қор шамолида қолганлар. Агар кўчки қор босар эди, умрбод унинг остида қолиб кетардилар. Сангак орқасига қаради қочарди. Кўкраги ва пеплонаси қиррали тошга урилиб йиқилди-ю, яна туриб олдинга сакрарди. Уни даҳшат чулнаб олганди. Қор босгани оёқлари остидаги тош пастта қулади. Кўчки хуруждан қолиб фақатгина уларга шамоли стиб келган бўлсада, ўзларини дам-бадам тошга уриб йиқилиб турганларидан ҳушларини йўқотган эдилар. Чўпонлар хабардор бўлиб, то уларни пастлиқдан кўркиб-кўркиб то юқорига кўтариб чиққунларича ҳаво ўзгарилиб даҳшатли қоронгу ҳам тушган эди. Гарчи фалокат мен айнан тасвирлаганимча рўй бермаган бўлса ҳам, ҳаёлим асл воқсага қарийб яқин бўлганига шубҳа йўқ.

Сангакнинг жисми қолини андаккина вақтдан кейин руҳи билан хайрлапади, бу турган тап. Зеро уни сўнгти марта кўзини очиб юмиши шундан нишона эди. Аммо Маланг чўпоннинг аҳволи унчалик оғир эмас. Уни ўз чайласига олиб киринглар, - дедим икки мажруҳ, бопнида афсусу надоматлар қилаётганларга. Малангни Сангак олдидан олиб чиқдилар.

Шу пайтда Сангак бир кўз очиб, видолашгандек: - оёғим бу томонга ҳаргиз торгмас эди. Иним бўлмиш Зардак ҳеч ҳолимга қўймасдан мажбур қилдики, Туробовга қўшилсан. Бир лаҳзадан сўнгра яна деди: - Ширмоҳ мендан қутиди. Зардакка ҳам насиб қилмаслигини биламан. Сен уни ўзинг билан бирга ол. Насиб қилсин. Лекин ўғлимни хор қилманлар.

ерида қои қотиб унга сочлари ва киприклари илашиб қолганди. Күкрак қафаси шикаст ебди. Тили ғапдац, жони эса рамакда қолганди. Томирлари суст, тұхтаб-тұхтаб уради. Күзларини зўрга, ҳолсизлапиб очиб, юзимға тикилди, аммо танидими-йўқми, ҳушига келдими ё йўқ, мен буни айта олмасдим. Унинг шу ерда, менинг қўлимда нажот топишини, агар иложи бўлмаса Душанбега юбориб у ерда номдор табибларнинг сеҳрли қўллари билан даволанишини жуда-жуда истардим. Аммо ҳайҳот, минг афсуслар бўлсинким менинг қаршимда кўкрак қафаси эзилган, мияси зарб еган, қони ичига кетиб пепиона суяги ичига чўккан ярадор бир киши ётарди.

Уни даволашнинг иложи йўқ эди. Афтидан тасодифнинг ҳам қонуни борга ўхшайди. Одам обу ҳаво ва зилзилани олдиндан айта олади, аммо уларни ҳануз идора қила олмайди. Инсон тақдирига даҳлдор тўрт нарса борки, одам уларнинг ихтиёрида. Хулқ, ризқу рўзи, ҳаёт ва ўлим инсон учун тақдир ҳукмидир. Бир киши яхши, бир киши ёмон агарчи у донишманду хирадманд бўлса ҳам муҳтож ва қашшоқ умр кечиради. Бир абраҳамо жоҳиллинг молу мулкини, давлатини тақабурини кўриб ҳайрат бармоғини тишлайсан, бир киши хушхулқ, иккинчиси донишманд оиласда тарбия олган бўлсада бадхулқ. Бир киши узоқ умр кўради, бошқа бирори эса ўз иродасидан қариқдош уруларининг майлларида ташқари кўч-кўронини эртароқ тутиб риҳлат қиласди. Бу худди обу ҳавою зилзилани олдиндан айтганга ўхшаш гап. Аммо бу ҳодисаларни токи кишилар бошига фалокат келтирмағунча идора қиломайсан, чунончи кўчки нега кеча эмасу, айнан Туробов билан Сангаку Маланг овга чиққан куни кўчди. Мен беморнинг жони киприк устидаги қатрадек тўклилайми деб турғанини ва ўша қатра киприқдан узилиб тушмай неча вақтдан кейин соғайиб ҳаётга қайтганини кўп кўрганман. Мен булар жарликка тушиб ўқ еган оҳулинг оёқларида ушлаганларида кўчки бало сифатида бошларига ёғилган, бу кўчки эса Мадали

- Ҳаво айниган экан, Кафтаргардан довони тепасига чиқышса, чүкқида қора булуутлар пайдо бўлибди. Аммо улар бунга парво қилишмабди. Пастга қарашса, она-бона икки кийик ўтлаб юрганмиш. Сангак билан Туробов иккаласини отишибди. Маланг билан Сангак тушиб олиб чиқишмоқчи бўлишибди. Шу пайт юмшоқ қор келиб қолибди.

- Бу тоғларнинг эгаси бор деб мен минг маротаба айтдим. Тартибсизлик қилма, ажалингдан один жазо оласан. Мана шу Сангакнинг отаси ҳам овдан кейин ана шундай рутубатли ҳавода тош тагида қолиб ўлганди. Сангак ҳам отасининг изидан борадигандай, - деди Мадали ака.

- Чўпонларга ким хабар берибди?

- Туробов бир дамда ҳаммани оёққа турғизди, - деди ўша баланд бўйли чўпон.

Дара ичидан чиқиб келаётган тез оқар тоғ дарёси бўйида отлардан тушишга тўғри келди. Ён атрофдаги қиру адирлардан оқиб келаётган сувлар тўпланиб дарёга қўшилиб, уни янада ваҳимали вашиддатли қилған эди. Отлар бир-икки қадам олдинга ташлашарди-ю, яна қўрқиб орқаларига тисарилишарди. Чўпонлар машъъал туттганларича кўпrik устида туришиб отлар учун сув йўлини ёритишарди. Қуйироққа бориб, дарёнинг ёйилган жойидан ўтиб яна тепага кўтарилишга мажбур бўлдик, шатижада йўлимиз анча узоқлашди. Биз яна қанчадан-қанча ана шундай селу қор сувларидан ўтиб Маланг чайласига етиб келганимизда соат тўрт бўлганди.

Туробов билан Шоқосим чайла эшиги олдида туришар, бошқа чўпонлар эса уй-уйларига тарқалишибди. Мен тўғри Малангнинг чайласига кирдим. У ерда икки киши чайланинг икки томонида ётарди. Сангакнинг тепасида бир зум унга тикилиб турдим. Бор йўғи у икки кеча аввал қўй сўйиб Туробонга зиёфат берганди. Ҳозир эса пешонаси ёрилиб, қошу қовоқларининг териси, гўшти чиқиб, олдинги тишлари ҳам қандайдир қаттиқ жисмга урилиб, эҳтимол тошга урилган бўлса керак, синган эди. Юзларида ва пешонасининг ҳар ер-ҳар

ишионқирамай деди: Мабодо маст бўлиб уларни бир қўрқитайлик, деб ҳазиллашмаган бўлишсин? Ҳа, унинг шунаقا одати ҳам бор. Душанбеда семинарда эдим, «Уйинг куйди, тезда кел» деб якшанба куни телеграмма олдим. Районга келсам, у шунаقا бўлиши мумкинмиди? дейди. Ҳа, энди тинчлиги учун битта зиёфат қилиб беру болаларингни кўриб, хотиржамгина кетавер, дейди. Бу аҳмоқона ҳазил эмасми? Унинг қўлидан бундай ҳазиллар келади.

- Йўқ, ишионаверинг, гапимиз рост. Туробов оёғи куйган товуқдек қаерга ўтиришини билмай юрибди. Маланг билан Сантак нола қилиб ётишибди. Ўз кўзимиз билан кўрдик.

- Туробов нега соғ-саломат қолди? У овга бормаганими? - яна сўради Мадали ака.

- У юқорида бўлган, иккови эса ўлжаларни олиб чиқиш учун жарга тушган, кейин кўчки шамолида қолилишган, агар кўчки урганида эди, жасадларини ҳам топиб бўлмасди, - деди улардан бири.

- Мен кетдим, - дедим тўнимни кийдиму, дори солингган яшикчани кўтариб.

- Мен ҳам бирга бораман. Нима бало уларни ажал тортиб келгап эканми? - деди Мадали ака ва у ҳам йўлга тушди.

- Шарифа ёлғиз бўлмаганида бирга борардим, ихши бўлмабди, - деди Шокарим отларимизни эгарлаётуб.

Ўзун чопон кийган ҳалиги чўпон олдинда, биз эса уларнинг кетидан йўлга тушдик. Улар йўлимизни ёритиб боришарди. Ёмғир тинган, аммо булувлар ҳам тарқалмаганди.

- Мана бу томондан, анави томондан! - дейишиб улар бизга йўл кўрсатишарди.

- Соат неча бўлди экан? - сўрайди Мадали ака.

- Икки.

- Маланг чўпон чайласида Туробовдан бошқа яна ким бор? - сўрайди у чўпонлардан.

- Чўпонлар бор. Биз кафттаргардан рўпарасига келганимиэда ёмғир кучайди. Жарликка тушолмай анча кутиб турдик. Уларни кўтариб келгунимизча она сутимиз оғзимизга келди, - деди ўша ёш, баланд бўйли кам гап йигит.

чиққинумча Мадали акадан фалокат оёқ остидан чиқади, бу ерларда эхтиёт бўлиб қадам бос, Мирзо сен янги одам, - деган гапни бир неча бор эшитгандим. Ҳозир бу икки чўпоннинг гапларини эшитиб баданларим жимирилаб кетди.

Ҳар бир касб эгаси ўзининг дам олиш ҳуқуқига эга эканлигини эслатсада, духтурнинг буига ҳаққи йўқ. У кун бўйи одамларга дорую дармон қилиб уларни даволаш билан банд бўлиб, кечаси роҳатланиб ухлаётган бўлсада, биринчи чақириқданоқ bemорни даволашга, унга ёрдам кўрсатишга шошилиши керак. Мен ҳам ҳеч вақт ўйламаган эдим ва эҳтимол бу қадар бақувват, бардам Сангак ҳам бир кун келиб мен уни даволашимни асло хаёлига ҳам келтирмагандир. Қўлу оёқларини боғлаб Хингобга улоқтираман, дерди у менинг ҳақимда. Ўлигинг менинг қўлимдан қутилади, тиригинг эмас, вақти соати келиб бир ўқ билан асфаласофинга жўната-ман, дерди у Ширмоҳга. Бугун бўлса ўзи фалокатта учраб мени ёрдамга чақирипти. Маълум бўлишича, унинг аҳволи оғирга ўхшайди. Шу чоқ миямдал шундай бир фикр «ялт» этиб ўтди. Наҳотки, Ширмоҳ Сангак фожиасидан севинса? Аммо духтур қўлидан келганича bemорга ёрдамини аямайди, уни даволашига интилади. Аммо малокулмавт унинг боши узра парвоз қилиб ҳозир жонини оламан десагина умид узишингиз мумкин.

- Улар қаерда? - сўрадим.

- Шоқосимнинг чайласидаи ётти юз саккиз юз метр тепароқда. Маланг чўтон чайласида, - деди ўзини орқага тортиб турган балаңд бўйли чўпон.

- Туробовчи? - сўради Мадали ака.

- Малангнинг уйида, - жавоб берди мангъала кўтариб олган чўпон.

- Туфу, лаънатилар! Бир томонга юзланиб тупурди Мадали ака.

- Мен Туробовга қоидадан ташқари иш қилма. Ён атрофишта қараб қадам кўй, дердим. Чўпон ёмон рафтор қилса, зарари ўзига. Идора бошлиги ёмон иш қилса-чи, зарари бутун ҳалқقا. Менинг бу ташларимдан у хафа бўлиб юарди. Тўсатдан у

ли кипшига түшди. Бу дам Шокарим ҳам уларга нешвөз чиқиб итларни ҳайдай бошлади.

- Нима гап? Тинчликми? Бирон ҳодиса рўй бердими? Тун нотинч эди. Туш кўрсам сохијдати бир-икки дараҳтии сув олиб кетибдию унинг учидаги одамлар осилиб ётганиши, - деди шовқиндан уйғониб ташқарига чиққач Мадали ака.

- Қўйлар тинч. Жала бозарар ўтиб кетди. Лекин лухтур учун келдик. Шокаримнинг чайласига боришиллар, лухтур ўша ерда бўлса керак. Бошлаб келинглар, - деб юборишди, - деди улардан бири.

Мадали ака уларга яқинроқ бориб жаҳл билан сўради:

- Аниқроқ ғапиринглар, бундай бевақт тунда лухтур кимга керак бўлиб қолди?

- Агар лухтур тезроқ бориб ёрдам бермасалар, Санғак билан Маланг-чўпон ўлади. Боришлиари керак, вассалом, - дейипди ҳалиги чўпонлар.

- Нега ўлади? Нима бўлдики ўлишади? - яна сўради Мадали ака. Саҳаргача ўлмай туришса, ҳечқиси йўқ. Духтурнинг «Тез ёрдам» машинаси бўлсанки, миниб фиррилаганича етиб борса. Бу ер тобе. Тушунасаними? - Яна менинг ўрнимга Мадали ака жавоб берди. Ёши қарийб олтмишдан ошиб қолган бу кипши учун ярим тунда уйқусидан уйғотиб кайфиятини бузганлари учун қаттиқ хафа бўлганли.

- Ҳамма ғапларингиз маъқул, Мадали ака. Бизга ҳам шутіча ердан келиб сизларни бедор қилиш зарур эмасди. Икковлари ҳам кўчки шамолида қолишибди, жароҳатланишшибди, духтурни олиб келинглар, - деди Туробов, - воқеанинг бутун тафсилотини тушунтиришибди улар.

- Ана гапу маина гап, кўза ҳар куни ҳам синавермайди. Мен бир кун эмас, бир кун Туробовнинг оёқлари тагидан тутуп чиқишини билардим, - деди кипоя-ла Мадали ака. Улар бефойда иш билан шутгулланишиб ўзларини фалокатта уришибди-ю, биз уйқудан қолайликми? Э, оталарига раҳмате, - деди Мадали ака масхара қилиб.

Чорбоғакка келган кунимдан бошлаб мана шу

чўпонлар ҳам мабодо қўйларни жала урмасин, бўрилар ҳамла қилмасин деб анча нотинч эдилар.

- Агар ҳалол меҳнат қиласан, десангиз, ҳеч срда осон касбу, катта ион йўқ. Баъзан ёшлар осон ишу, серёғ ноши излашади. Менинг ёшлигим ҳам ана шу тоғу тошларда ўтган. Аммо, Шарифа билан Шокаримнинг бу ерда чўпонлик қилаёттаникласини кўриб уларга раҳмим келади. Ўз азобишини унугиб, фарзандинг ҳақида ўйларкансан киши. Агар бу кеч Чорбоғақда бўлганимда эди, қизиму кўёвим нима қилишдийкин деб қоп ютиб ўтирган бўлардим.

Мадали ака гапларимни ёшлар эшигмасин деган маъниода жуда секин-секин пицирлагандай гапиради.

Пастда момақалдироқ тиним билмай қалдиради, мен эса ҳамон Ширмоҳни ўйлардим. Назаримда у дераза ойнаси ёнида ёки эшик олдида тик туриб ёмғир шиддатини томонга қилаёттандай эди.

- Туробов билан Сангак овга чиқишиган, агар ёмғир бошлангунча бирон чўпоннинг уйига етиб келишиган бўлса, яхши-я, акс ҳолда уларди худо урди, - деди Мадали ака ташвишланиб.

Атроф бироз тинчигандай бўлди. Ёмғир энди онда-соңда ёғиб турарди. Ён эру хотиплар қўйлар совқотиб қолмасин, деб уларни у ёқдан бу ёққа ҳайдашарди.

Биз ухлаб қолибмиз.

Тун ярмидан ўтганди. Бир пайт ғала-ғовур ва итларнинг акилашидан чўчиб уйғониб кетдим. Довон пастида қандайдир эркак овози эшитилди: «Шокарим, ҳо Шокарим»-дека қичқиради у. Бу овоз зим-зиё, ёмғирли тунда қулоққа янада ваҳимали ва даҳшатли эшитиларди, тоғу дарё, қиру адирларда акс-садо бериб атрофии момоқалдироқ гул-гуласидан ҳам баттарроқ ларзага соларди. Тошларнинг қулашидан, чақмок чақишидан ва шиддатли ёмғирдан зада бўлган итлар уларни титчини бузган бу овоздан янада ваҳимага тушшиб қаттиқ хура бошлади. Чайладан чиққач, кўзим машъял тутганича биз томонга келаётган икки узул чопон

рига жиислашиб турған қўйларни кўздан кечираради. Мен ҳам уларнинг кетидан бориб момоқалдироқ униш гулдирали, чақмоқ ва яшиннинг ёйилиши ва тоғчаларнинг ёғилишини томоша қилдим. Момоқалдироқ ёмғирнинг шовулаши ва дарё соҳилидаги тоғларнинг думалашидан чиққан садолар орасида Мадали аканинг таплари қулоғимга чалинарди:

- Бу тоғларнинг ўз эгаси бор. Ундаги паррандаю даррацдаларнинг ҳам соҳиби бор. Бу ерда қўй боқаётгай чўпсилар ҳам тоғ соҳибига итоат қилишлари керак. У «керак» сўзини алоҳида ургу билан таъкидлади.

- Ота, ёмғир бироз пасайди. Момоқалдироқ ҳам нариги томонга ўтиб кетди, хайрият, - эшитаман Шокаримнинг овозини.

- Ана шу чўққилардан қон-қора булутлар кўтарилигандан бирон фалокат юз бермаса деб хавотирга тушмаси. Бу тоғларга ҳар йили алъянистлар келишиб янада юқорироққа чиқишмоқчи бўлишади. Ҳар йили, албатта, бирон похуш воқеа рўй беради, аммо улар яна келаверишади. Менинг фикримча, Аухтур Мирзо, - энди у менга мурожаат қилди, - одамлар ўша музу қорни оёқ ости қилишмай жимгинка юраверишса яхши бўларди.

Чақмоқ ёруғида қўйларнинг жунлари бир-бirlарига ёлишиб кеттанига кўзим тушди. Отларнинг бадашидан худди улар ҳозиргина дарёдан чиқиб келгандай ҳали ҳам ёмғир сувлари қуийилиб туради. Ёмғир суви чайла атрофидан ўтиб унинг ичига ҳам кириб ҳўл бўлмаган бирон жой ва бирон нарса қолмаганди.

- Хайрият, бироз пасайди, - деди Мадали ака чайла томонга қадам ташлаб. Унинг тўн этаклари ва юзу бошларидан ёмғир қуийларди. Роса ивиб кетдик-ку, агар ёмиғир тагида бир зум турсак борми кўйлағу иштонларга ҳам ўтиб кетади.

Тўйларни счиб чайла михига илдигу тўشاқка ўтирдик. На бизу на нариги чайлладаги ёш эр-хотин ухлай фикрида эмасди. Чақмоқ, момуқалдироқ энди настда, дарёнинг ўзи томонида авжга минганди. Бу кеча Тавилдара, Сагирдашт яйловларидағи

- Мен ҳали эсимни етаним йүқ, бўрининг терисини кийиб юрсам. Ўзингиз чориқ тиктириб кияверинг, оёғингизни совуқ урмайди, - ноз ила жавоб берди Шарифа. Бу гаидан кубеву қайин ота роса роҳатланиб кулишди. Мен ҳам бўри терисидан шўстин кийган ёш, гўзал аёлни кўз олдимга келтирдиму бирданига қаҳ-қаҳ уриб юбордим. Сўнгра Мадали ака бошу бўйини оёқлари орасига олиб гўё гапларимизга қулоқ солаётган итта яқинлашди:

- Сенга нима бўлди? Сени ким отди, сариқ? - сўради Мадали ака итни эркалатиб. Батъзан ўқ ҳам хато қилади. Гуноҳидан ўг, ўқ сенга тасодифан тегибди, хафа бўлма, гина сақлаш яхши эмас. Эрталаб сени ўзим даволайман, - деди у чўнқайиб ўтириб итнинг бопини силаркан. Ит ўрнидан туриб тоҳ Мадали аканинг қўлларини ялар, тоҳ Шокаримга думини ликиллатиб эркаланаарди. Аммо Шарифа яқинлашганда авзойи бузилиб таҳдидли ирилларди.

- Уволгина, ҳали ҳам жаҳлидан тушмабди, - деди Шарифа. Улар чайлага кирипплари биланоқ бир дамда шиддатли шамол бошланди. Хингоб дарёси-нинг нариги томонида Кафтаргардон тоги тепасида момоқалдириқ зарда қилгандай гумбирлаб чўққи-лар, пастликлар ва дарё атрофидаги жарликларни ларзага соларди. Аввал сел ёди, кейин у жалага айланди. Жала чайла устига келгач, ачнагача тўхтаб ногора чалиб турди. Гўё ҳамма ёқни сув азоби ёки Нух тўфони босгандай эди. Дарё қирюнида осилиб турган омонат тошлиарни ёмғиру дўл сувлари ювиб, пастликка қулатиб, чор атрофии қултулага соларди. Ёлларининг ҳар бир толасидан ёмғир суви шовуллаб оқиб турган отлар қўрққанидан дам-бадам баданларини силкитишар, тоҳо пиманидир сезгандай мунгли кипнаб қўйишарди. Итлар осмонга қараб увилланиб Мадали ака айтганидек, бирон бир фожиадан хабар беришар ёки баду балони даф қил деб, худога ёлворишарди. Мадали ака тўнини елкасига ташлағанича Шокарим билан биргалиқда табиат даҳшатини кўриб ва хис этиб ҳаммаси бир ерга тўпланиб, бир-биrlat-

- Хўш, буидай бўлса, ўлжа олган бўрини пима қилдиларинг, - сўради Мадали aka яна ишонқирамай.

- Мана, келиб кўринг, териси ўчоқ орқасида Шокарим терисини шилди мен туз сепдим...

- Қани турдик, бир кўрайликчи, яйловда ҳар хил воқеалар бўлиши мумкин, - деди Мадали aka ўрнидан туриб, мен ҳам унга эргашдим.

Ҳаво қоп-қоронғу. Кафтартаргардон чўққисида сайр қилиб юрган булатлар бир соат ичида Сангвор яйловининг икки этагини ўзининг қора пардасида бутунлай ўраб олгаанди. Чорбоғакка келган биринчи кунимданоқ ҳар куни бу тоғлар устида хоҳ, ёмғир ёққан бўлсин, хоҳ, йўқ, оқу қора булатларнинг муаллақ туришини кўп кўргандим. Аммо бутунги булатлар бошқача, ёмғирли булатлар эди, шамол ҳам эсиб туради. Тун ваҳимали, юрагим ниманидир сезгандай тинчлик билмай тез-тез уради. Мен кимсасиз жойда ёлғиз қолган Ширмоҳ тақдиридан ташвишда эдим. Ҳаёлимда одам ёки бошқа бирон нарса унга ҳужум қилгану ёки кўзига бирор даҳшатли нарса кўриниб у қўрққанидан қайси бир довон устига чиқиб, гўё мени бор овози билан ёрдамга чақираётгандай эди. Ҳаво совуқ, Шарифа кўз олдимда рўзгор асбобу анжомларини тартибга келтиради, гўё чақмоқ тўғри келиб темир идилларига урадигандай қозону керосинка, оташкурагу капкиргача ҳамма-ҳаммасини чайла ичига олиб киради. Чопонни елкамта ташлаганимча у ёқдан бу ёққа юра бошладим. Итлар ҳам, отлар ҳам, қўйлар ҳам бесаранжом. Ўчоқ орқасида Мадали aka қулранг терини кўриб қўлига олди-ю, уни сийпалаб бўрининг териси эканлигига ишонч ҳосил қилгач Шарифага:

- Агар чиндан ҳам бу сенинг ишинг бўлса, баракалла, қизим, - деди ю унинг елкасига уриб-уриб қўйди.

Мен уларга яқинлашиб сўрадим:

- Бундан нима тикса бўлади?

- Қочиб қугилган бўрини ҳам отиб, ҳар иккаласининг терисидан Шарифага пўстин тикириб бераман, - деди куёв йигит.

Шокарим қўйларни қўтонга ҳайдади. Шарифа эса чайла саҳнида идиш-товоқларни ювишга киритди. Мадали ака оҳиста-оҳиста гапиравди. Қўйлар туёғининг садоси, отларининг ўтларни узиб-узиб, киртиллатиб ейишлари, ҳар замон - ҳар замонда кишинашлари, узоқ-узоқлардан итларининг акиллашлари, тунгти шабадада чайла устуни устидаги кизил байроқчанинг ҳиллираши қулоққа эшитилиб турарди.

- Ота, - деди Шокарим Мадали акага юзланиб.
- Сиз миљиқ отиш аёллар иши эмас деб Шарифа устидан кулардингиз. У ғугурт қутисини икки юз метр жойдан урадиган бўлди. Бир куни Шарифа қўй боқиб юрарди. Мен эса чайлада дам олаётгандим. Ҳар эҳтиётдан у миљиқни ҳам олволганди. Бир пайт итлар акилланиб шовқин-сурон кўтарди. Маълум бўлишича, бир чеккадан икки бўри рамага оралаган экан. Буни сезган икки ит, икки бўри билан олиша кетди. Мен уйғониб чиққунча, Шарифа бўриларга қаратиб иккита ўқ бўппатибди. Келиб қарасам, бир ўқ билан бўрининг бопига, иккинчиси билан эса итнинг оёғига урибди. Ит тинмай виншириди. Бўриларнинг бири бир-икки айландию, калласи билан пастга шуниди. Иккичи эса қочди. Мен етиб бориб ярадор бўрини таёқ билан уриб йиқитдим. Эринии гапларини ташқарида эшитиб турган Шарифа ичкарига кирди.

- Ҳа, ота қочиб қутилгац бўри анауву томониги нариги томонида зрталабгача увиллаб чиқди, - деди у.

- Э, қўйе, сизларни уста чўпон десам, бу ерда зру хотин гап тўқишига ҳам роса моҳир бўлиб кетибсизларда-а? Бир гапни айтингларки, олони бўлса ҳам одам ишонсин, - уларнинг гапини рад қилди Мадали ака. Чўпонлар, овчилар бўриларнинг қиронини беришган, бу ерларда бўрининг ўзи қолмаган-ку, - дерди у.

- Ота, рост айтяпман, ишонмайсиз-а? Сарик ит қўлимдан овқат емайди, олдига борсам хир-хир қилади, ҳали ҳам жаҳлидан тупшамабди, - қўшиб қўйди қизи.

оқшом энг баланд чўққида, Мадали акананинг куёви чайласида ўтирган Мирзо, янги сўқмокдан Ширмоҳнинг уйига йўл топган эди. Мен жисман Мадали аканинг куёви дастурхони бошида ўтирсамда, ақлу хушим, фикри ёдим Ширмоҳда. Руҳ Ширмоҳнинг ёнида бўлишни истарди. Албатта, Ширмоҳ Хингбонинг ўнг томонида бу оқшом танҳо.

Сангак Туробов билан овга кетган. Бинобарин, менинг руҳим нотинч, у исён кўтариб унга томон инг'илади. Исён хаёлоти инсон руҳининг шундай бир кучли қаноти борки, у билан кўкўпар қасрлардан ўтарди, юксак қорли торлар, денизу дарёлардан, тубсиз жарлардан ўтиб мурод ва висолга етари. Руҳ ва хаёллар бир-бирларидан узоқлашган, айри тушган нотавон жисмларни ўзаро боғлайди, сон-саноқсиз ва сўнгсиз тотли бўсаларни уларга насиб этади, уларга тасалло ва чексиз қувват бағишлади.

- Қаранг, бу гўпти, бу думбаю жигар нақадар мазали, бунинг тотилиги ўғдан. Буларнинг қўйлари эндиғина қорлар тагидан бош кўтарган нозик, нафис хушрўй майсаю ғулларни ейишиади. Ҳали юзларига гард қўнимаган сабзаю себаргалардан баҳра олишади. Бу сенинг қўйлари дарраңдаю парранаңдалар оёқ ости қилмаган, топтамаган ўтларни тановул қилишади. Гўштнинг мазалиги сири, қўйларнинг тез семириши сири ана шунда, - дерди Мадали ака, бу гапни илгари бошқа ерда ҳам айтган эди. У қайнот қалб, хурсандчилик, завқ-шавқ, илҳом билан тўлиб-тошиб сўзларди. У менга илтифотла кўпроқ яққол, думбаю жигарга марҳамат қил, акс ҳолда бу тоза ҳавода, суви ширин жойда кечаси оч қолишинг мумкин деб мурожаат қиласди. Мадали аканинг куёви, қизи иззату ҳурмат, чексиз самимий ва эҳтиромли сўзлари билан мени шод этишарди. Зеро, уларнинг кўнгиллари ҳам ўзлари чайла қурган манзил ҳавосидек соф, мусаффо, беғубор эди. Буни уларнинг гапларидан, муомалаларидан ўқиб олиш қийин эмасди. Чайланинг бир четида, тўйтариб қўйилган челак устида, керосин лампа ёниб турарди. Овқатдан кейин

олишган. Чўпонлиқдан шу кунгача ҳеч ким хорлик кўрмаган. Мана шу икки ённинг саломатликлари, баҳту саодатлари учун оламиз, нима дедингиз дұхтур? менга мурожаат қилди Мадали ака.

- Камолу мамнуният билан мен бу ерда ўтирибману, аммо хаёлларим сочилган, бутун дүнёни томоша қиляпман, нақадар ажойиб жой, - дедим пиёладаги спиртга озгина сун қўшиб ва бирданига ичиб юбордим.

Шарифа тахмон орқасидан «Оксан» радиосини олиб мурувватини буради. Кўшиллар тегиб кетсан ҳофизнинг айтилавериб сийқаси чиққан ашуласи янграй бошлади. Аммо шунга қарамай бу қўшиқ бу ерда, баланд бир тоғ бағрида алоҳида садо берарди. Мен Чорбоғакка келиб чайла қурганимдан бўён Мадали аканинг ҳозиргилик очилиб-сочилганини биринчи марта кўришим. Хаёлимда унинг қалби рақста тушарди, бутун нужуди қувончга тўлган ўрнидан туриб қўшиқ оҳашигига мос ҳолда ўйнаб юборишини истарди-ю, аммо ёши ўттаплигидан ийманиб ўзини зўрга тутиб турарди. У ластурхон бошида ўзи ёлғиз эмас, балки қўнгилга яқин меҳрибонлари билан ўтирганидан терисига сижмасди. Ишқнинг муқаддас ва илоҳий кучи бу икки ёш қалбидан ғаму ғуссани кўтарибди-ю, улар одамлардан узоқликларидан шикоят қилмай мұҳаббатлари, орзу умидлари йўлдош бўлиб баланд тоғ бағрида завқу шавқ билан меҳнат қилишарди. Улар икки-уч ойдан кейин рамаларини дашибта ҳайдаб, тогу довонлардан ошиб водийга қайтишларини билишади. Ишқ бўлмаса төвларгинча эмас, балки шоҳона қасрлар ҳам кишилар қалбини исита олмайди, ҳаётта мұҳаббат уйқотолмайди. Ҳа, фақат ишққина буюк кучга эга. Нақадар катта баҳтки, ишқ одамлар тақдирини бир бор на абадий бирбирига туташтириб, улар қалбига умрларининг охиригача ўчмас ҳарорат баҳш этади. Аммо ишққа зўрлик билан, симу зар билан эришиб, эл олдида масхара бўлғанларнинг ҳолларига вой. Сангак Чорбоғакдан Ширмоҳни янги уйга кўчириб келиб унинг ишқ йўлинни тўсдим, деб ўйлади. Аммо бу

шади. Шокаримнинг бошида эса шляпа. Эгнида костюм, оёғида ҳафсала билан тикилган чарм этик. Шарифа ҳам чўпон хотинига ўхшамасди. Эгнида лид билан дазмолланган чиройли атлас кўйлак. Кўзим ўчоқ олдида керосинка ёнида турган дазмолга тушди. Ўчоқда қозон қайнарди, барра қўйнип пишган гўшти хиди димоққа урилади. Мадали ака Шокаримга отлар бир оз дам олгач, арқонларини узуб узоққа кетиб қолмасликлари учун тушов солиб серўт жойга боғлашини буюрди.

Кейин қизига юзланиб деди:

- Сен ҳали сувни қўятур. Биласанми, бу кеча биз сизларнинг меҳмонларингиз. Аввал тунаш учун чайламизни тайёрлаб олайлик, кейин меҳмондорчилик қилаверамиз.

Шокарим ичкаридан янги бир чайла олиб чиқди. Уч киши бир зумда уни тикладик. Шарифа гилам тўшади, устига кўрпача солди. Биз Кафтагардан тоғи билан юзма-юз турардик. Чўққилар устида пана-пана булут галалари сайр қилиб юрарди. Тор бутунлай қор билан қопланганди. Пастда оқаётган Хизроб дарёси бу ердан кўринмасди.

Шокарим ҳам отларни чайла атрофидағи серўт ерга боғлаб қайтди.

- Қизим, энди қўлларимизга сув олсанг ҳам бўлади, - деди Мадали ака.

Қўлларимизни юваб ёш эру хотиннинг чайласига кириб дастурхон ёнига ўтиридик. Бир зумда дастурхонни қанду-курс, нону патир, маска ёнио қатиқ, шишган гўшту, думба-жигар ва қайнаб қиёмга етган шўрва билан тўлдириб юборишиди.

- Спиртдан олиб чиқ, ўзинг оз-оздан қуй, бундай салқин ва баланд ерда озгина олмасак бўлмайди, - деди Мадали ака.

Шарифа чашмадан бир коса совуқ сув келтирди. Кўёви пиёлаларга спирт қўйди. Шарифа ҳам дастурхон бошига, эри ва отасининг ёнига ўтириди.

- Мен бу икки ёшнинг қалблари орзу умидларга тўлалигини биламан. Мана шу баланд тог бағрига келиб чўпонлик қилиб юришибди. Мен фарзандларимнинг ўз орзуларига етишларини истайман. Булар ўз йўлларини топишган, тўғри йўлни танлаб

Мана шу ерлардаги қиру адирлар ҳам бизнинг яйлов. Ўтган иили бу ерда Шоқосим кўй боққанди. Ўзинг кўрдинг, у аёлманд. Булар эса ёш, ўзлари бу ерга сўраб келишиди. Онаси қизининг осмоннинг еттинчи қаватига чиқиб олганидан бехабар. Агар уларнинг бу ерга чайла қурганларини билса борми, куёвига асло кун бермайди.

Чайланинг таноблари тортилган устуни учида қизил байроқча ҳилпираб турарди. Аввалига унинг чўпон чайласи эканлигига ишониш қийин эди. У ер кўпроқ алъпинистлар, геологлар ёки метеорологлар тўхтайдиган жойга кўпроқ ўхшаб кетарди. Чўпон нима мақсадда чайласи устига байроқ тикибди. Эҳтимол, бошқаларга ҳаммадан юқорида эканлигини билдириш ёки одамларнинг бу байроқчадан баландроқ чайла йўғу, бу ер совхоз чўпонларининг сарҳади эканлигини билишлари учундир. Тор бағрида гала-гала қўйлар марашиб ўтлаб юрар, юқорироқда эса оёқларига тушов солинган от сакраб-сакраб ўтларди. Мадали аканинг оти уни кўриб худди эски қадрдонини тонгандай кишиаб юборди. Отларнинг кишинанини эшитган ёш эру хотин бизга пешвоз чиқишиди. Кўришиш чогида қиз отасининг юзи кўзларидан ўшиб, икки-учи кундан бўён уни эслаётганлигини, хайриятки ўзи келиб қолганлигини айтарди.

- Агар, шу оқилюм ҳам келмаганингизда эрталаб Шокаримни Чорбоякка хабар олиш учун юборадим, - деди Шарифа.

- Пешинда эгиз қўзиларнинг битгасини сўйиб қозонга солиб қўйгандим. Кечгача кутамиз, агар келмасангиз, эрталаб қизининг қўйларга қараб турса, мен сизни хабар олман деган ниятда эдим. Духтурни ҳам бирга олиб келиб жуда яхши қилибсиз, - деди куёви.

Улар эру-хотинлар қайта ва қайта бизларнинг аҳволимизни ва қандай етиб келганимизни сўрашарди.

Мен Шокаримни агар бошқа жойда кўрганимда уни асло чўпон деб ўйламасдим. Бизнинг чўпонлар кийинишлари билан шахарда ҳам ажralиб тури-

нишлэгли ишилизни осонлаштириди. Ичимда унга милиннатдорчиллик билдиридим. Касал йигитни ша-харга юборишини отасининг зиммасига қўйиб энди Чорбақакка қайтишим керак эди. Аммо дарёнинг чап соҳили бўйлаб ўсган қалин бутазорлар орасидан Чорбоғакка йўл топиб боришим қийин. Қўёш ботиб, ҳаво бирданига совиб тобора қоронилашиб борарди. Шунча пасту баланддиклар, неча-нечача төғ дарёчалари, вайронна қишлоқлару соҳилдаги зим-зиё ёнгоқзорлар ичидан ўтиб Чорбоғакка йўлни йўқотмай, адашмай етиб боришим амримаҳол эди. Мен сўқмоқдан тоғ, ўнгта, тоғ, сўлга чиқиб адашпимни олдиндан сезиб турадим, бинобарин Мадали акадан ажралиш йўқ. Бир неча кундирки, у куёву қизини кўрган эмас, улардан хабар олгани боради. Шундай бўлгач, мен ҳам уларнинг чайлаларига бориб тунни улар билан ўтказиб кетаман. Биз Шоқосимга тез ёрдам кўрсатишга вайда бериб, хайрлашиб шомда яна йўлга чиқдик. Отда телага чиқиш осон, аммо пастга тушиш от мингапга ҳам, отга ҳам жабр. Шу сабабдан Мадали ака эгардан тушиб, отни юганидан ушлаганича сўқмоқдан юра бошлиди, мен ҳам унга эргашдим. Ҳар қадамда отнинг туёри чуқурликка тушиб, қоқиниб кетарди. Бу тешикларда илгарилари сутурлар яшаган, бу ерлар серодам бўлгач, улар инларини тарк қилишиб узокларга кетишган, - дея тушунтириди Мадали ака.

- Афтидан қизингиз хийла гўзалга ўхшайди. Ширмоҳдан ҳам чиройлироқ, шунинг учун Шоқарим унинг одамлардан узокроқ бўлишини истаб бутунлай одам оёғи тегмаган жойга олиб келди. Кўёвингиз Сангакдан ҳам ўтказибди, - дедим ҳазиллашиб.

- Ҳе, гўр қил ўша Сангакни. Менинг куёвим одам. Сангакка асло ўхшамайди. Улар бир-бирларини севишиб турмуш қуриштанини мен сенга айттан эдим. Агар қизим Шоқаримни севмаганида, уни бу ерда бир кун ҳам қўймасди. Муҳаббат йўлдош бўлса хоҳ шахри азим, хоҳ баланд тогда бўлсин яшаш осон кечаркан. Лекин гап бошиқа нарсада.

- У ким? - гарчи унинг дуохон эканлигини тахмин қиласамда сўрадим Мадали ақадан.

- Ким бўларди, дуохон-да. Шоқосимни даму дуога ихлоси баланд. Биз мулла куфу сүф қилаётган пайтда келиб қолибмиз, - деди Мадали ака.

Чайлада Шоқосимнинг юзларида эндигина балофат нишонлари пайдо бўлган заҳ ерга солингтан кўрпада ётарди. Соғ одам ҳам бундай аҳволда икки кун ётса, касал бўлишига ҳеч шубҳа йўқ эди. Ваҳоланки, унинг белидан пасти ишламай фалаж бўлиб қолибди.

- Қачон оёқдан қолдинг? - сўрадим. Бола индамади.

- Чўлда яхши эди. Бу ерга келдигу аҳволи кун сайин овирлаша бошлиди. Оқибат бир жойда ётиб қолди. Қарийб ўн кун бўладики, ўрнидан ҳам туро олмайди, унинг ўрнига жавоб берди отаси. Томир уришини кузатдим, яхши, нафас олиши ҳам жойида. Қон босими ҳам меъёрида. Болани бир томонга ёнбошлатиб белидан сонигача аста-аста ўқалаб кўрганимда у бетоқат бўла бошлиди. Болани чайлада ушлаб туриш уни ўлимга маҳкум этиш билан тенг эди.

- Беморни, албатта Душанбега юборамиз, унга бу ерда ёрдам беришнинг иложи йўқ, - дедим қатъйлик билан.

- Ўзимизнинг қишлоққа жўнатинг, у ернинг ҳавоси иссиқ, бобоси бор, қараб туришади, тузалиб кетади. Шаҳарда бунга ким қарайди? - деди опаси гапларимга эътиroz билдириб.

- Сен ҳеч нарсани билмайсан, Сафармоҳ. Касалхонада болангга дuxтурлар сену эрингдан ҳам яхшироқ қарашибади. Шоқосим бирга бориб ётқизиб келади. Сен бу ишга аралашма, - уни масхара қилиб деди Мадали ака.

- Отаси кетса, қўйга ким қарайди? - яна норозилик билдириди аёл.

- Қўйларни пойлаш учун, эринг келгунча ёрдамчи топамиз, уни тинчлантириди Мадали ака.

Мадали аканинг бу одамлар билан яқиндан та-

хәёллари паришон юрарди. Фарзандининг ётиг қолганлиги боис ғаму аңдухларга тұлған онанинг юрагига қыл ҳам сиғмаслиги, күриниб турарди.

- Касал қани? У қаерда? - сүрадим уй эгасидан.

- Бемор чайлада, ётибди. Аввал бир пиёладан чой олинглар, кейин күрасиз, - деди у.

- Мен меҳмоқдорчилликка келганим йўқ ака. Ўғлингиз согайиб кетса, бошқа бирон вақт меҳмон қиласиз, - дедим унга. Ёшлирга хизмату, кексаларга ҳурмат. Менинг келишимдан Шоқосимнинг хотининг норози эканлиги унинг гапларидан, юриш туришидан, афтидан сезилиб турарди. Мен бунинг сабабини кейинроқ билдим. Бизнинг замонамида ҳали ҳам дұхтурлардан күра күпроқ баҳши, мулларнинг даму дуоларига ихлос қылғанлар кам эмас. Мен маҳаллий табибларга, агар улар ҳақиқаттан ҳам bemорларни даволашнинг үддасидан чиқа олсалар, асло қарши эмасман. Аммо bemордан куфу суғ кучи билан деву жинлар етказған заарни чиқармоқчи бўлған муллоларнинг дуоларига ихлосим йўқ ва уларни тиб душманлари деб билардим. Халқ табиблари орасида ҳам қадимий ва замонавий тиб илмидан хабардор бўлмаган, мақсадлари пул ишлаш бўлған жоҳил ва қаллоблар ҳам йўқ эмас. Мен маҳаллий дуохон ва табиблар сингари дардни худо берган, шифосини ҳам ўзи беради деб ўтирамайман, аксинча касал оғир бўлиб, бу ерда даволашнинг иложи бўлмаса уни даволаш учун шаҳарга катта дұхтурлар ҳузурига юбораман. Лекин булар bemор шифосини худодан тилаб, касал тузалгунча кутиб ўтиришмоқчи. Чўпон хотиннинг кўнглидан: Болам нима бўлса ҳам, ўз олдимда бўлсин деган фикрларни ўқиши қийин эмасди.

Шоқосим чойнакни Мадали ака олдига қўйиб, ўрнидан турди-ю, чайлага кирди. Шу пайт чайлдан бир кипши чиқиб, бизга кўз қири билан нигоҳ ташлади-ю, қарши томондаги дараҳту буталар аралапиб ётган ўрмон томонига йўл оди. Унинг қиёфаси хотирамга қаттиқ ўрнашиб қолганди. У тахминан олтмиш ўшлиарда бўлиб эгнида паҳтасиз чопон ундаиинларни қадимда ридо дейишарди, оқ иштон ва оёғида калиш. Бойпидагулдор дўппи устидан кулрант салла ўраб олганди.

ота-онам ўзаро келишолмай биз онам билан қишлоқда бувимнинг уйида яшаган кезлар бўлса керак. Жиловни сал бўшатдим дегулча от чопиб мен эгарда мувозанатни йўқотиб, оёқларимни узангидә ва ўзимни эгарда зўрга тутиб турардим, гоҳ, чапга, гоҳ, ўнгта ва батъзан орқага кетардим ва дам менда йиқилиш хавфи туғилиб турарди. Ёшлигидан бу тоғларда от минавериб пишиб кетган Мадали ака бир довон чўққисидан пастга шўнгигиб тушар ва тез оқар төғ дарёсидан ўтиб яна бошқа довон чўққисига отини чоптириб чиқар ва отининг бошини мен томонга буриб бургутдек тикилиб турарди. Бу тоғдан нариги тоқقا, бу довондан у довонга сакраб янада баландроқ, бирон дараҳт учрамайдиган, фаяттиниа ўтлар ўсадиган жойлардан ўтиб борардик. Мен энг баланд тоғларда дараҳт ўсмаслигини шу ерда кўрдим. Йўл оғирлигиданми ёки тез кетаёттанимиз сабабиданми отлар терга ботиб бадан ва оғизларидан кўпиклар сачратиб, буғ чиқариб боришаарди.

Бир довоннинг нишоблигига еттакимизда беш юз метр нарироқда ястасиб ётган қорга кўзимиз тушди.

- Мана, етиб ҳам келдик, - деди Мадали ака чайлага ишора қилиб. Чўпон итлари биз томонга чупон ҳайбат билан хужум қилишдик, чайла соҳиблари уларни қўлларига кирган нарсалар билан ҳайдашиб биздан зўрга узоқлаштиришиди. Мен эгарда ўтирибман, аммо ит менга ҳамла қиласди. Чайла эгаси калтак кўтариб ғазаб билан етиб келгач, улар бирин-кетин нарига кетди. Чайла соҳиблари отларни олиб бориб нарироқقا борлашди ва бизни қарши олишиб, одат юзасидан гиламу кўрпачаларга таклиф қилишди. Чайла эгасининг номи Шоқосим эди. Кўринишидан ёши қирқлардан ошган. Юзи тандирда яхшигина пишган кузги буғдой понидек қип-қизил. Бошида салла, оёғида этик, қора ласдан тикилган тўн остидан костюм кийиб олган. Чайла олдида, ўчоқ атрофида болалари уймалашиб оналарига пиширинда ёрдам беришаарди. Уларнип онаси тахминан қирқ ёшлардаги қоноқлари осилган, пешонаси тириштаги аёл қозон бошида

күядиган анойилардан эмасман, - дедим Ширмоҳга ва сўнгра хайрлашиб дараҳтлар орқасидан астасекин дарё этагига равоша бўлдим.

Шу вакт Сангакнинг:

- Ширмоҳ, ҳой Ширмоҳ қаердасан? - деб чақирганини эшигдим. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, кун бўйи боғланиб ётган ит бўшалиб озодликка чиқиб, аккилаганича ўзини ҳар томонга уриб чопаётганини эшигдим. Аммо бу пайт мен дарё четидаги сўқмоққа етиб олгандим. Бу томонга келишга на итува на одам журъат қилаоларди. Эртасига эрталаб Мунибулло машинаси билан келиб умрида бирон марта бундай ахволга тушмаганини айтиб афсусланди. Нима бўлганини унинг ўзи ҳам билмайди. У узоқ йўл босиб келиб жуда чарчаган эди. Аксига олиб бу ерда ҳам қаттиқ ишлади. Унинг устига меъеридан кўпроқ олворибди. Бунақсанги одати йўқ эди. Бу ишни бошқа тақрорламайман, дея ўзидан-ўзи узр сўрарди.

Унинг кечаги улфатларидан қуёш кўтарилагунча ҳам дарак бўлмади. Айтидан яна сабухийга ўтиришганга ўхшайди. Биз чайлани Мунибуллога топшириб зудлик билан йўлга отландик. Бутун якшанба. Мен дам олиб сайру-томуша қилишга ҳақли эдим, аммо дуктурнинг дам олиш кунини ҳам бекор ўтказмаслиги ҳаммага аён.

- Хайр, Чорбоғ эртагача, баланд тоғлардан қайтгунча, - дедиму отга миниб Мадали аканинг ортидан йўлга тушдим.

Дарёнинг ўнг томонига ўтиб, унинг четидаги майсазор ўртасидаги сўқмоқдан юқорига қараб йўл олдик. Мадали аканинг оти мушкранг баданихудди ҳар толадан ёғ томиб тургангдай жилодор. Мурод бобонилг мен миниб олган оти кулранг, ҳар ер-ҳар ерида қора холлари бор. Аммо бироз қарироқ, Мадали аканинг ганига қараганда емни кам егани эмиш. Лекин юришда Мадали аканинг қора мушкинидан ҳеч қолизимайди. Отлар тез чопар ва мен чап қўлимда қамчинни, ўнг қўлимда эса юганни маҳкам упслаб боришга мажбурман. Охирги марта қачон от мишғанилигимни эслай олмайман, эҳтимол

Уңдан қүрқамап. Лекин ўзини мастилкка олади. Шофер ҳам күп ичиб ийқилди. Бироз қизишиб ҳам олиңди. Ҳозир ухлашади. Маңа бу сатидаги сувдан бошларига олиб бориб құяман. Акам маст бұлса, күп сув ичади. Ширмоқ буларнинг ҳаммаси-ни қулогимга шивирлаб айтди-ю, бўйнимни бў-шатди. Сангак ётишдан олдин итни бўшатиб юбо-ради, тезроқ жўнаб қол. Ҳудоға шукурки, келдинг, деди бошини қўксимга қўйтанича.

- Иста гаплари қочди? Нима, сен Сангак билан уришдигми? - сўрадим.

- Бу уйдан мўйсафидинг ўлиги чиққан. Ҳамма ёқ тартибсиз. Яна мана бу меҳмонлар келишди-ю, сен билан Мадали ака йўқ. Аламидан Сангакка дедим: Нега уларни чақирмадинг? Мени уңдан ажратаман, деб ўйлайсанми? Ҳаёлларинг нуч. Мен уни севиб қолдим, тушундигми, севиб қолдим, - дедим.

Сен мени севмасанг, бу сенинг ишнг. Аммо мен сени севаман. Сен менинг қонуний хотиним. Гап хотинда эмас, гап эрда. Эр севса, бўлди. Мендан ўлиб қутиласан, аммо тирик қутула олмайсан дей-ди.

- Эй, Ширмоқ, сен билан мен бошдан оёғимизга роса жаңжалга ботдик - ку - о? Энди ҳамма гап ана шу жаңжалдан қандай йўл билан халос бўлиши-мизда.

- Эшитишимча, эртага Варзи Болодан Шоқосим-нинг ўзини вертолётда шаҳарга жўнатармиссан. Мен ўзимни касаликка олсам ана шу вертолёт билан шаҳарга юбора олмайсанми?

- Ҳазилингни қўйсанчи. Бу вертолёт соғ одамини олиб кетмайди. Қолаверса, Хурраминг бор. Яна шуни ҳам унугмагинки, агар мен сени бирор томонга жўнатсан, булар менинг ҳақимда қандай фикрга боришади?

- Ҳа, воқеан, - деди у қўрқа-писа эслаб. Мен сени севишумга икрор бўлдим, у эса сенинг оёқ-қўлини боғлаб Хингобка ташлайман деди. Кейин мени отади, сен Сангакдан эҳтиёт бўл.

- Ҳудо ҳофиз. Мен ҳам қўл-оёқларини боғлатиб

шиб, эртага Чорбоғакни тарк этишга мажбур қилишмасин, деб ўзимни тезда харсанг орқасига олдим.

Ширмоҳ булоқ тарновидан сув олди. Қўлларини ювди. Мен эса тош ортида унинг ҳаракатини кузатиб турадим. Овоз чиқариб уни қўрқитиб юбормай деган ҳавотирдаман. Мен унга бу ерга келаман деб айтмаганман, у ҳам менинг қоронғу тунда бу ерга келиб тош орқасида унинг чашма лабига келишини кугиб туришимни етти ухлаб эсига ҳам келтирмагандир балки. Ширмоҳ кафтини тўлдирив сув олди-ю, унга бир зум суқланиб тикилиб тургач, атрофга сочиб юбориб, ўз-ўзига гапира бошлади:

Эй, обиҳаёт! Эй табиатга, она заминга ҳаёт, жон бағишловчи саховатли ва мусаффо чашма, қани энди бошимда қандай фикрлар ва қалбимда нечук орзу-умидларим борлигини билсанг эди. Яшашни фақат ейиш-ичиши деб биладиган, қоринларидан нарини кўрмайдиган шундан бошқа ишларни билмайдиган мана бу эркаклар ҳозир бориб ухлашади. Мен бу уйда ўзим ёлғиз қандай яшайман. Мирзонинг чайласи яқин бўлганида яна унинг ҳузурига борардим. У у ерда танҳою, мен бу ерда ёлғиз. Бу балоҳўрлар Мадали aka билан уни чақиришмади ҳам, келишганда ақалли бир бор кўрадим, кўнглим бир зум таскин топарди, - деди оҳиста.

- Ҳой, Ширмоҳ, қўрқма, улар чақиришмаган бўлсада, мен сенинг қошингда, - дедим ва қоматими ни аста кўтариб ўрнимдан турдим, унинг қўрқишига ҳам, дод солишга ҳам фурсати бўлмади.

- Оббо қўрқмасей, оббо сен-ей! Мен сенинг бирор вақт албатта келишингни билардим, - деди у ва харсанг орқасига ўтиб итоб қилди: Агар келганингни билиб қолишса борми, бошимизга бало ёғилди деявер. Кейин у сўзсиз қўлларини бўйнимга ҳалқадек боғлаб қўзларимдан ўпа бошлади. Мен ўзимни четга тормоқчи бўлдим, аммо энди кеч бўлганди. У бўйнимни қўйиб юбормасди, ишакдек майин нозик қўллари билан соchlаримни силай бошлади: Ақам маст, аммо Зардак ҳушёр.

Дарахтлар орасидан кўзимга тарновидан шовуллаб сув тушаётган чашма кўринди. Булоқ сал юқори-роқдан харсанг тагидан оқиб чиқарди. Улар иккови булоқ лабига ўтиришди. Туробов унинг сувидан ҳовучлаб олиб юз-қўлларини ювди. Кейин ўрнидан туриб нималардир деди, англай олмадим. Лекин Сангакнинг гаплари қулоғимга баралла эшитиларди. Замона кўтармайди, замона чатоқ. Бир обиз гап учун одам жавобгар бўлади. Акс ҳолда мен унинг гўштларини сихга тортиб шашлик қиласдим, ёки оёқ-қўлларини боғлаб Хингобка улоқтирардим. Бу ерга келиб у хотинини йўлдан урди.

Туробов яна секинроқ гапирди. Мен унинг пима деганини эшитиларди. Улар юзма-юз ўтиришиб чунон ҳам оҳиста гапиришардики, овозлари қулоққа базур эшитиларди. Бир томондан дарёнинг шовуллаши, бошқа томондан чашма сувининг шов-шуви қўшилиб уларни эшитиш имкони йўқ эди. Менга яқинлашиб энди уй томон бурилишаётганларида, Туробовнинг:

- Аҳмоқлик қилма, оғир бўл, - дегани эшитилди.

Мен, агар замона кўтарса, Сангакнинг кимнинг қўлини боғлаб Хингобча улоқтиришни тушуммай қолдим. Ораларидан бирон гап ўтди-ю, шунинг учун улар қизишдими ёки мен билан Ширмоҳ ўртамиздаги кўнгил розларимиздан хабар топганмиカン, масаланинг бу томони мен учун қоронғу эди. Бир зумда атрофни сокинлик чуллаб олди. Энди улар мендан анча узоқлашиб кетишганди. Улар афтидан ухлаш тараффудида эдилар. Мен ҳам сув ичиш учун булоқ томонга ўтдим. Чашмадан тепа-роқда салобатли харсанглар савлат тўкиб турарди. Агар башарти оёқ, товушлари эшитилгудай бўлса, дарҳол ўзимни ана шу харсанглар орқасига олиб яширинишим мумкин. Хуж дарахтлари орқасидан эҳтиётлик билан ўтиб чашма лабига келиб сув ичдим. Шу пайт чеълак кўтариб булоқ томон келаётган Ширмоҳга кўзим тушди. Мабодо мени бирор инсу жинс гумон қилиб, дод солиб бу ерга келганим ҳаммага фош бўлиб, тўрт томондан итларни ишга солишиб мени ўтирилик пайтда қўлга олишиб шарманда-ю, шармисор шатта-ю шаталоқ остига оли-

оёқларим мени фақат ўша томонга бошларди. Шу пайт кўнглимга бир фикр келди: агар тўсатдан улар мени кўриб қолиб: Нега тўғри йўлни қўйиб бу ерларда юрибсан десалар мен: Йўлдан адашдим десам улар менга ишонишармикан? Йўқ, мен ўзимни уларнинг биронтасига ҳам кўрсатмайман, акс ҳолда ишнинг пачаваси чиқиб улар менинг тўғримда ҳар хил гумону тахминларгагина бориб қолмай, балки Ширмоҳ кетидан пойлаб келган деб очиқравашан гапиришади. Ана шу беш нафардан ақалли иккитаси: Сангак билан Зардак айнан ана шундай фикрга келишади. Бундай пайтда улар мени Ширмоҳнинг хурматли муалими каби роса дўпослашиб, оёқ-қўлларимни синдиришга ҳам ҳақлари бор. Тўсатдан қулогимга оёқ шарпалари ва икки кишининг ўзаро сұхбати эшитилди. Ерга ёнбошлаганимча, бор нужудимни қулоқ қилиб уларнинг ким ва нималар ҳақида гаплашаётгандарини билмоқчи бўлдим.

- Қўйинг, ака мен бормай. Ширмоҳ ёлриз, кўнглим хавотирда. Бу узоқ жойга бутун кўчириб келиб эртасига ёқ ташлаб кетсан қандай бўлади? Бир марта ов қилмай кетсангиз, ҳечқиси йўқ. Қишлоғаттиқ келиб кўпгина жониворлар қирилиб кетган, кўчки тагида қолгаи. Қолаверса, сиёsat ҳам кўтармайди, - дерди Сангак шошмасдан.

- Кеча мендан ёнғоқларингни бир йўла пуллаб беришимни сўрадинг. Бу томондан олиб кетадиган юкимиз йўқ, ҳарқанча юк бўлса Душанбега, керакли жойга олиб боришга рози бўлдим. Мен шунчак узоқ ердан фақат сенинг хизматингни қилиб, оғзимни очиб кетавергани келган эмасман. Сафстангни қўй. Тоғда сиёsat нима қиласди, у мен билан сенинг қўлингда. Мен совхоздаги ўртоқларга ватъда бериб келганман, қуруқ борсам, нима дейишади? - дерди бошқаси, бу ўша Туробовнинг овози эди.

- Шу овга менсиз борсангиз бўлмайдими?

- Йўқ, асло бу иш сенсиз бўлмайди.

Шу пайт ит икки - уч марта қаттиқ вовулади-ю тингчиб қолди. Шунинг учун уларнинг бу орада нималар ҳақида гаплашганини эшийтмай қолдим.

лик ила ёнма-ён ана шундай ойдин кечада мен билан бирга қадам ташланг! Менда табиатни ҳимоя қилиш ҳиссиёти Сангакни Ширмоҳнинг гўзалигини ғайрилар нигоҳидан яшириб, узоқроққа олиб бориш ҳиссиётидан ҳам кучлироқ эди. Шу билан бирга мен нобакор кишилар Ширмоҳнинг ва бу табиатнинг гўзаликларини поймол қилмасликларини жуда-жуда истардим.

Сўқмоқ, гоҳо соҳилга яқинлашиб, гоҳо ундан анча узоқлашиб кетарди. Тун ваҳимали. Аммо бу ер дengиз сатҳидан анча баланд бўлганлиги сабабли ой ерга яқин ва унинг шуъласи атрофни кундуздек ёритиб туар ва мен ўзимни кечаси эмас, балки купла-кундузи сайр қилаётгандай ҳис этардим.

Ахир дўстим, ўзингиз бир ўйлаб кўринг, Ширмоҳ - аёл киши ўзи ёлғиз кўрқувни унугиб, жасорат қилиб ўша тунда менинг олдимга келганди-ку. Мен, Мирзо томирларида қон қайнаб турган бир йигит ойдин кечада ўз дарём лабида нимадан ҳам кўрқаман? Мен, сизга бор гапни айтаман, жўражоним. Онам мени қўрқишдан кейинроқ түқсан. Агар уруш йилларида ёшим етганида эди, албатта жангга борардим ва ҳар қандай оғир ҳолат рўй берганда ҳам ўзимни душман танки остига ташлаб Ватанни бир қарич тупроғини ва дўстларим жонини ҳимоя қилишга тайёр эдим.

Жўражон, мавзудан бироз узоқлашиб кеттаним учун кечирасиз. Тахминан, Ширмоҳнинг янги уий рўпарасида сўқмоқдан четга чиқдим. Сангак меҳмонларининг гаплари қулогимга ора-сира эшитилиб туарди. Мен ўнг томондаги бутазордан Сангакнинг янги уий томон юра бошладим. У ердаги аксарият ҳуж ва чөлон дараҳтлари эндигина гулдан тушганди. Кекса рус мўйсафи迪 бу ерда бекорга асалари парнариш қилмас экан. Хушбўй дараҳт ва буталар ўрмон сингари эмас, балки ҳар жой ҳар жойда тўп-тўп бўлиб ўсиб ётарди. Мен ўзимни уларнинг орқасига олиб, Сангакнинг уий яқинигача бора олмадим. Лекин менинг бу ишимида ақл эмас, балки ғайрат, жасорат барча, барчаси бирикib ақл бечорани менинг миямдан бегона қилгали ва

гүзәллигии үйкөтәди. Ҳозирги тоза, мусаффо ҳаво ўрнини тутун, зақар эгаллайди. Бу ерда янги замонавий корхона қуриш фикрида юрган кишилар ҳали ҳам топилади. Агар ана шулар ўз мақсадларига эришсалару сувни тоза сақлаш учун ҳар қанча чора-тәдбиrlар қўлланса ҳам, муз тоғлари бағридан оқиб келаётган бу сувни ҳар қанча эҳтиёт қилсак ҳам фақат Вахшнинг сувигина эмас, балки бутун Аму дарё суви ҳам ўз сарчашмасидан булганиши, ифлос бўлиши мумкин. Ваҳоланки, бу тез оқар дарё сувининг ҳар қатраси зар билан баровар. Мен учун, сув ҳа сув, қадрини билган киши учун шундай! Аммо, сиз негадир куласиз. Йўқ, жўражон, кулманг. Бу сувсиз мен ташналиқдан ўламан. Бутун дунёни сайру томоша қилиб қайтганимда ҳам ана шу дарё сувидан бир ҳовуч ичиб шундай муқаддас дарё лабида яшаган, умр кечирган қадимий авлодларимиз шаънига минг бор ташаккур айтаман. Зеро, улар боис менга ҳам ана шу заминда яшаш насиб этган, улар дарёлар сувининг бутун тозалиги билан бизларга қолдиришган.

Бири биридан муаммоли хаёллар билан мен астасекин дарё соҳили бўйлаб Ширмоҳнинг янги манзили томон бормоқдаман. Биламан, Ширмоҳ бир нафар нозапин аёл, бу аёлсиз табиат гўзалигини ҳис этишим жуда қийин эди. Лекин шу дақиқаларда менда бу табиатни, бу заминни ҳар қандай гўзал аёлдан, ҳар қандай Ширмоҳлардан ортиқроқ севаман деган ўзга бир ҳиссиёт ҳам пайдо бўлганди. Зеро бу замин кўплаб Ширмоҳларни аллашиб, ювибтараб вояга етказган. Шу билан бирга, мен дуҳтурнинг, вужудида, бу гўзал жойларга табиат қадрига етмайдиган кишилар ҳар қанча камроқ қадам қўйсалар,, шишалар, қофозлар ва бошқа турли ифлосликларни олиб келишмаса жамиятимиз учун шу қадар фойдали бўларди деган фикр ҳам пайдо бўлганди. Зеро, тоза ҳаво ҳар куни машиналар гази билан заҳарланадиган шаҳримиз ҳавосини алмаштириб туради. Азиз ўртоқ, ҳозир мен шу тоза ҳаводан ўпкамни тўлдириб-тўлдириб нафас оламан, рашкингиз келсину, марҳамат келинг, эҳтиёт-

юқоридан эндигина Сангак күчіб борған уйга туташиб кетарди. Мен беихтиер ўша томонға қараб юра бошладим.

Ха, жўраи жоним, ҳа азиз дўстим, ҳали сиз мени ўзингиз икки юзлама, мунофиқсан деб масхара қиляпсиз-а, мен ўз сиримни эмас, балки сизни фош қилмоқдаман. Сиз, ўзингиз менинг ўрнимда бўлганингизда эди, йўқ-йўқ, сиз ҳақиқатдан ҳам, менинг жойимда эдингиз, лекин мен сизнинг сирингизни фош қилаёттаним сабабли, сизнинг аламингиз келади ва сиз мен эмасу сиз, ҳа ўзингиз дунёда тенги йўқ бундай жонон орқасидан эргашганингиз ва ёки ҳозир ҳам бораёттанингизга иқрор бўлишини истамайсиз. Яна мен ёмон, яна менга айб тақайсиз, ваҳоланки ўша ёшлик ва қўрқув билмай юрган кезларингиз мендан бир марта эмас, ўн марта баттарроқ андишасиз эдингиз. Мана ўзингиз шўх ва пуртуғён Хингоб бўйлаб ўша нозанин тоғ охуси Ширмоҳ уйи томон боряпсиз! Менда аввало янги уйда Ширмоҳнинг аҳволи не кечаеттанилигини билиш иштиёқи пайдо бўлганди. Қолаверса, Ширмоҳнинг уйидаги одамларнинг ўзаро нималар тўғрисида гаплашаёттаниларини билиш истаги ҳам йўқ эмасди. Башарти Ширмоҳдан яширин ҳолда ҳаммалари тил биритириб менинг жонимга қасд қилмоқчи бўлишса-чи? Шу каби турли ўй хаёллар билан дарё ёқалаб борарадим, тури ой-юлдузлар, дарёнинг ғул-ғуладор шовқини ва ундан юқори роқда қорлар билан қопланган төғлар ва унинг чор атрофини гиламдай безаб турган ажойиб бетакрор манзарларни кўриб гўзал заминимиз борлигидан, қалбим, вужудим қувончга, фахрга тўларди. Афсуски, ана шу файзли, бебаҳо заминимизни бирор кун ношукур ва табиатнинг ашаддий душмани бўлган нопок одамлар оёқ ости қилишади.

Қани энди бу ерлар абадул-абад ана шундай гўзаллиги ва озодалиги билан келгуси авлодларга қолса-ю, улар ўз аждодлари бизларни яхши сўзлар билан эслаб юришса. Ахир бу ерда биронта химия заводи ёки рангли металургия комбинати қурилиб ишга тушса борми, шубҳасиз, она заминимиз ўз

қўшиб бериб юборишади. Бу Сангак дегани бир ўқ билан иккита қуённи урди. Биринчидан, янги кўчиб борган жойда уй тўйи қилди, иккинчидан рус мўйсафидининг арвоҳини шод этиш учун, янги уйда соғ-саломат юрайину ишим бароридан келсин деб гўё ис чиқарди, яъни худойи қилди. Одат юзасидан у ана шу сўйган қўй гўштини хомлигича ёки пишириб одамларга тақсимлаб егизиши лозим эди. Узоқни ўйлашмайди, калтафаҳмлар.

- Мадали ака, бугун қўллари тегмаган, бир кунда кўча-кўч, қўй сўйиш, меҳмондорчилик дегандай вақтлари бўлмагандир.

- Хўш, бошқаларни Чормағзакондан айтиб келишга, Мурод бобони чақиришга вақтлари бўлмабди ҳам дейлик. Лоақал, бизга бир бурдадан гўшт бериб юборишса бўларди, машинада бир қадам йўл эди. Мунибулло олиб келарди. Э, қўйсанг-чи, одамгарчилари йўқ, дедим-ку. Бу Туробов дегани ўзидан бошқани писанд қилмайди, уй эгасининг фаҳму-фаросати етмаса, Туробов уларнинг эсига солиши керак. Одамгарчилари йўқ, яна такрорлади, ёки қасддан хабар олишмади. Агар бир совхозда бўлмаганимизда бошқа гап эди. Эҳ, пасткашлар, пасткашлар, одамнинг қадрини билмаганилар.

- Гўшт ейдиган бўлсанг, шўрва ичадиган бўлсанг, келиб егин, - дейишибида, ҳеч хафа бўладиган жойи йўқ. Уй соҳиби истамагандан кейин Туробовнинг қўлидан нима келарди? - дедим.

- Гапинг ўринли. Сангак билан Зардак мен билан сени ёқтиришмайди, кўргани кўзлари йўқ, ёмон кўришади, - деди гапимга рози бўлиб ва кейин отини чайла яқинига, ўтга солиб келиб боғлади-ю, ухлаш учун ичкарига кириб кетди.

- Мирзо, ухламайсанми? - деди бир лаҳзадан кейин. Ойдин кеча, соат ҳали ўндан ҳам ошмаганди. Кўнглим ёлриз сайр қилишни истарди.

- Ҳали эрта. Бирор соат тоза ҳавода сайр қилай, - жавоб бердим унга. Ва ўрнимдан туриб зиравор этагидаги сўқмоқдан юқорига қараб юра бошлидим. Зиравор тугаб бутазор пастидан дарёга ва

тишмоқда. Йиғлама, ўрнингдан турғин-у, йўлингда давом этгин, дедим кўнглимда ва шу он худди менинг гапларимни эшийтгандай Ширмоҳнинг ўрнидан туриб Хингоб лабидаги янги уйи томон жўнаганинг гувоҳи бўлдим... Икror бўлишим керакки, ҳалқ доишманларининг асосли равища: «бу кўк гумбази остида кўнгилдан-кўнгилга йўл бор» деганларига яна бир ишонч ҳосил қилдим.

Хуррам эса ундан олдинроқда молу қўйларни ҳайдаб борарди. Отлиқ Сангак янги уйига қарийб яқинлашиб қолганди. Туробов қачон қўй сўйилиб, қачон майшат қозони қайнайди деб ҳовлида уларга мунтазир эди. Зардак ва Ширмоҳнинг акаси ҳам ўз мақсадларини амалга ошириш ҳаракатида. Мадали ака ҳамон мени масхара қилиб деди:

- Бизнинг ёшлигимиз жангу жадаллар, меҳнат қийинчиликлари билан ўтди. Сен, Мирзо Чорбояқдан шундайин ҳуснкор маъшуқцанинг узоқлашгани учун ҳар қанча куйиб ёнсанг ҳам арзиди.

Албатта, ҳар бир кишининг фикру хаёли унинг ҳимматига боғлиқ. Мадали ака нимани ўйлади-ю, мени нима қийнайди.

Мунибулло Сангакнинг уйидан тозда қайтавермади. Варзи Болого боришига менинг ҳам оёғим тортмай турганди. Биз ўша куни йўлдан қолдик.

Мадали ака эртароқ уйқу тараддудини кўра бошилади. У кўрпаю болишларини тўғрилаётib деди:

- Бундайин улфатчиликлар жонимга теккан. Киши ҳам уйқудан қолади-ю, ҳам бош оғриби оргтириб олади. Бормай яхши қилдик. Лекин Мунибуллони юборишмагани ишнинг белига тепди. Майли бўлганича бўлди: биз бора олмадик, ёки боришини истамадик. Аммо биронталари келиб «нега бормадинглар» деб сўрашмади ҳам. Шу ҳам одамгарчилекми? Қўй сўйдими, кўни-қўшничилик ҳаққи деган гап бор. Ҳалқимизда шундай одат бор: қўй сўйса қариндош-уруғларига, яқин қўшиларига, агар улар уйига бора олишмаса бир бурдадан хом гўштни олиб кириб беришади. Ёки бир косадан шўрва ё қовурилган гўштни иккита ноп билан

шұхратини мамлакатнинг бошқа шаҳарлари ва унинг түпноридан ташқарисида ҳам намойиш эта оласан. Энди жаҳонни қиличу, ракета, бомбалар кучи билан, зўрлик билан забт этиш замони ўтди, шунчалар азоб-уқубат чеккан инсоният қалбини келгусида фақат руҳий маъниавий ва ҳаётга меҳр-муҳаббат уйғотиши билангина ром қилиш мумкин. Ҳалқ истеъдодларигина ўз миллатининг номини дунёга ёйиши, танитиши мумкин. Мана, мен сенга нималарни истайман!

- Хўп, майли уйингга борсам, хотининг менга йўл кўрсата оладими? - дейсанми?

- Ҳа, сени шаҳар ижроқумига олиб боради, у ерда танишлари бор. Агар у ерда қулоқ солишимаса, Маданият вазирлигига мурожаат қиласди. У ерда Аонишманд, маданий кишилар ишлашади. Санъат олийгоҳи уларнинг иктиёрларида. Бу муассасалардан ташқари, радио ва ойнаи жаҳоннинг мусиқа бўлимлари бор, улар сенинг овозингни тинглашиб, паҳотки мафтун бўлишмаса. Бу идораларда сенга ёрдам бермасликлари ҳеч мумкин эмас. Ватанимизнинг ҳамма-ҳамма жойида кимнинг қандай қобилияти бўлса, унга ўз мавқеига яраша иш ва жой топилади. Алалхусус, сен каби истеъдод соҳиби ҳамма ерда қадрланади. Аммо мана бу қафасдай тўрт тоғ орасида бу икки нафар учун ҳунаринг эмас, балки сенинг ҳуснинг керак. Зоро, ундан лаззат олишади, аммо замона зайли билан бир кун эмас бир кун ҳуснингни ҳам сўлдиришади-ю, истеъдодингни ҳам сўндиришади.

Сен санъатингни ҳалққа етказа олмай, одамлар сени танишмай ва сенинг ҳуснинг завқидан баҳра олмай, ҳайф бўласан. Сенинг йўлинг-шу. Агар мен шу ишни амалга ошира олмасам-у, сен ҳалққа манфаат келтирувчи ажойиб санъаткор бўлиб етишмасанг, истеъдодлар сафида туриб миллат шұхратини ошира олмасанг, мен ўзимни анави нобакорлардан ҳам ортиқроқ гуноҳкор деб биламан. Неча ўнлаб санъаткорлар ва ҳунармандлар ҳалқ орасига йўл тополмаганликлари боис қумга сингган сувдай четда ному нишонсиз қолиб ке-

хис этдим. Сени калғыштың, сени саңнага ҳалқ орасыга олиб чиқыш керак. Кишилар санъеттинг сөхридан баҳра олишсиз, сен уларга қувонч бағишила, токи ёлғизлиқдан маҳв ва нобуд бўлиб кетма. Сени Сангакнинг ана шу тор, димиқкан уйчасидан кенг ва мусаффо, соғ ҳаволи ҳаёт қучогига олиб чиқыш даркор. Мени ҳуснингдан ҳам қўшиқ-кўйларинг фарзандингта ҳунар ўргатишинг мафтуни этди. Баъзида бир соатлик лаззат киши бошига бир умрлик ранжу кулфатлар солиши мумкин. Агар сенга бир дамлик ҳаловат, лаззат учун меҳрибонлик қилаётган бўлсан, менга лаънатлар бўлсин.

- Сен менга қандай қилиб нажот берасан? - деб сўрайсанми?

- Мен Варзи Болодан қайтгунча сабр қил. У ердан қайтгач, уйинг йўлини пойлайман. Эринг бирон жойга кетди дегунча ёнингга бораман. Сени тор ва одамсиз уйдан кетишга кўндираман. Геологларнинг машинаси Шингробча келиб, менинг чайлам олдида тўхтайди. Улардан сени бирга олиб кетишларини сўрайман. Сен кетасан.

Сангаку Зардак сенинг ному нишонингни то овозингни радио орқали эшишиб ёки телевизордан ўзингни кўрмагунча топиша олмайди. Сенингизингни топишганда ҳам энди сенга кучлари етмайди.

- Мени қаерга юборасан? - деб сўрайсанми?

- Шофёр сени менинг уйимга олиб боради. Сенга мен хат ёзиб бераман. Уни хотинимга кўрсатасан. Бўлган воқеани ҳам айтасан. У ҳам аёл, мес ҳам одам. Унинг ҳам юраги тош эмас-ку. Раҳм-шафқат ҳисси борку. Биламан, албатта рашки келади. Аммо ақлли аёл бундай вазиятда рашкни бир томонга қўйиб, бошқалар манфаатини ҳам хис этсин. Иш манфаатини, сенинг миллатта, ҳалқа ўзинг яратган навою оҳанглар, жарангдор қўнғироқдек ширали овозинг билан кўпроқ хизмат қилиб, минглаб кишилар қалбини шод этиб сермаҳсул меҳнатга чорлаб завқ-шавқ уйғотишингни илгай олиши керак. Сенга касбий санъет сирларидан бир озгина ўргатишса, ўз ҳусну жамолинг ва Ватанинг

- Сангак Миёнадеҳдан Чормағзаконга күчди. Чормағзакондан эса Чорбоғакка ўтди, энди эса Чорбоғақдан ана шу номи ҳам йўқ ёғиз уйгача кўчиб кетди, у ерни Хингобнинг лаби деб атасак бўлади, - деди Мадали ака.

Негадир менинг миямни ҳам ана шу фикр чулғаб олганди. Нега энди кекса Гавҳар хола одамсиз яшай олмайди, тенгдошларини қўмсаб, уларни излаб Чормағзакка боради, улар билан суҳбатлашиб дил ғуборини чиқариб қайтади. Нега у ёғизлиқ умрнинг этови, бир кун эмас, бир кун одамни йиқитади деди. Бирон кун ёки тун бу соҳибжамол аёл ҳаётидан тўйиб ўзини пуртуғён Хингоб дарёсига ташласа унда нима бўлади? Бу ишда ким айбдор қилинади? Йўқ, йўқ. Асло бундай бўлиши мумкин эмас. Бу аёл Мадали ака айтганидай аломат аёл. Ўз тақдирига тан бермайдиган, унинг учун курашадиган, бу йўлда ҳатто жонини ҳам аямайдиган аёлларнинг бир нишонаси.

- Нега бундай деяпсиз? - сўрадим Мадали ақадан.

- Айтдим, қўйдим-да, Мирзо. Ҳеч ким илоҳо ёғиз яратилмасину, танҳолик азобини чекмасин, - дэя гўё узр сўрагандай Мадали ака ўзининг бу ножӯя фикридан қайтди.

Йўқ, мен сени бу қўйга солиб қўймайман. Мен сенга албатта нажот бераман. Лоақал худо берган ўша овозинг ҳурмати ёғизлиқ чангалидан қутқараман. Танҳолик фуссасига тўлиб доду фарёд кутаришга йўл қўймайман. Сен обу ҳавоси, ғизоси қулай бўлмаган экин майдонига тушиб қолган уруға ўхшайсан. Агар ана шу ноҳуш муҳит чангалидан озод бўлиб ҳалқ ўртасига чиқиб куйласанг, ўз санъатингни ҳалққа кўрсатсанг-у, овозинг биринки бор чор атрофга таралса борми, бешубҳа сен ҳам қўшиқ шайдоларингни энг суюкли хонандасига айланасан. Сен кабилар ноёб, сенга ўхшаганлардан қашшоқмиз. Сени авайлаш, эҳтиёт қилиш, асраш керак. Сен ҳалқ учун, юрт учун зарурсан. Мен сенинг дилбар овозингни тингладим. Ҳуснингни кўрдим. Қалбинг оташининг юксак ҳароратини

яшнаган майдончалар, зиразор, Хингоб дарёсининг тиним билмай шовиллаб, ҳайқириб оқиши ҳамма-ҳаммаси жойида, аммо фақатгина, Ширмоҳ, Ширмоҳгина йўқ. У билан бу табиат яна ҳам гўзалроқ кўринарди. Мен бутун бойлигини йўқотган, икки қўли бўм-бўш кимсадек гўё бир бўшлиқ ичида қолгандай эдим. Кўнглим чайладан ҳам, унинг атрофидағи нарсалардан, ҳамма-ҳаммасидан ҳам совуди. Ишга ҳам шавқу ҳавасим қолмаганди. Энди ёдимга, кўз олдимга фақат хотиним ва ўғилу қизчаларим келарди, холос.

Мен хаёллар оғушида аста-аста юриб бутазорларни оралаб ўтиб Ширмоҳ билан ширин бир ойдин кечада узоқ сухбатлашган, мен учун муқаддас бўлган ўша қадрдан майдонча томон равона бўлдим. Мадали ака: - Ҳа, қаерга кетяпсан, ёки сен ҳам уларнинг орқасидан бормоқчимисан? - дерди, аммо мен унинг гапларига эътибор бермасдим, ҳамма-ҳаммасини унугтандим. Ўша учрашуи туфайли менга азиз ва табаррук бўлиб қолган майдончадаги харсанг тош устида ўтирганимча Ширмоҳ кетаётган йўл томон суқланиб узоқ тикилардим.

Ширмоҳ мендан беш юз метрлар чамаси узоқликда гулга фарқ бўлган зиразор ўртасидаги ёлиз сёёқ сўқмоқ йўлдан ўтиб бориб дарё лабига ўтиреди. Хуррам сигиру бузоқларини Сангакка топпириб, бир неча қадам орқага қайтди. Менинг тахминимча, Ширмоҳ у ерда ўксиниб-ўксиниб кўз ёшларини тўкарди. Гўё дарё билан дарձашарди. Унинг ҳозирги аҳволини кўриб менинг кўнглим ҳам тўлқинланиб юрагим тўлиб кетди. Ўша унугилмас ширин ва баҳтиёр сутдек оқшомда айтилган барча гапларни қайтадан ёдимга келтириб кўнглимдан ўтказардим: Энди мен сенинг дилбар қўшиқларингни қаердан эшиштаман ва менинг қўл радиомдан тарағлан қўшиқ ҳам сенинг қулоқларингга етиб бормайди. Мен бутазорда узоқ тура олмай маюсланиб чайламга қайтдим.

- «Бу аёл у ерда ўтириб ўзига аза очяпти». Билмадим, негадир шу фикр кўнглимга келди.

үтказилған ит. Ажабо, нега итни Ширмоқ етаклаб кетепти? Эхтимол, ит Сангакнинг чорвасинигина эмас, балки яңги срда Ширмоҳни ҳам қўриқлар. Мадали аканинг айтишича, бу ерларда бўри кўпайиб қолганмис. Бир вақтлар уларни овлашни юқоридан таъкилаб қўйишганди. Ширмоҳни ҳам Сангакнинг чорваси қаторида ҳақиқий бўри-тўрт оёқли бўри еб кетмаслиги учун ҳар эхтимолга қарши ит унга зарур эди.

- Менинг гапимга нима дейсан? Ақли хушиングни Ширмоҳ ўғирладими, дейман. Бу бир аломат хотин. Майли, бўлари бўлди, туёғи синди, аммо у ҳайф бўлди. Не илож? Осмон узоқ, ер қаттиқ. Зиёфатта борамизми, ё йўқ? - яна сўради.

- Истасангиз, сиз боринг. Лекин мен чайлани ёлғиз ташлаб тўйхўрликда иштирок этолмайман. Билиб бўлмайди, тўсатдан бирон киши келиб рация билан ҳазиллапса, уйим куяди. Масалан, Сангакникига меҳмондорчиликка бориб Мунибуллони бу ерда ёлғиз қолдириб кетолмайман. Варзга бормоқчи бўлсак, у чайлага келиб ўтириши мумкин. Унга ишонса бўлади. Мен у билан гаплашдим.

Мурод бобони чайлада қолдириш мумкин эмас. Гавҳар хола ёлғиз қўрқади. Унинг устига хола ҳали бутунлай соғайгани йўқ, - дедим Мадали акага.

- Гапларинг матькул. Кўнглингни билмоқчи эдим, ҳангомани қўйиб ишимиз пайдан бўлганимиз яхши. Мана, отни ҳам олиб келиб боғлаб қўйдинг туради. Қолаверса, Туробов билан улфатчилик қилиб хурсанд бўлишимиз ҳам қийин. Сангак билан Зардакнинг эса сени кўргани кўзлари йўқ, бирон нарсани баҳона қилиб жанжал чиқаришлари мумкин, - деди у.

Сангакнинг кўчишини томоша қилаётган Зардакнинг кекса онаси ва ўғилу қизчаси ҳам, уйларига жўнашди. Чайла ва унинг атрофи бир неча соатда ҳувиллаб, шумшайиб қолди. Ҳаёлимда гўзал Чорбояк ҳам ўз ҳусну тароватини йўқотганди. Инсон табиат гўзаллигини ҳам ўз атрофидаги одамлар билан ҳис этади. Тоғлар, чашмалар, тоғлар кучоғидаги баҳмал майсазорлар, бутазорлар билан

солганича ҳайдаб борарди. Сангак эса отини етаклаб чорвани ҳайдаб боришда Ҳуррамга ёрдамлашарди. Ширмоҳ ҳаммадан кейинроқ истамайтина йўлга тушди. Мен ундан кўз узмасдим.

- Ҳой, Мирзо, ахволига юрагинг ачинмаяптими? Қўлингдан ҳеч нарса келмайди. Хотин уники. Истаган ерига олиб кетаверади, - деди Мадали ака. Мен унинг гапига жавоб беришни ҳам истамадим.

Ширмоҳнинг бу ердан ночор, истаб-истамай, оруномуснинг кучлилигидан, уялганидан кетаётгани аёп эди. Дод солиб бақира олмасди. Дарҳақиқат, агар мен шу ерга чайла қурмаганимда, мумкин Сангак кўчмасди. Аммо мен ишнинг бу тарзда жиддий тус олишини қаердан ҳам билай? Наҳотки уларнинг кўчишига мен бош сабабчи бўлсам, - деган фикр тинчлик бермасди.

- Сангак мен билан сени ҳам янги уйига даъват қилди. Нима дейсан? Борамизми, ё? Йўлимиздан қолмай Варзи Болого кетаверайликми? - Таъбимни хира бўлганини пайқади-ю, ихтиёрни менга ташлаб, - деди Мадали ака. - Ҳа, айтгандай, Сангак бўрдоқи қўй сўймоқчи. Одатга кўра янги жойда уйтўйи қилишади. Қўйни сўйиб шарти учун аввал рус мўйсафидининг арвоҳига дуо-ю, фотиҳа ўқитади, кейин ҳангомалашиб ўтиришади. Сен нима дейсан, борамизми ёки йўқми? - сўради Мадали ака.

Чормақақдан кўнгил узолмаётган Ширмоҳ ҳар замон ҳар замон чайламиз томонга назар ташлаб қўярди, бизнинг чайламиз ёнidan ўтгаётib менга юзлалиб:

- Мирзо, энди бир-биrimizни кўролмаймиз. Сангак қиларини қилди, мақсадига етди, хайр, - деди-ю, йўлида давом этди. Бу гапни айтиш учун Ширмоҳ энди кўрпачада чордона қуриб ўтириб унга таажжуб билан қараб турган Мадали акадан ҳам уялмади.

- Кўришгунча хайр, - дедим мен ҳам ғамгинлик билан. Унинг бир кўлида китоблар боғлами, эҳтимол ўғли Ҳуррамнинг дарслик китоблариdir, мумкин эридан яшириб ёлғиз, яккаю танҳо қолган кезлари мутолаа қиласиган мунису ғамхор китоблариdir. Иккинчи қўлида эса бўйнидан тасма

Мен от учун Мурод бобога қайта ва қайта миннатдорлик билдириб, чайлага қайтдим. Отни бутазор орасига боғлаб Ширмоҳ у томонга жанжалсиз кетадими ёки норизолик билдириб шовқин-сурон кўтарадими ўз кўзим билан кўриш учун у-бу ишларни баҳона қилиб юрдим. Мен бу ерда йўқлигимда Сангакнинг рўзгор асбоб-анжомларини тўрт эркак тезлик билан машинага юклаб ташлаб келишибди. Ширмоҳ нима қиласини билмай қимматбахо нарсасини йўқотган кишидай гоҳ уйига кирав, гоҳ тезда яна у ердан чиқиб, бизнинг чайламиз томон қараб-қараб қўярди. Агар у ҳозир менинг олдимга келиб: «Мирзо мен у ерга боришни истамайман. Қўрқаман. У уйдан яқиндагина мўйсафидинг ўлиги чиқсан. Уни ўша атрофга кўмишган. Унинг уйига бориб яшашимга мумкин чолнинг арвоҳи рози бўлмас. Қўрқаман. Сангак билан мана бу одамларга тушунтириб, мени у ерга олиб бориб ташлашмасин», деб бўйнимга осилса, мен уларга нима дейман, деган фикрлар миямда тугён кўтариб, кўнглимга бир зум бўлсин тинчлик бермасди. Эҳтимол Ширмоҳнинг миясига ҳам шундай фикрлар келгандир, аммо унинг бу ишлари бирор ижобий натижа бермай вазиятни янада кескинлаштириб, қаҳру ғазаб алангасига ёф сепиб уни янада авж олдиришилигини билади-ю, дамини ичига ютиб, тақдирга тан бериб менинг олдимга келмайди.

Чайла саҳнида Мадали aka ёнбошлаганича бўлаётган ишларни томоша қилиб ётарди. Сангак Ширмоҳни «Сомоний» чўққисининг музиклари бағрига кўчириб олиб кетса ҳам у парво қилмасди. Мен ўзимни бутунлай йўқотиб, шошиб қолдим. Нима қилишимни, ўзимни қаерга кўйишини билмасдим. Варзи Болога Боришга ҳам ошиқмасдим. Ҳалиги учкиши хаял ўтмай яна машинани юк билан тўлдиришди. Туробов Сангакнинг янги хўжалигини кўриш учун биринчи машинадаги юк билан кетган экан. Сангак қазноқ эшигита, Ширмоҳ айтгандай, ёнғоқ тўла қопларни шифтгача таҳлаб қўйган, кўтара сотиш учун пайт пойларди, қулф солди. Зардак билан Ширмоҳнинг акаси машина устига чиқишиди. Хуррам сигир, бузоқ, қўйларини олдига

холу аҳволларидан хабар олмаган эдим. Астагина уларнинг уйига йўл олдим. Чолу кампирнинг ҳовлисига кириб борганимда Мурод бобо кампирини қўлтиғидан тутганича ҳовли саҳнида оҳиста-оҳиста айланиб юради.

- Хайрият, тузалиб қолибсиз, икки-уч кундан кейин кўрмагандай бўлиб, юриб кетасиз, - дедим Гавҳар холага.

- Тилларингиздан айланай, болам, илоҳо айттанинг келсин, тезроқ соғайиб кетсан, мўйсафиҳудойилик атаб қўйди, кўй сўйиб Чорбоғаку Чормағзакни чақиради. Ҳаммага мен Сизнинг пойқадамингиз, сизнинг маслаҳатингиз, тасаллибахш сўзларингиз билан тузалиб кетганимни гапириб бераман. Яхши духтурнинг гапи Исонинг гапидек мўъжизали, «куф» деса, ўликни ҳам тирилтиради. Духтур сабаб бўлди-ю, худо оёғимдан маҳрум қилмади дейман. - Гавҳар хола айвон четига ўтириб мени гоҳо иззат юзасидан «Сиз» ва гоҳо «Сен» деб ширин тил билан ўз хурсандчилигини билдиради. Мақсадимни Мурод бобога айтишим биланоқ, у дарҳол бориб отини эгарлаб келди.

- Сангак кўчар эмиш, яна бир қўшни камаяди. Битта-битта кетишади-ю, Чорбоғак кимсасиз, хувиллаб қолади, - деди Мурод бобо афсусланиб.

- Мен қарибим, аммо ёлғиз ўтиrolмайман. Оёғим лат егунга қадар Чормағзаконга тез-тез бориб турадим. Энди эса Чормағзаклик танишлар мени кўргани келишади. Ширмоҳ ҳали ёш, чиройли, хушхон, билмадим одамлардан айрилиб қандай қиласкин? Ёлғизлик умрнинг этови, бир кун эмас, бир кун йиқитади, ҳолидан хабар оладиган бирон киши бўлмайди, - таажжубланиб деди Гавҳар хола.

Аммо мен на «ҳа» деб ва на «йўқ» деб чолу кампирнинг гапларини на тасдиқладим ва на инкор қилдим. Чорбағақда эркаклардан мен билан Зардак иккаламиз қоларканмиз, духтур. Сиз билан Мадали ака ҳам омонат одам, - деди ғамгинлик билан Мурод бобо.

- Аёллардан-чи? Зардакнинг касал хотини, - қўшиб қўйди Гавҳар хола.

низолари оқибати нима билан тутар экан деб ўйлардим. Мунибулло бирин-кетин икки пиёла күк чой ичиб кечаси олиб келгац тузларини туширгани кетди. Сангак ҳам уйидан келиб унга ёрдамлашди. Мунибулло қофоз қопли тузларни машинадан олиб Сангакниң елкасига қўяр, у эса кўғариб бориб айвонга тахларди. Бу орада Зардак ҳам етиб келиб Туробовинг ёнига ўтирди. Мен чайланни тартибга келтириш билан машғул бўлсанда, атрофдаги воқеаларни муноҳада қилиб турардим. Мунибулло тузларни тушириб бўлгач, машинасини ҳайдаб борни айланиб ўтди-ю, Сангакниң ҳовлисига кириб борди.

Худди олдицдан келишиб олингандаш шу пайт Хингобнинг темир кўпригидан бир енгил машина ўтиб Сангакниң боғчаси яқинида тўхтади. Ундан Ширмоҳниң акаси тушди. Мен бу ерга чайла қургандан бўён у машинаси билан шу йўлдан ҳар куни ўтардию, аммо йўлда бир зум бўлсин тўхтаб синглисингни ўйига кирмасди. Ундан хабар олмас, шунингдек, бизнинг чайламизга ҳам келмасди. У сопна-соғ - менинг эҳтиёж ҳам сезмасди. Аммо бутун кўч юклётган пайтда унинг бошида туриб Ширмоҳни йиғлашга қўймай Сангакка ёрдам бергани келганди.

Мадали ака менга Мурод бобонинг отини сўраб олиб келишпли маслаҳат берди. Кечадан бўён Варзи Болода бориши ҳақида гаш бораётгани учун начор рози бўлиб ўриимдаш турдим. Агар қўлимдан келганида эди Сангак, Зардак ва Ширмоҳниң акасининг йўлини тўсигб Ширмоҳни ўшал зулмат гўшага олиб бориб, зиндан ва қафас хаби тор уйгача кўчиришларига асло йўл қўймаган бўлардим. Ахир, мен лаёқатим юзасидан одамнинг бирор аъзосинигина даволай оламан, аммо уларнинг хулақ-атворларидағи занг ва ғуборни юзиб ташлашга ожизман. Ақалли Варзи Болода бормаганимизда эди, Ширмоҳниң бу ердан кўчишини томоша қиласардик, мавридини топиб у билал хайрлашардим. Мадали ака эса қасд қиласандай ана шуңдай зиқ вақтда мени Варзи Болода бошлиб бормоқчи-я. Уч-тўрт кундан бўён Мурод бобо билан Гавҳар холани кўрмаган,

онам ўртасида қора мушук ўтиб, биз икки йил бувимизнинг уйига бориб яшадик. Отам боғҳовли-мизда ўзи ёлғиз қолганди. Оиланинг буғунлай издан чиқиб, бузилишини кўргач, отам ўзини қўлга олиб яна яхши йўлга қайтганди. Ўшаңда мен онам ва бувимнинг таассуфланиб отам ҳақида «агар ичмасдан нафсини жиловлаб юрганида анча обрўли киши бўларди», - деганиларини бир неча бор эшиттандим. Мен унинг ёмон одатидаи яхши ибрат олгандим. Институтни битиргандан ҳам бир қатра тотмагандим. Ҳатто бир куни онам ва бувимлар меҳмонлар ҳурмати учун улар билан озгина ичсанг, ҳеч нарса бўлмас деб ижозат берганларида «менинг ичадиган дўстларим орасида бир кишининг ҳушёр бўлиши шарт» деб кўнимагандим. Мунибулло менга ҳам бир пиёлала қўйди. Пиёлани туттанимча Мунибуллони күтиб турдим.

- Духтур! - деди шу пайт Туробов. Унинг диққати менга қаратилганди. - Биласизми, Шарқу Farb духтурларининг пири Абу али ибн Сино май ҳақида нима деган?

- Таъми аччиғу, аммо ота пандидек фойдали... Шу мисраларнинг ёддан ўқиши билан мен унинг гапини бўлиб, менинг ҳам ҳакимлар пири ҳозиқ табибининг ижодидан хабардор эканлигимни Туробов билиб қўйсин, деб шеърининг давомини ўқидим.

- Ҳа, баракалла, буни сизларнинг пирлариниң ҳакимлар ҳакими айтган, қани марҳамат, - деди у. Шу гап билан мен қадаҳни бир кўтаришда сипқардиму, пиёлани Мунибуллога узатдим. Лекин Мунибулло ичмади.

- Ҳа, ўзингиз нега ичмадингиз? - сўрадим ундан.

- Мунибулло ичади. Лекин қейинроқ, Сангакнинг кўчини ташлаб келсин, кейин кун бўйи ўтириб майшат қиласверади, унинг ўрнига жавоб берди Туробов.

«Сангак рус мўйсафиди уйига кўчмоқчи, меш у ерда ёлизлиқдан ўламан». Ширмоҳнинг ўша туғриги учрашувда айтган бу гаплари хотирамга қаттиқ ўрнашиб қолганди. Бу оғир, мусибатли кун унинг бошига ниҳоят тушибди-да. Мен уларнинг оилавий

бир оғиз бемағыни таң айттап әди, уни кечираман. Ўшандың ана шу ақа-үкалардан гүмөнсираб районға бир иккі марта қақиришіді-ю, түң үлариниң дүйненеслендерлерини исботтай олишмади. Зардак билан менинг ишқбозлик қилишім у ёқда түрсип, аксессуарда үнде қасдим бор, аммо қайси йүл билан қасд олишни билмайман.

- Сағсатани құй. Одамлар Зардакка бироз құрқыншылық билан қараңса-да, аммо бириң киши үннинг ҳақида сендей қаттық тағырағанини зияйтмаганман.

- Үннинг мен билан муомаласи қаңдайлігіни одамлар қаердан ҳам билишсін. Қызық! Одамларға ишонар экану, менға ишонар экан. Сен мениң билан уриштиради деб үйлайсанми? Асло, әхтиёрт бүл, дейман. Синалғашни синаш ақыдан әмас. Ағар бу гал акам билан тил бириктириб сенға зарап етказишиша, улар албатта яна пулнинг күчи билан күтилиб кетишади.

- Гапларинг түүри, аммо мен бир нарасага ҳайронман. Нега сен бүнчалар гандоңсан. Бу гапларни қаердан ўрганғансан? Менға насиҳат ўқияисанми?

Шундан кейин у бироз хәелгә чүмди. Кейин яна гал бошлади.

- Қаердан биламаш, буни сенға айттайми? Сен мениң бир гапни бир неча бор айттыңға мажбур қиляпсан. Бир пайт мунғазам китоб ўқыпшымни сенға айттап әдим. Мен Пешковининг қандай қилиб Горький бўлғанилигини биламан. Сен биладиган бўлсанг, менға айт, Циолковский бироң олий мактабини тамомлагапми? Шоҳномани ўқиганмисан? Минг бир кечаничи? Ўқиган бўлсанг ҳам бир марта шунчаки юзаки ўқигансан. Мен сенға айтсанам Хоруниәррашиб даридра канизларни сотишарди десам, ишонасанми? Аммо канизни ўз ихтиёри билан каниз харидорити ёқтисарга сотишарди. Яхши, инсофли одамлар ўша вакътларда ҳам бор әдилар. Канизак гўзал бўлсаю истамаса, зўрлик билан сотишмасди, раҳму шафқат қилишарди. Одамийликни унугланлар қадимда ҳам бор әди. Сен кейинги ўн йиллар мобайнида уларни бутунлай ўзгариб қолди деб үйлайсанми? Инсонийликни унуг-

таплар хайриятки, ҳукуматнинг зўрлигидан кўркишади. Тўғри, аксарият доно, олим убино бўлишиди.

Аммо одам, ўша оламу ножинс ҳамон ўша. Агар сен билан Зардак ўртасида фарқ бўлмаганида эди, унда мен ҳамма шуурли, ҳамма шафқатли, ҳамма яхшилик қилувчи, бекараз, бир-бирига хайриҳоҳ бўлган дердим.

Мен унинг бу тапларидан иккаламизни энг аввали фикру ақидаларимиз бир-биримизга яқинлаштирган деган холосага келдим. Агар у афсонавий нари бўлиб Фирдавс боғидан чиқсан бўлса ҳам, ўйлари, билиму фикру ақидалари менинг ақидаю эътиқодимга мос келмасди, магар мен унга яқинлашган бўлардимми? Мен қаршимда ўзини хорзор деб биладиган, ҳастда ўз ўрнини тоша олмай менинг уни баъзи дипломдор, аммо билимсизлардан юқорироқ қўйишмидан пола қилаётган дипломсиз олий маълумотли аёл ўтиради. Ўша баъзи дипломдорлар ўзларини ҳар томонга уриб, қаллоблик, алдов йўли билан ўқимай диплом сотиги олишган орадан ойлар, ийлар ўтсада қўлига китоб упшамайди. Ўқилига ҳафсалалари йўқ. Аммо Ширмоҳ аксинча китоб ўқимаса, дилтанг бўлади, ўтиришга жой тополмайди. Ўзини ёмон кўради, асабийлашади. Китобдан роҳатланади. У Хуррамни Чормағзакка юбориб ўқини учун яна китоблар олиб келтирибди.

- Кизинима, тезлик қилма. Маълум бўлишича уйрўзюр икир-чикиридан холи бўлишинг билан китоб ўқир экансан. Ўқиган кипиларни юраклари тор бўлмайди, - дедим сокинлик билан. Аммо чиндан ҳам Ширмоҳ айтган баъзи китобларни мен ҳам ўқимаганимга иқрор бўлишни истамади. Бу ишга менинг вақтим ҳам йўқ эди - ю, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаганман.

- Мирзо, мендан ранжима, кечир. Мен сенга ким бўламан. Бундай оҳангда тапиришга қандай ҳаддим сиғади, - пушпаймонлик билан деди у.

- Узрта ҳожат йўқ. Менинг фикру ақидам сенга яқин, балки бир, шунинг учун бир-биримизни туцишнамиз, қалбларимиз ҳам яқин, - дедим унинг кўнглига таскин бериб.

- У разыл, сендан рашиқ қилиб, әнигтимиз олдиға иғни олиб келиб боғлаб қўйғанди. Үнинг маслаҳати билан Сангак итни сен томонға бўшатиб юборғанди. Қонун олдида нима деб жавоб бераман? Бу духтур бизга керак бўлмаса ҳам ялов чўпонларига даркор бўлади, деб ўйлаб ҳам кўрмаганди.

Ширмоҳда бу гапларни айтиш учун асос бор эди. У ҳақ эди. Аммо мен бир нарсага - разолат, пасткашлик, жаҳолат ва баъри тошлиқ каби салбий хислатлар инсоннинг бир наслидан иккинчи наслига ўтишига таажжубда эдим. Мумкин у қон орқали ўтар? Шояд гўдаклик чоғида инсон қопи тоза бўлару бу хислатларни гўдаклар қатта бўлгач, бошқалардан мерос қилиб олар. Наҳотки, нобакорлик, ноинсофлик, ору помуссизлик, бағритомлик ва зўрлик каби хислатларни таг-томири билан қўпориб ташлашнинг иложи бўлмаса?

Зардакдаги ҳамма ёмон хислатларга ишонса ҳам, аммо унинг укасининг хотинига хушомад қилиб унга кўз олайтириб, Ширмоҳдан ҳамхоба бўлишини талаб қилишига асло ақдим ишонмасди ва мен бу гапни унинг ўз оғзидан эшитмагунча Ширмоҳга шубҳа билан қарайман. Шарму ҳаёсиз бўлин мумкин, аммо инсоннинг бу дараҷада шаст кетинини асло кўнглимга сиғдира олмасдим.

- Ўша куни Варзи Болого бормоқчи бўлғаниларида Зардак укасига у ерга бормаслигини таъкидлайди. Мени бу ерга кўчириб келиб ўзининг Туробов билан кетинининг нима ҳожати бор эди? У мени сендан қочириб олиб келганди. Бу ерга келганимизнинг иккинчи оқшоми қўрқмай, арвоҳи маддатор бўлиб тинчтина ухлайди деб марҳумнинг қабрига чироқ ёққани бордим.

- Қайси марҳумнинг қабрига? Сангакни кўммай қаерга чироқ ёққани бординг?

- Рус мўйсафиднинг қабрини назарда тутгияман. Ўғиллари оталарини кўмиб, уйни бўшатиб кеттанларидан кейин шу кунгача бирон марта ҳам келиб унинг қабри бошига чироқ ёқиншмаган. Мен шуни қилдим. Менинг учун ҳамма худонинг бандаси. Инсонийликни унутмаган ўрис одами одамийликни топтаган тожик одамидан минг марта афзал.

- Бу гашинг түгри, хүш кейин нима қилдигүй? Құрқмай ётдингүй?

- Кечаси соат үнлар эди. Ҳуррам ухлаган, мен эса дөраза ёшида ёлғыз үтириб китоб үқирдим. Күнгілим ниманидір сезғандай потинч эди. Бир дам ит ак-киллаб қолди.

- Гашни күп чўзма, қисқа қил. Кетиппим керак, - дегандым у дарҳол жаноб берди.

- Сен худонинг бандаси дам олмайсанми? Чайланғани ҳеч ким күтариб кетмас. Ўт қўймас. Менинг касалим баҳона яна бирор соат үтира қол. Мен кўнглимин бўшлатини учун бу гапларни сенга айттиши истардим. Сиз, духтурлар, инсоннинг юрагу жигарини чок-чок этиб давою дармон қиласизла-ру, аммо нонопк жойни пок, цоинсофни, инсофли шуурсизни шуурли қиломайсизлар. Ҳа, дарвоҷе мен нима демоқчи эдим. Ит аккилади. Бутун вужу-дим қулоқ бўлиб қўрқувдан лом-лим деслмай тур-гандимки, бир кипи «арслон, арслон» деб итни чақирди. Бу Зардак эди.

- У нега шарму ҳәёни йиғингириб қўйиб Санғак-ништириклигига ҳудди асалга ёнишга шашладай сенга ёнишиб олиди, ҳеч тушумайман. Ахир Чорматзаку Миёнадеҳда хотину қиз уруғи қуриб кетганмиди, у укасининг юзига оёқ қўйиб сендан висол кутарди.

- Саккизинчи синфда үқирдим. Бизникита Зардакдан совчилар келинди. Ўзинг биласан, балоғатга стмаган қиз, унинг устига мактаб талабасини ёрга беришга қонун йўқ қўймайди. Акам билан опамини қишлоқ жамоаси идорасига чақиришиб, ўнигчини битирмагунча тўй қилмасликлари ҳақида тилҳат олишиди. Зардак ҳарбий хизматдан энди-гинна қайттанди. Уни ҳозирги хотинига уйлагти-ришиди. Ҳозир учта боласи бор. Кейинчалик мени Санғакка узатилиди. Мен бу ҳақда сенга бутазордаги оқиомги сұхбатимизда ҳам айтган эдим. Ҳа, айтгандай, нима демоқчи эдим. Негадир баъзан айтган гапларимни ҳам унугиб қўяман. Ҳушим парипон, жиши бўлиб қолмасам деб қўрқаман.

- Ниятингни ёмонга бурма, гапинги давом эттир. Ўша кечаси келди, дединг, кейин нима бўлди?

- Ширмоҳ, ҳой Ширмоҳ, - деганича эшик олди-дан кетмай бир зайлда чақираради.

Мен жим ўтирганимча ўзимга-ўзим дөрдим.
«Қани, шоптамай турайчи, нима қиларкин?» Нихоят,
у эшик тирқичидан пичоқ ё сим суқиб бўлса керак
эшик ҳалқасини кўтарди. Ҳалқа шарақлаб тушиди.

- Ким у, ким?! - қўрқиб бақирдим худди ҳозир-
гина уйқудан уйғонгандаи.

- Моҳчабин, бу менман, қўрқма! - деди у ичка-
рига кириб. Унинг илгари ҳам мени Моҳчабин
дейдиган одати бор эди.

- Тинчликми, нега бунча бевақт келдиш? -
сўрайман.

- Сен ёлғизсан, мабодо қўрқишдан юрагинг ёрил-
масин деб келдим, Моҳчабин, - деди у.

- Кимдан, нимадан қўрқаман. Ёнимда Хуррамим
бўлса.

- Кечалари салқин, совук ейсан, иситиб ёғаман
деб келдим.

- Уялмайсанми? Бу ишингни эртага уқаш келса,
албатта унга айтаман, - қўрқитмоқчи бўламан.

- Мен сени олмоқчи эдим, насиб қилмадиги,
Сангак олди. Саккиз йилдан бўён у билан биргасан,
бир кеча мен билан бўлсанг ҳеч гап эмас. Бир
кеча ахир минг коча бўлмайди-ку, дейди ўша
мазмунидаги эски тағини такрорлаб.

- Агар унга айтсанги, хотининг ёлончи, тухмат
қилянти, кўигли нок эмас, бизни уринтироқчи
дейман. У менга ишонади, лекин сенига йўқ, - дейди.

Шопиб Хуррамни уйқотдим, кўряпсанми, мана
бу сенинг амакинг. Эртага оташ индан қайтса
кечаси онамнинг олдига келди дегин. Нега келди?

- деб сўраса, булисини онам билади, дегин уқтиро-
дим Хуррамга. У ён бўлғанилиги учун уйқусирааб
кўзларини ўқаладию бизнинг нима хусусда торти-
шаётганимизни билмасди. Муроди ҳосил бўлишига
кўзи стмаган Зардак «сенни зўрлик ёки зар кучи
билан қўлга оламан», дедиго чиқиб кетди.

- Менинг бир саволимга жавоб бер, Ширмоҳ. Ўша
муаллимни улар икки ака-ука роса калтаклапди, у
касал бўлиб бир ой ётди, дединг. Бу гапларни
таксминан айтдингми, ёки бирор гувоҳийн борми?

- Муаллим даволаниб ишга чиққач Сангакнинг
кўнглини топиб бу ишни ким қилганини аста сўра-

дим. Санғак бу уларнинг иши эканлигига иқрор бўлди.

Кимки сенига хушомад қилса, кўз олайтиrsa унинг аҳволи ҳам ана шундай кечади деган эди у. Мурдаларни айблашмайди, тухмат қилишмайди. Бўни ўзинг яхши биласан-ку, - деди Ширмоҳ.

Маъраканинг уч ошидан кейин егти, йигирма ва қирқ куни ҳам ўтказишди. Шу муддат ичида бу уйда Зардакнинг қайнотаси Мурод бобонинг камнири Гавҳар хола Ширмоҳ билан бирга, унинг дардига иперик бўлишиди. Уни ёлизлатиб қўйишмади.

Айтишига қарагандга эрининг қирқи ўтгач, Хуррам ухлаб қолиб, ўзи китоб ўқиб ўтирганида Зардак яна кириб келибди.

- Мен сени севмайман, сенига насиб қилгунча ўзимни яхниси Хишобка таптайман, - деди Ширмоҳ.

Зардак эса «менга кўнтил қўй, хотиним, албатта, ўлади.. Ширмоҳ Зардакка насиб қилган эканки, Санғак ҳам ўлди. Икковлари қўшилишади», деб Хуррамни ўхил қилиб олишлигини айтиб, зораю тавалло қилибди. Нега мени демайсан, мен ундан ёмон, ҳулукманми? Энди сен қаерга ҳам борардинг? Одамлар имму донини олишиб оқибати нима бўлишиди? Қаерга стишди? Ёки мендан яхшироқ яшападими? Одамлар бир сўм кўпроқ тоғизи фикру ҳаёлида пималар қилишмаянти? Сен бўлсанг битта китоб кўпроқ ўқиш фикрида. Китобингни бир томон қўй, менини бўл. Менинг барча оқу қизил зарларим сенини бўлади, дейди. Ширмоҳга мапиша олиб беринини вазъда қилади. Катта-катта шаҳарларга саёҳатга олиб бормоқчи бўлади. Агар истасанг, Душанбедан уй сотиб оламиз. Шаҳарда яшайсан, бизга ҳеч ким халал бермайди, дейди.

Аммо Ширмоҳ бу гапларига, вазъаларга учмайди. Уни ўз ихтиёрига қўйишларини - Ширмоҳ, қаерга истасанг бор, кўйглиниг қайси ишни истаса қил, ихтиёриш ўз қўлингда, - дейипларини хоҳлайди. Унга умрида ҳеч бўлмаса бир марта эркинлик беринисин, ўз қалб амри-ю, виждан буйруғи билан иш юритсии.

Зардакнинг зўрлик билан уйдан чиқариб бўл-

маслигига күзи етган Ширмоҳ мулойимлик билан деди: Сен аёлларнинг бир ойда бир марта узрлари борлигини биласан. Ҳозир менинг таҳоратсиз бўлган пайтим. Икки уч кун яхлигина ухлаб кел, аёллик узрим ўтсин маслаҳатлашиб кўрамиз дейди Ширмоҳ.

Ўша кечак Зардак итини олиб кетади. У Ширмоҳ мен билан яқдил бўлди, нисол ватъласини берди деган умидда эди. Аммо бу позик аёл дарду аламнинг зўрлигидан ётиб қолди.

- Эшикдан уч кундан бўён бирон кимса бош суқиб кирмади. Сени кўрлиму бутуплай сочайиб кетдим. Мирзо, сен менинг жоним, дармонимсан. Агар сен хотину болаларингни сезмаганингда эди, мен ўзимни бутун вужудимни сезга бағишладим. Ҳатто сен хотининг билан ажралмай ҳам мени баҳтили қила олардинг; мен сени жуда-жуда севарлим, аммо сен ундан эркаклардан эмассан. Сен фақат иккимиздан биримизни ёки мени ёки хотинингни сева оласан. Нима бўлдию, нима бор эди, ўтди-кетди, яна бундан бўён қисматда иеки бўлса кўраверамиз, - деди у. юрак дардини баён қилиб.

Менинг кўз ўнгимда бир михда рубобу, иккичи-сида милтиқ туради. Бу ўша аввалги уйида михда осиғлиқ турган рубобу, он милтиғи. Агар Санғак тирик бўлсаю, Ширмоҳни бирон срда бегона одам билан тутиб олса бир ўқни дарин тутмайдиган ўқланган ўша милтиқ эди.

- Ширмоҳ, - дедим унга ҳар гал иккаламиз сұхбатлашганда менга фақат ҳасрат қиласан. Бу сафар ҳам дил дардишни айтиб кўнглишти бир оз бўлсин бўшлатиб олдинг. Шунча гапиришта қувват ҳам топдинг-а? Энди бир қўшиқ куйлашга кучинг етмайдими? Илтимос, рубобинши олигину, бир-иккита қўшиқ куйла. Бу хилват хонада сенинг овозинг файзи баракасидан кўнглим бир қувнаб, ором олсин. Бундай қулагай фурсат тошишимиз амри маҳол. Сенинг овозинг, куйлаган ҳар бир қўшигинга қанчадан-қанча қизилу оқ зарлар арзийди. Сенинг ўзинг бошдан оёқ зарсан, зар! Сен Зардакнинг қизилу оқ зарларига асло эҳтиёж сезмайсан!

Сен қувончларга тўлиб куйла, мен овозингни

магнитофонға ёзиб олай, умид билан ути күтариб келдим, ноумид көтмай.

Илтимосимни рад этма. - Шуңдай дедиму чаққоплик билан ўрнимдан туриб миҳдан рубобни олимда, униш құлға тутқаздим.

У түлдай очилиб күлди, ўтирган ерида іші бир хирмон гулға айланғанды. Афтидан менинг сүзларим назокати ўз күчини күрсаттанды. Рубоб қулоқларипи бураб, жүр қилди-ю куйлай бошлиди:

Икки уч күн бўлдим Дарвозда меҳмон.

Бу қўшиқ-Деҳотий қаламига мансуб эди. У қўшиқни шунчалар меъерида стказиб куйлардик, агар бирор марҳум қабри устида айтса, ішінде у қайтадан тирилиши мумкин эди. Бу қўшиқни у шу қадар қиёсмига келтириб санъаткорлик билан айттардик, хәёлимда уйининг эшигу деразалари, уй-рўзкорларининг бутун асбобу анжомлари, ташқаридаги ўту ўлланлар, төғ-тоғлару, чашма сувлари ҳамма-ҳаммаси, бугун чор атроф рақсга туштандай бўлди. Қалбим, вужудим жунбишга кела бошлиди. Илк бор яқиндан у билан юзма-юз, ёима-ёл ўтириб униш қўшиқини завқ билан тишлардим. У ширали ва кўтаринки эктирос чин юракдан муҳаббат билан тўлиб томиб куйларди. Қўшиқнинг завқ-шавқ ва суруридан қалбим қафасдан чиққундай бўлиб талцингарди. Мен ўша қўшиқни ўшал унугилмас кундан хотира қилиб ёзиб олдим. У бошқа куйламади. Ҳарқанча илтижо қилиб, ялинсам ҳам у қайта куйламади. Уялғанидан юзлари лоладек қизариб, терлаб кетди.

Рубобни жойига қўяркан деди: - Сен огоҳ бўл, у яна келади, ёки у менинг ўзига бўйсундиради ёки қасдимни оламану бу ерларни тарк этаман. Хуррамига олиб йўқоламан.

Мен Ширмоҳ билан хайрлашиб йўлга тушдим. Дори-дармон қутичаси қўлимда, елкамда магнитофон. Йўлда Хинтоб дарёси кўпиргининг париги томонида Зардакни кўрдим. У Миёнадеҳдан қайтасытганда. У менинг қаерга, кимнинг олдига борганимни яхши биларди.

Чайлада ёлиз ўтирадим. Мадали ақадан эса ҳали ҳам хабар йўқ. Дилтапшиту, ишдаги ташвиши-

лардан, шаҳарпі құмсағ жула толиқдим. Қайттың арағасыда яна бирор похуш воқса рўй беріб қолмаса деб күнгілім потипч, юрагим өшін әди. Сафарнинг күнгілли туғашы нақадар катта бағт. Аммо Мирзо, сен билан бирор кору ҳол іуз берса, әнг аввало фарзандларнинг бошыға оғир кулғат тұнади. Биз ота-оналар, аксарият вакыт үзимизнинг ножұя кирдикорларимиз на әхтиестсизлігімиз туғайли фарзандларимиз болыға бадбахталық көлтиришимизни унугиб құйымиз. Мен әнг аввало Чормағзакдан соғ-саломат, қоңдаю, қонун на жамият ахлоқига зид бирор иш құлмасдан яхши ном қолдириб кетишпін истардим. Ширмохнинг уйидан қайттан күнимдан бопшаб ҳар қадамда әхтиест бўлишилик фикри менни тарқ этмагаиди. Чорбоғак одамларининг ва у ерда іуз берған воқеаларнинг таъсири остида ғүс мен бутуплай бопқа бир одам. Одамларга ҳаддан зисда меҳрибонроқ бўлиб қолғандайман. Мадали ака, Мурод бобо, Гавҳар холаларни бутун борлиғим билан севиб қолдим. Күнгілім уларни ҳар күни күришши, кучоқ очиб бўса олишини истайди. Ширмохнинг акасига ҳам юрагимда бадбиналик ҳисси йўқ, назаримда бу одамларсиз яшапнининг ўзи мазмунсиздай түтоларди. Ёмонлик бўлмаса, яхшиларнинг қадрига етолмайсан. Одамларга писбатан нафрят ва уларни ёмон кўриш ҳисси инсонлардаги әнг ёмон хислат деб хаёл қиласа. Одамларнинг қадрига етиш ва ёмонларга писбатан гина, адоватсиз яшаш, менинг бир умрлик шиорим бўлсин деб күнгілімдан ўтказиб турғанимда ташқарида оёқ шарнаси эшитилди. Ўрнимдан чаққонлик билан туриб кийиндиму энник олдида туриб келаёттап кипиларнинг оёқ тоңушларига кулоқ солдим.

- Духтур, хой духтур! - Бир ташқарига чиқылғ, Сизда ишмиз бор, - дейишиди улар. Мен бу чақириқдан уларнинг тұсатдан ҳамла қилмай ошкора ва мардона гапиришларидан хурсанд бўлдим.

Мадали акаппинг темир таёқчаси олмурғ дарахти шохида осиғлиқ туради. Чайладан астагина билинтирмай чиқиб үзимни ўша дараҳт остига олиб писиб турдим. Булар худди ўша гупоҳсиз муаллим-

дек мени ҳам дүншослашмасын, ахир бундай воқеалар кам бұлғапми? Күнгілімдан үткәздім ва үзимни уларнинг бирикчи зарбаси жағобига тайёрлаб тұрдым.

- Биз, дұхтур, Сизни яна бир марта огохлантирамиз, ағар Ширмоқнинг уйига яна бир бор қадам қўйсанғиз тухумдек пачақлаб, қовундек пулалаб ташлаймиз, ҳеч ким хабар томмайди. Сиз бу ерга көлиб чоришингиз билан түрга чиқибсиз, бошка тилда гаплашамиз. Сиз уни йўлдан урдингиз. Ҳозир ҳам әдабингизни беришимиш мумкин эди-ю, лекин бу гал ҳам кечирамиз, - деди Ширмоқнинг акаси. У қорониулик ичидә туриб галирарди-ю, аммо суроби аслидан ҳам баҳайбатроқ кўринарди назаримда.

- Сизлар менга бекіудага таҳдид қиляпсизлар, ағар меннинг гуноҳим бұлғанда эди, бу таҳдиidlардан қўрқмай ишни давом эттираверардим. Мен үзимни дұхтурлік вазифамни бажардим. Менниң бурчим ииссонларни даволаш. Майли. Сизларча бўлсин. Бундан бўён мен у томонга оёқ босмайман, - дедим.

- Дұхтур, Сизнинг оёқ босишингиздан биз ҳабардормиз. Елини чиқарсанғиз тезда тарқалади деди Зардак.

Зардакнинг бу гапларидан вужудим ларзага келди. Лекин үзимни қўлга олишим, оғир бўлишими лозим эди. Менниң әхтиётсизлик билан биттагина айтиган сўзим уларнинг қазаб үтига керосин қўйгандай бўлиши турган гап эди. Улар аввало мен билан даҳараки жант қилиб, сўнгра қўл-оёқ жангига ўтилға тайёр эдилар.

- Ҳотиржам бўлингилар! Мен Ширмоқга қўл теккизганим йўқ. Борған бўлсам ҳам беморни даволаш учун бордим. Зарур бўлса сизларни ҳам даволашга тайёрман.

Улар қайтиб кетипди. Бирор соатлардан кейин Мадали ақа иккى чўпон билан чайлага кириб келди.

- Зардак Ширмоқнинг уйи томон кетди. Бу лаънати бундай бевакт у ерда нима қилар экан? - хавотирланиб сўради у.

- Қачон кетди? - сўрадим шошилиб.

- Ҳозир. Мен томонга бир қарадиу, индамай ўтиб кетди.

- Бұндай бұлса дарс әқалаб секін орқасидан бораман, - дедім үрнімдаң туриб.

- Ўзи яkkами ёки шериги ҳам бормиди? - яна сүрадім.

- Яна бир киши Хиңгоб күнригидаң үтиб Чормағ-закон томонға кетди, аммо қоронжидә қимлигини таный олмадым.

- Зардак билап Ширмоқнинг акаси бир неча дақықа илгари шу ерда әдилар. Мени құрқитмоқчи бўлиб келишибди, таҳдид қилиб кетишди.

- Ҳозир у томонға бориб нима қиласан?

Уларнинг даҳмазаси сенға нима учун көрак? Нима Ширмоқ арчилган тухуму Зардак уни лупшилатиб еб қўядими? Санғак ўлди. Ҳуррам стим бўлиб қолмасин деб Ширмоқга уйланмоқчи, вассалом, иштамом, - Сенға нима? - деди Мадали ака.

- Бирор воқеа рўй берса, мешга яна ортиқча ташиниш. Қани борайчи, сұхбатлари бежапжалу тинч ўтса, ўзимни кўрсатмай келавераман, - дедим йўлга тулиб.

- Ҳой, дұхтур тұхта, Зардак Ширмоқга аввалдан хуштор бўлған. У Ширмоқ билан бўса-бўс қиласа сен гўдакка ўхшаб томошабин бўлиб ўтирасанми? Якравлик қилма, борма, - деди Мадали ака ва уни, туз учун келган ва ишларини битириб кетмоқчи бўлған иккала чўпон билан пималар ҳақидадир гапланиди.

- Бұндай бұлса мен бу кишиларни кузатиб орқаңдаң стиб бораман, - деди у яқинроқ келиб қулогимга. Биз келишиб олдик. Мен уйга яқинроқ бораману, Мадали ака эса настда кутиб туради, керак бўлса ўзини кўрсатади, акс ҳолда уларнинг орқасидан унинг бу ёнда пойлаб юриши одобра тўғри келмайди.

Мен ўна илгариги таниш ўйл билан чашма томондаң Ширмоқнинг уйига яқинлашдим. Улар Қаттиқ-қаттиқ гапиришарди.

- У раҳмати сенинг укаш әди. Унинг ариноғини ҳурмат қилмайсанми? Үлганига оллик кун бўлмай мен сен билан қўшилайми? Агар сенинг истагинг шу бўлса тўрт ой ўп кун то идда ўттунча сабр қил. Шундан кейин тўрт кишини олиб келиб, қоида

юзасидан никохиншта ол. Ҳалол қилиб ол. Пешонамга биттани шу бўлса. Сендан ҳазар қилишимниш фойдаси йўқ, лекин шуни билгинки, сен билан ҳаром йўл билан қўшилмайман.

- Сен ҳийлангни йигинтири. Бу одатни бугун бир томонга қўй. Ўтиш сафар аёллик узринг бор эди, бу сафар «ида» ўтсин дейсан. Лекин духтурни ҳеч қандай баҳонасиз қабул қиласан. У сенга ром бўлиб қолган.

Уйда афтидан икковларидан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

- Қасам ичаманки, мен у билан қўшилмаганман. У мендан баҳра олмаган ва буни талаб ҳам қилмаган. Билмасдан тухмат қиласан.

- Сен, Ширмоҳ бу кечадан энди мендан қутилмайсан. Мен сен билан бирга шу ерда ётаман. Хотингликка оламан деб акангта ҳам айтдим. У менинг бу ерга келганимни ҳам билади. Ўзингни бекуда қийнама. Бугун муродимга стишним керак. Мен сенга яхшилик билан бутун бойлигиму давлатим, ҳамма молу мулким сенини бўлсин деялман. Шунча йиллар давомида менинг ҳаёлим, ақлу ҳушим фақаттина сенда эди. Кўнглам сени дерди. Сен менинг кўз олдимдан бир дақиқа ҳам узоқлашмагансан. Биласанми. Мен сенсиз яшай олмайман. Ҳа, яшай олмайман!!!

Бу гаплар қулоқларимга барадла эшитилиб турарди. Чамаси бу гап Хуррамни Чормағзакда тоғасининг ёки Зардакниш уйида икковларини ёлғиз колдириш учун қасдан олиб қолишгаҳди.

- Агар шу гап бўладиган бўлса, майли чашмадан сув олиб кел, сув қолмабди. Чой дамлайлик. Иннай кейин очман, бироз тамадди қилиб олай. Аnavу тўшту қовурдоқдан иситай. Ўша оқшом келтирган шишалардан бор, иккаламиз отамлайлик, кутубхонада ишлаб юрганимда ичганимни биласанку. Майшат бўладиган бўлса, дурустроқ бўлсин-да. Ўсл учин сув иситайлик, аввал бориб сув келтир, - деди Ширмоҳ. Аммо Ширмоҳининг рост танираётганига асло ишонгим келмасди. Яна шубҳа ошибиб у тақдирга таш бериб, бу эркак билан ҳамхоба бўлишга розилик билдири ва ниҳоят униш хотини

бўлиб қолади деб гумонсирай бошладим. Аёлларнинг мижози суст бўлади. Ноchorу ноиложликдан тан беришади. Ахир улар асоссиз «бевафо» деб ном олишмаган-ку. Мен уни эҳтиёт қиласдим, авайлаб, асрардим, исми жисмига мос малоҳат, ҳусн олиҳаси деб билардим, ёмон йўлга кириб кетишини истамасдим. Ҳамма гапларига, айниқса, покдомонлигига ишонардим. Аммо ҳозир эса у мен кўрган билган Ширмоҳга асло ўҳшамасди. Мен ўзимни чашма томондан тезлик билан уйнинг бошқа томонига олдим. Харсанг орқасида туриб Зардакнинг унинг бу гапларидан шоду мамнун бўлиб челякни кўттарганича ташқарига чиққапини кўрдим. Унинг кетидан Ширмоҳ ҳам чиқди. Бу орада ой ҳам анча кўтарилиб чор атрофни сутдек ёритиб турарди. Зардак чашмадан сув олиб келиб ҳар иккаласи уйга кириб кетишгач, Ширмоҳнинг гаплари чинлигига асло шубҳа қолмайди ва бу ерда туришлик одобдан эмас, мен орқамга қайтиб кетаман, дедим ўзимга.

Зардак терисига сифмай, чашма томон кетаётганида Ширмоҳ унинг орқасидан таҳдидли қичқириди:

- Ҳой Зардак, - деди у айнан ана шундай жиддийлик билан мен томонга қарама-ю, жойингда тўхта!

Бу кутилмаган нидодан ҳайратда қолган Зардак итоатлик билан жойида таққа тўхтади. Бу қичқириқдан мен ҳам таажжубда эдим.

Дарҳақиқат, бу ҳайқириқ оҳангি анча нохуш эди. Уларнинг орасидаги масофа беш ёки ўн метр келар эди, холос.

- Мана бу ов милтиғи отангдан мерос бўлиб қолган, бор-йўғи битта ўқи бор эди. Тақдирда у сенинг насибанг экан. Сонингдан пастини нишонга олиб шу битта ўқни узаман, - дедио милтиқни тўғрилаб тепкини босди. Варанглаган овоз эшитилди-ю, Зардак «ух» деганича жойига ўтирди. Ширмоҳ милтиқни бор кучи билан улоқтирди. У учиб бориб тошга урилиб чилпарчин бўлди. Бу воқеа кўз очиб юмгунча, бир зумда рўй берди. Мен гўё яшин ургандай ўрнимда чақмоқ оташига айлангандим.

- Сизлар бегуноҳ, муаллимни калтакладиларинг.

Муаллим ҳалигача оқсаб юради. Мен сизларнинг барча жабру жафоларининг дош бердим, аммо жинни бўлмадим. Бир умр чўлоқ бўлиб қолгину, кишилар менга зўрлик қилганлитингни ва менинг қўлимдан чўлоқ бўлганингни билиб қўйишсин, бу оқшом сен учун бир умрга унутилас хотира бўлиб қолсин, - деди Ширмоҳ жойида турганича.

- Майли, сен мени ўлдир, лекин мен сени барига бир севаман, - деди Зардак оёғини ушлаганича.

- Ўлсанг ҳам сени севмайман, - деди унга жавобан Ширмоҳ. Милтиқнинг гумбурлаган садоси нариги томонда акс садо бориб Мадали акани қўрқитиб юборибди. У гўё Зардакни мени отди деб ўйлабди, чамаси «нима гап, нима гап» деганича шошиб-пишиб етиб келди. Мен ҳам ўрнимдан туриб унга яқинлашдим.

- Ҳой эркаклар, сизлар қаердан пайдо бўлдиларинг? Нега қараб турибсизлар? Ахир, ёрдам берсаларингчи? Бу аёл ишқи билан, киприк ўқлари билан ҳам қизлик пайтидаёқ жигаримдан урганди. Энди эса Сангак милтиғининг ўқи билан болдиримдан урди. Оёғимдан қон кетяпти, - деди нола килиб Зардак.

- Ножӯя иш қиалдинг, латта олиб кел, мен унинг оёғини боғлай, - дедим Ширмоҳга. У менга ўқрайиб тикилди, мен упинг бу қарашларидан ҳайратда қолдим. У ўрнидан жилмай юзларини қўллари билан яшириб йигларди.

Мадали ака Ширмоҳнинг уйидан оқ рўмолча топиб чиқди. Ўқ болдирига тегиб ўтган, аммо сугагига заар қилмаганди. Ярасини маҳкам боғлаб Мадали ака иккаламиз уни ярим тунда уйига олиб бориб ётқиздик. Ширмоҳ ҳам ўша кеча ўғлининг акасининг ҳовлисидан топиб Мурод бобонинг уйига келибди ва унга бўлган воқеани бирма-бир айтиб берибди. Мурод бобога Сангакнинг миниб юрган отини Зардакка, сигиру бир неча қўйини эса акасига беришини васият қилибди. Агар етим молидаи парҳез қиласа сотиб пулини Хуррам учун сақлаб қўйисин. Бунинг учун Ширмоҳ унга ташаккур айтади, истамаса ихтиёри ўзида.

Асалари қутиласини исгаса Мурод бобо парва-

риш қылсын, истамаса харидор топилса сотиб пулни Хуррамга атаб олиб қўйсин, рўзғор буюмларини Зардак ўз уйига олиб кетсин, дея тайинлабди.

Кейин Хуррам билан эрталаб соат олтида геологларининг Хингобдан келган машинасига миниб шаҳарга жўнабди-ю, қаерга боришини Мурод бобога айтмабди. Ҳар гал мен Зардакнинг ярасини ювив боғлаганимда у менга дерди:

- Духтур Мирзо, Ширмоҳ айбдор эмас. Айб ўзимиизда. Мен унга ўзимни севдира олмадим, у донишманд эди, биз эса жоҳилу нодон. Майли кетсин. Аммо юриб-юриб бир кун эмас бир кун яна келади, бу ер ўз жойи. Ундан кўнглим совуди. Бахтини топсин, мен қарши эмасман. Лекин сиз духтур, мендан хафа бўлманг.

Мен Сиздан беҳудага гумонсираб хато қилған эканман. У ҳар сафар шу мазмундаги гапларни такрорлаб узр сўрарди.

Бир куни Зардакнинг уйидан кетаёттанимда пастда, унинг уйи баландликда жойлашган эди, Зардакнинг ориққина хотини менинг йўлимни тўсиб деди:

- Духтур, Зардак мендан юз ўтирган эди, ҳамма айб ана шуларнинг ўзида. Ширмоҳнинг айби: ҳусни, овози, гапириши эди.

Менинг жигарим энди оғримаяпти. Зардак ҳам менга меҳрибон бўлиб қолди, энди қийнамайди. Аёлнинг ранг-рўйига назорат ташладим, дарҳақиқат унинг юзларига қизиллик югуриб, ўзи ҳам жонланиб қолгаиди.

- Айтганингиз рост бўлсин, - дедиму йўлимда равона бўлдим. Бу сентяярнинг охирларида рўй берганди. Ҳаво салқинлашди, чўпонлар бору будларини эшакларига ортишиб, рамаларини олдиларига солишиб йўлга тушгандилар. Мен «Хайр, Чорбог’ек» дейдиган кун ҳам яқинлашиб қолгаиди. Чўпонлар сўнгти рамаларини ҳайдаб олдинга тушишса, мен ҳам улар кетидаш машинага минаман. Мана ўша кун ҳам етиб келди. Менга «ГАЗ-69» машинаси юборишиди. Менинг жўнашимни эшишиб эрталаб Мурод бобо билан Гавҳар хола чайлә одидда пайдо бўлишди. Ахир, Гавҳар хола - менинг тутишган онамку.

- Бобо, сизлар чолу кампирлар мени «ўғил» деб атаган эдиларинг. Оталик ва оналик ҳурматларинг учун мана бу қўй радиосини қолдириб кетаман. Мана бу керосинка, косаю товоқ ҳам сизларга - дедим уларга.

- Биз ҳам сиздан кўп яхшиклар кўрдик, ўғлим. Кампиримни даволадингиз, ўзингиз яхши биласиз, бизнинг жойлардаги картошка қандек ширин бўлади, икки қопни тиклаб қўйдик. Биздан совға, невараларга олиб боринг, - деди Мурод бобо чайла эшиги олдида туриб.

- Ҳа, ўғлим йўқ деманг, машинангизни ғизиллатиб биз томонга қайтарингу қолларни ортинг. Бир сават олма ҳам териб қўйдим, - чолига тарафдорлик қилиб ва мени совғани олишга ташвиқ қилиб деди Гавҳар хола.

Зардак ҳали ҳам оқсанди. Аммо Ширмоҳнинг акаси ҳамон наридан четлаб ўтиб кетарди. Мурод бобонинг айтишича акаси Ширмоҳнинг унга молу қўйларини қолдириб кетганидан жуда хурсанд бўлибди. Зардак ҳам бир куни Ширмоҳ унга Сангакнинг отини багишлаганини айтиб олийҳимматлик нишонаси деб айтганди. Зардак ҳам кетишимни ўғли Неъматдан эшишиб хайрлашиш учун йўл бошига чиққанди. Чорбовак аҳлидан бир неча киши менга оқ йўл тилашиб орқамдан узоқ тикилиб қолишиди. Мен уйга оиласам қошига, қайтаётганимдан кўнглим хулинуд эди. Бошқа жиҳатдан эса мана шу одамлар ва воқеалар билан хайрлашаётганимдан ўзимни ғамгин ҳис қиласдим.

Духтур Мирзонинг Сангвору Тавилдара яйловларининг Чорбовакда тезоқар Хингоб дарёсининг икки соҳилида, ўтказган тўрт ойлик сафари саргузашти ана шулардан иборат эди.

- Ҳа, айтгандай, Туробовни сўраяпсизми? Ўша пайт унга қаттиқ жазо бериб вазифасидан бўшатган эдилар. Уни жиноятчи сифатида жавобгарлика тортиши керак эди. Аммо унинг учун қонунда бундай модда йўқ экан.

- Кимдан эшийтдингиз? - дейсизми?

- Маланг чўпон билан Толибни кўргани борган эдим. Кейинчалик Мадали aka уйимга келди. Буни менга ўшилар айтишиди.

- Асли Варзик қишлоғиданман. 1927 йил 21-сентябрда зиёли оиласида дунёга келгандын. Ўрта мактабни тутатгач, бир муддат Фарҳод ГЭСи қурилишида иштирок этдим. Намангандаги икки йиллик ўқитувчилар институтида таълим олдим. Орасарай қишлоғидаги ўрта мактабда ўқигувчилик қилдим, - деб ўша кунларни ёдга олдилар Мутеулло ака, - қишлоқ одамлари ниҳоятда содда, меҳмондўст экан. Бу дунёда яхши одамлар кўп. Айниқса, Эрали акани айтмайсизми, уйларидан жой бериб, менга ўз фарзандлариdek меҳрибончилик кўрсатдилар. Айтмоқчи, у кишини ҳамқишлоқлари Эрали қассоб дейишади. Сиз уларнинг фарзандларини танийсиз. Ҳамиджон, Аминжон, Отажон, Сотволди, Шарифжон исмли ўғиллари бор. У ерда бир неча йил ўқитувчилик қилдим, кейин Душанбе Давлат Университетини битирдим. Сўнг Душанбес шаҳрига газетага ишга таклиф этилди. Шу баҳона бўлиб, нон-насиб экан, бир умр ушбу шаҳарда қолиб кетдим. Бу орада Москва олий партия мактабида ҳам таҳсил олиб қайтдим.

«Тожикистони совети», «Комсомоли Тожикистон», «Маориф ва Маданият» газеталарида, «Ирфон» наприётида бўлим мудири, бош муҳаррир, масъул котиб вазифаларида ишладим. Бу орада «Сарбаланд одамлар», «Сувободлик», «Дарё ўзанини ўзгартирмоқчи», «Ширмоқ», «Замин қадри одам билан», «Таниш пайраҳалар», «Одамлар ва соҳиллар», «Раззоқи олам» каби қисса ва очерклар тўпламларим, «Уч қисса» қиссалар мажмуаси нашр қилинди.

Сұхбат давомида шуни билиб олдимки, ёзувчи таржима соҳасида ҳам жаҳон адабиёти дурдонала-ридан кўпгина ҳикоя ва қиссаларни тожикчага ўтирган экан.

М. Нажмидинов «Тожикистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони ва Тожикистон ҳамда Ўзбекистон Республикаларишинг Олий Кенгаши фахрий ёрликлари билан мукофотланган.

- Ўрлим, сиздан бир илтимосим бор, - деб сұхбатини давом эттири мәхмөн. - Ўзим шу тупроқда туғилиб, улрайган бүлсам-да, ўзбек тилида бирорта ҳам китобимни чоп эттирмаганман. Сизларнинг олдингизда қарздорман. Ёшым ҳам бир жойга борди. Тез-тез она юртимни соғынадиган бўлиб қолдим, - дедилар қўзларига ёш олиб. - «Ширмоҳ» деган қиссам тожик тилида нашр қилинган эди. Уни таржимон Омон Жуманов билан ўзбек тилига ўтироқдамиз. Қиссамни олиб келаман, иккаламиз кўриб чиқсан. Босмахона раҳбари Шукурхон Тониҳожаев ҳақида илиқ гапларни эшилдим. Корхонасида босилаётган китобларнинг сифати марказдағи босмахоналардан қолишмас экан. Шу ерда чоп эттирамиз.

Мен баҳоли қудрат қўлимдан келганича ёрдам беришга тайёр эканилигимни билдиргандим, у киши фикрларини яна давом эттирилар.

- Айтмоқчи, асосий гап қолиб кетибди. Чустий домла ҳақларидаги хотира китобингизни ўқиб, сиз ҳақингизда суриншилдим. Учрашиб сұхбатлашиши кўнглимга тутиб қўйгандим. Китоб учун сизга раҳмат, - дедилар ўринларидан туриб қўлимни маҳкам қисиб. Мен ҳам у кишига миннатдорчилик билдиридим.

- Мен ҳам Чустий домла билан учрашиш баҳтига мұяссар бўлғанман. Бу табаррук инсон менга устозлик қылғанлар. У кишининг маслаҳатлари билан келажагимни белгилаб олгандим.

Бу воқеа шундай содир бўлған эди. Фашизмга қарши уруш аланга олиб, дунёнинг ярмини қамраб олган пайтлар. 1943 йили Чуст туман комсомол қўмитасининг биринчи котибаси, замонасиининг доною зебо жувонларидан бири Маҳбуба Сайдова Наманган вилоят, Чуст туманидан бир гуруҳ йитит-қизларни Фарҳод ГЭСи қурилишида қатнашиш учун олиб борган эди. Сирдарёни тўсиш ишлари ёзда чидағ бўлмас даражада иссиқ ва қиша суюк-

Бу воқеанинг бўлганига ҳам икки йилдан кўпроқ вакт ўтди.

- Энди сиз Ширмоҳ қаерда? - деб сўрайсизми?

- Агар ўзини кўрмоқчи бўлсангиз концерти куни томоша залида, суратини кўришни истасангиз зълонлар афишасидан топамиз. У шундайин бир аёлки, ҳусни юзининг ўзи бир томоша, овози эса бошқа бир томоша. Концерт зали овози учун бир бор тўлса, ҳуснини кўриш учун иккинчи марта тўлади. Гўзаллик шайдолари дилбарона одоби на-зокати учун бир марта қарсаклар чалишса, унинг қўшиқлари тароватидан завқ олишиб иккинчи марта қарсак чалишади. У санъат олийгоҳида сиртдан ҳам ўқиди, ҳам ишлайди. У мақоми мавқенини топиб халқнинг севимли ҳофизи даражасига кўтарилиди. У не-не шаҳарларда гастролда бўлмади дейсиз. Дунёнинг кўпгина мамлакатларини томоша қилди. БАМ да бўлди, Эрон-Афғонистон, Германия ва Францияга бориб санъатимизни намойиш қилди, шуҳратини оширди. Сиз уни яхши танийсиз.

Мен баъзи мулоҳазаларга бориб уни «Ширмоҳ» деб атадим. Аслидачи номи бошқа. Ўша Хингоб дарёси лабидаги уйда ёзиб олган қўшиқни ҳозир магнитофондан эшитасиз, - деб духтур ўринидан турди-ю, лентани қайтарди. Жарангли, ширадор, қувноқ ва майин овоз бир зумда уйни тўлдириб юборди. Бу овозни киши агар юз бор эшитса ҳам яна ва яна қайтадан эшитишни истарди, уйга, ҳаётга меҳр-муҳабbat руҳи кириб келди.

- Икки - уч кун бўлдим Дарвозда меҳмон...

Чорбоакда отасининг фарзанди бўлган эрса, энди у халқ фарзандига айланди. У вақтда кичкина бир-икки қишлоқ кишилари уни танишса, энди бутун мамлакат ва унинг ташқарисида ҳам танишади.

Бизнинг давримизда ҳақиқий истеъдод эгаси тезда қадру қиммат ва мартаба топади. Лекин бунда ўзининг ирода кучи ҳам аҳамиятта эга, - деди бу қиссани бошдан оёқ қулоқ солиб тинглаган тажрибали донишманд киши.

МУАЛЛИФ ВА УШБУ КИТОБ ҲОМИЙСИ ҲАҚИДА

1996 йил август ойининг боплари. «Чуст ҳақиқати» газетаси таҳририяти Мавлоно Лутфуллоҳ по-мидаги истироҳат боғининг рӯпарасидаги икки қаватли бинода жойлашган эди. Ҳодимлар билан йиғилишни тутатаётган эдим, котиба қиз кириб келди.

- Сизни бир мўйсафида киши кўрмоқчилар, - деди.

- Майли, кирсинглар, - дедим.

Хонага ўрта бўйли, соchlарига оқ тушган, истара-си иссиқ киши салом бериб қадам ранжида қилди.

- Мутеулло Нажмиiddиновман, - дедилар ўзлари-ни таништириб.

Мен бу инсонни тапимасам-да, у киши ҳақида эшитгандим. Ҳамшаҳрим, истеъоддли ёзувчи Муҳаммад Ҳакимзода бир куни Сотим Улуғзода ва Мутеулло ака ҳақида гапириб берганди. Хонада бироз сұхбатлашганимдан сўнг, меҳмонни Камарсада боғига таклиф этдим.

Ўша куни бу сўлим гўша узоқ-яқиндан келган меҳмоналар билан гавжум эди. Дастлаб, Мавлоно Лутфуллоҳ мақбаралари, сўнг Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммадшариф Сўфизода ва ғазалинис шоир Чустийнинг ҳайкалларини зиёрат қилдик. Ташқарида ҳаво ҳарорати иссиқ бўлса-да, бу ердаги булоқлардан қайнаб чиқаётган зилол сув, кўкка бўй чўзган азим дарахтларнинг сояси бояни салқин қилиб турарди. Йўлаклар атрофига экилган алвон, сарик, оқ раигдаги атиргуллар қийғос очилган. Чойхона биноси устунларига илиб қўйилган тўрқовоқдаги бедана, какликлар тинмай сайрар, азим садақайраючларга қўниб олган күшларнинг «чугур-чугур»и унга жўр бўлар эди. Суҳбатимизни «Оғалар чойхонаси»даги шинам сўрида, бир пиёла чой устида давом этирдик.

дан ўтиб кетадиган даражада изгирии бўлса ҳам асло бўшашибди. Мен қурилишда Наманган вилояти ёшлари бригадасининг бошлини эдим. Мусобақада ғолиб чиққанимиз учун йигилиш бўлиб, менинг бригадамга пул мукофотлари топширилди. Ўша куни эрталаб «Бекобод ҳақиқати» газетасида домла Чустийнинг ёш қурувчилар меҳнатига башшланган шеъри босилиб чиқди. Мен бу шеърии ёдлаб олган эдим. Мана ўша ғазалтинг ҳатуз ёдимда қолган байти:

*Халқ мақол дерлар гул эмиш одам қўли,
Одам аҳли ул тиконлар ўрнини раъно қилур.*

Ўша куни қани энди, Чустий домлани кўрсам-у бир учрашсан, деган ниятда эдим. Йигилишдан сўнг домла билан дийдорлашиш баҳтига мұяссар бўлдим.

- Сиз, ўзлим, қаердансиз? Наманганнинг қайси туманидан бўласиз? - деб сўради шоир.

- Чуст туманиданман, - дедим.

- Э, ҳа бир жойдан эканмиз-ку, Чустий деган шоирни эшитганмисиз? Ўша шоир менман, - деб таништирилар ўзларини.

Мен бутун Ўзбекистон ва Тожикистанда ўзининг ҳузурбахш ғазаллари билан машҳур бўлган киши, яъни шоир Чустий олдида ҳайратланиб турардим. Ўзимни тамом йўқотиб қўйган эдим. Ҳар иккала республиканинг хушхон ҳофизлари унинг ғазалларига ажойиб куйлар басталаб ижро этардилар. Шоир Чустийнинг довруғи ўзбек ва тожиклар яшайдиган ҳамма жойга ёйилган эди. Шундай одами менинг олдимда камтарона туриб ўзини таништираётганига ақдим ҳайрон эди.

Маълум бўлишича, у киши яқин кунларда Сирдарёни бўғиш ва унинг сувини янги ўзанг солиб юбориши муносабати билан Фарҳод ГЭСи қурувчи-лари ҳузурига уларнинг бунёдкорлик ишларини улуғлаш мақсадида Ўзбекистон раҳбарлари билан бирга келган экан.

- Мен бинокорлар ҳақида шеър ёздим, шу ерда «Бекобод ҳақиқати»да босилди. Сиз уни ўқидингизми? - сўради у киши.

- Ўқидим, ўқидим, - дедим саросимага тусиб. Юқорида зикр этилган байтни ёдан айтиб бердим.

- Афтидан шеър сизга маъқул тушган кўринади, ларров ёдлаб олибсиз, - мақтаб қўйди Чустий. Домла ўшанда мен кимнинг фарзанди эканимни сурадилар. Кейин насл-насабимни суриштиргач, катта ҳурмат ва ғамхўрлик оҳангига маслаҳат бериллар.

- Албатта, бу қурилишда ишлаш фойдадаи холи эмас. Одам ҳаётни ўрганади, қийинчиликларда чиниқади. Аммо ёшлиқда бирор илм, касб-ҳунар ўрганиб, кейин ишланса, нур устига аълодир. Толиби илм ҳамма давр ва замонларда ардоқли бўлган. Агар одамлар орасида азиз бўлишни истасангиз, илм ўрганинг. Инсон дилининг чироғи билим, ақлнинг сайқали билим. Дилингизга доимо ёғду сочиб туради. Уни ёшлиқда йигадилар. Кексайгач, афсусланиб қолинишгиз мумкин, -дедилар оталарча насиҳат қилиб. - Келаси йилдан, албатта, бирор мактабга кириб касб ўрганинг.

Шу вақтгача ҳеч кимдан бунчалик панд-насиҳат эшитмаган эдим. Балки, ота-онам айттан бўлсаларда, ўз вақтида қулоқ солмагандирман. Эҳтимол, умр бўйи қалам ҳақи билан ғонимни ҳалоллаб еб келишим у кишининг қанду асалдан ҳам ширин насиҳатларининг менга кор қилганидан бўлса керак.

Шоир Чустийни учта ном билан аташарди. Аввалио -Чустий, Набиҳон ака, унинг тенгқурлари ва ҳатто мўйсафидалар ҳам у кишини ҳурмат юзасидан шундай ном билан чақиришар эди. Яна кўп кишилар уни Чустий домла дер эдилар. Бу шунинг учунки, у киши бошдан оёқ, айтишларича, эскича илм, дунёвий ва охират илмларидан яхши хабардор бўлганилар. Шуни айтишим керакки, ҳамма шоирлар ҳам домла унвонига сазовор бўлавермаган.

Чустий домла дейилиши мавлоно дейин билан баробар. Мавлоно деб эса илм ва шоирликда пешқадамлик мақомини тутган одамларнингина айтгилади. Мен комил ишонч билан Чустий ўзбек ғазал-нависларининг Мавлоноси дея айта оламан.

1959 йилда мен «Тожикистони совети» газетасида адабий ходим бўлиб ишлардим. Кузнинг охирларида Ўзбекистонда тожик адабиёти ва саитъати ҳафталиги ташкил этилди. Бундай тадбирлар икки ҳалқни яқинлаштиради ва меҳру оқибатини юксалтиради. Меҳмонларга Чижатой боғидаги меҳмонхонадан жой беришган эди. Шу срда Мақсад Шайхзода, Сотим Улуғзода, Чустий ҳамда мен учрашиб сухбатлашиб қолдик. Бу гурунт анча давом этди. Хайрланиша туриб Улуғзода Чустийга деди, - Домла, охирги таржималарнингизни ўқидим, таққослаб кўрдим. Мазмунни шаклга мослаб, аъло даражада ифодалай олибсиз. Бу ҳар бир таржимон шоирнинг қўлидан келавермайди.

Чустий домла унга жавобан бундай деди:

- Ташаккур, Сотимхон. Бу юксак баҳоингиз учун сиздан миннатдорман.

Чустий домла билан илк кўриштанимга ўп олти йил бўлган бўлса ҳам у киши мени танидилар. Аммо вақт зиқ эди. Биз кўпроқ гапланаш олмадик. Орадан бир йил ўтгандан сўнг Чустта келдим. Туман партия қўмитасининг биринчи котиби Самараҳон Каримов билан кўришиш мақсадида қабулхонасига бордим. У кишининг ҳузурларида Чустий домла бор эканлар. Котиб бўшашларини кутиб турдим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан чеҳрасидан доим нур ёғилиб турадиган, ўрта бўйли, истараси иссиқ киши хонадан чиқиб мен билан самимий кўришди. Бу Чустий домла эдилар. Мен Самараҳон Каримов билан анча сухбатлашиб, хайрлашиб чиқсан, қабулхонада Чустий домла мени кутиб ўтирган эканлар. У киши мени ўнг қўлимдан тутиб, оталарча меҳрибонлик билан йўл бошладилар. Сотим

Улуғзоданинг ҳаёти билан қизиқдилар. Ҳали ҳам-
маси яхши бўлади, дедилар. Сўнгра мени бозор
ёнидаги чойхоната бошладилар. Кўп ўтмай домла-
нинг танишлари, тенгқурлари, ихлосмандлари
бирин-кетин кела бошладилар. Чойхонанинг икки
тарафидаги сўрилар одам билан тўлди. Набихон
ака мени ёри биродарларига таништирилар. Бир
зумда дастурхон усти ширин-шакар мевалар билан
тўлиб кетди. Шоирга нисбатан халқнинг эътибори
ва эҳтироми олий ва юксак даражада эканлигинча
яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

Учрашувнинг сўнгида биз домланинг қизлари
ишлайдиган савдо ташкилотига келдик. Бундан
хабар топган Нозимахон бизга пешвуз чиқди. Шу
топда Нозимахон отасини узоқроқ яшаб, қанду
асалдан ҳам ширинроқ ғазаллар ёзиб халқнинг
руҳини кўтариб, кафтида ҳам олиб юришга тайёр,
деган фикрга келдим, - деб сұхбатларини якунла-
дилар Мутеулло ака. Мен ҳозир ҳам таниқли ёзув-
чи билан бўлган сұхбатимни бот-бот эслаб тура-
ман.

Ўша учрашувимиздан сўнг орадан икки йил ўт-
гандан кейин хонамда ишлаб ўтирсам, телефон
жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарсам, таниш овоз,
«Бу менман, Мутеулло Нажмидиновман, таҳри-
риятнинг янги биноси қаерда?», - дедилар.

Мен манзилимизни айтдим. Ўн дақиқа ўтмасдан
устоз стиб келдилар. Хоналарни бирма-бир кўздан
кечирдилар. Сўнгра мента юзланиб, «Тўғрисини
айтсам, Чустга келганимда албатта таҳририятта
кириб тураман. Ҳар сафар бошиқа бинога кўчиб
ўтган бўлади. Раҳбар узоқ йиллар ишласа-да, ун-
дан бирон из қолмаслиги ҳам мумкин. Энди газе-
танинг муқим манзили бор. Яхши иш қилибсиз», -
деб мени дуо қилдилар ва фикрларини давом эт-
тиридилар:

«Мен сизга айтсам «Ширмоҳ» қиссамни ваъдага
вафо қилиб ўзбек тилига Омонбой Жуманов билан
ўғирдик ва уни «Бир мухаббат тарихи» деб номла-

дик. Бироқ китобнинг номини шошилиб қўйдик, лозим топсангиз уни ўқиб чиқиб сарлавҳани ўзгартирангиз мақсадга мувофиқ бўларди. Босмахонада чоп эттириш учун «Адаб» нашриётининг директори К. Мирзоевнинг розилик хатини ҳам олиб келдим ҳамда Чуст туман ҳокими ва шаҳар ҳокими номига ёзилган Тожикистон ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби Ҳакимов Асқар Алимовичнинг китобни Чуст туман босмахонасида чоп этиш ҳақидаги мурожаатини ҳам олиб келдим», - деб китобнинг қўлёзмасини ҳамда хатларни қўлимга тутғаздилар.

Сўнг: «Душанбеда қиласиган ишларим бор. Уни якунлаб тезда қайтаман. Сиздан илтимос, китоб билан танишиб туринг», - дедилар. Мен розилик билдиридим. Самимий хайрлашдик. Шундан сўнг устоз билан телефон орқали боғланиб турдим. Бир сафар жиндай тоблари йўқлигини айтиб, «Тузалсам албатта бораман» - дедилар. Бироқ 2001 йил вафот этганлари тўғрисида хабар келди. Афсус, устоз ниятларига етолмадилар.

Мана, орадан анча вақт ўтди, Мугеулло аканинг ўша қўлёзмалари ҳануз жавонимда сақланмоқда. Дарвоқе, адабнинг ижодий сарчашмаларига ва машаққатларига шоҳид бўлган бир совға ҳам бор. У сифатли чармдан ишланган бежиримгина портфель. Оддий бўлсада мен учун фоят қимматли ҳисобланган бу ёдгорликни устоз ўз қўллари билан менга тухфа этган эдилар. Халқимиз орасида ҳамиятли инсонлар кўп. Балки ушбу асарни китоб ҳолида чиқиши, ўқувчиларга етиб бориши учун ҳомийлик қила оладиган кишилар топилиб қолар. Мен уни шундай, икки қўллаб хурмат билан бундай инсонларнинг қўлига топширадим.

Мугеулло Нажмидинов ҳақидаги хотираларим «Чуст ҳақиқати» газетасида эълон қилинди. «Соғинч» номли китобимга ҳам киритилди. Газсга ва китобни ўқиган ҳамشاҳрим тадбиркор Замирахон Увайсова Мугеулло аканинг «Бир муҳаббат тари-

хи» китобига ҳомийлик қилиш истагини билдири-
ганларида қувончим ичимга сифмай кетди. Ахир
устоз китобларини ўзбек тилида чиқишини қанча-
лар орзиқиб куттган эдилар.

- Адибимизниң тириккликларида ушбу китобни
чоп этгирин орзулари ушадмаган экан, келинг уни
биз амалга оширайлик. Зеро, руҳлари шод бўлса, -
деди Замирахон. Мен ўзимнинг миннатдорчили-
гимни билдиридим. Ана менинг ўзбегимнинг аёли!

1962 йил оддий ишчи оиласида дунёга келган
Замирахон шаҳардаги 1-ўрта мактабни битиргач,
Низомий давлат педагогика институтининг педагоги-
ка - психология бўлимида таҳсил олади. У бир
неча йил болалар боғчасида тарбиячи, катта тарби-
ячи, мудира лавозимларида фаолият олиб борди.
Замирахон иш билан бирга бадиий ижод билан ҳам
шуғулланиб туради. Унинг қаламига мансуб бола-
ларга аталган «Ҳар ишнинг ҳам сири бор», «То-
нишмоқдар» каби китоблари нашр этилган. Зами-
рахон оиласи, турмуш ўртоғи Расулжон ҳожи
билан икки ўғилини вояга стказган. Улар уч набира-
ниң севимли бобоси ва бувисидир.

Юргонлимиз айтганларидек, Аёл зотига Ҳақ
таоло ҳам барча хислату фазилатларни ато этган ва
улуғликийни дариг тутмаган. Буни Замирахон ҳожи
она қилаётган саҳоватпешаликларидан ҳам кўри-
ниб турибди. Замирахон китобга ҳомийлик қилиб,
уни эҳсон тариқасида кутубхоналарга, мактаблар-
га тарқатишни ният қилдилар. Китобга меҳр қўйган
инсонлар асло кам бўлмайдилар. Чунки китоб илм
манбаидир. Буининг учун Муҳаммад алайҳиссалом-
нинг ушбу табаррук сўзларини ёдга олишнинг ўзи
кифоя: «Илм эталланг! Илм - саҳрода дўст, ҳаёт
йўлларида таянч, ёғизлиқ дамларида - йўлдош,
бахтиёр дақиқаларда - раҳбар, қайгули онларда -
мададкор, одамлар орасида - зебу зийнат, душман-
ларга қарши курашда қуролдир».

Синглим Замирахон! Катта савобли ишга қўл урдингиз. Бу йўлдаги хайрли ишларингизда доимо омад тилайман ҳамда ўзимнинг чексиз миннатдор-чилигимни изҳор этаман. Зоро, адабимиз Мутеулло аканинг ҳам руҳлари шод бўлгай, бир неча йиллик орзулари ушалгай.

Китобни ўқиб чиққандан сўнг адабининг сарла-ҳа ҳақидаги сўzlари мени ўйлантириб қўйди. Шунда китоб билан танишган акам журналист ва ёзувчи Тожиiddин Иномхонов унга «Тоғларда янграган қўшиқ» деган ном қўйишни маслаҳат бердилар. Бу ном менга ҳам маъқул тушибди. Мутеулло Нажмидиновнинг ушбу қиссаси биринчи бор ўзбек тилида нашр этилмоқда. Китобининг чоп этилишида озми-кўпми ҳиссаларини қўшиган барча одамларга шунингдек, истеъододли ёзувчи Муҳаммад Ҳакимзода га алоҳида ўзимнинг чексиз миннатдорчилитими билдираман.

Мансур ИНЬОМ,
Ўзбекистон Журналистлар
ижодий уюшмаси аъзоси,
адиб.

Мансур Инъом (Мансур Инъомхонов) 1952 йили Тоҷикистон республикасининг Шаҳритуз туманида тугилган. Иномхоновлар оиласи 1967 йилда Чустга кўчиб келади. У шаҳардаги 1-ўрта мактабни битирди. Наманган Давлат педагогика олийгоҳини тутатган. Бир неча йиллар нуфузли идораларда масъул вазифаларда ва раҳбарлик лавозимларида ишлади. Шунингдек, тумандаги «Чуст ҳақиқати» газетасининг муҳаррири, республика нашри «Истеъмолчи», «XXI-ASR» газеталарининг Наманган вилоятидаги маҳсус мухбири бўлиб ишлаб келди. Ёзувчининг «Садоқат боғи», «Жўнатилмаган мактублар», «Бобурнинг кабутарлари» номли қиссалари, «Софинч», «Юракдаги гаплар» эсслари, шунингдек, «Сирларимни ёйма оламга», «Ёд этингиз камтарин Чустийни ҳам», «Орзулар гулдастаси», «Эл ардоғидаги аёллар» (ҳаммуаллифликда) китоблари чоп этилган. «Нажот чорбоги», «Қасд» номли қиссаларини нашрга тайёрламоқда.

Адабий-бадний нашр

Мутеулло НАЖМИДДИНОВ

**ТӨГЛАРДА
ЯНГРАГАН
ҚҰШИҚ**

Мұҳаррир: Нурбек АБДУЛЛАЕВ.
Тех. мұҳаррир: Нұғымхон ТОШХОЖАЕВ.
Ком. оператори: Исломхон ТОШХОЖАЕВ.
Мусақхұш: Камолхон БОБОХОНОВ.

Теришга 10.10.2012 й. берилди. Босишига 16.01.2013 й.
Рухсат этилди. Шрифт гарнитураси Bobo Peterburg UZ.
Офсет қозозига оффсет усулида босилди.
Бичими 60x84. 1/16. Шартлы босма табоги 12,0
Наширет ҳисоб табоги 12.25. Адади 500 нұсха.
Буюртма № 30 Баҳсси келишилган нархда.

«Наманған» нашристи. Наманған шаҳри,
Навоий қўчаси, 36. Матбуот уйи. З-қават.

Наприёт лицензия рақами AN-156
2009 йил 14 августда берилган

«Чуст босмахонаси» МЧЖ,
Чуст шаҳри, Сўфизода қўчаси, 8-уй.